

87.3/583б
Р-88



Жалолиддин
Румий

Ичиндаги иchinдадур



УУК: 1(575)

КБК: 87.3(5Ўзб)

P - 88

Румий Ж. Ичиндаги ичиндадур: Фалсафий-маърифий асар // Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир Н.Комилов/. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – 240 б.

ISBN 978-9943-27-365-8

«Ичиндаги ичиндадур» Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турли мажлисларда билдирган ўтлуғ фикрларидан таркиб топган. Сиз ушбу рисолани ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлиқ, инкор ва исбот, хаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз. Ва ҳамма нарса Ўзингизда, ҳамма нарса Ўзингиздан эканлигига яна бир бор иймон келтирасиз.

УУК: 1(575)

КБК: 87.3(5Ўзб)

**Улуғбек ҲАМДАМ
таржимаси**

Масъул муҳаррир:
Н. КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-27-365-8

© Мавлоно Жалолиддин Румий «Ичиндаги ичиндадур». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий (1207-1273) номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг улуф донишманidlаридан бири, беназир шоир ва бетакрор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни gox Кант, gox Спиноза, gox Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муazzам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий қўринишда намоён бўлади. Унинг олти дафтардан иборат «Маснавий маънавий» номли асарини «форс тилидаги Қуръон» деб тавсиф этадилар. Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюклиknинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди.

Жалолиддин Румий ҳозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида, султонал уламо лақабини олган улуф шайх Муҳаммад Баҳоваддин Валад хонадонида дунёга келган. Баҳоваддин Валад Муҳаммад Хоразмшоҳ билан келишолмай, оиласи, муридларини олиб, Балхдан чиқиб кетади ва Макка сафаридан сунг, Ироку Ажам шаҳарларини кезиб, ахийри Туркиянинг Кўния (Коня) шаҳрида кўним топади. Салжуқ султонлари тарафидан иззат-икром билан қабул қилинган Баҳоваддин Валад шу ерда муқим бўлиб қолади. Бу орада лаъна-

ти мұғул босқини бошланиб, Мовароуннаұр ва Хурсон үт ичидә қолади, Балхнинг тұрт юз уламоси қатал қилинади.

Жалолиддин ота юртига қайтиб келмади ва үзини анатолиялық ҳисоблаб, Румий деган тахаллус олди. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг илмий ва адабий мероси ғоят катта. Фазал, маснавий ва руబойларни үз ичига оладиган «Девони кабир» («Улуг девон»)да уч мингдан ортиқ шеър бор. Фалсафий-сұфиёна мушоҳадалар, рұхият диалектикасини қашф этиб, инсон ақдидини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган «Маснавий маънавий» ҳам бир неча минг байтдан иборат. Бундан ташқари, «Мактубот», «Фиҳи мо фиҳий» («Нимаки ундаридир — ундандир») номли асарлари ҳам мавжуд.

Румий асарлари жаҳоннинг күп тилларига таржима қилинганды, «Маснавий маънавий» ва «Фиҳи мо фиҳий»нинг усмонли туркча таржималари мавжуд. Иқтидорли ёш олим Улугбек Ҳамдам (Абдуваҳоб ўғли) ташаббус ва тайрат күрсатып «Фиҳи мо фиҳий»ни туркчадын уйбекчиги таржима қилди. Бу Шарқ тафаккуриға ташни узбек китобхонларига ноёб бир тұхфадыр.

«Фиҳи мо фиҳий» — Жалолиддин Румийнинг иллюстрированый, ҳаёт ва борлық ҳақидағи қайдлари, дүстлари ва суҳбатдошлари даврасида айтган фикрлари, баҳс-мунозараларда пайдо бўлган мулоҳаза - муқоясалари тўпламидан ташкил топган бир асардир. Бу китобни «Муиниддин Парвона» китоби ҳам дейишиади. Сабаби: унда Амир Парвона номи кўп марта тилга олиб ўтилганидир.

Чунки Муиниддин Парвона Мавлоно Жалолиддин Румийнинг мухлисларидан бўлиб, Мавлоно билан қилган суҳбатларини ёзиб жамлаган. Бундан ташқари, китобга Румийнинг дўстлари ва шогирдлари Ҳусомиддин Чалабий, Соҳиб Фахриддин, Амир Бадриддин Гуҳартош, Отабек Султон Алоиддин, Тожиддин Мўътаз Хуресоний, ўғли Султон Валад билан бўлган суҳбатларда айтган гаплари ҳам киритилган.

«Фиҳи мо фиҳий» содда форс тилида ёзилган асар, улуғ муаллиф «Маснавий маънавий»даги ҳадис ва оятлар, ҳикоят ва тамсилларга ўралган, ўта мураккаб бир фалсафий муҳокамалар асосига қурилган фикрларини бу ерда равшан ва содда қилиб тушунтириб берган. Асарни ўқир экансиз, улуғ ва ноёб бир тафаккур хазинаси устидан чиққандай бўласиз. Саратонда саҳрода толиқиб, ташна қолган одам шарқираган булоқни кўрганда қандай хурсанд бўлса, мусаффо чашма сувидан ичиб қанчалик роҳатланса, маънавиятга ташна одам ҳам Румий асарини ўқиб шундай туганмас ҳузур топади. Бунда жуда кўп масалалар устиди баҳс боради: тажрид ва тавҳид, сурат ва маъно, таваккул ва ижтиҳод, ғайб асрори ва ладуний илмлари моҳияти ва яна қанчадан қанча муаммолар ёритилади. Энг муҳими шуки, Румий мураккаб сўфиёна мулоҳазаларни оддий турмуш тафсилотлари билан тушунтириб беради, интиҳосиз қудратга эга инсон ақдининг, руҳиятининг мўъжизаларини ҳайратомуз бир тарзда намойиш этади. Румий минг йиллар давомида тўплашиб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларни омихта этолган, тасаввуф ва фалсафани қўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккирdir. Унинг қарашларида бирор бир мутассибилик, кўр-кўrona ақидапарастлик намунасини кўрмайсиз. У тийрак ва ҳушёр қўз билан дунёга назвар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганиди, инсон қалби тўридаги энг нозик, энг инжа, энг яширин сирларни ошкор этади, руҳимиз иқлимларидаги ўзимиз сезмаган қонуниятлар, заруриятларни кўрсатиб беради. Шу боис «Фиҳи мо фиҳий»ни ботиний илмлар баённомаси, ўз-ўзини, ўзликни ва илоҳни таниш китоби деб айта оламиз.

Мавлоно Румий одамни тадқиқ этади, унинг табиати ва интилишларини кузатади, ботиний жилолар ва сурилишлар, қалб силжишларини қидириб топади. Инсоннинг иймон гавҳари, буюклиги баробарида, нуқ-

сонлари — нафси, ҳирси оқибатида келиб чиқадиган ёвузылкларни таҳдил этиб, булардан қутулиш, покланыш йўллари, фазилатини баён этади.

Шу тахлит, инсоннинг маънавий камолоти йўллари, маърифатли бўлиш, файзу футуҳга, пайғамбар суннатига содик бўлишнинг аҳамияти, мұхимлиги ёритилади. Румийнинг ҳар бир фикри — бир машъала, бир чироқ, шундоққина қалба қўйиладиган зиёдир. Улуғ мутафаккир инсон камолоти учун муқтадир бир курашчи бўлиб майдонга чиқади, инсон боласини унинг ўзига таништиради, ёмонликдан нафратланиш ва яхшиликдан, илоҳийликдан фахрланишга ўргатади.

Жалолиддин Румийнинг буюклиги яна шундаки, у исломнинг улуғ шоири ва мутафаккири бўлгани ҳолда бирчча мазҳаблар ва динлардан юқори кўтарила олди, бани башарни бирлаштирувчи ягона илоҳий ғояларни олга суреб, кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи ўтиқод ва иймон, ишқ ва сифиниш, поклик ва тавбадан сўз очди: «Йўллар мухталиф, аммо мақсад бир, яни Оллоҳ ҳузури», дея Улуғ Тангри ҳақиқати олдида жами махлуқот баробарлигини исботлади. «Фиҳи мо фиҳий»да руҳ диалектикаси, инсон майллари, тушунча-тасаввурлари, эҳтиёж ва талаблари, изтироб ва қийноқлари, зиддиятлар ва мувофиқликлар, кураш ва ғалаба, йўқлик ва борлиқ, рӯё ва ҳақиқат, жисм ва жон ва ҳоказолар устида билдирилган фикрлар шунчалик чуқур ва шу қадар ёрқинки, бу фикрларни бундан етти юз йил илгари айтилганига ишонқирамай қоласиз, гўё улар бугун айтилгандай. Фалсафани Ҳегел ва Марксдан, Шопенгауэр ва Кантдан, Нитшче ва Фрейддан ўрганган кишилар «Фиҳи мо фиҳий» ни ўқиб, ҳаммаси ўзимизда аллақачон бор экан-у, ҳаммаси айтилган экан-у, дейишлари табиий. Ҳа, Румий ҳали кашф этилмаган тафаккур хазинаси, бизга етиб келмаган маънолар уммони эди. «Фиҳи мо фиҳий» шу уммондан бир дарё бўлиб оқиб келади.

Ушбу қимматли манбани таржима воситасида күнгил мулкимизга айлантираётган Улугбек Ҳамдам ва унинг нашр эттирилишига мададкор бўлган дўстларга дилдан раҳмат айтгим келади. Муazzам Шарқнинг илму дониши, маънавиятини қанча кўп ва хўб ўзлаштиrsак, фикримиз шунчагина равшан, руҳимиз шунчагина бардам бўлажак.

Н. КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор

МОҲИЯТ КАШШОФИ

Бу асар инсонни фикрлашга, фикрлаш орқали ўзлигини, ўзлиги орқали Ҳақни — Яратганни тушунингга ундаиди. Шунинг учун ҳам, «Ичиндаги ичиндадур»га бир марта ошно бўлган кўзи очиқ инсонки бор, умрбод ундан айрилмасам, дейди. Чунки асар, иншалло, ўши инсон ҳақида — сиз ҳақингизда, мен даҳимда, умуман, ҳаммамиз ҳақимизда. Бизнинг ғалимимни билинимиз ҳақида. Ахир, оламда бундан қизиқарлироқ, бундан муҳимроқ яна нима бор? Машойихлар «Ўзини билган авлиё бўлади» дея бежиз айтганинг ўзи шундай дейди: «Ривоят қиандиларки, бир подшоҳ ўғлини ҳунармандлар тұпига қўшиб қўйибди. Улар болага турли билимлардан, жумладан, илму нужумдан дарс беришибди. Шоҳ ўғли бутунлай аҳмоқ бўлгани ҳолда ўзига ўргатилган нарсаларни пухта эгаллаб олибди. Куналардан бир кун подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ҳовучига узугини беркитиб, ўғлига «Бунда не бор?» дебди. Бола «Қўлингдаги думалоқ, сариқ ва ичи бўш нарсадир» дегач, ҳукмдор ҳайратда қолиб «Аломатларини тұғри айтдинг, исмини айт» деб буюрибди. Ўғыл «Фалвир бўлса керак» деб жавоб беради. Подшоҳ «Олган таҳсилинг шарофати билан мени ҳайрон этиб, аломат — белгиларни аниқ айтинг-у, аммо фалвирнинг ҳовучга сифмаслигига қандай қилиб фаросатинг етмади?» дебди афсус чекиб.

Худди шундай, — деб давом этади Румий ҳазратлари — замонамиз олимлари ҳам қилни қирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши

билидилар, аммо ўта муҳим, ўзлари учун қолган барча нарсалардан янада яқин бўлганни, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсадан яқин бўлган борлиқ бу — уларнинг менлиги». Мавлоно Румий инсонни, аввалио, кўзини очишга ва очилган кўзлар билан ўз моҳиятига назар ташлашга ундаидики, бу билан ул валий зот инсоннинг ўзи бир бутун олам — кичик олам эканлигини уқтиради.

«Ичиндаги ичиндадур» асари улуғворлик ва соддаликнинг бир макону бир замонда сифишиб яшашининг гўзал намунасиdir. Албатта, комил инсон — авлиёлик нсори ҳақида кўплаб олиму фузалоларнинг хилмакил асарлари мавжуд. Лекин уларнинг айримларини мутолаа қиласканмиз, ўзимизни худди эртак ўқиётган боладек сезамиз. Чунки уларда тасвиirlанган авлиё ёки комил инсон гўё осмонда учиб юрган эркин қушча-ю, сизу биз зинданда — темир панжарадан уни умидсизлигини кузатиб ётган маҳбус. Қушнинг озодлигидан, чарх уриб айланишидан, баҳтидан маҳбусга не наф? Қайтага у ана шундай ҳур парвози билан бу бечоранинг ўз ҳолига кўникиб кетишига тўқсинглик қилиб, изтиробини орттиради, холос. Румийда эса ундаид эмас. Румий шоҳу гадога ҳам, олиму авомга ҳам бирдек хитоб қиласди. Ва ҳар кимнинг қаршиисига ўз ҳикматларидан бир кўприк ташлаб, бошқалар нима деса деяверсин, лекин сенинг ҳам бу йўлдан ўтишга ҳаққинг бор, ки сен ҳам ундан ўтишга муносиб ва қодирсан, фақат файрат қил-да, кел!» дейди гўё. Бошқача айтсак, Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадур» асари инсонлик ва илоҳийлик ўртасига кўйилган мустаҳкам кўприкдир.

Ҳа, асар мутолааси инсон қўнглида мудраб ётган умиднинг қайта уйғонишию қад ростлашига кўмак беради, ўзининг мавжудияти ва ҳақиқатига ишонч ҳосил қиласди. Бу жуда муҳим. Чунки Ишонч — инсон фаолиятининг доимий ташаббускори, тинимсиз ҳаракатларининг рағбатлантирувчиси бўлиши билан бир-

га одамзодни муаллақ ҳолдан, ёлғизлик ва унинг азобидан қўрувчи ҳамдир. Фарбнинг маълум фалсафий оқимининг асосида инсон — ташландик, яъни у бу дунёга ташлаб кетилган ва, бинобарин, унинг ўзидан ўзга ёрдамчиси ҳам, халоскори ҳам йўқ, деган қараш мавжуд. Ҳаёт бунинг каби юзлаб, минглаб «назариялар» учун асос бераверади. Ҳатто айтиш мумкинки, даҳрий учун ҳам, диндор учун ҳам бу дунёда оқлов-сабаблар тўлиб-тошиб ётибди. Эҳтимол, одамзоднинг ўзидан ўзга таянчи йўқ, деган даҳриёна қараш Farb дунёсининг моддий-техникавий жиҳатдан илгарилаб кетишига сабаб бўлган ўнлаб, юзлаб омиллардан биридир. Швейцар психиатри Карл Густав Юнг эса, Шарқ инсонининг руҳий жиҳатдан бақувватлигига ҳавас билан қарайдики, Румийда айни шу нарсанинг моҳияти билан чуқур танишиш имкони бор. Румийни бир миллат, бир жамият ёки бир замонгагина тааллуқли қилмай, уни ҳамма учун ва ҳамма замонлар учун қадрли айлаган асос ҳам шунда — ҳазратнинг сифат ва аломатларга эмас, балки моҳиятга — инсоннинг ўзагига эътибор берганлиги билан изоҳланса, ажабмас. Чунки зоҳир — ташқи кўринишга қаралганда инсонлар ҳар хил, уларнинг моҳияти, илдизи, табиати, эҳтиёжлари, борар жойи... эса муштарак. Шунга кўра, инсон қайси миллат, қайси жамият, қайси гуруҳ ва қайси замонга алоқадорлигидан қатъи назар, ўзига тегишли мавзулар теран ва асосли тарзда талқин қилинганидан Румий асарлари атрофида гўё бир оиланинг фарзандларида тупланишади. Бунинг учун кишида маълум бир тайёр гарлик, юқори руҳий-маънавий даража зарур, албатта. Яъни Румийни тушуниш учун у ёнган гулханнинг, ҳеч қурса, бир учқуни ўқувчининг кўнглига тушган бўлиши жуда ҳам муҳим. Шунда у моҳият асроридан вokiф бўла бораркан, ўзини Инсон ўлароқ ҳис этади! Дунёга келишдан муддао «йўлини қилиб кун кечириш — еб, ичиб, насл қолдириб ўтиш» каби биологик эҳтиёжларни қондириб яшашдангина иборат бўлмай, ак-

шаша, булар восита-ю, мақсад — руҳоний, демакки, инсоний эканлигини қалбан англайди.

Моҳиятдан сўз очиб Мавлоно Румий қўйидаги сапол жавобни келтиради:

Цедики: «Онангни нечун ўлдирдинг?»

Цеди: «Унга ярапмаган бир ишни кўрдим».

Цедики: «Аммо онангни эмас, етти ёт бегонани ўлдирсанг бўлмасмиди?»

Цеди: «Ҳар куни биттадан ўлдирайнми?»

Ҳазрат бу ўринда инсон гумроҳлигининг туб сабаби — нафс ҳақида сўз юрита туриб, демоқчи бўлади: сиз ҳадеб қилмишларингнинг оқибатини даф этишга, унорни у ёки бу шаклда хаспӯшлашга беҳуда урина-порма, балки моҳиятга теран кўзла назар сол-да, асос бўлған нафсингни (онани) жиловла, токи у туфайли ҳар куни ҳар ким билан ёқалашишга ўрин қолмасин!

Ҳазрат ўғитларидағи яна бир жиҳатга алоҳида Ҳұталиб ўтмоқ жоиз. Бу ҳам бўлса — руҳ ва жисм ўргасидаги мувозанат масаласи. Биздан кўпчилигимиз шундаймизки, руҳ ҳақида гапирилса (гарчи бу борада инсонга кам илм берилган эса-да), дарҳол руҳ-шараст бўлишга тиришамиз, қолган вақтларда эса, ўз-ӯзидан жисм бандаларига айланиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмаймиз. Асли ҳақиқат нимадан иборат? Ина ҳам тўғрироғи, қандай ҳолда биз ҳақиқатга энг кўп яқин борган бўламиз? Агар саволни шундай қўйиш мумкин бўлса, жавобни яна Румий ҳазратларидан шпитамиз: «Агар данакни чақиб, мағизини эксанг, умайди. Агар қобиғи билан бирга тупроққа қадасангчи, униш ҳодисаси юз беради». Данак мағизини руҳу, қобиғини жисм деб олинса, демак, инсон боласи бирон мақсадга етишмак учун ҳар икки асосга суюниши штур. Акс ҳолда, мақсад ҳосил бўлмас. Модомики шундай экан, одамзод яшаш ва келажакка интилиш иноссида ҳар қандай бир томонламаликдан, гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга оғиб кетишлардан тийилиб, ана ўша олтин Ҳурталик бошини тутмоғи зарур келади.

Ахир, пайғамбаримизнинг ҳеч қачон ўлмайдигандек бу дунё учун, эртага ўладигандек охират учун яша, деган ўгитлари ҳам моҳиятан юқоридагиларга ҳамоҳанг жарангламайдими! Ахир, очиқ кўз билан ҳаётни кузатувчи ҳассос қалб ва ақл эгалари ҳам айни ҳиқиқатга бот-бот дуч келадилар-ку!..

Мана шунинг учун ҳам, қарийб 700 йил аввал яратилган бўлишига қарамай, Румий асарларидан ҳаёт нафаси эсади, дегинг келаверади. Зоро, ҳазратнинг ўзлари тафаккурнинг ҳар қандай маҳдудлигини ёриб ўтишга қаратилган кескир сўзлар билан «инсоннинг ботини — ҳуррият олами» эканлигини англашга даъват этади ва шунга ундейверади.

У. ҲАМДАМОВ,
филология фанлари номзоди.

Бисмиллаҳир-роҳманир роҳийм

Эй Парвардигор, хайрли ниҳоясига етказгин.

Пайғамбар Саллаллоҳу алайҳи Васаллам буюрадири: Олимларнинг ёмони амирларни зиёрат қилгани, амирларнинг яхшиси олимларни зиёрат этганидир. Фикрнинг эшигига келган амир нақадар хуш ва омирнинг эшигига борган фақир нақадар ноҳушдир.

Халқ бу ҳадиснинг зоҳирий маъносинигина қабул қиласлан, яъни бир олим ёмон (олим) бўлмаслик учун амирни йўқламаслиги лозим, амирни бориб кўриш ўнга муносиб эмас, деб билган. Аслида, фикрнинг қиёзикий маъноси халқ ўйлагандай эмас, балки шундай: Олимларнинг ёмони амидан ёрдам олгани ва улар воситасида ўз аҳволини яхшилагани, кучга кирганидир. Амирлар менга инъом берадилар, мени изшит-икром қиласдилар ва бир яхши жой эҳсон этадилар, деган тушунча билан ва уларнинг қўрқуви остиди ўқиган кимса олимларнинг энг ёмонидир. Шу ҳолиша бу кимса амирлар тарафидан ислоҳ бўлган, билим-ғизилклардан биладиган аҳволга келган ҳисобланади. Олим бўлганда ҳам, амирлар қўрқувидан ва уларга ёмонлик қиласликдан тарбия кўрган бир инсонга пйлангандир. Энди у истаса-истамаса, ҳамма вақт бу пўлга уйғун тарзда ҳаракат этмоғи керак бўлади. Хуллас, бу важдан зоҳиран хоҳ у амирни кўргани борсин, коҳ амир унинг ҳузурига келсин, барибир, у зиёрат қиласлан, амир эса зиёрат қилинган бўлади.

Олим агар амирлар соясида олим бўлишни ўйламаса, унинг билими ибтидо ва интиҳода Оллоҳ учун қилинган бўлади. Унинг тутган йўли ва кўрсатган фамилияти савоблидир. Чунки яратилиши шундайдир, балиқ сувдан бошқа ерда яшай олмаганидек, у ҳам

бундан ўзгасини қилолмайды. Унинг құлидан келгани — шу. Бундай бир олим ҳаракатларини бошқарып йўлга солиб турган нарса ақдидир. Ҳамма ундан қўрқади ва инсонлар баъзан билиб, баъзан билмасдан у таратган нурдан баҳра оладилар. Хуллас, бундай бир олим амир ҳузурига борса, зоҳирان у зиёрат қилган, амир эса зиёрат қилинган бўлади. Аммо амир олимдан ҳамма вақт юксалишга чорловчи бир қувват — ёрдам олади, олимнинг эса амирга эҳтиёжи йўқ, чунки у бадавлатдир, нур сочаётган қуёш кабидир. Иши таъмасиз кўмак бермоқ, эҳсон этмоқдир. У тошлардан лаъл ва ёқут қила олади. Таркиби тупроқдан иборат бўлган тоғлардан мис, олтин, кумуш ва темир маъданлар ясади. Тупроқни тозалайди, ёшартиради. Дарахтларни турли-туман мевалар билан бойитади. Ишэрмаги багишламоқдир, ҳадя қилмоқдир.

Арабнинг «Биз бермоқни ўргандик, олмоқни ўрганолмадик» мақолидаги сингари олим ҳам беради-ю, бирордан олмайды. Ниҳоят, бундай олимлар ҳақиқатда зиёрат этилган, амирлар эса зиёрат этган бўладилар. Айтилганларга унча уйғун бўлмаса ҳам, хаёлимга ушбу оятни тафсир этмоқ фикри келди. Модомики, хаёлимга шундай фикр келган экан, гапирай-да, ундан қутуладай. Улуғ Тангри: «Эй Пайғамбар, қўл остингиздаги асиirlарга айтингки: Оллоҳу Акбар кўнглингизда хайр (яхши ниятлар) борлигини билса, сиздан олинганидан ҳам кўпроғини сизга беради. Сизни ёрлақайди, Оллоҳ ёрлақагувчи ва кечиргувчидир», — дея буюради. Ушбу оятнинг нозил бўлиши сабаби шудир: Мустафо (Оллоҳ марҳамат қилсин) кофиirlарни қириб ўлдирган, молларини ғанимат (қилич ҳақи ўлароқ душмандан олинган мол, пул, асири ва ҳ.к. — тарж.) сифатида олган, бир қанчаларини эса асири қилиб қўл оёқдарини боғлаганди. Амакиси Аббос (Худо ундан рози бўлсин) ҳам, буларнинг бири эди. Асиirlар боғланган, ожиз ва тушкун ҳолда йиғлаб сикташар, бутун умидларини пароканда этувчи қилич ва ўлимни кутишар-

ди, Мустафо уларга қараб кулди. Бунга жавобан: «Ана күрдингми, унда инсонлик (ожизлик — тарж.) бор, менде ожизлик йўқ, дея сўзида туриб олиши тўғри ёмисди. У бизларга қарамоқда ва бизни арқонлар ичида ўз асири сифатида кўриш билан гўё нафсларига сиптилган инсонларнинг ўз душманлари устидан галаби қозониб, уларни маҳв бўлганларини кўрарак хурсанд бўлгани ва хурсандчиликдан ўйнаганлари каби у ҳам севинмоқда, мамнун бўлмоқда», дедилар.

Мустафо (Оллоҳ марҳамат қиласин) уларнинг қўнгил-шридан кечган бу ўйни тушунди ва буюрди: «Худо сиқласин! Мен бунинг учун кулмаяпман. Балки сир кўзи билан бир қавмни жаҳаннамдан, олов ёниб турғаш қип-қизил ўчокдан ва кин билан қорайган мўришни арқону занжирлар билан торта-торта зўрлаб жангитга, ўлим йўқ бир гул боғига олиб кетаётганим ҳолда, умрнинг: «Бизни бу таҳликали жойдан у ишончли гул боғига нега судраяпсан?» дея бақириб баддуо этганинни кўрганимдан куляпман. Шу билан бирга, сиз қозир бундай бир қарашга (нуқтаи назарга) эга бўлмаганингиз туфайли айтганларимни англамайсиз ва шикиқ-тиниқ, кўролмайсиз».

Улуғ Оллоҳ буюради: Асиirlарга билдирингки: Сиз шивал аскар тўпладингиз, ўз мардлигингиzu паҳлашонлигингиза, қувват ва қудратингизга тамоман ишондингиз, ўз-ўзингизга: «Биз ундай қилайлик, муғулмонларни бундай қирайлик, шундай йўқ этайлик» дедингиз. Ўзингиздан қудратли бир қудрат соҳиби мавжудлигини эса кўролмадингиз. Мақсадни кўзлаб қинча ишладингиз, қанча тадбир олдингиз, аммо ҳиммаси аксинча бўлди. Энди ҳам қўрқув ичидагланингиз ҳолда тавба қилмаяпсиз. Сизда умид ўйқ ва тепангизда бир қудрат соҳиби мавжудлиги кўрмаяпсиз. Куч-қудратли ва шавкатли бўлганингиз вақтлар мени кўришингиз лозим. Менга тасдим бўлганингизни билингизки, ишларингиз қулагашисин. Қўрқсан пайтингизда мендан умидингиз-

ни узманг. Сизни қўрқувдан қутқармоққа ва хавф-сизлигинги тўла ишонч билан таъминланганини сизга билдиримоққа қудратим етади. «Оллоҳ кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур»¹. («Ўлимни тирикдан ва тирикни ўликдан чиқаради») ояти каримада буюрилганидек, оқ сигирдан қора сигирни вужудга келтирган, қора сигирдан ҳам оқ сигирни пайдо қиласди. Бунинг учун асир бўлган шу ҳолингизда менинг ҳозир ва нозир бўлганимдан умидингизни узмангки, мен ҳам сизнинг қўлингиздан тутай. Чунки «Оллоҳнинг раҳматидан фақат коғир қавмгина ноумид бўлур»² дея буюрилгандир. Улуғ Оллоҳ буюрадики: Эй асирлар! Агар биринчи динингиздан қайтар, қўрқув ва хавотир ичида қолган вақтингизда мени кўрар ва барча ҳолларда менга таслим бўлганингизни қабул этар бўлсангиз, мен сизни бу қўрқувдан қутқараман: таланганди зиён кўрган молларингизнинг ҳаммасини, балки ортифи билан ва яна-да яхшиларидан сизга қайтариб бераман. Сизни ёрлақайман. Охират саодатига, дунё саодатига яқинлаштираман.

Аббос: «Тавба қилдим, тутган эски йўлимдан қайтдим» деди.

Мустафо (Оллоҳнинг раҳмат ва баракоти бўлсин):

«Худо бу айтган гапинг учун далил кўрсатмоғингни истайди» деди.

Байт: Ишқ даъвосида бўлмоқ қулай, фақат бунинг далили ва шоҳиди бордир.

Аббос: «Бисмиллоҳ, қандай далил истайсан?»

Пайғамбар: «Қўлингда қолган молларни қувватлашилари учун ислом аскарларига тарқат. Агар мусулмон бўлган эсанг, ислом ва мусулмонликнинг яхшилигини истамоғинг лозим» — деб буюриши билан у «эй

¹ Қуръон, 35-сурә, 13-оят. Бу ва бошқа оятлар Алоуддин Мансурнинг таржимасидан олинди - тарж.

² Қуръон, 12-сурә, 87-оят.

Рисулуллоҳ, менинг нимам қолди ўзи? Ҳаммасини талон-тарож қилдилар, менга эски бир бўйра ҳам қолшрмадилар» — деди. Бунга жавобан Пайғамбар (Оллоҳ салоти бўлсин): «Курдингми, тузалмадинг, қандай бўлсанг, ўшандайсан, ўзгармадинг. Мен сенга қанча молинг борлигини ва уни қаерда сақлаётганингни, кимга берганингни, қаерга кўмиб беркитганингни айтайинми?» деб буюриши билан Аббос: «Худо сақласин!» деди. Пайғамбар: «Молингдан шунчасини онангни бермадингми? Шунчасини фалон деворнинг тагига ўммадингми? Ва унга (онангга): Агар қайтсам, менга тоғиширасан, қайтмасам, бунчасини фалон иш учун сарфлайсан, бунчасини фалончига берасан, бунчаси ёси сеники бўлади» — дея батафсил васият қилмаганинг?» — дея буюрди. Аббос буларни эшитиши билан шаҳодат бармоғини кўтарди ва садоқат билан иймон келтирди-да, «Эй Пайғамбар! Ҳақиқатан мен сени ҳам эски маликлар Хоман, Шаддод ва Намрудлар каби фақат дунёвий бир давлатнинг соҳиби деб билардим. Буларни буорган вақтингда мазкур давлатни гизли, илоҳий ва раббоний бир давлат эканлиги аттлашилди» — деди.

Мустафо (Оллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин): Тўғри гапирдинг: Бу сафар ичингдаги шубҳа зуннорининг узилганини ҳис қилдим, саси қулоғимга келди. Менинг руҳим ичкарисида гизли бир қулоғим бор. Кимки шубҳа, ширк ва инкор зуннорини парчаласа, мен шу гизли қулоғим билан у сасни эшиитаман, чунки унгланда чиққан сас менинг руҳ қулоғимга етади. Иди сен ҳақиқатан ҳам тўғри бўлдинг ва иймон келтирдинг» — деб буюрди.

Мавлоно бунинг тафсирида шундай деди: Мен буни Амир Парвонага (унинг ўзи учун) айтдим: «Сен аввал, мусулмонликнинг боши бўлдинг ва «Исломнинг абалойлиги ва мусулмонларнинг кўпайиши учун фикримни, тадбиримни, ҳатто ўзимни фидо қиласин» дединг. Ўз фикрингга ишониб, Худони кўрмай қолганинг

ва барча нарсани Оллоҳ Таолодан билмаганинг учун, Тангри сенинг бутун саъй-ҳаракатларингни исломнинг кучсизланишига сабаб қилди. Сен татар билан бирлашдинг. Ҳолбуки, шу тарзда шомликлар ва мисрликларни йўқ, қилмоқ ва ислом вилоятларини қириб тугатмоқ ишига ёрдам берган бўлиб чиқяпсан. Натижада, исломнинг мангулигига сабаб бўлган нарса ушбу вазиятда унинг заифланишига омил бўлмоқда. Шунинг учун бундай аҳволда юзингни Азиз ва Жалил бўлган Оллоҳга ўғир. Ўзингни ёмон вазиятдан қутқармоқ нијатида садақа бер. Ундан (Оллоҳдан) умидингни узма, Оллоҳ сени ундай бир тоатдан бундай бир исёнга тушириб қўйибди. Сен эса бу тоатни «ўзимдан» деб ўйладинг ва шунинг учун ҳам гуноҳкор бўлдинг. Энди бу гуноҳкорлигинг билан ҳам умидингни узма, ёлбор. У сенинг тоатингдан исён яратгани каби исёningдан ҳам тоат яратмоққа қодирдир. Бу сабаб сенга надоматлик ҳиссини туйдиради, яъни мусулмонларнинг кўпайиши учун файрат кўрсатмоғингни таъминлайди ва исломнинг қуввати бўла олишинг учун сабаблар яратади. Умидингни узма, чунки кофир бўлганлардан бошқа ҳеч ким Оллоҳ раҳматидан умид узмайди.

Мақсадим унинг (Парвонанинг — тарж.) буни тушуниши, мушқул аҳволида садақа бериб, Худога ёлборишига эришмак эди. Жуда юксак бир ердан ўта тубан бир аҳволга тушиб қолганига қарамай, умидли бўлиши учун унга шу гапларни айтдим.

Улуғ Тангри алдовчиидир. У гўзал шакллар кўрсатиб алдайди. Шакллар орасида ёмонлари ҳам бор. Буни инсоннинг «Менга чиройли бир фикрлар ва яхши бир иш юз очди» дея ўзини алдаб, фуурланиши учун қилади.

Агар ҳар бир кўринган нарса кўрингани каби бўлсайди, жуда ўткир ва зийрак кўзлар соҳиби Пайғамбар: «Нарсани менга бўлгани каби кўрсан» — дея фарёд этмасди. У бу билан шундай демоқчи бўлади: Эй Раббим! Аслида хунук бўлган нарсани гўзал, гўзал

нарсаны эса хунук қилиб күрсатыпсан: бизга ҳамма нарсаны қандай бұлса, үшандай күрсатгінки, тузоққа тушмайлык ва йұлимизни ҳеч вақт йүқтотмайлик.

Энди сенинг фикринг ҳар на қадар гүзәл ва порлоқ иса-да, униқидан яхшироқ бўлолмайди. Ўзингдаги ҳар бир фикр ва ҳар бир тасаввурга ишонма, ёлбор-да, қўрқ.

Чунончи, ҳатто қўшинлар юборган шу онимизда ҳам, уларга (қўшинларга) ишонмаслигимиз ва талофотга учраб, қўрқув ва ожизлик домига тушган вақтимизда иса, Оллоҳдан умидимизни узмаслигимиз керак.

Пайғамбар юқоридаги оятни (сўзни) ўз мақсадига мувофиқ равишда айтди. Менинг ҳам айтмоқчи бўлган нарсан шу эди.

ФАСЛ. Биттаси: «Мавлоно ҳеч нарса демаяптилар» — деди. Мен дедим: «Бу одамни менинг хаёлим ҳузуримга келтирди ва менинг хаёлим унга: «Қалайсан, қандай аҳволдасан?» дея бир сўз сўйламади. Гапирмасдан хаёлим уни бу ёқقا тортди. Агар менинг ҳақиқатим уни сўз айтишидан қайтариб бошқа бир жойга олиб борса, бунга нечун ҳайрон бўлиш керак экан?

Сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. Модомики, соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Сўз баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир. Агар бир инсон юз минг мӯъжиза ва каромат курса, иммо унда валий ва набийга уйғун бир бўлак бўлмаса, бирлашмайдилар ва бунинг фойдаси ҳам йўқ. Уни валий ва набийга боғлаган, улар севгисини кўнглида орттирган нарса ўша омухта — ўртоқ парчадир.

Агар бир жисм таркибида оҳанрабо билан муштарак бўлган бир парча бўлмаса, у жисм ҳеч қачон оҳанрабо тарафига кетмайди, яъни тортилмайди. Улар орасидаги бир хиллик гизли бир нарсадир, кўзга кўринмайди.

Инсон хаёлидаги нарса уни ўз орқасидан етаклайди. Масалан, боф хаёли бокқа, дўкон хаёли дўконга олиб боради. Фақат бу хаёллар ҳақиқатни яширади. Чунончи, бир нарсанинг хаёли сени ўзига тортди ва сен у томонга кетмоқдасан. Чунки хаёл сенга у нарсанни гўзал қилиб кўрсатган. Бироқ келгач, пушаймон бўласан ва ўзингга ўзинг: «Буни яхши деб ўйлабман, аслида, ундан эмас экан» дейсан. Шунинг учун ҳам, хаёллар ичига кимдир яширинган чодирлар ўхшайди. Қачонки, хаёллар йўқолиб ҳақиқат юз кўрсатса, пушаймонлик ҳисси ҳам сени тарк этади: сени (ўзига) тортган ҳақиқат сени жалб этган ҳақиқатдан бошқа нарса эмасдир. «У кун яширин нарсалар ошкор бўлади» (Куръон). Аслида, жалб этган нарса биттадир. Фақат кўп кўринади. Ахир, кўрмаяпсанми, бир инсоннинг турли-туман юзларча орзуси бордир: «Шилпидоқ истайман, қатлама истайман, ҳолва истайман, қовурилган гўшт истайман, мева истайман, хурмо истайман» дер. Бу айтган нарсаларнинг асли битта, у ҳам бўлса, очликдир. Очлик ёлғиз бир нарсадир. Инсон овқатнинг биридан еб тўйгач, «бошқасини истамайман!» дейди. Бундан англашиладики, ўн ва юз сонлари йўқ, фақат бир бордир.

«Уларнинг ҳисобини (сонини) кофирлар учун азоб ва машаққат айладик» (Куръон) дея буюрилгани каби бу инсонлар қаршисига ҳисобдек оғир бир иш чиқади. Масалан, бунга «Бир», наригиларга эса «юз» дейдилар, яъни валий учун «Бир» ва халқ учун «юз минг» дейдилар. Бу катта гуноҳдир. Валийни Бир, бошқаларни Кўп кўрмоқ куриш ва англаш йўлини йўқотмоқдир, улкан фитнадир. Чунки сиз уларни кўп, валийни эса бир кўрмоқдасиз. «Уларнинг ҳисобини кофирлар учун азоб ва машаққат айладик» ояти шунинг учун буюрилди. Қайси юз, қайси эллик ва қайси бири олтмиш? Қўлсиз, оёқсиз, ақлсиз ва руҳсиз бир тўп инсонлар тилсим ва симоб каби қайнаб турибдилар. Энди сен уларга олтмиш, юз ва ёхуд минг, бунга эса бир де. Бу янг-

лиш. Балки улар ҳечдиirlар ва бу бир деганинг минг, юз минг ва юзмингларча Бир ҳисобланади. Худди «Бизнинг қавм аҳолиси оз, аммо ҳужум қилингданда кўпаяди» деганларидек.

Подшоҳ бир аскарга юз кишилик маош тайин этганди. Бундан қолган аскарлар норизо бўлдилар. Подшоҳ ўз-ӯзига: «Бир кун келар, сизга қўрсатаман, ўшанда бунинг сабабини тушунасизлар», — дерди. Жанг куни келди. Аскарларнинг ҳаммаси қочди, ёлғиз у кишигина жанг қилди. Подшоҳ: «Мана шунинг учун мен унга кўп пул бердим», — деди.

Инсон ўзининг фарқлаш хоссасини ҳар турли фараздан тозалаши ва диндан ёрдам қидириши лозимдир. Цин эгасини танийди. Фақат сен умрингни фарқ этиш хоссасидан маҳрум бўлган кимсалар билан кечирганинг учун билмайсанки, унинг яхшини ёмондан фарқ этиш васфи заифлашган ва энди динни, яъни инсоннинг ҳамроҳини таний олмайди.

Сен танани боқдинг, аммо унда фарқлаш хоссаси йўқдир. Фарқ этиш бир сифат. Ахир, қўрмаяпсанми, жиннинг қўл-оёғи бор, фақат фарқлаш хусусияти йўқ. Фарқлаш сендаги латиф бир маънодир ва сен кечаю кундуз ундан маҳрум бўлган нарсани (яъни танани — тарж.) боқишига ҳаракат этмоқдасан. Унинг бу билан тирик эканлигини баҳона қилмоқдасан, ҳолбуки, бу зам у билан тириkdir. Бу қандай ишки, сен фарқлашдан тамоман маҳрум бўлганни боқдинг, вояга етказдинг ва вақтни вужудингни едириб-ичириш билан ўтказдинг-да, у латиф маънога, яъни фарқ этиш кудратига парвосиз бўлдинг! Сенинг тахмин қилганингдек, бу (тана) у (маъно) билан тириkdir, у бу билан омас. У — нур, яъни латиф маъно бергувчи, кўз, қулоқ ни бошқа деразалардан, агар булар бўлмаса, яна бошқа тирқишлардан ўзини қўрсатгувчи. Бу худди: «Куёшни чироқ билан кўраяпман» деб, қуёш қаршиига чироқ келтириб қўйишга ўхшайди. Аслида, чироқ бўлмаса ҳам, қуёш ўзини сенга қўрсатаверади. Чи-

роққа нима ҳожат? Оллоҳдан умидни узмаслик кепрак. Умид — ишонч йўлиниң боши. Йўлда юрмасанг ҳам, доимо йўлниң бошини кўзла. «Нотўғри ишлар қилдим» дема, тўғриликни тут. Ўшанда ҳеч қандай эгрилик қолмайди. Тўғрилик Мусонинг ҳассаси кабидир, эгрилик эса сеҳргарларнинг сеҳрига ўхшайди. Тўғрилик ўртага чиқиши билан уларнинг ҳаммасини ютади. Агар бир ёмонлик қилган бўлсанг, ўзингга ўзинг қилгандирсан. Сенинг ёмонлигинг ўзгага қандай таъсир қиласди.

ШЕЪР: (Қара, анави тоғ бошига қўниб учган қуш тоғнинг нимасини орттириди ва нимасини камайтириди?)

Сен тўғри бўлсанг, уларнинг ҳеч қайсиси қолмайди. Эҳтиёт бўл, умид узма!

Шоҳларга яқин юрмоқ шу нуқтаи назардан таҳликали эмас, яъни хоҳ бугун, хоҳ эртага бўлсин, кетажак бош барибир кетади. Ушбу жиҳатдан эса хавфли: Шоҳларнинг нафси кучайиб бир аждарҳо сингари бўлади. Уларга яқин бўлиб, дўстлигини ҳимоя қилиб, молларини қабул қилган кимса мутлақо уларнинг раъйига кўра гап айтади. Ранжимасин дея, уларнинг номақбул ўй-тушунчаларини ёқтиради ва гапларини қайтаролмайдилар. Шунинг учун ҳамма вақт бир хавф мавжуддир. Чунки уларнинг (подшоҳларнинг) тарафи олинаркан, асл тараф сенга ёт — бегона бўлиб қолади ва бунинг динга заари бордир. Сен у тарафни ҳимоя қилганингда, азиз бўлган бу тараф сендан юз ўгиради ва сен дунё аҳли билан қанчалик чиқишсанг, унинг сенга шунчалик fazabi келади. «Оллоҳ золимларга ёрдам берган кимсага ўша золимни бало қилиб қўяди» (Ҳадис). Сенинг у томонга қараб кетишингнинг оқибати ҳам шундай. Чунки, модомики, сен у тарафни ҳимоя этаркансан, натижада, уни ўз бошингга бало қиласжакдир.

Денгизга бориб, ундан фақатгина бир кўза сув олмоқ билан қаноатланиш — ачинарли. Денгиздан олиш мум-

кни бўлган дур — жавоҳирлар ва бошқа қанчадан-
кича нарсалар бўла туриб, биргина сув олишнинг
нима қиммати бор? Ақдли инсонлар бу билан қандай
қилиб мақтанаадилар ва нима деган одам бўладилар?

Оlam — бир кўпик. Авлиёлар билимлари — денгиз.
Денгизнинг дури қаерда?

Бу олам хас-хашак билан тўлган кўпикдир, фақат
бу кўпик денгизнинг чайқалишидан, ўйноқлашидан
ша кўпириб қайнанишидан покланади, софланади, гўзал-
лапади.

Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар,
насл отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва ҳоказо
нарсалар одамлар ҳирсини қитиқлайди. Буларнинг
қиммаси дунё завқидир. Модомики, дунё безатилган
бўлса, унда ҳақиқий гўзаллик ва яхшилик йўқдир, бу
гўзаллик унда муваққатдир ва ўзга бир ердан келган,
демакдир. Дунё олтин қопламали сохта пул кабидир.
Яъни қийматсиз кўпик бўлган дунё қалбидир (сохта,
ялончиидир — тарж.), аҳамиятсиз ва қадрсиздир.
Унинг уст қисмини биз олтин билан сувадик. Мана
шунинг учун ҳам, инсонларни хотинлару ўғиллар, қоп-
қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув
мол-қўйлар, экинлар ва бошқа нарсалар ўзига торта-
ди, дея буюрилган.

Инсон Тангрининг устурлобидир (телескопидир —
тарж.).Faқат бу устурлобни биладиган мунахжим ло-
шм. Дехқон ёки баққолнинг устурлоби бўлгани билан
уни ишлатолмагандан кейин нима фойдаси бор? Улар
устурлобда кўринган фалаклар аҳволидан, ҳаракат-
лиридан, буржларнинг ўзгаришларию таъсирларидан
нимани ҳам тушунардилар? Кўринадики, устурлоб
мунахжим учун фойдаидир. Чунки «Ўзини билган
Худосини ҳам билади» (Ҳадис). Шу нуқтаи назардан,
устурлоб фалакнинг қандай кўзгуси бўлса, инсон ву-
жуди ҳам Оллоҳнинг шундай устурлобидир. Чунки
Қуръонда инсон тўғрисида: «Биз Одам ўғилларини азиз
қилдик» дея буюрилган.

Улуғ Оллоҳ инсонни билимли, илмли ва олим қилиб яратгани учун инсон ўз борлигининг устурлобида вакти-вақти билан Оллоҳ тажаллисини ва беназир гўзаллигини порлоқ бир ҳолда кўради. Бу Жамол мазкур кўзгуни ҳеч қачон тарк этмайди.

Азиз ва Жалил бўлган Тангрининг ҳикмат, маърифат ва каромат кийимларини кийдириб қўйган қуллари бордир. Халқнинг буларни кўра оладиган ўткир кўзлари йўқ бўлса ҳам, Оллоҳ Таоло уларни қизғанади. Улар ҳам ўзларини худди Мутанаббининг: «Хотинлар ипак кийимларни безанмоқ учун эмас, балки ўз гўзалликларини қўримоқ учун кийдилар» деганидек (ҳикмат, маърифат ва каромат кийимлари билан) ўрайдилар.

ФАСЛ. (Биттаси) : «Кеча-кундуз қалбим ва жоним сизнинг ёнингизда, хизматингизда, фақат мӯғулларнинг ишию ташвиши сабаб сизни зиёрат этишга келомаяпман», деди. У: «Бу ишлар ҳам Ҳаққа тегишлидир. Чунки булар мусулмонлик ишончини таъминламоқда. Сиз улар кўнгилларини тинчлантириш ва бир қанча мусулмонларни ҳузур-ла хотиржам тоат-ибодат қилиши учун ўзингизни мол ва жонингиз билан фидо қилдингиз. Бу ҳам хайрли ишдир. Оллоҳу Акбар сизга шундай бир хайрли иш қилмоқ орзусини бергандир. Бунга жавобан қизиқишингизнинг ортиши — Тангрининг сизга бўлган иноятидан дарак. Агар орзунгиз заифлашадиган ёхуд озаядиган бўлса, бу сизни Оллоҳ иноятидан маҳрум бўлаётганингизга бир ишорат, демакдир. Демак, Улуғ Оллоҳ бундай буюк ва хайрли ишни инсон воситасида қилинишини, унинг савоб ишлашини ва даражаси юксалишини истамаялти. Бу — иссиқ бир ҳаммомга ўхшайди. Ҳаммом иссиқлиги печкада ҳосил бўлади. Ўтин ва тезак кўринишдан ҳар на қадар хунук-да жирканч бўлса ҳам, ҳаммомчи учун иноят ҳисобланади. Чунки улар туфайли ҳаммомчнинг ҳаммоми исийди ва шу тариқа ҳалққа хизмат қиласди», — деди.

Шу пайт аҳбоб келди, (Мавлоно) узр сўради ва: «Агар сиз учун ўрнимдан турмаётган, сиз билан гаплашмайтган ва ҳол-аҳволингизни сўрамаётган бўлсан, бунинг сабаби сизни ҳурмат қилганимдир. Чунки ҳар бир нарсанинг ҳурмати ўша замонга мувофиқ бўлади. Намоз қилаётib ота-онани, ака-укани, опа-сингилни сўраб-суриштирумок, шу йўсин эътибор қилмоқ тўғри эмас. Намоз вақтида дўстлар ва қариндош-уругларга илтифот кўрсатмаслик, аслида, энг яхши илтифот ва кўнгил олишдир. Чунки сен улар сабаб ибодатдан, чуқур диний ҳолатдан айрилмайсан, ҳузур-ҳаловатингни бузмайсан ва бу билан улар ҳам, гуноҳга ботмаган бўладилар. Мана шунинг учун ҳам инсонни гуноҳга ботирган, азобга гирифтор қилган балодан чекинмоқ, илтифот ва кўнгил олмоқдир. Чунки уларга жазо берувчи нарсадан қочилгандир» — дея буюрди.

Улардан бири: «Оллоҳ олдида намоздан-да яхшироқ бўлган нарса борми?» деб сўради. У: «Ҳамнамоз бордир, аммо намоз фақатгина суратдан иборат эмас. Бу намознинг қолипидир. Ахир, намознинг боши на сўнгги маълуму мавжуддир. Ибтидоси ва интиҳоси бўлган ҳамма нарса қолипдир. Такбир — намознинг инвали, салом эса охиридир. Худди шундай, шаҳодат ҳам фақат тил билан айтилган нарса эмас. Унинг ҳам боши ва охири мавжуд. Боши ва охири бўлган ҳамма нарса сурат ва қолипдан иборат бўлади. Унинг руҳи бекиёс ва бениҳоядир, аввал-охири йўқдир. Бу намозни набийлар топган ва майдонга келтирган. Набий: «Менинг Оллоҳ билан шундай бир вақтларим бўладики, унга на Тангри томонидан жўнатилган бир Пайтимбар ва на Тангрига энг яқин бўлган бир фаришта сигади» (Ҳадис) дея буюради. Демак, намознинг мөнъяти фақат ётиб-туришдан иборат бўлмай, балки истиғроқ, яъни ўзидан кечиш эканлигини билдик. Чунки барча суратлар ичкари кироммай, ташқарида қолалилар, ҳатто Жаброилдай пурҳикмат малак ҳам у ерга сигмайди.

Олимлар султони, оламнинг қутби бўлган Мавлоно Боҳо - ул Ҳақ Ваъд Дин (Оллоҳ унинг улуғ руҳини муборак айласин) ҳақида шундай бир ҳикоя ривоят қилинади. Бир куни асҳоби уни истифроқ ҳолида учратдилар. Намоз вақти яқинлашгани учун муридлардан баъзилари «Намоз вақти бўлди» деди. Мавлоно эътибор бермади. Муридлар намозга қўзғалдилар. Фақат улардан иккитаси шайхларига эргашиб, намозга турмадилар. Намоз қилаётганлардан Хожагий исмли бир мурид қалб қўзи орқали намоз ўқиётганларнинг орқалари билан, шайх ва икки муриднинг эса юzlари билан қиблага йўналиб ўтирганларини кўрди. Чунки шайх «мен» ва «биз» даъвосидан воз кечди ва унинг «мен»лиги фано топди. Борлиғидан ҳеч нима қолмади. «Ўлишдан аввал ўлингиз» (ҳадис) ҳикмати Оллоҳ нурида ҳалок бўлди. Энди унинг ўзи Оллоҳнинг нури бўлди. Ҳар ким орқасини Оллоҳ нурига ва юзини деворга ўгирса, у орқасини муҳаққақ қиблага ўтирган бўлади. Чунки у аллақачон қибланинг жони бўлгандир. Ахир, инсонлар қибласини Пайғамбар танламаганми ва у (қибла) оламнинг қиблагоҳи бўлмаганми? У ҳолда Пайғамбарнинг ўзи қибла бўлса, янада мувофиқ бўлади. Чунки қибла унинг учун қибла бўлгандир.

Мустафо (Оллоҳнинг салот ва саломи бўлсин) бир дўстини «Сени чақирдим, нега келмадинг?» дея койиди. У: «Намоз қилаётгандим» деди. Шунда Пайғамбар: «Яхши, аммо мен сени чақирмадимми?» дейиши билан у: «Мен бир бечораман» деб жавоб берди.

Пайғамбар унга буюрдики: «Қудратли бўлган вақтингда ҳам, ўзингни ожиз ҳис этган пайтингдагидек бечора кўрмоғинг — яхши. Чунки сенинг қувват ва қудратинг устида бир қудрат бордир». Сен барча ҳолларда Ҳаққа маҳкумсан. Икки бўлак эмассанки, баъзан чорасиз, баъзан қудратли бўлсанг. Унинг қудратига боқ ва ўзингни ҳар вақт қўлсиз, оёқсиз ҳамда бечора кўр. Заиф одамларни қўя турайлик, ҳатто арслону қоплон, тимсоҳу ва ҳоказолар ҳам унинг қар-

шисида ҳечдир ва Тангридан қўрқиб титрайдилар. Ўрлар, кўклар... ҳамма-ҳаммаси ожиздир. Уларнинг бирчasi у (Тангри)нинг ҳукмига асиридилар. У буюк подшоҳдир-ки, зиёси ою қуёшнинг нурига ўхшамайди. Унинг зиёсини алмаштириб бўлмайди ва у магар пардасиз ҳолида юз очса, на кўк, на ер, на қуёш ва иш ой қолади.

Ҳикоя: Бир шоҳ дарвешлардан бирига: «Оллоҳнинг қузурида Тангри тажаллиси ва яқинлигига муяссар ғулганинг онда мени хотирла!» деди. Дарвеш: «У ҳузурни гўзаллик қуёшининг нури борлиғимга тегиши билди мен ҳатто ўзимни ҳам эслай олмайман, сени қандай эслай?» жавобини берди. Аммо Оллоҳу Акбар бир қулини танлаб олиб, уни ўз борлиғида йўқ этса ва бунинг этагини тутиб, ўз эҳтиёжини тилаган ҳар бир киши орзусини Тангри рўёбга чиқаргуси. Бунда Оллоҳ қузурида уни ёд этишлари шарт эмас.

ФАСЛ. Биттаси: «Бу ерда бир нарсани унугибман» деди. Мавлоно буюрдики: Дунёда бир нарса бор — унугибман. Агар ҳамма нарсани унугиб, уни унугибсанг, қўрқмаса ҳам бўлади. Масалан, бир подшоҳ муайян иш учун сени қишлоққа жўнатди. Сен тайинланган ишини қилмай, бошқа юз турли ишни адо этсанг ҳам, ҳеч нарса бажармаган бўласан. Шунинг учун инсон бу дунёга бир иш учун келган: ғоя удир, агар уни қилмади, ҳеч бир иш қилмаган ҳисобланади.

«Биз омонатни кўкларга, ерга ва тоғларга таклиф этдик. Улар омонатни ўз зиммаларига олишдан чекинилар, унга хиёнатдан қўрқиб, андиша қилдилар. Инсон уни ўз гарданига олди, чунки у жуда золим ва жоҳидир»³.

Кўклар ва ер ўз зиммаларига ололмаган ишни инсон олди. Унинг қўлидан келаётган ишларга боқиб, киши ҳайратланади: Тошларни лаъл ва ёқут, тоғларни

³ Куръон, 33-сурә, 72-оят.

олтин ва кумуш конларига айлантиради. Ер юзидаги ўсимликларни ҳаракатга келтириб тирилтиради ва Адан жаннати ҳолига келтиради. Ер ҳам уругни ўз бағрига олади, ҳосил беради, айбларни беркитади ва яна тушунтириш қийин бўлган юзмингларча ғалати нарсаларни қабул қиласи, майдонга келтиради. Худди шундай, тоғлар ҳам турли-туман маъданлар беради. Шунга ўхшаш барча ишларни адо этгандари ҳолда, қўлларидан бир иш келмайди. Бу иш эса ёлғиз инсон томонидангина амалга оширилади. Шунинг учун ҳам Оллоҳ: «Биз ҳақиқатан одам ўғилларини шарафлантиридик» дей буюради. Аммо ўша иш на қўкларнинг, на тоғларнинг ва на ернинг эмас, балки фақат инсоннинггина қўлидан келганига қўра инсон жуда ёмон ва билимсиздир. Агар сен: «Қўлимдан шунча иш келяпти, бироқ у ишни қилолмаяпман» десанг, бунинг ҳеч қандай қиммати йўқ. Чунки инсонни бошқа ишлар учун яратмади. Бу шунга ўхшайди: «Сен шоҳлар хазиналарида бўладиган қимматбаҳо пўлатдан тайёрланган ҳинд қиличини «Мен бу қиличини бекор ётмаслиги учун турли ишларда ишлатаман» дей келтириб, ош пичоги ўрнида гўшт тўғрасанг ёхуд олтин идишда шолғом пиширсанг, ё жавҳар билан безатилган пичоқни мих ўрнида қоқиб, унга ошқовоқ оссанг... увол бўлмасми, одамлар кулмасми? Ҳолбуки, қовоқнинг иши бир пулли тахта ёки темир бир мих билан ҳам битади. Шунга юз динорлик пичоқни ишлатиш ақд иши эмаску! Улуғ Оллоҳ сенга жуда улкан қиймат бергандир. «Оллоҳ мўминларнинг жонлари ва молларини ўз йўлида вақф этишлари муқобилида уларга жаннат бергандир»⁴.

Шеър: (Сен қийматинг ва тушунчанг билан икки оламга бадалсан. Аммо нима қилайинки, ўз баҳонгни билмаётиран).

⁴ Куръон, 9-сурә, 112-оят.

Ўзингни арzonга сотма, чунки қийматинг юксакдир. Улуф Тангри буюради: Мен сизни, вақтингизни, нафсингизни, молларингизни сотиб олдим. Агар сиз буларни мен учун ҳаржласангиз, менга берсангиз, бунинг муқобили ўлимсиз жаннатдир. Менинг олдимдаги сенинг аҳамиятинг шудир. Агар ўзингни жаҳаннам эвашга сотсанг, ўзингга зулм қилган бўласан. Худди юзлиниорлик пичоқни деворга қоқиб, унга қовоқ осган одамдек.

Сен: «Ўзимни юксак ишларга бераяпман. Фикҳ, ҳикмат, фалакиёт, тиб ва бошқа илмларни ўрганаяпман» дея баҳоналар кўрсатасан. Аслида, буларнинг бирчаси ўзинг учундир: фикҳ қўлингдаги нонни бирор тортуб олмаслиги, сени ўлдирмаслиги, устингдаги кийимингни ечиб олмаслиги ва соғ-саломат бўлишинг учундир. Фалакиёт соҳасидаги билиминг эса фалак аҳволидан хабардор бўлиш ва шунга қараб иш тутишинг учундир. Ўйлаб кўрсанг, аслинг сен бўлиб, булар сенинг ойдинлигингдир, нури - зиёингдир. Нурнинг бу қадар тафсилоти, ажойибликлари, ҳоллари ин гаройиб оламлари бўлар экан, боқ-чи, асос бўлган сенинг қандай ҳолларинг бўлиши керак? Сенинг нурингда юксалишлар, тушишлар, баҳтли ва баҳтсиз ҳоллар бўлиши баробарида, назар сол-чи, асос бўлган сенинг зиёлар оламингда қандай кўтарилишу пасанишлар, омаду омадсизликлар, зафару фойдалар бордир? Масалан, фалон руҳнинг шундай хусусияти бор, индан бундай ҳоллар кўринади ва пистон ишга ярайли, дейишади. «Мен Тангри айтгандан кечолмайман, У мени едиради ва ичиради» — деб буюрилганидек, сенинг учун емоқ ва ухламоқдан бошқа яна бир озиқ бордир. Сен бу дунёда шу озиқни унутгансан, ўзгаси билан машғулсан. Вужудингни кеча-кундуз моддий озиқ билан боқасан. Бўлса-бўлмаса, бу вужуд сенинг отингдир. Дунё — от охури. Отнинг еми унинг эгасишинг емиши бўлолмайди. Унинг ўз емиши, неъматлари бор. Аммо ҳайвонлик туйғуси сени енггани учун

ва сен отлар охурларида, отларнинг бош тарафида қолганинг учун бақо оламининг подшоҳлари ва амирлари қаторидан жой ололмайсан. Қалбинг музaffer вужуднинг ҳукмига бўйсунади ва сен ҳам унинг асири бўлиб қолгансан. Худди шунинг каби: Мажнун Лайли юртига бормоқ истаганидан ҳуши жойида бўлган пайтлар туясини у томонга ҳайдар эди, аммо хаёли Лайлига кетганда ўзи ва туяни унтарди. Шунда туя қишлоқдаги бўталогини эслаб, орқага қайрилади. Қишлоққа келишлари билан Мажнун ҳам ўзига келади ва биладики, икки кунлик йўли беҳуда кетибди. Шу тарзда уч ой давомида йўлда қолади. Ниҳоят, «Бутя бошимнинг балоси» деб ундан иниб, пиёда йўлга тушади.

Байт: (Тевамнинг орзуси орқада, менини эса олдинда. Биз ўз йўлларимиз туфайли айрилдик).

Дедиларки: Сайийд Бурҳониддин Муҳаққиқ сўзлаётганда, биттаси келди ва: «Фалончидан сенинг мадҳингни эшитдим» деди. У: «Кўрайлик-чи, ул зот қандай одам экан? Мени таниб мақтай оладиган аҳволдамикан? Мени агар сўзларимдан таниган бўлса, танимаган демакдир. Чунки бу сас, бу оғиз, бу лаб... ўткинчи, буларнинг ҳаммаси белгилардир. Ишларим орқали таниган бўлса, яна шундайдир. Аммо зотимни таниган бўлса, у ҳолда, мени танибди. Фақат шундагина у мени мақтай олади ва ўз мақтовини менга тегишли эканини биламан», — деди.

Бунга ўхшаган бир ҳикоя бор. Ривоят қиласидиларки, бир подшоҳ ўғлини ҳунармандлар тўпига қўшиб қўйибди. Улар болага турли билимлардан, жумладан, илму нужумдан дарс беришибди. Шоҳ ўғли бутунлай аҳмоқ бўлгани ҳолда, ўзига ўргатилган нарсаларни яхши эгаллаб олибди. Кунлардан бир кун подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ҳовучига узугини беркитиб, ўғлига «Бунда не бор?» дебди. Бола: «Кўлингдаги думалоқ, сариқ ва ичи бўш нарсадир» дегач, ҳукмдор ҳайратда қолиб: «Аломатларини тўғри айтдинг, исми-

ни айт» деб буюрибди. Ўғил: «Ғалвир бўлса керак» деб жавоб берибди. Подшоҳ: «Олган таҳсилинг шарофати билан мени ҳайрон этиб, аломатларни аниқ айтдинг-у, лекин ғалвирнинг ҳовучга сифмаслигига қандай қилиб фаросатинг етмади?» — дебди.

Худди шундай, замонамиз олимлари ҳам қилни қирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо ўта муҳим, ўзлари учун қолган барча нарсалардан янада яқин бўлганини, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсалар яқин бўлган борлиқ бу — уларнинг менлиги. Улар бирор бир иш тўғрисида бу — тўғри, бу — хато, бу — ҳалол, буниси — ҳаром деб ҳукм чиқаришади-ю, ўз моҳиятларининг ҳалол ё ҳаром эканлигини билмаслар. Шундай экан, шоҳ ўғли айтган ҳалиги аломатлар белгилардир, оловга ташланганда уларнинг ҳеч бири қолмас. Бундай аломатларнинг ҳаммасидан қутулмоқ зотга хосдир. Инсонга берилган иш, сўз ва ҳоказоларнинг барчаси аломатдир. Уларнинг жавҳар билан илоқаси йўқ. Улар йўқ бўлгандан кейин қолган нарса жавҳардир. Биз назарда тутган олимлар аломати шундайдир. Улар белгиларини тўғри топиб сўйлайдилар-у, бироқ ғалвирни ҳовучга сиғади, деб туриб оладилар. Чунки асосий нарсадан уларнинг хабари йўқ. Мен қушман, булбулман, тұтиман. Агар менга бошқа хил сас чиқар десалар, буни қилолмайман. Чунки менинг тилим шундай ва бундан ўзгасини сўйлай олмайман. Қуш сасларини ўрганган кимса қуш бўлмагани ҳолда, қушларнинг душмани, овчи-сидир. Ўзини қуш, дея ўйлашлари учун улар каби овоз чиқаради, ҳуштак чалади. Инсонга булардан бошқача сас чиқар, десалар ҳам, у буни қила олади. Чунки сас уники эмасдир, ясамадир. Халқнинг кийимлигини ўғирлаган ўғри ҳар уйдан бир кийимлик кўрсатишни ҳам ўрганиб олгандир.

ФАСЛ. Отабек: «Бу не лутф! Мавлоно ташриф буюрди. Тўғриси, кутмаган эдим. Ҳатто бундай шараф-

га муносиб бўлиш хаёлимдан ҳам ўтмаганди. Аслида, мен кечакундуз унинг қаршисида қўл қовуштириб, муридлари орасида бўлишим лозим эди ва мен шунга ҳам ҳануз лойиқ эмасман, бу қандай лутф!» (деди). Бунга жавобан Мавлоно буюрди: Бу сизнинг хизматингизнинг улуғлигидандир. Даражангиз азиз, буюк ва муҳимдир. Сиз ҳам юксак ишлар билан машғул бўлишингизга қарамай, ҳимматингиз баланд бўлганидан ўзингизни қусурли кўраяпсиз. Ўз ишларингиздан қониқмай, ўзингиз учун яна бир қанча нарсаларни зарур ҳисоблаяпсиз. Кўнглимиз маънан доим сизнинг ҳимматингиз ёнида бўлиши баробар суратан ҳам шарафланмоқ истадик. Чунки суратнинг ҳам улуг бир эътибори бордир. Эътибор не демак? У ҳатто ўзлик ва маъно билан тенг. Миясиз калланинг иши ҳеч нарсага ярамагани каби қобиқсиз мева ҳам етишмайди. Чунончи, бир данакни қобиқсиз ҳолда ерга эксанг, кўкармас. Қобиғи билан экканинг вақтда унади ва улкан бир дарахтга айланади. Шу нуқтаи назардан, вужуднинг ҳам буюк бир асли, хизмати бор. Ва шундай бўлиши табиий ҳамдир. Усиз бир иш майдонга келмайди. Худди шу асл маънодир. Аммо бу — маъноли, маънони билган, англаган кишилар учун шундоқдир

«Икки ракат намоз дунё ва ундаги нарсалардан хайрлидир». Бу сўз ҳамма учун эмас. Бу шундай кишилар учунки, уларга дунё моли қўлида бўлса ҳам, икки ракат намозни қилмаслик ўша молни бой беришдан оғирроқ туюлади.

Бир дарвешга подшоҳ: «Эй зоҳид!» деди. У эса: «Зоҳид сенсан» деб жавоб қайтарди. Шоҳ: «Мен қандай зоҳид бўлайин. Бутун дунё меникидир», — деди. Бунга жавобан: «Йўқ, аксинча. Кўряпсанки, бутун дунё, охират ва жамики мол-мулклар меникидир. Оламни мен олдим. Сен эса фақатгина бир луқма ва бир хирка билан қаноат этдинг», — деди дарвеш.

«Озингни қай тарафга бурсанг, Оллоҳ у ердадир»⁵. Үзимма жойда мавжуд. Чөхралар доимийдир, ўлмас-шар. Ошиқлар ушбу чөхрага ўзларини фидо қилиб, шигига ҳеч нарса истамаслар. Бошқалар эса ҳайвон шигаридирлар.

Буюрдики: Сигирлар ҳам неъматларга монанддир то оғилхонада бўлганилари ҳолда оғил эгаси ҳушлаган нарсалардир. Агар соҳиб хоҳдаса, ўз молини шоҳнинг оғилига олиб бориб қўяди, ибтидода бўлганидек, шуғулдан борлиққа келтиради. Борлиқ (вужуд) оғилдан жамоа оғилига, жонсиз борлиқлар оғилидан усмлик дунёсига, ундан ҳайвонликка, ҳайвонликдан инсонликка, инсонликдан малакликка ва шу сўнгсиз гардида илгарилатади. У сенга буларни бир-биридан тути оғиллар борлигини қабул ва эътироф этмоғинг учун кўрсатгандир.

Қуръонда: «Сиз, албатта, бир ҳолдан иккинчи бир ҳолга келасиз. Шундай экан, уларга нечун иймон келтирмайдилар»⁶ деб амр этилганидек, буни сендан олдиндаги табақаларга инонмогинг ва уларни қабулла-могинг учун намойиш қилди. Буларнинг барчаси бир нарса, дея инкор этмоғинг учун эмас.

Устод билим ва ҳунарини одамларнинг ўзларига шинониши учун ҳамда ҳали кўрсатмаган бир қанча ширифатлари ва илмлари борлигига ҳам ўзгаларни шорор қилиш учун кўрсатади. Худди шундай, шоҳ ҳам қадилар — тўнлар беради, айбларни кечиради, фуқаро кўнглини олади. У буларни ўзига доимо умид билди боқишилари ва яна нималардир кутиб яшашлари учун қиласди, йўқса, шоҳнинг берадигани шундан иборат деб, илинжларини узишлари учун эмас. Агар у фуқаронинг шундай дейишини билса, мутлақо лутф ва шивом қиласди.

⁵ Куръон, 2-сурा, 109-оят.

⁶ Куръон, 84-сурা, 19-20-оят.

Зоҳид охарни (бошқасини, файрни — тарж.) кўрган кишидир, дунё аҳли бўлса, охирни (сўнгни) кўради. Фақат Оллоҳнинг хос қуллари ва орифлар на охарни, на охирни кўрарлар. Улар назарлари аввалга тушади ва ҳар ишнинг аввалини биладилар. Масалан, буғдой экилса, буғдой битишидан (ўсишидан) воқифдирлар. Булар нодир кишилардир. Бошқалар ўртамиёна бўлганликлари учун назарлари сўнгда. Улар оғилда қолганлари учун ҳайвондирлар.

Дард доимо инсонга йўл очади Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши лозим. Акс ҳолда, инсон бу ишни қилмас. Дардсиз ва заҳматсиз иш ҳам унга мусассар бўлмас. Дунё ва охират, тижорат ва шоҳлик, илм ва бошқа ишларда бўлсин, барчасида аҳвол шундоқ. Чунончи, Марям туғиши оғриги бўлмагунча, баҳт дарахтига яқинлашмади. Қуръонда «Туғиши санчиги уни бир хурмо дарахти тўнкасига суюниш учун йўллади» дея буюрилганидек, Марямни дарахтга дард яқинлаштириди ва қуруқ, дарахт мева берар бир ҳолга келди.

Вужуд ҳам Марям кабидир. Ҳар биримизнинг Исо-миз бор. Бизда ҳам ўшандай дард пайдо бўлса, Исо-миз туғилади. Агар дард бўлмаса, Исо ҳам ўз келган йўлидан қайтиб кетади, биз ҳам ундан фойдаланмоқдан маҳрум бўламиз.

Шеър: (Жон ичкарида оч, табиат эса ташқарида сарват (бойлик) ва сомон ичида. Шайтон еб-ичишидан ошқозон касалига дучор бўлган. Жамшид нонушта ҳам қилмаган. Энди сенинг Масиҳинг ер юзида, (шу ерда экансан) дардингга даво иста. Масиҳ кўкка чиқиши билан даво ҳам қўлдан кетади).

ФАСЛ. Сўз — идрок қилишда сўзга муҳтоҷ бўлганлар учундир. Сўзсиз идрок этганинг сўзга қандай эҳтиёжи қолади? Идрок эта билган учун кўкларнинг, ернинг ҳаммаси сўздир. Ҳафиф бир сасни эшитганга бақириб-чақиришнинг нима ҳожати бор? Дунё ҳам

Қуръондаги «Бўл» (унинг амри «бўл» демак эди. У ҳамон «бўлди»)⁷ сўзидан бино бўлгандир.

Ҳикоя: Арабча гаплашадиган бир шоир бир турк подшоҳи ҳузурига келди. Ҳукмдор форс тилини билмасди. Шоир унинг шаънига жуда гўзал бир шеър ёзиб келтирганди. Шоҳ тахтда, қолган амиру вазирлар ўз ўринларида ўтирас эдилар. Шоир қўзғалди ва шеърини ўқиб берди. Шунда ҳукмдор шеър мазмунига уйғун равишда ҳаракатлар қилиб турди. У ердагилар: «Шоҳимиз шунча йилдир биздан арабча билганини иширган экан, агар ўтган давр мобайнида оғзимиздан арабча ёмон гап чиққан бўлса, ҳолимизга вой!», дедилар. Кейин ҳукмдорнинг хос қулларидан бирига «Шоҳ арабча биладими, йўқми? Билмаса, нечун муносаб бўлган ўринларда мувофиқ ҳаракатлар қилди? Бизга хабарини бер» — деб, унга қимматли нарсалардан бердилар.

Кунлардан бир кун хос қул бу масалани ечиш фурратини топди. Ов пайтида шоҳ жуда мамнун эди. Шундан фойдаланиб, ҳукмдордан ётифи билан сўраган эди, подшоҳ шундай деди: «Худо ҳаққи, мен арабча билмайман. Аммо унинг бу шеърни ёзиш мақсадини билганим, яъни шоир мени мақтамоқчи бўлганини, шеър бир восита эканини анлаганим учун илтифот кўрсатдим. Мақсад бўлмаганда шеър ҳам ёзилмасди». Шунинг учун мақсадга қарайдиган бўлса, иккилиkkа ўрин қолмайди. Иккилик тафарруотда (бўлинганлик, айрилганликда - тарж.). Асос бирдир.

Худди шундай, шайхлар ҳам агар кўринишдан турли-туман, ишлари ва сўzlари фарқли - фарқли бўлса да, мақсад эътиборлари билан бирдир — Тангрини талиб қилмоқдир. Масалан, бир саройда шамол эсса, гилмнинг четини кўтаради, хас-ҳашакни осмонга учи-

⁷ Куръон, 36-сурә, 82-оят.

ради, ҳовуз сувини ҳалқа-ҳалқа этади, дарахтни, унинг шохларию баргларини ўйнатади. Бу бир-бирига ўхшамаган ҳоллар мақсад, асос ва ҳақиқат нуқтаи назаридан бирдир. Чунки ҳаммасининг ҳаракати бир шамолдандир.

Биттаси: «Биз нуқсонлимиз!» деди. Бошқаси эса: Кишида «қандай ҳолдаман, нималар қиласапман», дея ўз-ўзини тергаш туйғусининг уйғониши дүстлик ва иноят далилдир. Чунки «Севги бор жойда ситам ҳам бўлади». Бегоналарга эмас, дўстларга ситам қилинади. Аммо ситамда ҳам ситам бор. Ситам, ундан мутаассир бўлганга, ўзи учун унинг яхшилик ва севги эканлигини билганга қилинади. Шу билан бирга ҳеч таъсир қилмайдигани борки, бу севги аломати эмас. Масалан, гиламни чангдан тозаламоқ учун калтаклашади. Ақдлилар бунга танбех бериш, демаслар. Аммо бир севган кишисини ёхуд боласини урсалар, бунга ситам дерлар. Севгининг исботи мана шундай жойларда майдонга келади. Шунинг учун, модомики, сен ўзингда бир дард ёки пушаймонлик ҳис этаркансан, билгилки, бу сенга Оллоҳнинг инояти ва севгисидан бир далилдир. Агар сен оға-инингда бир қусур кўрсанг, бу сендаги нуқсоннинг аксидан иборатдир. Одам ҳам худди шундай ойнадир. «Мўмин мўминнинг ойнасидир» (Ҳадис). Сен ўша қусурни ўзингдан узоқлаштириш. Чунки ундан ҳосил бўлган сендаги изтироб — ўзингдан чиққан ғамдир. Ундан хафа бўлганинг замон ўзингдан ҳам инжийсан.

Дедики: Бир филни суғормоқ учун сув бўйига келтирдилар. У ўз аксини сувда кўриб ҳуркиди. Аекин у бошқасидан қўрқдим, деб ўйлар, ўзидан чўчиганини эса билмасди.

Инсон ўз каллигидан ва чипқонидан ирганмас. У ярали қўлини бемалол овқатга узатади, ялайди. Бундан унинг кўнгли айнимайди. Аммо бирорнинг қўлида кичик бир чипқон ёхуд яра кўрса, бас, овқат ейишдан тўхтайди, жирканади.

Инсондаги ёмон феъллар ҳам каллар ва чигқонларга ўхшайди. Ўзида бўлганида ҳеч ирганмайди, ўзгада бўлса-чи, жирканади, нафрат этади. Сен ундан ҳуркаканингдек, у ҳам сендан чўчиса, инжиса, уни хуш кўр. Сенинг хафа бўлишинг унинг айбидир. Чунки уни кўришинг сабабли таъбинг тирриқ бўляпти-да. Шу билан бирга, у ҳам (сени) худди шундай кўради. Пайғамбар алайҳиссалом «Мўмин мўминнинг ойнаси» (ҳадис) дея буюради. Бу кофири кофирининг ойнаси бўлолмайди, дегани эмас. Унинг ойнаси бор эди, фаяқат у бундан ғофилдир.

Сиқилиб, қайгуриб ирмоқ бўйида ўтирган подшоҳ, кайфиятидан чўчиган амиру мулоғимлар ҳукмдор масҳарабозига ул-бул ваъда қилишиб «шоҳни кулдир» дейишиди. Масҳарабознинг ҳукмдорни кулдириш учун қилган барча саъй-ҳаракатлари зое кетди. Ниҳоят, чидай олмай «сувда нимани кўраяпсиз?» деб сўради. Шоҳ «бир номуссизни» дегач, масҳарабоз «эй шоҳи жаҳон, бу қулингиз ҳам кўр эмас» деб жавоб берди. Дарҳақиқат, бу — шундоқ, яъни сен бир нарсанни кўриб жирканганинг замон бошқалар ҳам кўр эмаски, сенинг кўрганингни кўрмаса.

Унинг ёнига икки «Мен» сифмайди. Чунки сен ҳам «Мен» деяпсан, У ҳам «Мен». Ё сен ўл, ё У ўлсинки, иккилик қолмасин. Аммо Унинг ўлиши мумкин эмас. Бу на зоҳирда ва на зеҳнда мумкин бўлади. «Чунки У ўлмаган бир тириkdir»⁸.

У шундай лутфкордирки, имкон бўлганда эди, сен учун ўларди. Бироқ, модомики, Унинг ўлими имконсиз экан, у ҳолда, иккиликнинг йўқ бўлиши учун ва Унинг сенда тажалли этмоғи учун сен ўл.

Иккита тирик қушни бир-бирига боғлаб қўйсанг, улар бир хил қуш бўлишларига ва икки қанотлари тўрт бўлишига қарамай, учолмаслар. Чунки иккилик мав-

⁸ Куръон, 25-сурा, 58-оят.

жуддир. Ҳолбуки, қушларнинг биттаси ўлик бўлса, учади. Зеро, иккилий йўқдир. Қуёшда у лутф бордирки, кўршапалакнинг олдида ўлади, бироқ бунга имкон бўлмаганидан «Эй бойқуш! Менинг лутфим ҳар кимга етиб борган, сенга ҳам эҳсон қилмоқчиман. Сен ўл. Чунки бунга имкон бор. Шундай қилсанг, менинг улуғлигим зиёсидан насибангни оласан. Бойқушликдан чиқиб, Яқинлик Қофининг Анқоси⁹ бўлажаксан» дейди.

Ўзини дўст учун фидо қилмоқ қудрати Оллоҳ қулларидан бирида бор эди. У Тангридан дўст сўради. Лекин Азиз ва Жалил бўлган Оллоҳ унинг истагини қабул этмади ва бандага «Сенинг уни кўришингни хоҳламайман» деган овоз келди. Аммо Тангри қули ёлбориб сўрашдан тўхтамади «Оллоҳим, менда унинг орзусини майдонга келтирдинг ва бу истак мендан кетмаяпти». Ниҳоят, унга «Агар унинг сенга кўринишини истасанг, бошингни фидо эт. Сен йўқ бўл, бу дунёни тарк айла!» дея бир овоз келди. У «Эй Тангirim, мен рози!» деди-да, дўсти учун бошини қурбон қилди. Шундан кейингина мақсади ҳосил бўлди.

Бутун дунё умрига бир куни teng қулнинг лутфи шундай бўлгач, бундай лутфни яратган Оллоҳнинг лутфи бўлмасми? Бу сенга имконсиз кўриниади, лекин унинг фано бўлмоғи мумкин эмас, бас, ҳеч бўлмаса, сен фано бўл, йўқ бўл!

Ёқимсиз кимсаларнинг бири келиб улуғ кишиларнинг бош тарафига ўтириди. Бунга жавобан Мавлоно деди: Булар учун чироқнинг устида ё тагида ўтиришнинг ҳеч фарқи йўқ. Чироқ эса ўзи учун баландда бўлишни истамайди. Борди-ю истаса, бундан бошқаларнинг фойдаланишини кўзлайди. Кимсалар эса унинг зиёсидан завқ оладилар. Чироқ хоҳ пастда, хоҳ

⁹ Яқинлик Қофининг Анқоси – тасаввуфда лисоний комиллик (тарж.).

баландда бўлсин, барибир, ўша чироқдир. Абадий қуёшдир. Улуғ зотлар юксаклик, мақом ва мавқе истасалар, демакки, халқнинг уларни кўра оладиган кўзлари йўқдир. Уларнинг мақсадлари бундай моддий ва дунёвий тузоқ билан аҳлини овламоқдир. Шу тарзда улар бундай юксакликларни ухровий (охиратга тегишли — тарж.) юксакликка йўл топмоқ учун истайдилар. Масалан, Мустафо (Оллоҳ раҳмати бўлсин) Макка ва бошқа жойларни ўз эҳтиёжи йўлида забт этгани йўқ, балки ҳар кимга ҳаёт бағишламоқ, улар қалбини нурлантиromoқ учун фатҳ этган.

«Бу қўл бермоққа ўрганганд, олмоққа эмас» (Ҳадис), дея буюрилгани каби улар халққа бериш мақсадида уни (халқни) алдайдилар. Йўқса, улардан бир нарса ундириш учун эмас.

Баъзилари заволли қушларни сотмоқ ва ёхуд емоқ учун тузоқ қўядилар. Бунга ҳийла дейишади. Аммо подшоҳ ўз жавҳарларидан хабарсиз, қийматсиз ва тажрибасиз бир қирғийни тутади. Бундан мақсад, қушни билагига ўргатмоқ, унга тарбия бериб шарафлантиromoқдир. Аммо бунга ҳийла дейилмайди. Зоҳиран бу иш макрга ўшшаса ҳам, аслида эса тўғрилик ва эҳсондир. Тошни лаъл ҳолига келтиromoқ — ўлик бир тухумни инсон айламоқ билан баравар. Ақл эгалари буни шундай биладилар. Агар қирғий ўзини нега тутганларини билсайди, тузоққа ҳожат қолмасди. Унинг ўзи тузоқни изларди, киши билагига учиб бориб қўнарди.

Халқ улуғлар айтган сўзларнинг зоҳиригагина назар солиб «Биз бундай гапларни кўп эшитдик, ичимизу ташимиз улар билан тўла!» дейди. Улар айтадиларки: Қалбларимиз қулфлидир. «Йўқ, Оллоҳ уларни коғирликлари сабабли лаънатга дучор қилди, улар жуда оз иймон келтиришади»¹⁰, оятида амр этилгани сингари коғирлар: «Бизнинг қалбларимиз бундай сўзлар-

¹⁰ Куръон, 2-сурा, 88-оят.

нинг филофидир ва биз улардан лиммо-лим тўлганмиз», дейишади. Оллоҳу Акбар уларга жавоб сифатида буюрадики: Асло! Улар билан эмас, балки хаёл, вассаса, шубҳа ва ширк билан, ҳатто лаънат билан тұладир. Чунки «Оллоҳ уларни коғирликлари сабабли лаънатта дучор қилди»¹¹. Кошкы, улар бундай алжира мағасалар эди. Ҳеч бўлмаса, ҳақиқатни қабул қилмоққа лойик бўлсалар-да, афсуски, шунга ҳам лойик эмаслар.

Улуғ Оллоҳ коғирларнинг қулоқлари, кўзлари ва қалбларини бошқа бир ранг кўришлари учун муҳрлангандир. Шунинг учун ҳам, улар ҳақида «Оллоҳ уларнинг юрагига муҳр урди. Уларнинг қулоқлари ва кўзлари пардалидир»¹² дея амр этилади. Уларнинг қалблари, яқин кишилари, улар билан мақтангандар бутун умрлари давомида бу ҳикматнинг бўйини ҳам ололмагандирлар. Оллоҳ ҳикмати бир кўза кабидирки, баъзиларга суви билан кўрсатилди. Улар сувдан қониб-қониб ичдилар. Лекин бошқаларга сувсиз кўза берилдик, улар қандай қилиб шукр қиласидар. Оллоҳдан сув тўла кўзани олган киши шукронга айтиши лозим.

Улуғ Тангри Одамни тупроқ ва сувдан яратганида «Уни қирқ кунда тамомлади» (Ҳадис), унинг қолипини барпо қилди. Одам шу кўйи ер юзида қирқ кун қолди. Лаънат бўлсин Иблисгаки, ерга тушди ва унинг қолипига кириб, томирларида айланди, кузатди ва қон-ла тўла томирни, ёғни, тўрт хилтини кўриб: «Оҳ, менинг аршнинг пойида кўрганим ва пайдо бўлиши керак бўлган Иблиснинг шу эканлиги ғалати эмасми? Шояд бу бўлмаса! Иблис агар бор бўлса, мутлақо шудир», — деди ва чиқиб кетди.

ФАСЛ. Отабекнинг ўғли келди. Мавлоно буюрадики, сенинг отанг доимо Худо билан банд эди. Унинг иймони ғолиб келганди, бу — сўзидан маълум эди. Бир кун

¹¹ Куръон, 2-сурा, 88-оят.

¹² Куръон, 2-сурा, 8-оят.

Отабек деди: Рум кофирлари «Татарга қиз бериб, динни бирлаштирайлик, янги дин — мусулмонлик йўқ бўлсин» дейишганды. Мен: «Дин қачон бир бўлибдики, энди бир бўлсин. Ҳар доим икки-учта дин бўлган ва улар ўртасида урушлар, қон тўкишлар бўлган» дедим. Буни эшигиди, Мавлоно буюрдики: Сиз қандай қилиб динни бир қиласиз? Бу фақат қиёматда мумкин. Бу ер дунёдир ва шунинг учун ҳам диннинг бир бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ерда уларнинг турли-туман истаги ва тилаги бордир. Дин — дунёда бирлашолмайди, фақат қиёматда бир бўлади. Қиёматда уларнинг ҳаммаси бирлашади, бир қулоқ, бир тил ҳолига келади.

Инсонда бир қанча нарсалар мавжуд. Масалан, сичқон, қуш... Қуш қафасни юқорига тортса, сичқон тубанга судрайди. Инсонда улар каби яна мингларча йиртқич ҳайвонлар топилади. Қуш қушлигини, сичқон сичқонлигини ташлаб, бирлашсалар, муддао ҳосил бўлади. Чунки бу нарса на юқори ва на тубандир. Исталган нарса ҳосил бўлгач, юқори ҳам, тубан ҳам қолмас.

Агар киши бирор нарсасини йўқотса, ўнгни, сўлни, орқани, одинни... ҳамма жойни излайди. Агар қидирганини топса, на ўнгни ва на чапни излайди. Буларнинг барчаси бир бўлади. Қиёмат куни назарлар бирлашади, тиллар, қулоқлар, туйғулар бир бўлади. Масалан, ўн кишининг муштарак бир боғи ёки дўкони бўлса, улар қайғуси, сўзи бир бўлади, бир нарса билан машғул бўладилар. Чунки истаган нарсалари — бир.

Қиёмат кунида ҳамманинг иши Оллоҳга тушади. Яъни барча Оллоҳ билан банд бўлади ва унда бирлашади. Худди шундай, дунёда ҳамма бир иш билан шуғулланади. Ким аёл севгиси билан, ким мол тўпламоқ, ким илм олмоқ билан банд. Улар буларнинг биридан завқ олади, хушланади. Улар: «Менинг дармоним, саодатим ва ҳузурим шундадир», — дейди ҳамда унга инонади. Бу Оллоҳнинг бир раҳматидир. Чунки инсон севган нарсасига интилади, уни қидиради, аммо тополмай

орқага қайтади. Бироз фурсатдан кейин ўзига ўзи: «Бу завқ ва раҳмат изланишга арзиди, лекин мен қидирмадим, бошқатдан ишга киришай» — дейди ва уннайди. Аммо яна тополмайди. Бу ҳол Оллоҳ раҳмати пардасиз равишда юз кўрсатгунга қадар давом этади-ю, Раҳмат юз очгандан кейин киши тутган йўли янгиш эканини англайди. Бироқ Оллоҳнинг шундай қуллари борки, улар қиёматдан аввал асл ғояга етадилар. Улар ҳозирдан охирни кўрадилар.

Али (Худо ундан рози бўлсин): «Парда кўтарила ҳам, менинг хабарим ортмаяпти», — деди. Яъни филофи ўртадан олсалар ва қиёмат кўринса ҳам — менинг хабарим бўлмаяпти, демакдир. Бу шунга ўхшайди: Фараз қиласайликки, қоронги кечада бир уйда кўпчилик намоз қилди. Аммо кундуз бўлиши билан улар қиблани аниқдашиб юзларини ўша томонга бурадилар. Шунда кечаси ҳам қиблага қараб намоз ўқиган киши юзини бурадими? Йўқ, албатта. Аксинча, қолганлар юзларини унга томон ўгиришади. Кечаси шу одам сингари ўтирганлар учун эса қиёмат кўринган ва ҳозир бўлгандир.

«Ҳеч қандай нарса йўқки, унинг хазиналари бизнинг олдимиизда бўлмасин. Биз уни фақат муайян миқдорда юборамиз»¹³ дея амр қилинганидек, сўзнинг ниҳояси йўқ. Бироқ талабгорнинг талаби миқдорида инади. Ҳикмат ҳам ёмғирга ўхшайди ва у ўз маъданида сўнгсиздир. Фақат эҳтиёжга кўра ёғади. Улар ҳар бир мавсумнинг муҳтоҷлик даражасига қараб оз ёхуд кўп бўлади. Унинг манбаси битмас-туганмасдир. Масалан, аттор шакар ёки дорини қофозга ўрайди. Лекин шакар қофозга ўралгандан иборат эмас. Шакар ва дори хазиналари сонсиз-саноқсиздир, сўнгсиздир. Ниҳоясизлик, сўнгсизлик қофозга қандай сифади?

Қуръон Муҳаммадга (Оллоҳнинг саломи ва салоти

¹³ Қуръон, 15-сурә, 21-оят.

бўлсин) нечук калима-калима инади, сура-суро тушмайди, дея фийбат қилишарди. Бунга жавобан Мустафо: «Бу нодонлар нима дейишяпти? Ахир, ҳаммаси бирдан тушса, мен эриб йўқ бўлиб кетардим», — деди. Чунки у оздан кўпни, бир нарсадан бир қанча нарсаларни, бир сатрдан бир дафтардаги (маъно) ни англай оларди.

Дейлик, одамлар орасида қандайдир воқеа гапирилмоқда. Улардан бири ана шу воқеага гувоҳ бўлгани учун бир сўзданоқ ўша вазиятни тушунади. Қолғанлар эса ҳикоянинг эшигларини қадарини англайдилар. Вазиятдан хабардор бўлган ҳалиги ёлғиз кишигина ҳикоя билан боғлиқ яна жуда кўп нарсаларни билади.

Яна эски мавзуга қайтайлик: Аттор дўконига боришинг билан, у ерда шакарнинг жуда кўп эканини кўрасан. Бироқ аттор сенинг пулингга яраша шакар беради. Ёки шакар сўраб келганингда қопингга қарайдилар ва шунга кўра ўлчайдилар. Аммо одам шакар олишга тужа қаторларида (кўп қоплар олиб) келса, бошқа ўлчов асбобларини чиқаришга буюрадилар. Худди шундай, одам борки, дengизларга қонмас, одам бўладики, бир томчи сув билан кифояланади, ортиқчаси унга зарар келтиради. Бу фақат маъно оламида, яъни илм ва ҳикматда эмас, балки ҳамма нарсада шундай. Дунёдаги мол-мулклар, олтинлар, қимматбаҳо тошлар конлари сўнгсиз ўлчовдадир. Бироқ улар инсонга баҳоси миқдорида келади. Ортиқчасини эса кўтаролмай, ақлдан озади. Ошиқлардан Мажнун, Фарҳод кабиларни кўрмаяпсанми? Уларга таҳаммулларининг устида шаҳват берилгани учун бир аёлнинг ишқида тоғу чўлларга чиқиб кетдилар. Фиръавнга қарасанг-чи, ортиқча молмулкка эга бўлгани учун Худоликка даъво қилди. «Яхши ёки ёмон ҳеч қандай нарса йўқки, унинг бизда ва бизнинг хазинамиизда сўнгсиз дафиналари бўлмасин, аммо биз таҳаммул нисбатида юбора-

миз»¹⁴ — дея буюрилгани сингари ишга яроқлиси ҳам шудир.

Ха, бу одамнинг ишончи бор, лекин у ишончнинг нима эканлигини билмайди. Нонга инонган, аммо нега инонишини билмаган бола ҳам шундай. Масалан, сувсизликдан қуриган дараҳт сувсизликнинг нима эканлигини билмайди.

Бир одам келди. Дедики: Қаерда эдинг? Жуда соғингандик, нега узоққа кетдинг? У: «Тасодифан шундай бўлди», — деди. Биз худди шу тасодифнинг бўлмаслигини дуо қилаётгандик. Айрилиқни майдонга келтирган тасодиф, бўлмаслиги керак бўлган тасодифdir. Ха, ҳаммаси Оллоҳдан ва Үнга кўра ҳаммаси яхшидир. Тўғри, ҳаммаси Оллоҳ наздида мукаммалдир, яхшидир, аммо бизнинг назаримизда бундай эмас. Чунки ифлослик, намозсизлик, нағоз, куфр, ислом, ширк ва тавҳид Оллоҳ наздида яхши. Бизнингча эса ўғрилик, ахлоқсизлик, куфр ва ширк ёмон, тавҳид, нағоз ва ҳайрат яхшидир. (Аммо буларнинг барчаси Ҳақ наздида яхши). Чунончи, ўлкасида зиндан, осмон, зарбоф тўн, мол-мулк, раяят, тўй, ноғора ва байроқ бўлган бир подшоҳ учун буларнинг ҳаммаси яхши. Зарбоф тўн салтанат камоли учун қандай бир аломат бўлса, дорга тортмоқ, ўлдирмоқ ва зиндан ҳам шундай бир омилдир. Шоҳ назарида буларнинг ҳаммаси камолдир. Байроқ халқ наздида зарбоф тўн билан дор оғочи қандай қилиб бир нарса бўлсин?

ФАСЛ. Бири: «Намоздан афзалроқ нима бор?» деб сўради.

1. Айтганимиздек, намознинг жони (руҳи) ўқилган намоздан яхшироқдир.

2. Иймон намоздан устундир. Чунки намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир. Намоз

¹⁴ Қуръон, 15-сурә, 21-оят.

урли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан идо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ. Худди мунофиқларнинг намози сингари.

Намоз ҳар динда турлича, иймон эса ўзгармайди. Аҳволи, қибласи ва бу каби нарсалари ҳам ўзгармайди. Бу фарқли жиҳатлар ҳақида айтилган сўздан кемлиб чиқаётган маъно тингловчи талаб қиласидиган дарижада зоҳир бўлади. Тингловчи хамир қораётган иши олдидаги унга ўхшайди. Сўз эса сувга. Унга муниъян бир меъёрда сув қўшилади.

Шеър: (Кўзим ўзга бировга боқаяпти, мен нима қиласай? Ўз-ўзингдан шикоят этки, кўзимнинг нури сенсан.)

Кўзим бошқага қарайапти, яъни сендан ўзга бир тингловчини қидираяпти. Мен не этай? Унинг зиёси сен. Кўзим нурининг сенинг каби юз минг дона (мисли) бўлиши учун сенинг ўзинг билан бўлмаслигинг ва ўзингдин қутулмоғинг лозим.

Ҳикоя: Жуда озғин, буришган, кичкина бир одам бор эди. Бошқалар наздида у ҳақир бир чумчуқча ухшарди. Бу одам шу қадар бечораҳол ва хунук эдиси, ҳар қандай бошқа хунук киши уни кўриши билан Тангрига шукр айтарди. Шунга қарамай, бу одам катта гапиради. Шоҳ девонида ходим эди. Ва доимо ўша ердаги бир вазирнинг жонига тегарди. Бир кун вазир: «Эй девон аҳли! Мен бу одамнинг қадини кўтардим, боқдим, ўстирдим. У бизнинг нонимиз ва неъматларимиз билан одам бўлди. Бироқ понкўрлик қилиб менга ёмон сўзлар айтмоқда!» — деди. Хунук одам вазирнинг юзига сачради: «Эй девон аҳли, давлатнинг улуғлари, аркони! Вазир ҳақонни гапирияпти, унинг нони ва неъматини еб ўсганим учун шундай ҳақир ва кулгили бўлдим. Агар бошқа бир зотнинг нону суби билан ўссайдим, юзим,

бўйим, қадрим бундан яхшироқ бўларди. У мени тупроқдан олиб турғазди. «Биз сизга яқин бўлган азобни раво кўряпмиз. У кун ҳар инсон қўлининг нима қилганини кўради ва ишонмаган: кошки, тупроқ бўлсайдим, дер»¹⁵ оятида буюрилгани каби, қани энди, ўзга бир зот мени тупроқдан олиб турғазган бўлсайди. Ўшанда бунчалик кулгили бўлмасдим», — дейди.

Оллоҳ одами томонидан етиштирилган бир муриднинг руҳи топ-тоза бўлиб, бузғунчи ва иккиюзламачи кимса томонидан етиштирилган киши мана шу хунук одам янглиғ ожиз, ҳақир ва қайғули бўлажак. У доимо тараддузданиб яшайди, туйғулари нуқсонли, ўзи эса яхши ишламайди.

Оллоҳ мўминларнинг ёридир. Уларни зулматдан ёруғликка чиқаради. Коғирларнинг ёрдамчиси Тогуттир. Уларни ёруғликдан зулматга киритади. Булар оловдаги кимсалардирки, доимо унинг ичидаги қолурлар.

Тиник сув ичидаги ҳар нарсани қўрсатгани каби инсон руҳи табиати билан бирга билим ва қўзга кўринмаган барча нарсаларни қўрсатади. Ости ва устидаги барча нарсаларга бир нарса қўшмай, айирмай қўрсатиш хусусияти сувнинг яратилишида мавжуд. Бироқ сувга тупроқ ёки бошқа ранг аралашса, бу хусусият йўқолади.

Улуғ Оллоҳ набий ва валий зотлар жўнатди. Улар ана шу улкан, тоза сувларга ўхшайди. Оллоҳнинг бундан мақсади, ҳар бир ифлос, кичик сувнинг ўткинчи рангидан ва киридан қутулиши, қутулгандан кейин эса ўзини покиза куриши билан «мен илгари шундай тоза эканман!» дея хотирлаши, кирланган, ифлос рангини фоний эканлигини билишга қаратилган. Қуръонда «Софломликдан кейин бузадилар. Оллоҳ битишмоқни

¹⁵ Куръон, 78-сурә, 40-оят.

амр этган нарсани парчалайдилар»¹⁶ дейилади. Набийлар билан валийлар уларга эски ҳолларини эсларига солади. Унинг жавҳарига янги нарса қўшмаслар. Энди у улкан сувни таниб: «Мен унданман, уникиман», деган ҳар бир кирланган(кичик) сув унга (катта сувга) аралашгандир. Улкан сувни танимаган, ўзидан айри кўрган ва уни бошқа жинсдан, дея билган ифлос сув денгизга қоришина учун бундай ранглар ва кирликларга сифинди. Қуръонда «Бир сура нозил бўлиши билан улар бир-бирларига боқадилар ва: «Ажабо, бизни бир кўрган борми?» дейдилар ва кейин кетадилар. Улар тушунмайдиларки, бир қавмдан бўлганлари учун Оллоҳ ҳам улар қалбларини қайтариб қўйди»¹⁷ оятида буюрилганидек, катта сув кичик сувнинг жинсидандир. Унинг нафсидан, унинг жавҳаридандир. Буни инкор этиш сувнинг нафсидан эмас. Бироқ сувнинг ёмон бир ўртоғи борки, унинг акси сувга уради. У Кичик сувнинг Катта сувдан (ёхуд денгиздан) ҳуркиши ўз нафсидан ёки ўша ёмон ўртоқнинг аксидан келаётганини билмайди. Бу ҳам икки нарсани бир-бирига фавқулодда қоришигандан майдонга келади. Масалан, тупроқ еган бир одам: «Менинг бу тупроққа бўлган майлим табиатимданми, йўқса, табиатим билан қўшилган бир касалликданми?» дея бунинг сабабини аниқ билмайди. Даъвони исбот қилиш учун келтирилган ҳар байт, ҳар ҳадис ва оят икки шоҳид кабидир. Бу иккала шоҳид ҳар даъво учун гувоҳлик қиласади.

ФАСЛ. Унга «У сизни кўришни истамоқда ва кошки Худовандигорни¹⁸ кўрсам, демоқда» дедик. Мавлоно буюрдики, у ҳозир Худовандигорни кўролмайди. Чунки унинг «Худовандигорни кўрайин!» дея орзу

¹⁶ Қуръон, 2-сура, 25-оят.

¹⁷ Қуръон, 9-сура, 128-оят.

¹⁸ Худовандигор – Мавлононинг лақаби.

қилиши Худовандигорни кўришига моне бўлган бир парда. Ҳозир уни пардасиз, ниқобсиз кўриб бўлмайди.

Худди шундай, инсон ҳалқнинг ота-онасига, ёр-би-родарларига ҳамда ерлар ва кўкларга, боғлар ва тогларга, қўшиқларга, билимларга, ишларга, овқатга, шаробга ва ҳоказоларга бўлган орзу, севги ва шафқатининг ҳаммаси, аслида, Тангрини севмоқ ва билмоқ эканини билади. Буларнинг барчаси ниқоб (парда)дир. Одамлар бу дунёдан кўчиб, Шоҳни ниқобсиз кўришлари билан буларнинг ҳаммасини пардалардан иборатлиги ва истаганларининг барчаси, аслида, бир нарса эканлигини кўрар ва англарлар. Шу тарзда уларнинг бутун қийинчилклари ҳал этилади ва иchlаридаги ҳар турли сўроқлар ва мушкулотларнинг жавобини оладилар. Истаган, орзу қилган нарсаларини рўйи рост қўрадилар. Оллоҳ ҳар бир саволга алоҳида-алоҳида тушунтириш бермайди, балки ягона жавоб билан бутун сўроқларни бартараф этади. Шу равишда барча мушкуллар ҳал бўлади. Масалан, қиши келиши билан ҳамма одамлар иссиқ кийимларга ўранадилар, дарахтлар ҳам совук урмаслик учун бори йўғини ичига олиб саклайди. Баҳорнинг келиши уларнинг бутун сўроқларига жавоб бўлади. Тангри бу пардаларни бир жавобга таяниб яратмишdir. Агар Оллоҳ жамоли ниқобсиз кўринса, биз унга қарашга таҳаммул (тоқат) этолмаймиз ва ундан насибамизни ололмаймиз. Биз ана шу ниқоблар воситаси билан ёрдам кўраяпмиз, яхшини ёмондан айиряпмиз, исиняпмиз. Дарахтлар ва боғлар ҳам унинг шарофати билан мева соҳиби бўлмоқдалар. Олтин, кумуш, лаъл ва ёқут маъданлари ҳам унинг таъсири билан майдонга чиқади. Воситалар билан бизга шунча фойда келтирган қуёш яна бироз яқинлашадиган бўлса, фойда бериш у ёқда турсин, ҳаммаёқни куйдириб йўқ этади. Улуғ Тангри ҳам тоқقا парда ортидан тажалли этади, шунинг учун тоғ ям-яшил бўлади, гулларга тўлади, безанади. Ҳолбуки,

пардасиз тажалли этса, тоғ ост-уст бұлади. Шунга күра, Оллоқ амр этдики: «Эй Мусо! Мен сени мумтоз қилдим. Сенга берганимни ол ва мұяссар бұлган неъматингга шуқр қылғанлардан бұл»¹⁹.

Бири: «Қиша ҳам ўша қүёш мавжуд әмасми?» — деб сұради. Мавлоно жавоб берди: Бизнинг бу ердаги мақсадимиз, бир мисол бермоқдир. У ерда на түя ва на қүй бор. Ақл уни жаҳд билан англай олмайди, шу билан бирга жаҳд қилишдан воз кечмайди ҳам. Агар воз кечса, ақл ҳисобланмайди. Ақл англаш ва тушуниш қобилиятiga молик бұлмаганига қарамай, Тангрини кеча-кундуз англаш ва сингдиришда мушоҳада қилишдан, ғайрат күрсатишдан мұстариб бұлган ва бекарор қолган нарсадир. Ақл — парвона, севгили эса шам кабидир. Парвона ўзини шамга уриши билан ёнади, бироқ ҳақиқий парвона ёнгунча шам зиёсидан айрилмайди. Агар парвонадек бир ҳайвон бұлса-ю, у ҳам шам нуридан шикоят этмай, ўзини унга урса, парвона бұлади. Агар парвона ўзини шам зиёсига урса-ю, лекин ёнмаса, демак, бу шам шам әмасдир. Худди шундай, халқ билан қизиқмаган, аксинча, ундан нолиган, унинг учун жонини күйдирмаган инсон инсон әмасдир. У ҳақни англааб ҳис этса ҳам, у тушуниб, идрок эттан Ҳақ — Ҳақ әмас. Инсон ишламоқдан, ғайрат күрсатмоқдан қочмаган, Оллоқ улуғлиги атрофида тинимсиз, хузурсиз айланған кишидир. Ҳақ эса инсонни ёқади, йүқ қиласы да У ҳеч бир ақлга сиғмайди, ҳеч бир ақл билан англашилмайди.

ФАСЛ. Парвона дедики, Худовандин менга юзи-ни күрсатмасдан олдин Мавлоно Баҳовуддин узр сұради ва Мавлоно: «Бизнинг зиёратимизга келмасин ва роҳатсиз бұлмасин. Чунки бизнинг бир қанча ҳолларимиз бордир. Бир ҳолда гаплашамиз, бошқа бир ҳолда сукут сақлаймиз, бир ҳолда одамлар билан

¹⁹ Қуръон, 171-сурә, 143-оят.

қизиқсак, яна бир ҳолда ёлғиз қоламиз, бир ҳолда эса ҳайрат ва истиғроқ ичра яшаймиз. Ҳошо! (Худо сақласин! — тарж.) Амир шундай ҳолларнинг бирида эканимизда келса, биз ундан ҳол-аҳвол сўрай олмаймиз, ҳолимиз имкон бермайди. Шунинг учун дўстлар билан гурунглашишга, уларга фойдамиз тегишга ҳолимиз бўлган пайт ўзимиз бориб, уларни йўқлашимиз яна-да хайрлироқдир, деб қарор берди» — деди.

Мавлоно Баҳовуддинга Амир: «Мавлоно мен билан машғул бўлсин, мен билан гаплашсин, деб эмас, балки(қабулига) мушарраф бўлиб, қуллари ва муридлари қаторидан жой олиш учун келяпман. Чунончи, бир куни Мавлоно машғул эди, менга юзини кўрсатмади. Кечгача мени куттиргандан кейин мени ҳайдади. Мавлоно буни менга мусулмонлар ва яхши одамлар эшигимга келгандарида, уларни куттириб, сўнгра тезда изларига қайтарсам, худди ана шундай оғир бир ҳаракат бўлишини билишим учун қилди. Бошқаларга нисбатан бундай қилмаслигим учун унинг аламини тортириди. У мени шу билан тарбия этди», — дея жавоб берди. Бунга жавобан Мавлоно буюрди: Йўқ, сизни куттиргандан кейин ҳайдашимиз, сизга нисбатан бўлган иноятимиздан эди. Ҳикоя қилишардики, Улуғ Оллоҳ «Эй менинг қулим! Сенинг эҳтиёжинг ва тилағингни тездагина адо этардим. Бироқ сенинг ёлборишинг ва ноланг менга ёқди. Мен уларни кўпроқ эшитишим учун истагингни кечроқ бажараман» дея амр этди. Масалан, бир одамнинг уйи эшигига икки факир келди. Уларнинг бири ёқимли ва хушрўй, иккинчиси эса хунук ва севимсиз эди. Уй эгаси хизматчисига: «Анави хунугига бир бурда нон бер ва у тезда кетсин, севимлисига эса «Ҳали нон пиширмадик. Кутиб туринг, дегин», дебди.

Одамлар биз бу дунё уйида бирга эдик, дейишлари ва бир-бирлари билан гўзал бир тарзда келишиб, боғланишлари керак. Инсон дўстини тез йўқотади. Чунончи, киши биттаси билан дўст тутинади, дўст унинг

кўзига Юсуф бўлиб кўринади. Шунга қарамай, ўзининг бир тубан ҳаракати билан сенинг назарингдан қолади. Юсуф каби бўлган юзи қора бўлади. Эртага ина бир сабаб билан бу зот бошқа кимсага айланса, сен унинг зотини яхши билмаганинг учун уни қандай қилиб танийсан? Хулласи калом, инсонда ўткинчи бўлган яхши ва ёмон сифатлардан ошибб, унинг ўзлигига бормоқ ва уни обдон танимоқ лозим. Одамларнинг бир-бирларига берган васфлари уларнинг аслий васфлари эмас. Шундай ҳикоя айтиб беришганди: Бир одам «Мен фалончини яхши биламан, унинг бутун сифатларини сизга айтиб бераман» деди. Унга «Эшитайликчи!» дедилар. Шунда ул киши «У менинг чўпоним эди, иккита қора ҳўкизи ҳам бўларди» деб жавоб берди. Худди шундай, халқ ҳам «Фалон дўстни кўрдик, уни таниймиз» дейди. Дарҳақиқат, уларнинг одамлар тўғрисида берган таърифлари ҳалиги зотнинг бирор ҳақида «Уни танийман, икки қора ҳўкизи бор» дейишига ўхшайди. Ҳолбуки, бу тавсиф кишининг аломати бўлолмайди ва бу алломат ҳеч бир ишга ярамайди. Одамнинг яхши ва ёмонлигини бир четга қўйиб, унинг шахсиятининг аслига эътибор бермоқ керакки, кўрамиз ул зотнинг қандай ўзлиги ва жавҳари бордир. Кўрмоқ ва билмоқ мана шунаقا бўлади.

Мен халқнинг «Авлиёлар ва ошиқлар макони бўлмаган, сурати номавжуд, ҳеч бир хусусиятсиз оламга қандай ошиқ бўладилар, ундан ёрдам ва дастак оладилар, унинг таъсири остида қоладилар?» дейишлирага ҳайронман. Бирорни севиб қолган киши ундан кўмак, севинч ва ташвиш, билим ва тушунча олгани ҳолда, бундан ҳайратланмайдилар-у, «Авлиё ва ошиқлар қандай қилиб олами ломаконга ошиқ бўладилар ва ундан ёрдам кўрадилар?» деб ҳайрон бўладилар.

Бир файласуф бу маънавиятни инкор қиласарди. Бир кун у касалга чалинди. Қўл-оёқдан қолди. Ниҳоят, руҳоний бир ҳаким уни йўқлади ва «Нима истайсан?» деб сўради. Файласуф «Софлик», деб жавоб берди. Ру-

ҳоний ҳаким эса «Софлиқнинг шаклини, васфларини қандай эканини тушунтирики, мен топиб келтирай» деди. Файласуф «Унинг хусусияти, шаклу шамойили йўқ», дегач, ҳаким «Модомики, у хусусиятсиз бир нарса экан, қандай қилиб уни талаб қиласан? Яхшиси, сен уни менга тушунтири, нима ўзи соғлиқ?» деб қистади. Касал шундай жавоб берди: «Шуни биламанки, соғлиқ келиши билан қувватга кираман, тўлишаман, рангим ҳам қизариб, ўзим ёш ва нашъали бўламан». Ҳакимнинг «Мен сендан соғлиқнинг ўзини, зотини сўраялман» деган хитобига бетоб: «Билмайман, у хусусиятсиз» деди. Ҳаким «Агар мусулмон бўлиб, мазҳабингдан қайтсанг, сени даволайман, сенга соғлиқ баҳш этаман», деди.

Мустафодан (Оллоҳнинг салом ва салоти бўлсин) «Бу маънолар хусусиятсиз (хоссасиз) бўлишлари билан бирга, суратлари воситасида улардан фойдаланмоқ мумкинми?» дея сўрашганида, ул зот «Мана ер билан осмоннинг сурати. Бу сурат воситасида сен у куллий маънодан фикр ол, фойдалан» деб буюрди.

Фалакнинг айланиши билан коинот узра тасарруфни, булатларнинг роса вақтида ёмғир ёғдиришини ва ёзу қиши замонлари алмашишини кўраяпсан. Буларнинг ҳаммаси бир ҳикмат ва савобга таянади. Жонсиз бўлган булат вақтида ёмғир ёғдиришни қаердан билсан? Ўсимликка қара, бир ўринга ўнни бераётган тупроқда боқ! Буларни бир зот қиласяпти. Сен худди ана шу асликни кўр. Бу олам воситасида мазкур ишларни бажарганни талаб эт ва ундан ёрдам сўра. Инсон суратидан унинг маъносини қандай англаётган бўлсанг, одам сурати воситаси ёрдамида Унинг маъносидан ҳам хабардор бўл.

Пайғамбар сархуш бўлиб, ўзидан кетган пайтларида «Оллоҳ айтди», дерди. Зоҳиран унинг тили шундай сўйлар эди. Аслида, у (тил — тарж.) орада йўқ эди, сўзларни Тангрининг ўзи сўйларди. Чунки у (пайғамбар — тарж.) авваллари бундай сўзларни билмас эди.

Энди у қачонки, бу сўзларни айтиши билан ўзининг илгариги эмаслигини англар ва буларнинг барчаси Оллоҳнинг тасарруфидан иборат эканлигини биларди.

Мустафо (с.а.в.) ўзининг вужудга келишидан минг йиллар олдин яшаган ва ўлиб кетган инсонлардан, пайғамбарлардан, охир замонгача дунёнинг нима бўлишидан, арш ва курсидан хабар берганди. Унинг борлиги ўтмишга тегишли эди, муҳакқақки, бу хабарларни кейин вужудга келган борлиги бермаётган эди. Кеийин пайдо бўлган (ҳодис) нарса эскидан мавжуд бўлгандан (қадимдан) қандай хабар бера олади? Кўринадики, буларни у (пайғамбар — тарж.) сўйламаган, балки Оллоҳ сўйлагандир. Чунки Куръон «У орзу билан ҳам сўз сўзламайди. Сўзи ваҳийдан бошқа нарса эмас»²⁰, дея буюрган.

Оллоҳ ҳар қандай сас ва ҳарфдан покиза. Унинг сўзи сас ва ҳарфдан ташқаридаидир. Фақат сўзини ўзи истаган ҳар ҳарф, ҳар сас ва ҳар тиљдан чиқаради. Масалан, йўллар устида ва карvonсаройларда ҳар бир ҳовуз бошида тошдан одам ёки қуш ясад қўйганлар. Уларнинг оғзидан сув чиқиб, ҳовузга қуйилади. Ақдли одамларнинг ҳаммаси сувнинг тош одам ёхуд тош қуш оғзидан чиқмаётганини, балки бошқа ёқдан келаётганини биладилар.

Инсонни танимоқчи бўлсанг, уни гапга сол сўзидан унинг ким эканлигини билиб оласан. Чунончи, бирор кисссавур бўлса-ю, унга «Инсоннинг сўзидан билишади» дейишса, у миршаб таниб қолмаслиги учун ҳеч гапирмайди. Қуйидаги ҳикоя ҳам шунга ўхшайди: Кичкина бир бола чўлда онасига «Она, тунда менга шайтондек қўрқинчли шарпа кўриняпти, қўрқяпман», деди. Она боласига: «Қўрқма, шарпа кўзингга кўриниши билан унга қараб жасорат билан отилки, бунинг

²⁰ Куръон, 53-сурә, 3-4-оят.

хәёл эканини биласан», деди. Шунда бола: «Оҳ онажоним, агар у шарпага ҳам онаси шундай насиҳат қилган бўлса, мен нима қиласман? Агар унга «Гапирма, кўринмайсан!» деган бўлса, мен уни қандай танийман?», деди. Она: «Унинг олдида гапирма, ўзингни унга от ва кут, балки оғзидан бирор сўз чиқар. Агар унинг оғзидан ҳеч сўз чиқмаса, истар-истамас сенинг оғзингдан бир сўз чиқади. Ёки сенинг қалбингда бир тушунча ёхуд сўз пайдо бўлади. Худди ана шу тушунча ёки сўз орқали унинг (шарпанинг — тарж.) аҳволидан хабардор бўласан. Чунки у сенда бир фикр туғилишига сабаб бўлгандир. Сенинг ичингда вужудга келган ўша сўз ва фикр унинг тушунча ва аҳволининг аксири» деб жавоб берди.

Шайх Муҳаммад Саррозий (Оллоҳ раҳмат қиласин) муридлари даврасида ўтирганди. Муридлардан бирининг кўнгли калла кабоби тусади. Шайх «Дарҳол бунга калла кабоби келтиринг», деди. Бошқалар «Унинг кабоб истаганини қаердан билдингиз?» деб сўрадилар. Шунда шайх «Ўттиз йиллар мен учун керак бўлган нарса қолмаган. Мен лозим нарсаларнинг барчасидан ўзимни тозалаганман, поклаганман. Ниҳоят, мен ойна каби тоза ва порлоқ бўлдим. Энди эса менинг кўнглим калла кабобини истади ва бу менга тегишли эмас эди, балки фалончи истаги менинг ойнамда акс этарди. Чунки ойнанинг ўзи соф ва шаклсиздир. Унда бирор шакл кўринса, демакки, бу ўзганинг шаклидир», деди.

Бир азиз киши мақсаднинг ҳосил бўлиши учун чилла ўтирди. Унга «Бундай бир юксак орзу чилла билан ҳосил бўлмайди. Ундан чиқ, улуғ бир зотнинг назари сенга тушсин ва шу тарзда орзунинг етишасан» дея ройибдан бир овоз келди. У «Улуғ зотни қаердан то-пайин», дейиши билан «Масжиддан» деган сас келди. Азиз киши «Кўп одамлар орасидан уни қандай танийман» дегач, сас «Боравер, у сени танийди. Сени танишининг белгиси — қўлингдаги қўзанинг тушиши ва сенинг ўзингдан кечишингдир. Шу вақтда уни сенга

қараганини тушунасан», деди. Азиз ўшандай қилди. Кўзани тўлдирди ва масжиддаги жамоатга сув тарқата бошлади. У одамларга сув бериб юраркан, илкисдан ўзида бир ҳол пайдо бўлганини билди ва «оҳ» дея йиқилди. Кўза қўлидан тушди. Сархуш ҳолда масжиднинг бир бурчагида қолди. Ҳамма кетиб бўлганди. Ўзига келганда, кўрдики, у ерда қолган одам унинг бир ўзи, улуғ зот ҳам йўқ эди. Аммо мақсадига эришганди.

Оллоҳнинг шундай қуллари борки, Тангри уларни қизғангани ва жуда буюк бўлганлари туфайли кўринмайдилар, бироқ улар толибларни (ҳақиқатни излаганларни) мақсадларига етиширадилар. Худди шундай, буюк подшоҳлар ҳам нодир ва нозик бўладилар.

Биз ундан сўрадикки, сизнинг ёнингизга келишаптими? У «Бизнинг ёнимиз ҳам, олдимиз ҳам қолмади. Зотан анчадан бери йўқ эди. Агар келишаётган бўлса, ўша инонилган, тасаввур этилган мавхум борлиққа келишмоқда». Исога (Оллоҳнинг саломи бўлсин) «Сенинг уйингга келаяпмиз» дедилар. У Бизнинг бу дунёда уйимиз қаерда ва қачон уйимиз бўлган?» дея жавоб берди.

ХИКОЯ. Ривоят қиладиларки, Исо алайҳиссалом қирда кезиб юрарди. Шу пайт шиддатли ёмғир ёға бошлади ва у бир қорақулоқнинг уясига кириб, ёмғирнинг тинишини кутди. Ваҳий келдики, қорақулоқнинг уясидан чиқ, чунки болалари сен туфайли тинчланолмаётир. Исо «Эй Оллоҳим! Қорақулоқнинг бу дунёда жон сақдайдиган жойи бор, меники эса йўқ (Ҳадис). Қорақулоқ болаларининг уяси бўлгани ҳолда, Марям ўғлининг на бошпанаси, на уйи ва на мақоми бор» деб фарёд этди. Худовандигор буюрдики, қорақулоқ болалари уйининг мавжудлиги уларни ташқарига суриб ташлашга сабаб бўлолмайди. Сенинг эса бундай бир уйдан кетганинг бор. Уйинг бўлмаса ҳам, ундан кетмоқдикнинг лутфи ва сенга тегишли шундай мукофот-

га сазовор бўлмоқ шарафи сени ташқарида қолдирмокда. Бу эса юз мингларча еру кўкка, дунё ва охиратга, аршу курсига бадалdir, балки яна ҳам кўпроқdir, улардан афзалроқdir. Шундай экан, нечун қўрқасан?

Буюрдики, амир келди ва биз унга тездагина кўри-нолмадик. Бундан у хафа бўлмаслиги лозим. Чунки ушбу зиёратдан мақсад — бизнинг нафсимизни юксалтирамоқми ёки ўзининг? Агар нафсимизни юксалтирамоқ фарази билан келган бўлса, янада кўпроқ ўтириб, кутмоғи керак. Шу йўсинда бизларни янада азиз тутган бўлади. Агар унинг мақсади савоб қозонмоқ эса, кутгани ва кутиб заҳмат чеккани учун савоби яна ортади. Шунинг учун амир нима ният билан келган бўлса ҳам, мақсади ортиғи билан ҳосил бўлганидан севинмоғи керак.

ФАСЛ. «Бу қалблар бир-бирларини кўрмокдалар» сўзи ҳар кимнинг дилида мавжуд бўлган бир нарсадир. Мазкур ҳикоя улар учун кашф қилинмаган. Йўқса, «Модомики, қалб шоҳидлик бермоқда, сўзга не ҳожат, сўзнинг шоҳидлигига эҳтиёж бормиди?» дейишармиди?

Амир Ноиб «Тўғри, қалб шоҳидлик беради, бироқ кўнгилнинг ўзига хос завқданиши бор, шу билан бирга, қулоқ, кўз ва тилнинг ҳам алоҳида хушланиш хусусияти бор. Шунга кўра, фойдаларидан истифода этмоқ учун уларнинг ҳар бирига эҳтиёж мавжуддир», деди. Мавлоно буюрдики, агар кўнгил истиғроқ (фарқ бўлиш, толиш — тарж.) ҳолида эса, ҳамма нарса у билан маҳв бўлади ва тилга эҳтиёж қолмайди. Айли раҳмоний эмас, балки жисмоний ва нафсий эди. Тупроқ ва сувдан майдонга келганди. Фақат унинг ишқида шундай бир истиғроқ мавжуд бўлганидан Мажнунни шу қадар ром этди ва ботирдики, энди Лайлини кўриш учун кўзга, сўзини эшитмоқ учун сасга муҳтож эмасди. Ахир, Лайлини ўзидан айро кўрмас эдида...

Шеър: (Сенинг хаёлинг менинг күзимдадир. Исминг тилимда. Зикринг дилимдадир. Шундай экан, қаерга мактуб ёзай?)

Жисмоний бұлған бир кимсада шундай бир қудрат бормики, үзини бундан ортиқ күрсін ҳамда күриш, әшитиши, ҳидлаш, таъм билиш ва ҳоказо барча түйфулари унда ғарқ бұлсін? Лаззатларнинг ҳаммасини бир ерга түпласин ва тайёр ҳолда күрсін? Агар айтилган аъзолардан бири қандай завқ олса, қолган аъзоларнинг барчаси шу завқ ва лаззаттаға ғарқ бұладилар ҳамда үзга бир лаззат истамаслар. Агар түйгулардан биронтаси бундан бошқа лаззат истаса, демек, бу — ҳалиги ягона аъзонинг тамомила бошқа лаззат олғанидан ёхуд ундан мутлақо баҳраманд бұлмаганидан далолат беради. Ҳар ҳолда, у (түйфу) лаззаттаға ғарқ бұлмаганидан қолган түйгулар бошқа лаззат қидиради ва турли-туманликни хоҳлайды. Ҳар бир түйфу бошқа-бошқа лаззат олмоқчи бұлади. Инсондаги түйгулар маъно нұқтаи назаридан ягона ва жаъм, күринишидан эса айри-айридир. Бир аъзода истиғроқ ҳосил булиши билан бошқа түйгулар ҳам унга ғарқ бұладилар. Масалан, пашша учғанда бутун аъзолари — қанотлари, боши билан ҳаракат этади. Аммо асалга ботиб қолғанда эса, унинг барча аъзолари — парчалари бирлашади ва ҳаракат этолмай қолади. Истиғроқ шундай ҳолдирки, бу ҳолда бұлған киши шу орада йүқ бұлади ва унинг ҳеч бир ҳаракати, файрати, иши үзидан майдонга келмайды. У бутунлай сувга ботиб, йүқ бұлади. Ундан күрилган ҳар бир ҳаракат ва иш үзиники бұлмай, сувга тегишилдір. Агар ҳануз құл-оёғини у ён бу ён уриб турса, ёхуд «Вой, ботдим!» дея бакириб-чакырса, бу ҳолга истиғроқ дейилмас. «Мен Ҳақман» (Анал — Ҳақ) дейиши одамлар буюкликни даъво қилиш ҳисоблайдилар. «Мен Ҳақнинг қулиман» деган киши икки борлиқни — үз ва Тангри борлигини исботлаган бұлади. Ҳолбуки, «Мен Ҳақман» деган үз борлигини йүқ қилгани учун «Анал Ҳақ» демоқда. Яъни Мен йүқман,

барчаси Удир. Тангридан бошқа борлиқ йүқдир. Мен мутлақо йүқлиман, ҳечман. Бу сұзда камтарлик күпроқ әмасми? Аммо халқ бунинг маъносини тушунмаяпти. Агар инсон Оллоҳга фақат Оллоҳ ризоси учун құллик қылса, унинг құллиги аёндир. Оллоҳ учун бұлсада, үзини, үз ишини ва Тангрини күради. Бундай киши сувга гарқ бўлган бўлолмайди. Сувга гарқ бўлган зот ҳаракатсиз кишидир, унинг ҳаракати сувнинг ҳаракати ҳисобланади. Мана шундагина у чинакамига сувга ботган бўлади.

Арслон жайронни қувди. Улар иккита борлиқ эди. Аммо арслон ўлжасига етиб, уни панжалари орасига олганда, жайроннинг ҳуши бошидан учди, борлиғи йўқ бўлди, үзини йўқотди. Бу онда ёлғиз арслоннинг борлиғи мавжуддир. Жайроннинг борлиғи эса йўқ бўлгандир.

Истироқ Улуғ Тангрининг авлиёни үзидан қўрқитиши ва бу қўрқувнинг Ҳақдан, ишончнинг Ҳақдан, севинч ва хуррамликнинг Ҳақдан, овқат ва уйқуннинг Ҳақдан эканлигини унга кашф қилдирмоғидир.

Оллоҳу Акбар унга кўзи очиқлигига, бедорлигига махсус бир шакл қўрсатади: бу ё арслон, ё қоплон ва ё олов шаклидир. Тангри буларни унга бу оламдан эмас, балки ғайб оламининг шакллари эканлигини билдириш учун қўрсатади. Худди шундай, үз суратини ҳам улуғ гўзаллик ичра — боғлар, бўстонлар, наҳрлар, ҳурлар, қўшиқлар, озиқ-овқатлар, шароблар, хилъатлар, буроқлар, шаҳарлар, уйлар ва бошқа турли-туман ажойибликлар ҳолида намойиш этади. Авлиё буларни ҳақиқатан ҳам ушбу оламдан эмаслигини билади. Тангри буларни унинг кўзига қўрсатиб, тасаввур этиради ва шу тарзда қўрқувнинг Оллоҳдан бўлганлиги ҳақиқати ҳосил бўлади. Ишонч Тангридандир. Бутун ором ва мушоҳадалар Ундандир. Худди шунинг учун ҳам, авлиёнинг (Оллоҳдан — тарж.) қўрқуви ҳалқнинг қўрқувига ўхшамайди. Чунки буларнинг барчасидан кўринган нарса Оллоҳдир, бироқ буни қайд

қилиб бўлмас. Ҳаммасини ўзидан ҳосил бўлганини Тангри унга (авлиёга—тарж.) очиқ-ойдин кўрсатган. Файласуф ҳам бундан хабардор. Бироқ у далил орқали билади. Далил доимий эмас, ундан туғилган гўзаликнинг, завқнинг умри ҳам қисқадир. Сен (файласуфга—тарж.) далил кўрсатгунингча, у ўзини мамнун на покиза ҳис этади. Далилни намойиш қиласгинингдан кейин эса, унинг аҳволи ўзгаради, бироз олдинги ҳарорат ва мамнунликдан асар ҳам қолмайди. Масалан, киши далил орқали бир уйнинг қурувчиси бўлганлигини англайди. Яна бир далил билан эса уйни қурган устанинг кўзлари кўр эмас, очиқ бўлганлигини, қувватли бўлиб, ожиз бўлмаганини, йўқ эмас, бор, ўлик эмас, тирик бўлганлигини ва бу уй қурилмасдан аввал (қурувчининг—тарж.) мавжуд эканлигининг шоҳиди бўлади. Бироқ буларни билгани ҳолда, далил давомли бўлмагани учун тездагина ҳаммасини унутади. Лекин орифлар уй қурувчисини таниганлари, унга хизмат қиласгинлари ва уни айнал-яқин ила қўрганлари учун, биргаликда еб-ичганлари, муносабатда бўлганларидан у (уста) (орифларнинг—тарж.) кўз ўнгларидан кетмас, тасаввурларидан йўқолмас. Шунинг учун ҳам, бундай кипши Ҳаққа яқин бўлади. Гуноҳ энди унинг учун гуноҳ қисобланмайди, айб айб санаалмайди. Чунки у Оллоҳда йўқ бўлмишdir.

Бир подшоҳ қулларига «меҳмон келяпти, қулингизга қадаҳ олинг» дея буюорди ва ўзига энг яқин бўлган қулига ҳам «Бир қадаҳ ол!» амрини берди. Бу эса ул шоҳнинг юзини кўриши билан ўзидан кечди, боши тиланди ва қадаҳ қўлидан тушиб, синди. Аҳволни тўрган ўзга қуллар «Демак, шундай қилса бўлар экан» деб, билганлари ҳолда, қадаҳларни ерга отдилар. Шоҳ «Нега бундай қилдингиз?» дея уларни койиди. Улар «Онг яқинингиз бўлган қул ҳам шундай қилди-ку!» дедилар. Ҳукмдор «Эй аҳмоқлар! Буни мен қилдим, у қилмади», деб жавоб қайтарди. Қилинган бу ҳаракат-мирнинг ҳаммаси зоҳирان гуноҳ эди. Бироқ ўша бир-

гина қулнинг ҳаракати тоат эди. Бу ҳаракат ҳатто бутун гуноҳлару савоблардан афзалроқ эди. Мақсад — ўша қул, қолган қуллар эса шоҳнинг буйруғи эди. Шунинг учун ҳам, барча қуллар шоҳнинг ўша қулиниңг буйруқлари саналарди. Чунки бу қул шоҳнинг ўзири, қуллик унда суратдан бошқа нарса эмас ва у подшоҳнинг гўзаллиги билан тўладир.

Улуғ Тангри «Сен бўлмасайдинг, фалакларни яратмасдим» дея амр этади. Яъни фалакларни ўзим учун яратдим. Бошқача айтганда, «Мен Ҳақман!» демакдир.

Улуғларнинг сўзлари агар юз турли бўлса ҳам, мономики, Ҳақ ва йўл танҳодир, демак, сўз ҳам иккита бўлолмайди. Иккита сўз зоҳиран ҳар на қадар бирбираiga мос ва уйғун кўринса-да, маъно нуқтаи назаридан (улар) бирдир. Айрилиқ—кўринишда. Маъно эътибори билан уларнинг ҳаммаси бирлашгандир. Масалан, бир амир чодир тикишни буюрса, (хизматкорларининг) бири ип тайёрлайди, бошқаси михқоқади, бири бўз тўқиса, яна бири тикади... Бу ҳаракатнинг барчаси кўринишдан турли-туман ва бошқабошқа ишлар бўлса ҳам, маъно жиҳатидан бирдир. Чунки уларнинг ҳаммаси бир иш қилмоқдалар, демакдир. Дунёга ҳам диққат билан қарасанг, шу ҳолни кўрасан. Ҳамма нарса Тангрига қуллигини бажо келтиради. Оллоҳга қарши чиққан — фосиҳу шайтон. Унга итоат қилган — солиҳу малак... барчасининг Тангрига қуллик вазифасини адо этаётганликлари кўринади. Масалан, бир подшоҳ ўз қуллари орасидан қайси бири саботли-ю, қай бири саботсиз, қайси вафодор-у, қай бири вафосиз, сўзида турган ким-у, турмаган ким эканлигини билиш учун турли воситалар билан уларни синамоқчи бўлди. Бунинг учун, яъни сабрлини сабрсиздан фарқламоқ учун васвасали ва ҳаяжонли кимсага эҳтиёж бордир. Агар (булар) бўлмаса, унинг сабри қандай билинади? Тангри саботлидан саботсизни айирмоқ учун бир шамол юборди. Бу билан паш-

шани боғдан, дарахтлардан узоқлаштирмоқ истади. Шу тарзда пашша кетиб, событ бўлганлар қолди.

Бир малик одамларидан қайси бири хоин-у, қай бири содик эканини синааб билмоқ учун жориясига «Ўзингга оро бер ва қулларимнинг олдига бор!» дея буюрди. Кўринишдан жориянинг бу ҳаракати гуноҳга ўхшаса ҳам, аслида бундай эмас, чунки у шоҳнинг буйругини адо этаётти, холос.

Тангрининг бу кишилари Тангрига қулликнинг (яхши) ёки ёмон даражада бажараётганликларини, Оллоҳнинг тоати билан машғулликларини далилсиз, ҳатто пардасиз ҳолда кўрдилар. Бу хусусда Қуръонда «Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот Оллоҳни поклар. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини — поклашларини англамассизлар. Дарҳақиқат, У ҳалийм ва мағфиратли бўлган зотдир»²¹, дея амр этилган. Шунинг учун уларга бу дунё қиёмат ҳисобланади. Чунки қиёматнинг маъноси ҳар кимнинг Тангрига қулликни адо этиши ва (ёхуд) ўзга иш билан машғул булишидан иборатдир. Улар бу маънони «Парда кўтарилса-да, билимим ортмас» сўзида бўлгани каби шу оламда кўрмоқдалар.

«Олим» калимасининг маъноси лугатда орифдан устун ва маъноли демакдир. Чунки Тангрига Олим дейилади. Бироқ ориф демоқ жоиз эмас, Ориф деганда олдин билмай, кейин ўрганган, деган маъно тушунилади ва шунинг учун бу Оллоҳга нисбатан айтилмаслиги керак. Шунга қарамай, урф-одат нуқтаи назаридан (сўзнинг) ишлатилишига кўра маъноси кўпдир. Чунки ориф урф-одат бўйича оламни далилсиз ҳолда кўзи билан курган ва кузатгандир. Олимнинг (эса) юз зоҳиддан афзал эканини гапиришади. Чунки зоҳид илм билан зоҳид бўлган. Илмсиз зуҳд бўлмайди.

²¹ Қуръон, 17-сурә, 44-оят.

Зуҳд нимадир? Дунёдан юз ўтиromoқ, тоат ва охиратга таважжуҳ (юзланиш—тарж.) этмоқдир. Бунинг учун инсон дунёни, унинг чиркинлигини, вафосизлигини ва охират гўзаллигини, унинг доимий ва боқий эканлигини билиши керак. Чунончи, «Нима қилай, қандай тоат билан машғул бўлай?» дея жаҳд этиш ҳам бошдан оёқ илмдир. Шундай экан, илмсиз зуҳд бўлмайди. Шу эътибор-ла, зоҳид ҳам олим, ҳам зоҳиддир. Ва «Бир олим юз зоҳиддан афзалдир» фикри айни ҳақиқатдир.

Бу илм ва зуҳддан бошқа яна бир илм бордирки, Тангрининг зотига тегишилдир. Мазкур иккинчи илм зуҳд ва илмнинг самарасидир. Бунга соҳиб бўлган олим юз зоҳиддан эмас, балки юз минг зоҳиддан ҳам устундир. Оллоҳ буни истаганига (бандасига—тарж.) беради. Бу шунга ўхшайди. Масалан, бир одам битта кўчат ўтқазди ва у катта бўлиб мева берди. Шу мевали ёлғиз дарахт мева бермаган юзта дарахтдан яхшироқдир. Яна бир мисол: Каъбага етган бир ҳожи Каъба сари отланган, бироқ ҳали етиб келмаган ва йўлларда ҳаракатланаётган, Каъбага мұяссар бўлишлари гумон бўлган ҳожилардан афзалроқдир. Чунки Каъба жамолига мушарраф бўлишлик, ҳақиқатан ҳам, ўша биргина ҳожига насиб этмиш. Бор ҳақиқат юз дона шубҳадан аълодир.

Амин-и Ноиб «Эришмаганнинг ҳам умиди бор» деди. Мавлоно буюрдики, умидли билан эришган ўртасида қўркув ва ишонч орасидаги қадар фарқ мавжуд. Бу тафовутни сўйлашга нима ҳожат бор? Уни ҳамма билади. Баҳс мавзуси бўлган нарса ишончдир. Ишончдан ишончга ҳам фарқ бор. Чунончи, Муҳаммаднинг (Оллоҳнинг салом ва салоти бўлсин) ўзга набийлардан устунилиги ишонч билан боғлиқдир. Чунки барча пайғамбарлар ишончда событ, қўркувдан эса озод эдилар. Бироқ Куръонда «(Эй Муҳаммад), Парвардигорингизнинг раҳмати (бўлмиш пайғамбарлик)ни ўшалар тақсимлайдиларми? (Йўқ, асло ундоқ эмас!) Уларнинг

ҳаёти — дунёдаги майшат-тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаганмиз ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун айримларини айримларидан баланд даража — мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати — пайғамбарлик эса улар тўплайдиган нарса (мол-дунё) ларидан яхшироқдир»²², дея амр қилинганидек, ишончда ҳам бир қанча даражалар бор. Аммо қўрқув ва унинг даражалари тўғрисида бир аломат курсатиш мумкин-у, ишонч даражаларининг аломати йўқдир. Одамлар Оллоҳ йўлида нимани фидо қилмоқдалар, дея қўрқув оламига назар солинса, ким жонини, ким молини, ким жисмини бағищлагани, бирорвинг рўза тутгани ва яна бошқасининг тутмагани маълум бўлади. Кимдир ўн ракат, кимдир юз ракат намоз ўқийди. Шунга кўра, буларнинг манзилларини тасаввур қилиш мумкин. Уларни қўрсатса ҳам бўлади. Бу гўё Кўнёдан Қайсарагача бўлган масофада Каймаз, Ўбрўқ ва Султон каби манзилларнинг маълум бўлишига ўхшайди. Бироқ Анталядан Искандариягача бўлган узунликдаги денгиз йўлида эса манзиллар аломати йўқдир. Буни фақат кема даргалари биладилар, аммо қора халққа ҳеч нарса айтмайдилар. Айтган билан улар тушунмайдилар.

Амир «Бундай айтишнинг ҳам муайян фойдаси бордир. Улар озгинасини билсалар ҳам англайдилар ва тахмин этадилар» деди. Мавлоно буюрдики, фараз қилайликки, бир одам кундуз бўлишини кутиб, кечаси мижжа қоқмади. Кундузга қандай борилишини билмаса ҳам, у барибир ниятига етишади. Ёхуд кечаси карвоннинг орқасига қўшилган киши қаердан ўтганини, қаерга борганини ва қандай йўл босганини билмаса ҳам, тонг отиши билан ушбу ҳаракатнинг самарасини кўради. Чунки у муайян манзилга келган бўла-

²² Куръон, 43-сурा, 32-оят.

ди. Нихоят, кимда ким Оллоҳ учун икки кўзини бер-
қитса, унинг чеккан заҳмати беҳуда кетмагай ва «Бас,
ким (ҳаёти — дунёдалик пайтида) зарра мисқолича-
лик яхшилик қилса, (қиёмат, кунида ўшани кўрур»)²³.
Фақат инсоннинг ичи қоронғу ва пардали бўлгани учун
қанча илгарилаганини ҳозир кўролмаса ҳам, охирида
мутлақо англайди. «Дунё охиратнинг даласидир»
(Ҳадис), дея буюрилганидай, инсон бу ерда (дунёда —
тарж.) нима экса, у ерда (охиратда — тарж.) ўшани
ўради.

Исо алайҳиссалом кўп куларди, Яҳё алайҳиссалом
эса кўп йигларди. Яҳё Исога «Сен Тангрининг нозик
ҳийалалидан узоқ бўлганинг учун куляяпсанми?»
деди. Бунга жавобан Исо «Сен (эса) Тангрининг инжа,
латиф ва ажойиб лутфларидан хабаринг бўлмагани
учун йиглаяпсанми?» деди. Ҳодисадан воқиф бир
авлиё Оллоҳдан «Булардан қай бирининг мақоми юк-
сакроқдир?» деб сўрагач, «Менга нисбатан яхши ни-
ятда бўлгани афзалроқдир» (Қудсий ҳадис) жавобини
олди.» Мен қулим хаёл қилган жойдаман» (Қудсий
ҳадис), яъни мен бандамнинг тахмини бор ердаман.
Ҳар бир қулимнинг ичida менинг бир хаёлим ва суратим
бордир. У мени қандай тахайюл этса, мен ўша ха-
ёлдаман. Эй менинг қулларим! Хаёлларингизни пок-
лангизки, у ер менинг мақомим ва еримдир, демак-
дир. Мен Тангри бор бўлган шу хаёлнинг бандасиман.
Ҳақ, мавжуд бўлмаган ҳақиқатдан сиқиламан.

Энди сен ўзингни сина, кулмоқ ва йифламоқ, рўза
ва намоз, ёлғизлиқ ва биргалик... ҳамда бунга ўхшаш
нарсаларнинг қай бири сенга фойдали? Қайси йўлдан
борсанг, аҳволинг тезроқ яхшиланади? Ўйлаб кўр ва
сенинг илгарилашингни қайси иш таъмин этса, сен
ӯшани қил. Муфтилар ҳар қанча фатво берсалар ҳам,
сен олимнинг фатвосига қулоқ ос. Сенинг ичингда бир

²³ Куръон, 99-сурा, 7-оят.

маъно бор. Сен уни кўрсатгинки, уйғун бўлганини танлаб олсин. Масалан, хастанинг олдига келган ҳаким ишни, аввало, касалнинг ич ҳакимидан сўрашдан бошлайди. Сенинг ичиндаги ич ҳаким мижозингдир. У нарсани ё қабул этади ёки йўқ. Шунинг учун ҳам, ташқаридан келган ҳаким ундан «Фалон нарсани еганда, ўзингни қандай ҳис қилдинг?» каби сўроққа жавоб олади. Ва шунга кўра ташхис қўяди. Бунга асос бўлган нарса ўша ич кийим — инсон мижозидир. Мабодо, бу ҳакимнинг фаолияти бузилса, шакарни аччиқ, сиркани ширин, дейди. Шунинг учун бетоб ўз мижозига (ич ҳакимига) ёрдам бериш ва уни аввалги ҳолатига келтириш учун чет ҳакимга муҳтож бўлади. Кейинроқ эса у яна ўзини ўз ҳакимига кўрсатади ва ундан йўл-йўриқ олади. Худди шундай, инсоннинг ҳам муайян маънавий бир мижози мавжуддирки, агар у заифлашса, ички туйгуларнинг айтган ва кўрган нарсалари аксинча бўлади. Авлиёлар мана шу мижознинг яхшиланиши ва қувват олиши учун ёрдам қилган ҳакимлардир. Чунки ҳатто Пайғамбар алайҳиссалом ҳам «Нарсаларни менга бўлгани каби кўрсат» (Ҳадис), дея Тангрига ёлборганди.

Инсон буюк бир мӯъжиза ва унинг ичидаги ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуладидир. Зулмат ва пардаларнинг бўлишига қарамай, инсон ичидаги бир нарсани ўқий олади. Энди қара, ўртадан пардалару қоронгуликлар кўтарилса, у нималарни билиб олмайди, дейсан. Ахир, тикувчилик, меъморчилик, дурадгорлик, заргарлик, мунажжимлик, ҳакимлик ва яна саноқсиз санъатлар ҳам инсондан, унинг ичидан юзага чиққан, тошдан ё кесакдан ҳосил бўлмаган. Инсонга ўликни мозорга кўмишни қарға ўргатганини айтишади. Ҳайвон инсонни бир парчаси эмасми? Бундай бўлса, парча бутунига қан-

дай ўргата олади. Масалан, одам чап құли билан ёзмоқчи бұлади. Қаламни олади, қалби қувватли бұлишига қарамай, ёзаркан, құли титрайди, аммо қалб амри билан барибир давом этади.

Баъзилар «Амир келганда, Мавлоно буюк ва муҳим фикрлар айтади», дедилар. Мавлоно буюрдикі, амир келганда, менинг сүзим бўлинмайди, чунки у сўз аҳлидир ва ҳамиша сўзни ўзига тортади. Сўз ҳам ундан айрилишни хоҳламайди. Масалан, дараҳтлар қишида япроқ ёзиб, мева бермаса, уларни меҳнат қилмаяпти, дема. Улар ҳамма вақт ишлайдилар. Бироқ қиши йиғиш, ёз эса сарфлаш пайтидир. Ҳамма ҳаржланганни кўради, тўпланганни эмас. Чунончи, бир одам зиёфат бериб, сарф-ҳаражат қиласа, қолганлар буни кўради. Лекин шу зиёфат учун оз-оздан йиққанини ҳеч ким пайқамаган. Асос бўлган нарса тўпланган (кирим)дир. Сарфланган (чиқим) тўпланган (кирим)дан майдонга келади. Биз боғли бўлган кишимиз билан ора-сира гаплашиб турамиз. Чунки биз у билан биргамиз, боғлимиз. Сукутга чўмган ёки сўзлашган, у бор ёхуд йўқ, ҳатто калтаклашишган вақтимизда ҳам, у билан баробармиз. Биз бир-биrimизга киришиб, қоришиб кетганмиз. Масалан, бир-биrimизни муштласак ҳам, барибир, гаплашаверамиз. Сен бизнинг бир-биrimизга урган муштни мушт санама, унинг ичидә узум бордир, ишонмасанг, оч, қара, у ерда қимматли жавҳарларни кўрасан.

Аслида, бошқалар ҳам назм ёки насрда ҳақоқ, ва маърифатдан баҳс этмоқдалар, аммо Амирнинг майли ва яқинлиги бизга мувофиқдир. Унинг айнан бу келишидан мақсад маориф, нозиклик ва ваъз талаби эмас. Чунки ҳамма жойда ҳам шундай билимлар ва назокат бордир. Ҳамда улар бизницидан асло кам эмас. Унинг мени севиши ва мени кўрмоқчи бўлганига сабаб булар (Маориф, ҳақоқ — тарж.) эмас, балки Амир менда ўзгаларда бўлмаган бир жиҳатни — бир нурни кўрмоқдадир. Ривоят қиладиларки «Бир под-

шоҳ Мажнунни чакириб, унга «Сенга нима бўлди ва ниманг борки, ўзингни бунча расво қилдинг? Оилани тарк этдинг, хароб бўлдинг. Лайли ким бўпти, қандай гўзаллиги бор унинг? Кел, мен сенга гўзалларни кўрсатай, уларни сенга бағишлай», деди. Гўзаллар Мажнуннинг олдида саф тортиб турганда, у ақалли бошини ҳам кўтариб қўймади. Шоҳ «Ҳеч бўлмаса, бошингни кўтариб, бир назар сол!» дея койиди. Мажнун «Қўрқяпман, Лайлининг ишқи қиличини олди, агар бошимни кўтарсам, ундан айриламан», деди. Лайлининг ишқига шунчалар мубтало эдики, ўзгага боқмоқ унинг учун ўлдирувчи қилич ҳисобланарди. Аслида, бошқа гўзалларда ҳам кўзлар, дудоқлар ва бурунлар бор эди. Лайлида нима кўрган эдики, бу аҳволга тушди?

ФАСЛ. (Мавлоно) «Сизни кўришни жуда хоҳлаяпмиз, фақат халқ юмушлари билан банд эканлигингизни билганимиз учун безовта қилмоқчи эмасмиз» деди. У (Парвона) «Бу бизнинг вазифамиз эди. Даҳшат ўтиб кетди. Энди биз сизни зиёрат қилгани борамиз» деб жавоб берди. Мавлоно яна буюрди «Фарқи йўқ, ҳаммаси бир, демакдир. Сизда ўша лутф борки, натижада, барчаси бир бўлмоқда. Хайрлар ва эзгу ишлар билан шуғулланганингиз учун, албатта, биз ҳамиша сизга йўналганимиз».

Энди бундан баҳс очамиз: Бир Одамнинг боқадигани (бала-чақаси) бўлса-ю, бошқа бировда бўлмаса, одатда, бўлгандан олиб бўлмаганга берадилар. Кўринишга қараганлар «Бола-чақалари бордан олиб, болачақаси йўққа бераяпсан», дейди. Ҳолбуки, тийрак нигоҳ билан назар солсанг, бола-чақа эгаси унинг ўзи-дир. Шунга ўхшаб, кўнгил аҳли ва жавҳар эгаси бўлган зот ўзга бировни уриб, бошини ёрса, ҳамма калтакланганни мазлум дер. Аслида эса урган мазлумдир. Золим ҳеч қандай хайрли ва фойдали иш қилмаган кимсадир. Шунга кўра, ҳалиги таёқ еган ва боши ёрилган золимдир, калтаклаган эса шак-шубҳасиз — мазлум. Чунки у (калтаклаган — тарж.) жав-

ҳар соҳиби ва у қилган ҳар бир иш Тангрининг ишидир. Сабаби у Тангрида фоний бўлгандир. Тангрини золим демайдилар. Масалан, Мустафо (Оллоҳнинг салом ва салоти бўлсин) ҳам қон тўкди, қирғин қилди, ўлдирди. Булардан қатъи назар, улар золим-у, Мустафо мазлумдир. Яна бир мисол: Жавҳар соҳиби мағриблик Мағрибда яшамоқда. Бир шарқлик Мағрибга келди. Бу ерда ғариб ўша мағрибликдир. Ахир, шарқдан келган нечун ғариб бўлсин? Чунки бутун олам бир уйдан ортиқ нарса эмас. У (шарқлик — тарж.), бор-йўғи бу уйдан нариги уйга кирган ёхуд уйнинг бир бурчагидан иккинчи бурчагига ўтган, холос. Аммо ҳамма бу уйда эмас, жавҳар соҳиби бўлган мағриблик уйга ташқаридан келган. Пайғамбар «Ислом ғариб бўлиб зуҳур этди»(Ҳадис) дейди, аммо «Шарқдан келган ғарибдир» демади. Худди шундай, Мустафо вайронга учраган пайтида ҳам, вайрон қилган чоғида ҳам, барибир, мазлумдир. Чунки ҳар иккала ҳолда-да, ҳалқ унинг қўлидадир ва у ҳақлидир. Мазлум ҳақди бўлган кишидир. Мустафо нинг асиirlарга юраги ачиди. Улуғ Тангри унинг хотири учун ваҳий индирди ва асиirlарга «Ҳозир сиз ҳатто шундай занжиру арконлар билан чирмаб боғланганингиз ҳолда, агар хайр тиласангиз, Улуғ Тангри сизни қутқаради ва қўлингиздан кетган нарсаларни ортифи билан қайтиб беради! Ридвон ва Гуфрон охиратда мавжуд бўлган икки казинадир. Бири сизнинг қўлингиздан чиқсан, иккинчиси эса охиратнинг казинасидир» дея амр этди.

Бир одам «Банда бир амал қилганида тавфиқ ва хайр ана шу амалдан ҳосил бўладими ёки бу Оллоҳнинг лутфидан келадими?» — деб сўради. Мавлоно буюрди: Тангрининг лутфидан. Бироқ Улуғ Оллоҳ ўта лутфкор бўлгани учун буни қулга ҳадя этар ва ҳар иккаласи учун ҳам «Буларнинг иккаласи ҳам сендандир» дея амр этади. «Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар

кувончини (яъни охират неъматларини) бирон жон билмас»²⁴.

Савол берган яна сўради: «Модомики, Оллоҳ шу қадар лутфкор экан, у ҳолда, ҳар ким орзусини айтиб, ҳақиқий талаб билан ғайрат кўрсатса, мақсадига етадими?» Мавлоно буюрдики, фақат бир бошсиз (яъни муршидсиз) бўлмайди. Мусо Тангрига итоат қилганида, Оллоҳ дengизда унинг учун йўллар пайдо этмиш. Мусо ва унинг одамлари дengиздан осонликча ўтишибди, бироқ итоатсизлик бошланиши билан фалон чўлда бир қанча йил қолиб кетишибди. Шундан кейин раҳбар уларни йўлга солишга ҳаракат қиласи, уларнинг садоқатига назар солади. Масалан, бир қанча аскар бир амирнинг хизматида бўлса ва унга бўйин сунса, амир ҳам бутун ақлу закосини қўл остидагилар аҳволини яхшилашга сарфлайди. Агар хизматкорлар итоат этмай қўйса, амир ҳам ўз ақдини уларнинг эҳтиёжларини қондиришга ишлатмайди. Ақл инсон вужудида бир амир кабидир. Модомики, вужуд раиятлари унга бўйин сунса, барча ишлар текис кетади. Агар аксинча эса, ҳаммаси издан чиқади. Сархушлик келиши билан қўл оёқдан ва вужуднинг барча аъзоларидан ҳар хил номаъқулчиликни кутиш мумкин. Эртасига эса киши ўзига ўзи «Оҳ, нима қилиб қўйдим, нега урдим, нега сўқдим?» дейди. Шунинг учун ҳам, раҳбар бўлганда ва унга итоат этилганда, ишлар жойида бўлади. Масалан, ақл «Кетаман!» деганда, оёқ унга бўйин сунсинки, кета олсин, йўқса, (ақл) кетишини ўйламайди. Шу тарзда ақл вужудда амир ҳисобланади, қолганлар халқидир ва ўз билимларию нуқтаи назарларидан қатъи назар, ақл учун хизматкордирлар. Ақл — улар орасида валий. Агар халқ ақлга итоат қиласа, ишлари доимо пушаймонлик ва паришонлик ичида бўлғуси. Лозим бўлганидек итоат қилинса-чи, уларнинг

²⁴ Куръон, 32-сурә, 17-оят.

ўз ақлларига мурожаат этишларига ҳожат қолмайди. Чунки улар масалани ўз ақллари билан (балки) тушушиб етмаслар. Шунинг учун ҳам, ақдга бош эгишлари зарур. Чунончи, тикувчилик дўконига берилган ёш бола устага итоат қилиши даркор. Модомики, боланинг мақсади бу касбни ўрганмоқ экан, демак, у ўз тасарруфидан воз кечиб, устанинг амрига «Лаббай» деб жавоб бериши шарт. (Худди шундай биз ҳам) Улуг Тангридан фақат Унинг иноят асарлари ҳисобланган юз мингта заҳмат ва риёзатдан устунроқ бўлган иноят сўраймиз.

(Қуръонда айтилган) «Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир»²⁵ ояти билан «Оллоҳ тарафидан бўлган бир жазба бутун инсонларнинг ибодатларидан хайрлироқдир» (Ҳадис) сўзи бирдир. Яъни бир ишда Унинг инояти ҳосил бўлса, инсон юз минг марта заҳмат чекишдан ҳосил бўлган ишни майдонга келтиради. Инсоннинг янада кўпроқ ишламоги яхшидир, хушдир, фойдалидир, аммо Унинг инояти олдида буларнинг нима қиймати бор?

(Биттаси) «Иноят ғайрат берадими?» деб сўради. У жавоб берди: «Нега бермасин. Иноят келиши билан ғайрат ҳам келади. Исо кўрсатган ғайратга қара — ҳали бешикдалигига ёқ «Мен Оллоҳнинг бандасидирман. У зот менга китоб — Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди»,²⁶ деди. Буюрдики: Расууллоҳ Муҳаммад ҳам меҳнат қилмасдан бу мақомга восил бўлдими? У жавоб берди: «Ахир, Оллоҳ кўксини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас, ўзи Парвардигори томонидан бир нур, ҳидоят устида бўлган киши куфр зулматларида адашиб улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурми?!»²⁷. Аввалдан бўлган фазлдир (иноят, эҳсон, олим-

²⁵ Қуръон, 97-сурә, 3-оят.

²⁶ Қуръон, 19-сурә, 30-оят.

²⁷ Қуръон, 39-сурә, 22-оят.

ларга хос фазилат—тарж.). Инсон ўз ичидаги исёндән құтулса, буни Оллоқнинг фазли ва қарами, дея билмөгі керак. Йүқса, у билан бирга бўлган дўстларида бу ҳол нечун воқе бўлмади? Фазл ва мукофотдан кейин оловнинг учқуни сингари сачраган бир ҳол пайдо бўлади. Илк учқун ато (бабишилов)дир. Агар учқунни парвариш айлаб, оловини ортирирсак, ундан фазл ва жазо (муқобили) ҳосил бўлур.

Қуръонда «Инсон ожиз қилиб яратилгандир»²⁸ дея буюрилади. Амр этилганидек, инсон дастлаб ушоққина, заиф бўлади, бироқ шу заиф учқунни парвариш этсанг, туркираб оламни ёқади. Ушбу хусусда Қуръонда «Албатта сиз улуғ Хулқ соҳибисиз», дейилади.

Мавлонога «Сизни жуда ҳам севишишади» дедим. (Ҳазрат) буюрдики: «Менинг зиёратим ҳам, сўзларим ҳам дўстлик нисбатида эмасдир. Мен ақдимга келганини сўйлайман. Тангри истаса, шу сўзни ҳам фойдали қиласида ва кўксингизга жойлади. Бундан фавқулодда буюк фойдалар ҳосил этади. Тангри истамаса, юз минг сўз айтилган бўлса ҳам, уларнинг ҳеч бири қалбингишга кирмайди, келиб-кетади, унутилади. Масалан, оловнинг бир учқуни кийимга тушса, Тангри истаса, шундан ўт чиқади, агар истамаса-чи, юз учқун тушса ҳам, барчаси сўнади, таъсир этмайди».

«Осмонлар ва ер қўшинлари ёлғиз Оллоқникидир»²⁹. Бу сўзлар — Тангрининг қўшини. Унинг (Тангрининг —тарж.) раҳбарлигига қолганларни оладилар (забт этадилар). Тангри мингларча аскарга «Боринг, фалон қалъага кўрининг, фақат олманг» деса, улар айтилгандек ҳаракат қиласидилар. Агар биргина отлиққа «Анави қалъани забт эт!» деса, у ҳеч қийинчилексиз қалъани забт этади. Тангри бир пашшани Намрудга бало қилди ва шу тарзда уни ҳалок этди. «Орифнинг наздидаги бир

²⁸ Куръон, 4-сурә, 28-оят.

²⁹ Куръон, 48-сурә, 4-оят.

чақа билан олтин, арслон билан мушук тенгдир» дейилганидек, агар Улуғ Тангри истаса, бир чақа билан минг динорлик иш қилиш мумкин ва аксинча, минг динор билан киши бир чақалик иш қилолмайди. Намрудга пашшани офат қилгани каби (Тангри) инсонга бир мушукни бало этса, бас, унинг куни битади. Агар ўлдиришни истамаса-чи, арслон ҳам инсоннинг қаршисида титраб қочади ёхуд унинг эшагига айланади. Зеро, баъзи дарвешлар арслонни эшакдай мишишган.

Тангри Иброҳимни ўтда куйиб кетишини хоҳламагани учун олов пайғамбарга совуқ бир модда каби таъсир қилди. Ҳатто айтиш мумкинки, оташ гулистонга айланди. Тангридан умид қиласизки, бизнинг бу сўзларимизни вужудингиз қулоққа айланиб эшитасиз. Агар сизнинг ичингизда сўзимизга хайриҳоҳ бир туйғу бўлмаса, айтганларимиздан наф йўқ. Ахир, ичкаридаги ўғри келиб эшикни очиб бермагунча, ташқаридаги ўғри уйга киролмайди-да. Яна бир мисол: дарахтга намлиқ, аввало, унинг илдизидан келмаса, сен юқоридан қўйган сув — беҳуда.

(Бу дунёда) юз мингларча нур кўрсалар ҳам, нурнинг аслидан ўзгасига қиймат бермайдилар. Агар кўзда бир нур бўлмаса, (у) бутун оламни тўлдириб турган нурни кўрмайди. Бунда асос бўлган нарса нафсдаги қобилиятдир. Нафс бошқа, руҳ бошқа бўлади. Кўрмаяпсанми, ахир, инсон уйқуда экан, нафс қаерларга бориб келмайди? Руҳ эса ҳамиша вужудда қолади. Айланиб юрган нафс ва унинг каби бир нарсадир.

Биттаси «Алининг нафсини билган Тангрини ҳам билади, деганлари нафсми?» деб сўради. У «Бу нафсdir, дейилса, уни чўлу биёбонга отмаслик лозим. Биз нафсни англатсак, тушуниб қолар. Чунки у нафсни билмайди», деди. Бу — сўз билан тушуниладиган нарса эмас. Сўз билан шу қадар бўлади. Бизнинг демоқчи бўлганимиз бу: Шундай бир олам борки, уни қидирмоғимиз керак. Бу дунё ва ундаги гўзал, хуш нарса-

лар инсоннинг ҳайвонлик тарафининг насибасидир. Улар ҳайвонлика куч беради. Асос бўлган инсонлик жиҳати эса кундан-кунга заифлашади. «Инсон гапи-рувчи ҳайвондир», дейишади. Демак, у икки нарсадан иборатдир. Бу дунёдаги унинг ҳайвонлик тарафининг озуқаси шаҳват қўзғатувчи нарсалар ва орзулардир. Инсонлик тарафининг озуқаси эса билим, ҳикмат ва Оллоҳнинг Жамолидир. Инсоннинг ҳайвонлик тарафи Ҳақдан, инсонлик тарафи эса дунёдан қочмоқдадир. «Сизлардан айримларингиз мўминдир». Вужудда икки шахсият доимо жанг қилмоқдадир. Кўрамиз, толе кимга кулиб боқаркан! Жамадодни (тош, тупроқ каби қаттиқ жисмларни — тарж.) нечун жамадод дейишади? Чунки улар жонсиз ва дўниб қолгандир. Модомики, қиши йўқ экан, у ҳолда, булар нега жонсиз ва музлаган аҳволда? Оламнинг маъноси мушарратдир (ёлғиз, соф — тарж.). У кўзга кўринмайди, фақат таъсир воситасида англашилади, холос. Бу олам ҳамма нарсаси яхлаган ва ўлик ҳолда бўлган қиши мавсумига ўхшайди. Аммо қандай қиши? Бу ақдий бир қишидир, ҳиссий эмас. Илоҳий ҳаво эсиши билан саратор жазирамасида бутун музликлар эриганидек, тоғлар ҳам эриб, олам сув ҳолига келади. Қиёмат куни ҳам ана шу ҳавога ўхшайди, зухур этиши билан ҳаммаёқ эрийди. Улуғ Тангри мазкур калималарни бизга аскар қилиб беради. Душманга қарши қўймоқ ва уни даъф этмоқ учун атрофингизга бир саъд (девор) тиклайдилар. Фақат асос шуки, ичкаридагилар душмандир, ташқаридагилар эса ҳеч вақо. Ахир, кўрмаяпсанми, мингларча кофир бир кофирнинг асири, у эса ҳаммасининг подшоҳидир. Нафси кофир ҳам душманларнинг асиридир. Демак, англашилмоқдаки, бу ерда муҳими — тушунча. Бундай ожиз ва жирканч тушунчага мингларча одам, ҳатто бутун олам асири бўлса, ҳисобсиз тушунчалар мавжуд ерда унинг (инсоннинг — тарж.) буюклиги ва шон-шуҳрати қандай бўлиши зарур? Булар оламларни қандай қилиб қўлга

киритади, душманларни қандай йўқ этади? Сон са-ноқсиз инсонларнинг (суратларнинг), охири кўринма-ган улкан қўшиннинг бир одамга асир бўлганини кўрмоқдамиз. Одамнинг ўзи эса арзимаган бир ту-шунчанинг қулидир. Бир ожиз тушунчанинг асири бўлган булар буюк ва мислсиз таҳликали, қутлуғ ва улуғ тушунчалар қаршисида нималар қилас экан? Демак, англайпмизки, иш — тушунчаларнинг қўлида ва су-ратлар (инсонлар — тарж.) уларга боғли, уларнинг куро-лидир. Инсонлар тушунчасиз ҳеч нарсага ярамайди-лар, жамадод (жисм) ҳисобланадилар. Кўринишдан юз ёшда бўлса ҳам, аммо нарсаларнинг фақат зоҳирини-гина биладиганлар ҳали боладилар. Пайғамбар: «Биз кичик урушдан катта урушга ўтдик» (Ҳадис), — дей-ди. Яъни биз суратлар билан жанг қилаётгандик, энди эса тушунчалар қўшиналари билан олишмоқдамиз. Эзгу тушунчалар ёвуз тушунчалар ўрнини эгаллаши учун курашмоқдамиз, демакдир. Аслида, энг буюк жанг ва кураш шу эмасми? Демак, меҳнат қилган, ишлаган тушунчалардир. Улар ўртада вужуд бўлмаса ҳам, фа-олиятда бўла оладилар. Чунончи, энг фаол ақд ҳеч қан-дай воситасиз фалакни айлантироқда, бизга, олатга муҳтож эмаслигини исбот этмоқда.

Шеър: (Сен бир жавҳарсан ва икки олам сенинг ерингдир. Жавҳарни бу ердан қидирмоқ айбдир. Илм-ни кўнгиидан излаган кишининг ҳолига йифла, ақдни жондан айрганнинг ҳолига эса кул).

Жавҳар мушк халтасига ўхшайди. Дунё ва унинг завқларию лаззатлари ҳам мушк халтаси кабидир. Шу билан бирга, булар мушк бўйини ҳам эслатадилар. Аммо ушбу бўй (ҳид) тасодифдир. Инсон мушкнинг бўйига қаноатланмай, унинг ўзини қидирса, яхши бўларди. Мушкнинг бўйи билан кифояланиш — ёмон, чунки бўй мушкнинг сифатидир. Мушк топилса, бўйи ҳам у биландир. Агар мушк юзини бошқа томонга бур-са, ундан баҳраманд бўлаётгандар ҳолигавой. Мушкнинг бўйи мушкка тегишли бўлгани учун у билан бир-

га кетади. Толели киши мушкка эга бўлган ва ўзи ҳам унга ўхшаган зотдир. Чунки у худди мушк каби атрофга хушбуй таратади, бора-бора ўзи ҳам мушкка айланади. Инсоннинг эса фақат исмигина қолади. Масалан, бир от улкан тузликда қолиб чириса, у ҳам тузга қўшилиб кетади. Отнинг отлиги унинг тузга айлананиб кетишига монелик қилолмайди. Шунинг учун инсон Тангрининг нури ва аксидан бошқа нарса бўлмаган бу дунё завқлари ва гўзалликларидан кечиши ҳамда улардан қониқмаслиги лозим. Чунки бу нур ва гўзаллик мангу эмасдир. Унинг мангулиги Тангрига нисбатда эмас. Бу гўё қуёшнинг уйларда порлаган нурига ўхшайди. Нур қуёшга боғли ва у билан биргадир. Қуёш ботиши билан у ҳам кетади. Нурдан айрилмаслик учун қуёшнинг ботмаслиги керак бўлади. Амал ҳамда илм мавжуддир. Баъзиларнинг амали бор-у, илми йўқ. Баъзиларда эса — аксинча. Агар инсонда ҳам амал, ҳам илм бўлса, у ўта муваффақиятли зотдир. Бунга ўхшаган нарса шудир: Бир одам йўл юради, аммо бу — унинг йўлими, йўқми, билмайди, кўр-кўронা ҳаракат этади. Ниҳоят, қаршисидан маъмур бир ер чиқади ёхуд хўрознинг қичқиригини эшитади. Бошқа бирор эса йўлини ҳам, манзилини ҳам билади. Унинг учун аломату ишоратга ҳожат йўқ. Иш унинг қўлидан келади. Энди қиёсланг, бу одам қаерда-ю, наригиси қаерда? Демак, илм ҳамма нарсадан устундир.

ФАСЛ. Пайғамбар (Саллаллоҳу алайҳи васаллам) «Кеча узундир, уни уйқу билан қисқартирма, кундуз порлокдир, уни гуноҳлар билан қорайтирма» (Ҳадис), деди. Кеча Оллоҳга сир айтиш ва ёлбориш учун узундир. Бунда инсон дўст ва душманлари томонидан безовта қилинмайди ва Оллоҳ билан ёлғиз қолади. Улуг Тангри инсон амалларини кўз-кўз этишдан сақданиши ва фақат Оллоҳ учун қилишини таъминлаш мақсадида кечани бир пардадек тортган. Аммо зулмат тунда ҳам амалларини фақат кўрсатиш ниятидагина адо этганлар ёлғиз Тангри учун ибодат қилганларидан

ажралиб туради. Кўз-кўз учун амал қилган кимса ярамасдир. Бундай иккиюзламачи одам ўзига ўзи: «Модомики, мени ҳеч ким (кечаси — тарж.) кўрmas экан, унда нега ибодат қилайин?» дер. Жавобан: «Сени кўрмоқда, фақат сен — сени кўрганни кўра оладиган инсон эмассан», дейишади. Сени шундай бир зот кўрмоқдаки, ҳар ким унинг қудрати қўлидадир ва ожиз қолганларида ҳамма Уни чақиради. Одамлар бирор жойлари оғриганда ё бирор фалокат юз берганда, ўзларини ишончли аҳволда ҳис этмаганларида Унга мурожаат қиладилар ва илтижоларининг мустажоб бўлишига инонадилар. Бироқ Оллоҳ улар тилакларини бажо келтирганда, улар яна оёққа турганларида, такрор хаёлга бериладилар ва: «Эй Тангри! Зинданнинг бир бурчагида минг «Қулхуваллоҳ» ила зерикмасдан Сени чорлагандик ва Сен бизга ёрдам бердинг. Энди биз ташқаридамиз, бироқ зинданда бўлганимиздагидек ҳамон Сенга муҳтојмиз. Бизни қоронғу оламнинг зинданидан чиқар-да, набийларнинг оламига етказ. Ахир, бизга ўша зиндандан чиқсан ва дардан халос бўлган онимиздаги ихлос нечун келмаётirда, бунинг ўрнига юз минг турили хаёл ҳосил бўлмоқда? Хаёлларнинг фойда бериш-бермаслиги ҳам аниқ эмас. Улар фақат дангасалигу зерикиш ҳиссини уйфотаётir. Буларнинг кулини кўкка совурган ишонч ва аниқлик қаерда?» дея Улуғ Тангрига ёлборадилар. Жавобан Улуғ Тангри буюрадики: Менинг бундан мақсадим, сиздаги ҳайвоний нафсdir. Бу Мен ва сизнинг душманимиздир. Эй мўминлар! «Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз бўлган мушрикларни дўст тутманглар»³⁰. Бу душманни ҳар доим мужоҳада (дин учун кураш — тарж.) зинданода ушлаб туринг. Чунки зинданда бало ва дард исканжасида экан, ихлосингиз қувватланади. Тишинг ё бошинг оғриганда,

³⁰ Куръон, 60-сурә, 1-оят.

бирор нарсадан кўрқандада Тангрига нисбатан ичингда ихлос пайдо бўлишини минг марта синаганинг ҳолда, нега яна танангнинг роҳатига боғланиб қолдинг? Ҳар доим уни (танани — тарж.) боқдинг, парвариш қилдинг, нега? Ипнинг учини қочирманг: нафс ҳоҳишлирини адо этишдан сақлансангиз, абадий муродингизга етасиз ва ушбу зулматхонадан — зиндондан қутуласиз. Шунинг учун Қуръонда: «Энди ким ҳаёти - дунёлик пайтида Қиёмат куни Маҳшаргоҳда Парвардигорининг (хузурида) туриши (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши) дан кўрқан ва нафсини ҳавойи ҳоҳишлирдан қайтарган бўлса, у ҳолда факат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур»³¹, дейилади.

ФАСЛ. Шайх Иброҳим дедики, Сайфуддин Фарруҳ бир одамни калтакларкан, унинг айбини атрофдагиларга ҳам айтарди. Натижада, ҳамма айбордорни урди, ҳеч ким уни қутқаришга ҳаракат қилмади.

Мавлоно буюрдики, бу оламда кўрган нарсангни ҳаммаси у дунёда ҳам айни шундокдир. Бу дунёда юрганлар балки у дунёдан намунадир ва улар ўша ёқдан келтирилгандир. Қуръонда «Сизларнинг ризқу рўзингиз бўлмиш ҳар бир нарсанинг асли — манбаи Бизнинг даргоҳимиздадир»³², дея амр этилган.

Дўкондаги нарсалар омбордагиларнинг қисмларидир. Ахир, омборлардагини дўконга сифдириб бўлмайди-ку! Инсон ҳам ана шундай дўконга ўхшайди. Унга ҳам Тангрининг сифатлар хазиналаридан бирор-бир парча (эшитиш, кўриш, гаплашиш, ақл, билим, мардлик ва ҳоказолардан) берилган. Демак, инсонлар Тангрининг сайёр сотувчилариdir ва улар тижорат билан машгул. Кундузи савдо қилиб идишларни буштади, кечаси эса бўш идишлар яна тўлдирилади. Қувватлантирилади.

³¹ Қуръон, 79-сурә, 40-41-оятлар.

³² Қуръон, 15-сурә, 21-оят.

У оламда турли-туман күзлар, назарлар бордир. Улардан инсонга ҳам намуна берилди. Күрмөң! Бу — инсоннинг күришидан иборат эмас. Бироқ у бундан ортигига бардош этолмайди. Ушбу сифатларнинг ҳаммаси сүнгсиз бўлса-да, улар муайян ўлчовларда тақсим қилинади. Ахир, ўйлаб кўргин, шу вақтгача қанчадан-қанча одамлар келиб кетди ва улар бир денгизда тўпландилар. Агар ҳар ким ана шу дengизнинг нақадар улканлигини билса, оламнинг ҳам шундан майдонга келганлигини ва яна ўша ерга қайтиш бўлаҗагини қабул қиласми лозим. Чунки «Албатта биз Оллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз»³³, деб буюрилган. Яъни бизнинг барча парчаларимиз У ёқдан келгандир, У ёқдан бир намуна дир. Ва яна Унга қайтажакдир. Бу катта-кичик ҳайвонлар учун ҳам шундоқ.

Инсонларда айрим васфлар гизли сақланади, аммо маълум бир ташқи таъсир воситасида ошкор бўлиб қолади. Фикр юритиб қараганингда эса, ўзингда ҳеч қандай сифат тополмайсан. Чунки сифатлар яширин. Бу — дengиздаги сувга ўхшайди, тўлқин бўлмагунча, ташқарига чиқмайди. Тўлқин — ичидা (ташқи восита бўлмай) вужудга келган ҳаракат. Денгиз сассиз ва соқин бўлгани учун буни кўриб бўлмайди. Сенинг гавданг дengиз соҳилида. Руҳинг эса дengиздир. Ундан нене балиқлар, илонлар ва қушларнинг чиқиб кирганини кўрмайсан. Сенинг қизишмоқ, қизғанмоқ, шаҳват ва яна бошқа сифатларинг бошларини дengиздан чиқараадилар. Мазкур васфлар Тангрининг латиф ошиқларидир. Уларнинг гўзалликларини кўриб бўлмайди. Фақат дил либоси воситасида илғаш мумкин, ечингандарида эса латифликлари боис кўзга кўринмайдилар.

ФАСЛ. Инсонда шу қадар улкан ишқ, ҳирс, орзу ва дард бордирки, юз мингларча олам ўзиники бўлса

³³ Куръон, 2-сурә, 156-оят.

ҳам, күнгли тинчимайди. У ишда, санъатда, илми ну-жумда, ҳакимликда машгул... Бироқ буларнинг ҳеч биридан ҳузур тополмайди. Чунки истаган нарсаси-ни қўлга киритолмаган. Ёр-дилоромлар, яъни кўнгил-ни тинчлантирувчи, демакдир. Шундай экан, кўнгил бошқа билан қандай хотиржам бўлсин? Завқ ва орзу-лар зинапояга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, аксинча, устига босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун фофи-лиқдан тез уйғонган ва аҳволнинг можиятини англаб етган зот қандай баҳтли!

Кимдир «Мўгуллар молимизни тортиб олишяпти, бироқ ора-сирада яна қайтиб беришяпти. Қизиқ, бу-нинг мантифи не?» деб сўради. Мавлоно буюрдики, мўгул олган ҳамма нарса гўё Оллоҳнинг хазинасига кирмоқдадир. Чунончи, денгиздан бир кўза сув ол-санг, энди бу сенинг мулкинг бўлади ва бирор келиб уни талаб қилолмайди. Бироқ сен сувни денгизга так-рор тўксанг, энди у ҳар ким учун ҳалол бўлфуси. Чун-ки сув бундан буён сенинг молинг эмас. Шу нуқтаи назардан, бизнинг молимиз уларга (мўгулларга — тарж.) ҳаром, уларнинг моли эса бизга ҳалолдир.

«Ислом динида уйланмаслик йўқдир. Жамланиш раҳматдир» (Ҳадис). Мустафо қўпчилик билан ҳара-кат қилди. Чунки жамланган руҳларнинг буюк асар-лари мавжуд. Инсон ёлғиз экан, бундай асар ҳосил бўлмайди. Масжиднинг қурилишидан мақсад — ма-ҳалла ҳалқининг у ерда тўпланиши ва Оллоҳ раҳмати-ни орттиришдир. Уйларнинг бўлак-бўлак бўлишининг фойдаси эса, одамлар айбларини беркитмоқдан ибо-рат. Шаҳар ҳалқини тўпланиши учун жомий бино этил-ган. Каъба, аввало, зиёрат қилишлари учун, қолавер-са, бутун дунё (мусулмонларининг — тарж.) бир ерга жамланишлари учун вожиб этилди.

Бири дедики, «Мўгуллар дастлаб бу ерга келганла-рида қип-яланғоч эдилар. Минадиган ҳайвони — ҳўқиз, қуроллари эса ўтин (таёқ — тарж.) эди. Энди

эса қоринлари түйди, барча яхши нарсаларга эга чиқдилар. Энг гүзал араб отлари ҳам, энг кучли қуроллар ҳам уларнинг қўлларида». Мавлоно буюрдики, уларнинг кўнгиллари чўкиб, ўзлари ожиз қолган пайтда Тангри илтижоларини қабул этди ва ёрдам берди. Энди эса шу қадар муҳташам ва бақувват бўлган дамларидан халқнинг фақирлигию заифлиги воситаси билан Улуғ Оллоҳ уларни даъф қиласи. Шу тарзда, улар Тангрининг кўмаги билан дунёни забт этганликларини, ўз куч-кувватлари билан эса, ҳеч қаерга боромасликларини англамоқлари учун халқнинг қудрати или Оллоҳ уларни йўқ қиласи. Илгари улар узоқ бир чўлда факир, ялангоч ва бечора бир аҳволда яшардилар. Факат баъзиларигина тижорий мақсадлар билан Хоразмга келиб, ўзлари учун кийим-кечак олиб кетарди. Хоразмшоҳ бу тижоратни ман қилиб, тужжорларни ўлдиришга ҳукм этди. Ўз савдогарларини ҳам улар тупроғига боришларини истамади. Омон қолган мӯғул тужжорлари (Румий уларни бу ўринда «татарлар» деб атайди — тарж.) эса, ватанларига қайтиб, подшоҳларига воқеани айтиб берадилар. Ҳукмдорлари ўн кунга изн олиб, бир горнинг ичига кириб кетади ва чин дилдан ибодат этади, Оллоҳга ёлборади. Ниҳоят, Улуғ Тангридан «Сенинг тилагингни, илтижоларингни қабул этдим. Ташқари чиқ. Қаерга борсанг ҳам, музaffer бўл!» деган бир сас келади. Шунинг учун ҳам, улар (мӯғуллар — тарж.) Тангрининг буйруғи или йўлга тушганлари боис, қаршиларига чиқсан ҳар қандай кучни босиб-янчдилар, ер юзини қопладилар.

Кимdir «Татарлар (мӯғуллар — тарж.) ҳам қиёматга ишонишади ва албатта, ҳисоб-китоб куни бўлажак, дейишаипти», — деди. Мавлоно буюрдики, ёлғон айтишади, ўзларини мусулмонлар билан бир қилиб курсатмоқчилар улар. Яъни биз ҳам биламиз ва ишонамиз, демокчи бўлишади. Туядан: «қаердан келяпсан?», деб сурашса, у «ҳаммомдан», деб жавоб берибди. Шунда: «тўпифингдан маълум», дейишибди. Худди

шундай, агар улар ҳам қиёмат кунига инонишса, буни далили қани? Ахир, бу гуноҳлар, зулмлар, ёмонликлар усти-устига ёққан қордек қатланган. Қуёшнинг қорларни эритганидек, гуноҳ қилишдан воз кечиб, Ҳаққа қайтиш (Инобат) ва пушаймон қуёши ўша қат-қат музликларни эритади. Шунда Тангридан қўрқилади ва дунёнинг ҳақиқий аҳволи аёнлашади, исён тарк этилади. Агар киши «Мен қуёшни кўрдим, саратон иссиғи билан устимга нур сочди» деса-ю, ўзи қор ва музҳолида бўлса, унинг гапларига ишониш мумкинми? Саратонда қор ва музнинг эримаслиги — бўлмағур гап. Улуғ Оллоҳ ҳар нақадар яхши ва ёмон амалларнинг жавоби қиёматда берилади, деб ваъда қиласа-да, биз намуналарни бу дунёда ҳам ҳар лаҳзада кўрмоқдамиз. Масалан, бир одамнинг кўнгли фараҳласа (кувонса — тарж.), демак, у кимнидир севинтирган ва ундағи қувонч ана шу ишнинг мукофотидир. Худди шундай, инсоннинг хафагарчилиги — унинг бошқа бироннинг кўнглини оғритганига муносиб жавоб. Булар у дунёнинг армуғонлари, жазо кунининг ўрнакларири. Мақсад — оз нарсалар орқали (одамларга) кўпни тушунтириш. Бу — омбор тўла буғдой ҳақида тасаввур бериш ниятида бир ҳовуч буғдойни кўрсатишдек гап.

Шунчалик улуғ бўлишига қарамай, бир кечаси Мустафонинг ҳам қўли оғриб қолди. Унга «Бу Аббоснинг қўли оғришидан майдонга келмоқда» деган ваҳий келди. Чунки Мустафо Аббосни асир олиб, тутқунлар билан бирга боғлаганди. Тангрининг амри билан шундай бўлгани ҳолда, барибир, Муҳаммад жазосини тортиди. Худди шундай, сенда ҳам майдонга келган ноҳушлигу касалликларни барчаси қачонлардир қилган ёмонликларинг ва гуноҳларинг мевасидир. Жуда кўп ёмон ишлар қилдинг, бироқ билимсизлигинг туфайли уларнинг ножоиз эканини билмайсан ёки бир динсиз ўтингнинг таъсирида қолгансан. Ҳатто сен буларнинг гуноҳлигини тушунмайсан. Энди буларнинг жавобига боқ: қанча қувончининг бору, қанча ғам-ғуссанг бор.

Гам-гусса мутлақо бир гуноҳнинг муқобили, қувонч эса, албатта, ибодатнинг мукофотидир. Шунинг учун ҳам, Мустафо бармогидаги узукни айлантиаркан, «Сени беҳудага вақт ўтказсин ва ўйнасин, деб яратмадик!» дея койинганди. «Ёки сизларнинг гумонингиз-ча, Биз сизларни беҳуда (яъни дунёда сизлардан бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) яратдикми?»³⁴ — дея буюрилганидек, сен ҳам куч-кувватингни Тангрига ибодат этишу савоб амал қилишга бағишиладингми ёхуд гуноҳга сарфладингми? — қиёсла. Тангри Мусони ҳалқ билан машғул айлади. Бироқ Тангри ҳикмат билан унинг фақат бир томонинигина ҳалққа боғлади. Ҳизрни эса бутунлай ўзи билан банд этди. Мустафога эса аввал ўзи билан бўлишга, кейин эса «Халқни даъват қил, тузат ва уларга ўтит бер!» дея амр этди. Мустафо «Эй Тангirim! Мен нима гуноҳ қилдимки, ҳузурингдан қуваяпсан. Халқни истамайман» дея йиғлаб сиқтади. Улуғ Оллоҳ «Эй Муҳаммад! Сен ҳеч хафа бўлма, сени ҳалқ билан банд қилиб қўймайман. Улар билан машғул бўлган чорингда ҳам мен билан бўлурсан. Ҳалқ билан бўлганинг вақтда бошингдаги сочининг бир толасини ҳам камайтиrmайман. Нима қилсанг-да, барибир, вуслат (висол, Оллоҳ билан биргалик — тарж.) ичра бўлурсан» дея буюрди.

Биттаси «Азалий ҳукмлар ва Тангрининг тақдир айлаганлари ҳеч ўзгарадими?» дея сўради. Мавлоно буюрдики, Тангрининг азалда «Ёмонликка қарши — ёмонлик, яхшиликка жавоб — яхшилик бўлиши керак» деган ҳукми асло ўзгармайди. Чунки Улуғ Оллоҳ Ҳокимdir ва «Сен ёмонлик қил, яхшилик топасан» демайди. Ахир, бугдой экиб арпа, арпа экиб бугдой ўриб бўладими? Асло! Барча авлиёю анбиёлар ҳам «Яхшиликнинг жавоби яхшилик, ёмонликники ёмонликдир»

³⁴ Куръон, 23- сурा, 116- оят.

деганлар. «Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қылса, (қиёмат кунида) үшани күрүр. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қылса, уни ҳам күрүр!»³⁵.

Азалий ҳукм түгрисида билмоқчи бұлган нарсанғни ўргатдик, атрофлича тушунтирудик. Бу асло ўзгармайди. Түгри, баъзан қылган яхшилигинг ёки ёмонлигинг миқдорида муқобилини ололмайсан. Бироқ яхшилик ва ёмонликнинг жавоби мутлақо бұлажакдир, яъни ҳукм мутлақо ўзгармасдир. Бир маҳмадона кимса «Биз Тангри саодатидан маҳрум бұлган гумроҳнинг охират саодатига мұяссар бұлган сайд (қутли — тарж.), сайднинг эса гумроҳ бұлганини күрятпмиз» деди. Мавлоно буюрдики, «Бұлиши мумкин. Чunksи гумроҳ яхшилик қылгани учун сайд, сайд эса ёмонликка яқин юргани учун гумроҳ бұлгандир. Масалан, Иблис «Мени оловдан, уни (одамни) эса тупроқдан яратдинг», деб Одамнинг яратилишига эътиroz қылгани учун Тангрининг абадий лаънатига учради ва малакларга раҳбарлықдан, бизнинг ҳузуримиздан қувилди. Шунинг учун биз ҳам, «Яхшиликнинг жавоби яхшилик, ёмонликнинг жазоси ёмонлик» деймиз.

Биттаси «Агар одам рұза тураман, деб аҳд қылса-ю, тутмаса, бунинг каффорати (диний бир гуноҳни ювиш учун Оллоҳ ризоси йўлида нимадир бермоқ — тарж.) борми?», дея сўради. Мавлоно буюрдики, Шофий мазҳаби олимларининг фикрича, каффорат бор. Чunksи ўша одам аҳд қылган ва бу аҳд қасам даражасидадир. Қасам адo этилмаса, каффорат вожиб бўлғуси. Аммо Абу Ханифа учун аҳд — қасам маъносида эмас. Шунга кўра, каффоратга эҳтиёж йўқ. Аҳд икки турлидир: Биринчиси — мутлоқ, иккинчиси шартга боғли. Мутлоқ «Бир кун рўза тутишим керак!» сўзидир. Шартлиси «Фалон келса, бир кун рўза тутишим керак!» қайдидир.

³⁵ Куръон, 99-сурә, 7-8-оятлар.

Бир одам эшагини йўқотиб қўйди. Уни топиш ниятида уч кун рўза тутди ва уч кундан кейин эшагини ўлик ҳолда топди. Жуда қаттиқ хафа бўлди ва шу ҳолида кўкка қараб: «Агар шу уч куналик рўзамнинг эвазига рамазонда олти кун емасам, одам эмасман. Менинг эшагимни олиб йўқотадиган сенми?» — деди.

Биттаси «Аттаҳиёт, Саловат ва Тайиботнинг маъноси нимадир?» деб сўради. Мавлоно буюрдики, Ҳаққа топинмоқ ва бандалик қилмоқ биздан ҳосил бўлмайди ва биз буларсиз ҳечмиз. Демак, Тайибот, Саловат ва Аттаҳиёт биздан бўлмай, Оллоҳдандир, Оллоҳга хосдир. Масалан, баҳор фаслида одамлар зироат билан машғул бўладилар, қирларга чиқадилар, ҳар турли ишни бошлайдилар. Буарнинг барчаси баҳорнинг эҳсонидир, йўқса, одамлар уйларидан чиқмасди. Демак, бу экин-текинлар, саёҳатлар... ҳамма-ҳаммаси баҳорнинг ишидир. Кўклам — одамларнинг валинеъмати. Шунга қарамай, уларнинг кўзлари яна сабабда. Ҳамма нарсани сабабга боғлайдилар. Фақат авлиёлар-гагина сабаблар яратувчисини билиш ва сабабларнинг ўзлари ҳақиқатни тўсиб турган парда эканини билмайди. Қачонки, одам парда орқасидан туриб гапирса, бошқалар гапнинг эгаси парда, дея ўйлади. Унинг бор-йўғи бир рўмол эканини билмайди. Қачонки, одам парда орқасидан чиққанда, парданинг бир тўсиқ бўлганини тушунади. Тангрининг валийлари эса сабаблар ортида зоҳир бўлган ва қилинган ишлардан боҳабардирлар. Масалан, тоғдан тужа чиққан, Мусонинг асоси аждаҳога айланган, метин-дек тошдан ўн иккита чашма сизиб чиқан, Мустафо бир ишорат билан ойни иккига бўлган, Одам ота-она-сиз дунёга келган, Иброҳим учун эса олов бўстонга дўнган ва ҳоказо. Авлиёлар буларни кўрганда, сабабларнинг ўртадаги баҳона эканини, аслида эса ишни ўзга зот бажарганини биладилар. Сабаблар авомнинг машғул бўлишлари учундир, улар бажарувчини кўришга монелик қилган пардадан бошқа нарса эмас.

Ушбу ҳақиқат валийларга кундек равшан. Улуф Оллоҳ Закариёга «Сенга фарзанд ато этаман» деди. Бу бўлса, «Мен ҳам, аёлим ҳам жуда кексайиб қолганмиз. Айниқса, аёлим бола кўролмайди. Эй Тангрим, бундай аёлдан қандай қилиб бола туғилади?» дея йиглади. Унга «Эй Закариё, ундай дема, калаванинг учини йўқотдинг. Мен сенга сабаблардан ҳоли бўлган ишларни юз минг марта қўрсатганим ҳолда, сен барчасини унугибсан, уларнинг баҳона эканлигини ҳам билмайсанми? Шу онда мен кўзинг ўнгидан сендан (аёл ва ҳомила бўлмасдан) юз мингта бола дунёга келтира оламан. Бунга кучим етади. Ҳатто, бир ишоратим билан етук олим одамлар майдонга келади. Ахир, сени (ҳам) руҳлар оламида ота-онасиз яратмадимми? Сендан олдин сен ҳақингдаги лутф ва иноятларим йўқмиди? Буларни нега унугибсан?» дея амр этди. Анбиё ва авлиёнинг, яхши ва ёмон барча хилқатларнинг аҳволлари даражаю жавҳарларига кўра шундайдир. Чунончи, кофирлар юртидан мусулмон вилоятларига турли ёшдаги қулларни келтиришиб сотадилар. Ёш қуллар мусулмонлар орасида ўсаркан, ўз мамлакатига тегишли урф-одатларни унуга бориб, кексайганда эса бутунлай эсидан чиқаради. Эс-ҳушини таниган пайтда келтирилган қулнинг хотирасида анча-мунча нарса қолади. Баъзилар эса ҳеч нарсани эсдан чиқармайдилар. Худди шундай руҳлар ҳам у оламда Тангрининг ҳузурида шундоқ эдилар. (Масалан), Оллоҳ «Мен Парвардигорингиз эмасманми?» деб ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз»³⁶ деб жавоб беришган. Уларнинг (руҳларнинг—тарж.) емиш ва кийим-кечаклари Тангрининг ҳарфсиз ва сассиз бўлган каломидир. Руҳларнинг ҳам баъзилари бола экан (бу дунёга — тарж.) келтирилганликлари учун мазкур каломни эшитганда аҳволни тушуниб етмайдилар,

³⁶ Куръон, 7-сурә, 72-оят.

ўзларини бу каломга ёт ҳисоблайдилар. Бундайлар та-
моман куфр ва разолатга фарқ бўлгандир, руҳлари пар-
далангандир. Бошқалари эса (у оламни) озроқ хотир-
лайдилар, у оламнинг ҳавоси, таъсири буларда ора-сира
ўзини намоён қиласди. Булар мўминлардир. Яна шун-
дайлар ҳам борки, улар ўша каломни эшишилари би-
лан аҳволни айнан хотирлайдилар, пардалар кўтари-
лади, ҳамма нарса ўз жойига тушади. Булар пайғам-
барлар ва валийлардир.

Мен Ёронга (дўстларга, ахбобга—тарж.): «Ичингиз-
да маъно келинлари юз кўрсатиб, сирлар ошкор
бўлганда, эҳтиёт бўлиб, бегоналардан яшиинг, биз-
нинг сўзимизни ҳаммага ҳам айтманг», деб васият
қиласман. «Чунки ҳикматни барчага ҳам берманг, агар
берсангиз, ҳикматга нисбатан зулм қиласиз. Уни
аҳди ҳикматдан эса гизламанг, ёмонлик этган бўласиз»
(Ҳадис). Ахир, «Мени ҳеч кимга кўрсатма, мен сени-
киман» деб уйингга беркиниб олган гўзални бозорга
олиб чиқиб: «Келинглар, мана бу ҳурилиқога қаранг-
лар» деб ҳаммага кўз-кўз қилишинг тўғрими? Бу
ишинг билан сен гўзалдан айриласан, у сендан нафрат-
ланади ва бошқаларга кетади. Жаҳаннамдагилар жан-
натликларга: «Қани сизнинг мардлигингиз, Улуғ Танг-
ри сизга берган емишлардан, бошқалардан садақа
қилинг. Биз қулларнинг кўнглини олиш учун бир нар-
салар беринг». «Тупроқнинг жўмарлар косаси орти-
ғидан насибаси бордир» (Мисра). «Биз олов ичра
ёнмоқдамиз, эримоқдамиз. Сиз мевалардан, жаннат-
нинг ширин сувидан озгина берсангиз нима бўлади?»,
дедилар. Жаннатликлар: «Тангри буни сизга ҳаром қилас-
ган. Мазкур неъматларнинг уруғи нариги дунёда эди.
Бу тўғрилик, иймон ва яхшиликнинг уруғи эди. Сиз
меҳнат қилишдан қочиб, уни экмадингиз. Шундай
экан, бу ерда нимани ўрасиз? Биз сизга (неъматлар-
дан) берганимиз билан Тангри буни сизга ҳаром қилас-
гани учун томонингиздан ўтмайди, бўғзингизда қолиб,
сизни азоблайди», деб жавоб бердилар.

Мустафонинг ҳузурига иккиюзламачи ва бегоналардан бир гуруҳи келаётганди. Диннинг асрорини тушунтираётган пайғамбар ишора билан асҳобга «Идишларингизнинг оғзини берқитинг» (Ҳадис) деди. Мавлоно буюрдики, «Бу — бегоналардан ҳикматни гизланг, уларнинг олдида тилингизни тийинг, оғзингизни очманг. Чунки улар сичқондир, ҳикматга муносиб эмасдирлар, демакдир».

ФАСЛ. Буюрдики: Севилган киши гўзалдир. Аксинча бўлмайди. Яъни ҳамма гўзаллар-да севилавермайди ва севилиши шарт ҳам эмас. Гўзаллик севимлиликнинг бир жузъидир. Севимли бўлмоқ аслдир. Бу бўлгандан кейин гўзаллик ҳам мавжуддир. Ҳар бир нарсанинг жузъи(қисми—тарж.) кулли (бутуни—тарж.) дан айри бўлолмайди, улар биргадир, яъни қисм бутун биландир. Мажнуннинг замонида ҳам гўзаллар бор эди ва улар Лайлидан ҳуснлироқ эди. Бироқ Мажнун уларни севмади. Унга «Лайлидан гўзалроқларини сенга кўрсатайлик, берайлик» дедилар. Мажнун эса «Мен Лайлининг суратини севганим йўқ ва у кўринишидангина иборат эмас. Лайли менинг қўлимда бир қадаҳ кабидир. Мен бу қадаҳдан шароб ичяпман, чунки мен шаробга ошиқман. Сизнинг кўзингиз фақат қадаҳда, ичидагидан хабарингиз йўқ, ғофилсиз» деди. Менинг қўлимга олтин безакли бир қадаҳ тутқазсалар-у, ичидаги нарса шаробдан бошқа нарса бўлса. Бунинг нима фойдаси бор? Мен учун шароб тўла эски ва синиқ бир идиш олтин безакли бу ва бунинг каби юзта қадаҳдан яхшироқдир. Қадаҳдаги шаробнинг мазасини билиш учун ишқ ва шавқ керак бўлади. Чунончи, ўн кундан бери ҳеч нарса емаган оч билан кунда беш маҳал овқатланиб юрган тўқнинг нонга қараашлари бир хил эмас. Чунки тўқ ноннинг суратинигина кўрса, оч унинг сийратини (моҳиятини) кўради. Нон қадаҳ бўлса, мазаси қадаҳдаги шароб кабидир. Бироқ шароб фақат иштаҳаси ва шавқи бўлган кўзгагина кўринади. Сен ҳам ўзингда иштаҳа ва шавқ ҳосил этки, фақат сурат-

ни эмас, балки сийратни ҳам күргайсан. Бундай одамларнинг сурати қадаҳларга ўхшайди, илм ва билимлари эса ана шу қадаҳларга солинган нақшлар кабидир. Қадаҳ синиши билан нақшлардан асар ҳам қолмайди. Демак, қиёмат қадаҳ сингари бўлган вужудлардаги шаробдадир ва бу шаробни ичган киши унинг ўлмас, яхши нарса эканлигини билади.

Савол берган зот иккита жиҳатни яхшилаб тушунмоги керак. Биринчиси: Мен сўраган нарсамдан янглишдим. Менинг билганимдан бошқа нарса бордир. Иккинчиси: Бундан устун бўлган ва билинишга муносаб бир сўз ва бир ҳикмат мавжуд, бироқ мен уларни билмасдим. Энди ўргандим, демоги лозим. «Жўяли савол билимнинг ярмидир» дейишади, ахир. Ҳар ким бир зотга юзини ўғиргандир ва ҳар кимнинг истаги Ҳақдир. Шу умид билан умрларини ўтказурлар. Бироқ, бу орада кимга дуч келинганини ва шоҳнинг таёғи кимнинг юзида ўз изини қолдирганини билиш учун бир ҳакам лозимдурки, у мувоҳҳид (Оллоҳнинг бирлигига иймон келтирган — тарж.) бўлсин. Бундай одам сувда бўғилган ва сув ундан ғолиб чиққандир. Сузувчи ва сувда бўғилган кишиларнинг ҳар иккаласи ҳам сувдадир. Фақат бўғилганни сув олиб кетади. Сузувчи эса ўз кучи билан ҳаракатланади. Демак, сувга гарқ, бўлаётган одамнинг ҳар бир қилган иши ва айтган сўзи ўзидан бўлмай, сувдандир. У (одам) ўргада бир баҳонадир. Масалан, девордан бир овоз келса, буни девор сўйламаганини биласан. Чунки деворнинг ортида кимдир бор ва уларнинг гаплари деворникидай туюлади. Авлиёлар ҳам шундай. «Улар ўлмасдан аввал ўлгандир», девор ва эшик ҳукмини олгандир. Ўзларида эса борлиқларидан қилча ҳам нарса қолмаган. Улар Тангрининг қудратли қўлида бир бошпана кабидирлар. Бошпананинг ҳаракати ўзлигидан эмас. «Анал-Ҳақ» (Мен худоман) сўзининг маъноси ҳам шундай. Бошпана «Мен орада йўқман, ҳаракат Оллоҳнинг қўли билан ҳосил бўлмоқда» дейди. Бошпанани Ҳақ билинг, Танг-

рига қарши чиқманг. Чунки бундай бошпанани яраламоқчи бўлганлар, аслида, Тангрига исён этган бўлади. Одам (алайҳиссалом) замонидан шу вақтгача исёнкорларнинг бошларига қандай балолар келганини эшитгандирсиз. Фиръавн, Шаддод, Намруд ва Од қавми, Лут ва Самуд ва ҳоказолар қандай мусибатларга мубтало бўлдилар? Бошпаналар итоатгўйни исёнкордан, душманни авлиёдан фарқ қилмоқ учун ҳамиша қоимдир. Уларнинг баъзиси набий ва баъзиси валий бўлиб кўринадилар. Шунинг учун ҳам, ҳар бир авлиё халқнинг ҳужжатлари (далили)дир. Халқнинг ўрни ва дараҷаси унга бўлган муносабати нисбатида бўлади. Душманлик қиласа ҳам, дўстлик қиласа ҳам Тангри қилган ҳисобланади. «Уни кўрган, мени кўрган, унга қасд қилган, менга қасд қилгандир» дея буюрилгани каби. Тангрининг Хос қуллари Оллоҳ қатининг маҳрамидирлар. Тангри бу ходимларнинг шаҳват ва ёмонлик томирларини кесиб тозалаган. Шундай қилиб, улар дунёning маҳдуми (ўғли) ва афандиси, сирларнинг маҳрами бўладилар. Қуръонда «Уни фақат таҳоратли — пок кишиларгина ушларлар»³⁷ дея амр этилган.

Мавлоно: Агар у орқасини улуғларнинг қабрига ўтирган бўлса, буни уларни инкор этгани ёки билмагани учун қилмаган. Бундан гараз — юзни руҳга томон ўтироқларидир. Бизнинг оғзимиздан чиққан бу сўз уларнинг жонидир. Ахир, жасадга орқа ўтириб, руҳга юз тутса, бунинг нимаси ёмон? Менинг шундай одатим бор — бироннинг мендан хафа бўлишини истамайман. Самоъ этаркан (най жўрлигига айланиб турмоқ — тарж.), баъзилар менга тўқнашиб кетишади. Шунда ёрондан кимлардир уларга монелик қилмоқчи бўлишади, бироқ бу менга ёқмайди. Уларга қайта-қайта «Мени деб бошқаларга ёмон гап айтманг!» дейман. Ахир, мен ҳузуримга келган ёроннинг зерикмас-

³⁷ Қуръон, 56-сурә, 76-оят.

лиги ва инжимаслиги учун қўлимдан келган барча чораларни кўраман, ҳатто шеър ўқийман. Йўқса, мен қаерда-ю, шеър ўқиши қаерда! Тўғриси, шеър ўқишидан роса тўйдим, зериқдим. Назаримда, бундан ёмонроқ нарса йўқ оламда. Масалан, мезбон меҳмоннинг истагига кўра ишкамбадан (ҳайвонларнинг ошқозон қисмидан — тарж.) шўрва тайёrlаш учун қўлларини ошқозоннинг ифлосликларига ботиради. Менинг ҳам аҳволим шундай. Яна бир мисол: Тужжор шаҳар аҳлининг эҳтиёжига қараб, энг паст, энг сифатсиз молни ҳам сотишга мажбур.

Фозиллар, ақлли, узоқни кўра оладиган, теран тушунчали зотлар, муҳаққиқлар (ҳақиқат толиблари — тарж.) ташриф буюрганида уларга ҳақиқатан нодир ва нозик масалалардан, нафсдан сўз очмоқ учун кўп илм ўргандим, заҳмат чекдим. Улуғ Тангрининг ўзи ҳам шуни истаган эди. У барча билимлар ва ранжни бир ерга тўплади. Ва мени мазкур ишлар билан машғул бўлишга йўллади. Аммо нима қилайнки, бизнинг юртимизда ва бизнинг миллатимизда одамни шоирликдан баттарроқ уялтирадиган ўзга иш йўқ. Агар биз ўша мамлакатда қолган бўлсайдик, у ердагиларнинг феъл-атворларига, фитратларига мувофиқ равишда яшаган, дарс берган, китоб ёзган, ваъз ўқиган ва зуҳди тақво ҳамда зоҳирий нарсалар билан банд бўлиш баробарида, уларнинг истакларини бажо келтирган бўлардик. Амир Парвона менга «Асл бўлган нарса амалдир» деди. Мен унга айтдимки: Қаерда ўша амал аҳли, қани амал талабгори? Келсин, мен унга амални кўрсатай. Мана сен ҳам ҳозир сўз (айтишимни) хоҳлаяпсан. Агар айтмасам, хафа бўласан. Қанийди, амал истасанг-у, биз уни сенга кўрсатсак. Бу дунёда биз амал талабгори бўлган бир мардни хоҳлаймиз. Аммо амал муштариисини тополмадик, бироқ сўз муштарииси мавжуд бўлганидан биз ҳам сўз билан машғулмиз. Сен амалдан нима тушunasан? (Ҳеч нарса). Чунки амал қилувчи эмассан. Амал — амал орқали, илм — илм билан, маъно — маъ-

но воситасида, шакл эса шакл ёрдамида англашилади. Сен бу йўлнинг йўловчиси эмассан. Шунинг учун ҳам, унда амал билан нимани кўра оласан? Бу амал нимадан иборат, намоз ва рўзданми? Булар амалнинг сурати (шакли) дир. Амал — ичкаридаги маъно: Одамдан Мустафо замонигача намоз ва рўза ҳозирги шаклда эмасди. Аммо амал мавжуд эди. Демак, бу сурат (шакл) амал бўладими? Амал инсондаги маънодир. Масалан, сен «Дори таъсир (амал) қилди» дейсан, аммо бу ерда амалнинг шакли (сурати) йўқ. Бу, бор-йўғи, ўша гапдаги маънодир. «Мана бу одам фалон шаҳарнинг энг кўп амал қилувчиси» деганда, унинг сурати эмас, балки ишлари кўзда тутилади. Демак, амал ҳалқнинг ундан англаган нарсаси эмас. Ҳалқ зоҳирлан кўринган нарсани амал, деб тушунади. Ичи бошқа-ю, таши бошқа бўлган одам амалнинг қуринишини бажо келтирса (диннинг фарзларини зоҳирлан адо этса — тарж.), бунинг унга фойдаси бўладими? (Бўлмайди!). Чунки унда боғлилик, тўғрилик ва ишончнинг маъноси йўқдир. Ҳар бир нарсанинг асли — сўз. Сенинг сўздан хабаринг йўқ ва уни менсимайсан. Сўз амал дараҳтининг мевасидир. Чунки у амалдан туғилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратди ва «Бўл» дейиши билан у ҳам бўла қолди» (Куръондан).

Иймон қалбададир. Бироқ уни сўз билан ифода қиласанг, фойдаси бўлмайди. Намоз ҳам феълдир (амалдир). Агар Қуръон ўқимасанг, ўқиган намозинг саҳиҳ (тўғри—тарж.) бўлмайди. Сен ҳозир «Сўзнинг аҳамияти йўқ» дейишинг билан ўз-ўзингни инкор этајпсан. Чунки сен шу фикрни ҳам сўз билан ифода қилмоқдасан.

Бири: «Биз хайр қилганимиз эзгу ва тўғри ишларни амалга оширганимиз эвазига Тангридан бир эҳсон кутсак, бунинг бизга зарари бўладими, йўқми?» деб сўради. Мавлоно буюрдики, валлоҳи, умидли ва иймонли бўлиш зарур. Қўрқув ва умид ҳам шудир. Биттаси менга «Умид гўзал ва хушдир, аммо қўрқув

нимада?» деда савол берди. Жавобан шундай дедим: Менга қўркувсиз бир умид ёхуд умидсиз бир қўркув кўрсатгин-чи? Улар бир-биридан айри эмас. Шундай экан, нега бу саволни бераяпсан? Чунончи, буғдой эккан одам унинг битишига ҳам умид боғлади. Шу билан бирга, «Оллоҳ сақласин, бир оғат бўлиб, зарар келтири-масин!» деда яна қўрқади. Демак, қўркувсиз умид йўқ, умидсиз қўркув эса тасаввурга сифмайди. Инсон умидли бўлса-ю, ҳеч қандай эҳсон кутмаса, у албатта янада ҳаракатчан ва жиддий тарзда муносабатга киришади. Умид ва кутмоқ инсоннинг қанотидир. Қанотлар қанчалик бақувват ва соғлом бўлса, у шунчалик юксакка уча олади. Умидсиз қолса-чи, тамбаллашади, ўзи хайр қилолмагани етмаганидек, бандалик вазифаларини ҳам адо этолмайди. Масалан, хаста тотли емишларни тарк этиб, аччиқ дориларни ича бошлияди. Агар унинг соғайиш умиди бўлмасайди, бунга қандай таҳаммул (сабр—тарж.) этарди?

«Инсон гапиравучи ҳайвондир». Унинг хусусияти ҳайвонликдан ва гапиришдан иборат. Ҳайвонлик унда доимийдир, айрилмасдир. Сўз ҳам шундоқ. Инсон кўринишдан ҳеч нарса демаса ҳам, ичida ҳамиша гапиради. Бу ҳам гўё лой қоришган сув тошқинига ўхшайди. Тошқиннинг тоза суви инсоннинг сўзи (нутқи), балчиғи эса ҳайвонлигидир. Бироқ балчиқ унда ўткинчи бўлиб, вақт келиб улардан асар ҳам қолмайди. Яхши ёки ёмон бўлишига қарамай, сўзлар, ҳикоялар ва билимлар қолади. Кўнгил аҳли бир бутундир. Сен уни кўришинг билан ҳаммасини кўрган бўласан. Чунки «Овнинг бори ёбон эшагининг ичидадир» дейишиди. Дунёдаги жамики хилқатлар унинг жузъалари-дир (парчалари-дир) ва куллидир (бутундир).

Байт: (Барча яхши ва ёмон нарсалар дарвешнинг жузъалари-дир. Агар бундай бўлмаса, у дарвеш эмасдир).

Куллни (шубҳасиз равища) кўрганинг учун бутун оламни ва кейинроқ, ҳар кимни кўрасан. Уларнинг

сўзи шу куллнинг ичидаги ва бу сўзларни эшитганинг сабабли энди эшитадиган ҳар бир сўзинг тақорордан иборат.

Байт: (Ким уни бир ерда кўрган бўлса, гўё ҳар инсонни ва ҳар ерни кўрган бўлади).

Шеър: (Эй, Тангрим китобининг нусхаси бўлган сен ва эй, Шоҳлиқ Жамолининг ойнаси бўлган сен! Оламда сендан холи бўлган нарса йўқдир. Ҳар истагингни ўзингдан иста (изла), чунки ҳамма нарса сенсан).

ФАСЛ. Ноиб: «Авваллари кофирлар бутга топинишарди. Ҳозир биз ҳам шундай қиляпмиз. Мўгуллар ҳузурида эгилиб, уларга ҳурмат кўрсатяпмиз, шу билан бирга, ўзимизни мусулмон ҳисоблаяпмиз. Ичимизда ҳам ҳирс, ҳавас, қизроши сингари кўплаб бутларимиз бор. Биз уларга итоат қилмоқдамиз. Демак, ҳам ичдан, ҳам ташқаридан кофирлар қилган ишни биз ҳам қиляпмиз. Яъни ҳам топиняпмиз, ҳам ўзимизни мусулмон деб биляпмиз», — деди. Мавлоно буюрдики: Бу ерда бошқа нарса бор. Модомики, буни ёмон нарса деб билар экансиз, демак, сизнинг қалб кўзингиз беразир ва жуда улуғ бошқа нарсани кўрган булиши керак. Шунинг учун ҳам, улар кўзингизга хунук ва нуқсонли қурилмоқда. Чучук сув ичиб юрган одамгина сувнинг шўр — тузли эканлигини пайқайди. Яъни ҳар қандай ашёнинг сифати зидди орқали маълум бўлади. Улуғ Тангри сизнинг қалбингизни иймон нури билан безагани учун ҳам, қалбингизга бу нарсалар чиркин туюлмоқда. Агар қалбингиз шундай бўлмаганда нарсаларга бундай қарамасдингиз. Бошқалар эса сиздаги дарддан маҳрум бўлганлари учун ҳам, ўз муҳитларидан мамнундирлар ва «Асосий нарса будир» дейдилар. Улуғ Тангри сизга истаганингизни беради, нимага эришиш йўлида ҳиммат кўрсатсангиз, ўшанга сизни мұяссар айлади. Чунки «қуш қанотлари билан юксалади, мўмин ҳиммати билан».

Яратиклар уч қисмга бўлинади. Биринчиси: малаклар. Булар нуқул ақлдир. Ибодат, қуллик ва зикр фит-

ратларида (табиатларида—тарж.) бор. Малаклар шулар асосига яшайдилар. Гүё балиқдек. Балиқнинг тириклиги сувдан, ётоги—сув. Малаклар шаҳватдан йироқдир. Шаҳват билан машғул бўлмаслик, нафс истакларини адо этмаслик, буларнинг барчасидан покиза бўлмоқдик — буюк бир давлат! Шундай экан, малаклар учун ўз табиатлари билан ҳеч қандай муроҷада (кураш-тарж.) бўлиши мумкин эмас. Улар ибодатларини ибодат ҳисобламайдилар, чунки бу улар яратилишининг заруридир ва ибодатсиз яшай олмаслар.

Иккинчиси: ҳайвонлар синфи. Булар нуқул шаҳватдан иборат. Уларни ёмонликдан қайтаргувчи ақллари ҳам йўқ.

Учинчиси: ақл ва шаҳватдан ташкил топган заволли инсондир. Устига-устак, инсон учун таклиф бор (яъни танлаш имкони — тарж.), ҳайвон ва малаклар учун бу — истисно эди. Демак, инсоннинг ярими шаҳват, ярими ҳайвон, ярими илон, ярими балиқ. Балиқ қисми уни сувга тортса, илон бўлғаги тупроққа судрайди. Ана шу тарзда домий жанг барҳаёт. «Ақли шаҳватидан устун келган киши малаклардан афзал, шаҳвати ақлидан ғолиб чиққан кимса эса ҳайвондан тубандир» (Ҳадис).

Байт: (Малак билими билан, ҳайвон билимсизлиги билан қутулади. Бани одам (эса) шу иккаласи ўртасида аросатда қолди).

Баъзи инсонлар ақлга шу қадар эргашдиларки, натижада, бутунлай малаклашдилар, нур бўлдилар. Булар анбиё ва авлиёдирлар. Улар умид ва қўрқувдан қутулганлар. «Огоҳ бўлингизким, албатта, Оллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар»³⁸. Шаҳвати ақлларидан устун келган кимсалар тамоман ҳайвонлашдилар, баъзилари эса, икки ўт орасида қолиб қийналмоқдалар.

³⁸ Куръон, 10-сурә, 62-оят.

Валийлар мүмінларни ўз даражаларига етказмоқ учун уларнинг ўзларига келишларини кутардилар. Шайтонлар ҳам, ўз навбатида, мүмінларни ўз томонига ва жаҳаннам тубига тортқилайди.

Байт (Уни биз ҳам истаймиз, бошқалар ҳам. Кўрамиз, толе кимга кулиб боқаркан ва дўст кимни сева-жак?). «Оллоҳнинг ёрдами ва ғалабаси келса». Куръоннинг зоҳирига боқсан муфассирлар ушбу оятни қуидагича тафсир этишади. Мустафо «Бутун дунёни мусулмонлаштирайин, Ҳақ йўлига йўллайин» дея курашди. Бироқ ўлишини тушуниб етгандан кейин: «Халқни истаганимдек даъват қилиш учун яшай олмадим!» деди. Жавобан Улуғ Тангри буюрдики: «Хафа бўлма, сен бу дунёдан кетаётган дамда қўшин ва қилич билан олганинг вилоятларнинг ҳаммасини сенга қўшинсиз итоат қилдириб, иймонга келтираман. Халқнинг бирин-сирин мусулмон бўлаётганини курганинг — сенинг даъватингнинг камоли эканлигига шоҳидлик беради. Тангрига тасбех айт ва Ундан гуноҳларинг учун сўра. Чунки бу сенинг у ерга кўчишингдан ишоратдир».

Муҳаққиқлар эса оятнинг маъносини шундай талқин этишади: Инсон ёмон васфларини ўз амал ва ғайрати ёрдамида бартараф этишини ўйлади. Бу йўлда у ўзининг бутун куч-қувватинию имконини сарфлайди. Шунда Улуғ Тангри буюрадики: Сен бу ишни ўз кучинг билан адо этмоқчи бўлгандинг. Бу менинг бир қоидамдир. Яъни сен бизнинг баҳшидамизга этишиш учун боринг ва йўғингни йўлимизда фидо қилмоғинг керак. Сенинг бу сўнгизи йўлни заиф оёқларинг билан тугатолмаслигингни билганимиз ҳолда, ундан юришни амр этмоқдамиз. Сен ҳатто юз минг йилда бу йўлнинг бир манзилига ҳам етолмайсан. Бироқ йўлдан юраркан, кучдан, тоқатдан қолсанг, Улуғ Тангрининг инояти сенинг қўлингдан тутади. Масалан, гўдак улайиб юрадиган бўлгунча уни етаклайдилар, кейин ўз ҳолига қўядилар. Нихоят, сенинг қувватинг битди. Куч-

қудратинг борлигида, кураш асносида биз сенга дамба-дам лутфимизни кўрсатардик, сен ҳам умидланаардинг. Энди бу восита (куч—тарж.) қолмагани ҳолда, бизнинг лутфларимиз ва инояtlаримизга бок. Улар оқиб келмоқдалар. Сен илгари қанча гайрат кўрсатмагин, бунинг заррасини ҳам кўрмагандинг. Шунинг учун «Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан У зотни ҳар қандай шериклардан покланг ва У зотдан мағфират сўранг!»³⁹ дея буюрилган. Сен ишни Бизнинг қўлимизда эканини кўрмай, ўз қўлингдан келишини ўйлардинг. Шу тушунчанг учун Оллоҳдан узр сўра.

Биз Амирни дунё манфаатлари ёхуд унинг тарбияси, билими ва амали учун севганимиз йўқ. Бошқалар эса уни шулар учун севишади. Чунки улар Амирнинг юзини эмас, орқасини кўрадилар. Амир ойнага ўхшайди. Бу сифатлар эса ойнанинг орқасига ишланган олтин ва қимматбаҳо инжулар кабидир. Улар ана шу инжуларга боқишади, кўзлари ойнанинг орқасида. Ойнага ошиқ бўлганларнинг қўзлари эса, олтиналарда эмас. Булар ойнани ойна эканлиги учун севишади. Чунки унда гўзал бир юзни кўрганлари учун қарашлари билан иchlари сиқилмайди. Хунук бўлганлар эса, ойнадан юз ўгириб, унинг орқасидаги инжуларни томоша қиласидилар. Шунинг учун ҳам, ойнанинг орқасига минг турли жавҳарлардан шакллар ясашади. Бироқ бунинг ойнага не зарари бор?

Улуғ Тангри ҳар иккаласини маъдум бўлиши учун инсонлик билан ҳайвонликни бир ерга тўплаган. Ахир, «ашё» қиймати зидди билан аён бўлади. Зидди бўлмаган нарсани таъриф этмоқлик имконсизdir. Улуғ Тангрининг зидди бўлмагани учун ҳам, «Мен гизли бир хазина эдим, билинмоқни истадим» (Ҳадис) дея буюрилганидек, нурнинг ошкор бўлиши учун қоронғу этиб яратилган мазкур оламни мавжуд айлади. Пайғамбар

³⁹ Куръон, 110-сурә, 3-оят.

авлиёларни ҳам «Менинг сифатларим билан чиқ, халқ-ка кўрин» дея вужудга келтирди. Улар Тангри зиёсинг мазҳаридирлар. Дуст душмандан шулар воситасида фарқ этилади. Чунки маънонинг маъно сифатида зидди йўқдир, бироқ буни сурат (шакл) йўлида кўрсатиш мумкин. Масалан, Одамнинг қаршисида Иблис, Мусонинг қаршисида Фиръавн, Иброҳимнинг қаршисида Намруд ва Мустафонинг қаршисида Абу Жаҳл пайдо бўлганидек. Шу ҳолда, маъно эътибори билан зидди бўлмаса ҳам, авлиёлар воситасида Тангрига зид пайдо бўлмоқда. Чунончи, «Улар Оллоҳнинг нурини (яъни Исломни) оғизлари (яъни бехуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Оллоҳ эса, гарчи коғирлар истамасалар-да, Ўз нурини (яъни динини) тўла (яъни ҳар тарафга) ёйгувчидир»⁴⁰ дея буюрилганидек, улар қанча душманлик қилсалар, буларнинг ишлари шунча илгарилайди, атрофга ёйлади.

Шеър: (Ой зиё таратади, ит эса ҳуради. Ахир, итнинг яратилиши шундай бўлса, ой нима қилсин? Кўкдагилар ойдан нур олмоқдалар. Биллурнинг ўрнидаги бу ит ким бўлди?!

Шундай кимсалар борки, Улуғ Тангри уларни мол, неъмат, амирлик ва куч-куvvват бериб азоблайди. Чунки уларнинг руҳлари бундай нарсалардан қочади. Фақир бир араб юртида амирнинг отга минганини кўриб, пешонасида набиу валийларнинг нурини мушоҳада этди ва «Мен қулларини неъматлар воситасида азобга учратган Оллоҳни мадҳ этаман», деди.

ФАСЛ. Бу ўқувчи Куръонни тўғри ўқийди. Бироқ фақат суратини. Унинг маънодан хабари йўқ. Агар унга маъно англалилса ҳам, барибир, кўр-кўrona ўқийверади. Бу шунга ўхшайди: Қўлида қундуз ушлаб турган одамга униқидан яхшироқ бошқа бир қундуз берсангиз, олмаса, демак, у қундузни билмайди.

⁴⁰ Куръон, 61-сурा, 8-оят.

Чунки унга кимдир қундузни қундуз эканлигини айтган, холос ва бу одам тақлидан қўлига қундуз олган. Яна бир мисол: Ёнғоқ ўйнаётган болага ёнғоқ мағзини ёки ёғини берсангиз, олмайди. Чунки бола ёнғоқдан чиқаётган овозга ишқибоз. Мағиз ва ёғ эса сас чиқармайди. Оллоҳнинг хазиналари ва илмлари беҳисоб. Куръонни тушуниб ўқиган одам Тангрининг бошқа китобини (Қуръонни) нега қабул этмасин? Куръон ўқиган бир одамга тушунтиридимки: Куръон «Айтинг: «Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тутаб битар!»⁴¹ дея буюради. Куръон эллик дирҳамлик сиёҳ билан ёзилиши мумкин. У (Қуръон – тарж.) Оллоҳнинг илмидан бир парча, холос. Унинг (Тангрининг — тарж.) бутун билими бундангина иборат эмас. Ахир, бир аттор қоғозга озгина дори ўраб берса, сен: «Бутун дўкон шунинг ичидами?» дейсанми? Бу аҳмоқлик бўлар эди. Ниҳоят, Мусо, Исо ва яна бошқаларнинг замонида ҳам Куръон мавжуд эди. Ҳақнинг каломи бор эди. Фақат арабча эмасди. Мана шуни айтмоқчи эдим. Ўқувчига қарасам, таъсир қилмаяпти, мен ҳам унинг ёқасини бўшатдим (яъни уни ўз ҳолига қўйдим — тарж.).

Ривоят қиласидиларки: Пайғамбар замонида асҳобдан кимда-ким яримта ёки битта сурा ўрганса, уни улуғ одам ҳисоблаб, «яримта ёки битта сурা билади» дея бармоқ билан кўрсатар эдилар. Чунки улар одатда Қуръонни ейишарди (ҳазм этишарди). Бир ёки ярим ботмон нонни бирданига ейиш, ҳақиқатан ҳам қийин иш. Бироқ оз-оздан чайнаб еса, юз минг эшакка юк бўладиган нонни ҳам ейиш мумкин. Пайғамбар: «Қанча Қуръон ўқиган бордирки, Қуръон уларга лаънат айтади» (Ҳадис) демаганмиди? Бу Қуръонни

⁴¹ Қуръон, 18-сурा, 109-оят.

ўқиган, аммо маъносини тушунмаган кимса ҳақида-дир.

Дунёни кўриш ва уни бошпана айлашлари учун Оллоҳ бир қавмнинг кўзини фафлат-ла боғлади. Агар одамларнинг бир гуруҳини ана шу тарзда дунёдан ғоғил этмасайди, бу дунё ҳеч бошпана бўлармиди?

Маъмурликни у дунёдан ғоғил бўлмоқлик вужудга келтирган. Чунончи, ҳеч нарсадан хабарсиз ва бўш бўлгани учун бола улғаяди, ўсади. Ақди камолга етиши билан улфайиш тўхтайди. Демак, қурувчиликнинг сабаби – фафлат, бузувчиликнинг сабаби эса — ақдлилик. Буларни айтишдан мақсадимиз севгили дўстни маънога томон тортмоқдир.

Ҳикоя қиласидарки: Бир одам Ҳажга кетаркан, чўлдан ўтаётib жуда чанқади. Узокдан кўринган чодирга яқинлашиб, у ерда бир хотинни кўрди ва: «Хуллас, мен мусо фирманд!» деди-да, ўтирди. Сув сўраганди, берди, бироқ сув оловдан иссиқ, туздан шўр эди. Мусо фирмнинг лабларини, томофини, ошқозонини куйдирди. Бироқ у жуда марҳаматли ва шафқатли бўлгани учун хотинга насиҳат қила бошлади: «Менга сизнинг ҳақингиз ўтди. Энди гапларимга қулоқ солинг. Боғдод, Басра ва Ёсиқ шаҳарлари бу ерга яқин. Шол одам ҳам судрала-судрала у ерларга ета олади. Чунки шаҳарларда ҳамма яхши нарсалар бор». Шу тарзда йўловчи у ерларнинг гўзалликларидан, неъматларидан гапириб турганди, хотиннинг эри келди. У бир қанча чўл ҳайвони овлаганди. Хотинига пиширишни тайинлади. Гўштдан меҳмонга беришди. Тун ярмидан ошганда, йўловчи чодир ташқарисида ётиб ухлади. Хотин эрига меҳмоннинг айтганларини сўзлаб берди. Жавобан эри шундай деди: «Эй хотин, бундай гапларни эшитма, чунки дунёда қизғанчиқ одамлар кўп. Улар баъзи кишиларнинг давлат ва роҳатга эришганларини кўролмайдилар. Бойликларидан, яшаётган жойларидан маҳрум қилмоқчи бўладилар». Халқ ҳам худди шундай. Бирор шафқат юзасидан ўтириб ўгит бермоқ-

чи бўлса, буни қизганчиқликка йўяди. Агар унда бир асос (қобилият) бор бўлса, насиҳатлар таъсирида маънога таважжух этади.

Маънога юзланишни инсон дастлаб унчалик севмайди. Бироқ вақт ўтган сайин ёқтира боради. Бу жараён суратда (шаклда) аксинча кечади. Чунки сурат бошида хуш ва латиф туюлади, бироқ у билан қанчалик кўп бирга бўлганинг сари ундан шунчалик тез совиб борасан. Қуръоннинг сурати қайдга. Маъноси қайдга! Худди шундай, инсонга бок! Агар инсон суратидан маъноси кетса, жасади қолади. Жасадни эса, ҳеч ким ушлаб турмайди (яъни тезда кўмади — тарж.).

Мавлоно Шамсиддин буюрдики: Йўловчиларнинг катта бир гуруҳи чўлда кетишаётганди. Қаттиқ чанқашди. Тасодифан чеълаксиз бир қудуқ топиб олдилар. Ўз чеълакларини ипга боғлаб қудуққа туширдилар. Бироқ чеълак қайтиб чиқмади. Аҳвол бир неча марта тақрорланди. Кейин одамларни туширдилар. Одамлар ҳам гойиб бўлдилар. Ниҳоят, бир ақлли одам туша бошлаганди, қудуқнинг тубида қўрқинчли бир арабга дуч келди. Аммо ўзини йўқотмади: «Бошга келганини кўрамиз, муҳими ақдимни йўқотмайин», деди. Занжи: «Менинг асиримсан. Аммо саволимга тўғри жавоб берсанг, озод қиласман. Айт-чи, энг яхши жой қаердир?» деди. Ақлли одам ўзига ўзи: «Мен ҳозир унинг тутқуниман. Агар Боғдод ёки бошқа ерни яхши десам, унинг яшаётган жойини ёмон деган бўламан» деб, «Энг яхши ер инсоннинг дўсти яшаётган жойдир ва бу макон ернинг остидаю сичқон тешигида бўлса ҳам, энг хуш жойдир» жавобини берди. Занжи қувониб: «Офарин, кутулдинг. Ер юзидаги ягона инсон сенсан! Сени ва сенинг шарофатинг учун қолганларни ҳам озод этаман. Бундан буён қон тўқмайман. Сенга бўлган севгим туфайли дунёдаги барча одамларни сенга бағишладим», деди. Кейин эса бутун йўловчиларни сувга қондирди.

Демак, мақсад маънодир. Маънони бошқа шакл билан ҳам сўйламоқ мумкин. Аммо тақлидчилар фа-

қат моддий ва аниқ бўлгандагина сўзни қабул қилас-
дилар. Уларга сўз тушунтиromoқ — мушкул. Чунончи,
уларга шуни бошқача айтсанг, англамайдилар.

ФАСЛ. Буюрдики: Тожиддин Қубоийга «Бу илм та-
лабаси орамизга кириб, халқнинг диний эътиқодига
путур етказмоқда» дедилар. У «Йўқ, улар бундай қил-
маяптилар, худо сақласин, улар биздан эмасдир. Ма-
салан, итга олтиндан тасма тақсанг ҳам, у ов итига ай-
ланмай, ўша кўча ити ҳолида қолади. Ов ити бошқа
бир ҳунар. Бу ҳунар ипак ва ё бўз ичида бўлсин, фар-
қи йўқ. Масалан, пайғамбар замонида иккисозламачи
кимсалар динга ғов бўлмоқ ниятида иймони заиф ки-
шиларга ўзларини мусулмон қилиб кўрсатардилар.
«Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган
«намозхонларга» ҳалокат бўлгайки, улар риёкорлик
қиладиган ва рўзгор буюмларини ҳам (кишилардан)
ман қиладиган (яъни бирон кишига фойдалари тег-
майдиган) кимсалардир!»⁴². Бутун сўз — шундан ибо-
рат. Сенда ўша нур бор, бироқ инсонлик йўқ. Сен ин-
сонлик тила. Исталган нарса будир, қолгани сўзни
чўзишдан бошқа нарса эмас. Сўз кўпайганда, мақсад
унутилади, йўқолади.

Баққол аёлни севарди ва унга хизматчиси орқали
хабар юборарди: «Мен сенинг ишқингда куйдим,
ёндим, ўлдим. Ҳузурим йўқ, фақат сени ўйлайман...»
Хизматчи аёлнинг олдига келиб, баққолнинг «севаман»
деганини айтди. Аёл: «Шу қадар совуқ айтдими?» деб
сўраганди, хизматчи: «Узоқ ва ёниб сўйлади, бироқ
демоқчи бўлгани шу эди» деб жавоб берди. Дарҳақи-
қат, асос бўлгани мақсаддир, қолгани — бош оғриғи.

ФАСЛ. Буюрдики: Кечакундуз жанжал қилиб бир
аёлнинг феълини тузатмоқ ва гўзаллаштиromoқ иста-
япсан. Унинг нопоклигини ўз поклигинг билан тозала-
моқчи бўляпсан. Аслида, ўзингни у билан тозалашинг,

⁴² Куръон, 107-сурә, 4,5,6,7-оятлар.

уни ўзинг билан тозалашингдан яхшироқдир. Сен унга томон юр ва унинг воситасида гўзаллаш. Имконсиз бўлса ҳам, у айтган нарсани қабул эт. Рашик ҳар на қадар эркакларнинг сифатларидан бири бўлса-да, ундан воз кеч. У (аёл) бошқа эркакларнинг васфларини сенга айтса ҳам қизғанма, чунки сендаги яхши сифатлардан кейин ёмон васфлар ҳам майдонга келади. Шунинг учун ҳам пайғамбар: «Мусулмончиликда бўйдоқлик йўқдир» (Ҳадис) деган. Роҳиблар ёлғиз яшайдилар. Устига-устак, тарки дунё қиласидилар. Улуг Тангри пайғамбарга жуда нозик бир йўлни кўрсатди. Бу қандай йўл? Бу аёлларнинг инжиқдикларига, ёмонликларига таҳаммул этиб, уларнинг ҳар қандай олдиқочди гапларини эшитмоқ ва уларга нисбатан қаттиқ-қўллик билан ёндашиш йўлида ўзини тузатмоқ мақсадида уйланмоқдир. Оллоҳ «Сен энг юксак ахлоқ соҳибисан», дея буюрган.

Одамларнинг ёмонликларига сабр қилмоқ, гўё ўз нопоклигини уларга суртиб тозаланган кабидир. Сенинг феъли ҳўйинг таҳаммул билан яхшиланади. Уларники эса, зулм ва ёмон муомала сабабли бузилади. Буни билиб олдинг ва энди ўзингни покла. Уларни эса ўз кирларингни артиб тозалаш учун ишлатиладиган латта парчаси, деб қабул эт. Нафсингга бас келолмасанг ҳам, ақлингга шундай бир дарс бер: Фараз қиласлик, у — ўртамизда никоҳ бўлмаган маҳбуба. Шаҳват устун келганда, унинг олдига бораман. Демак, бу ҳолда, ҳамият ва рашқдан воз кечмоқ керак. Нафсингни тарбия қилиб, мужоҳада ва таҳаммул завқи вужудга келгунгача ҳамда уларнинг имконсиз бўлган нарсаларидан ўзингда турли ҳоллар ҳосил бўлгунгача буни шу тарзда қабул этишга интил. Кейинроқ ўз-ўзингга берган дарссиз ҳам, мужоҳада ва пушаймонликнинг шогирди бўлурсан. Чунки энди ўз фойдаларингни унда очиқ кўрадиган бўласан.

Ривоят қиласидиларки: Пайғамбар асҳоби билан урушдан қайтди ва: «Бу кеча шаҳар ташқарисида ух-

лаб, эртага ичкари кирамиз» — деди-да, ногора ча-лишни буюрди. Ундан сўрашди: «Эй Оллоҳнинг элчи-си, бунга сабаб нима?» Жавоб берди: «Хотинларингизни бегона эркаклар билан кўрсангиз, хафа бўласиз». Бироқ асҳобнинг бири қулоқ солмай, уйига борди. У ерда хотинини бегона эркак билан топди. Худди шунинг учун ҳам пайғамбарнинг йўли (Оlam-и Муҳаммадий) юз очгунча (яъни инсондаги шариат руҳи ҳосил бўлгунча) рашқ ва ҳамиятни тарқ этмоқ, хотиннинг харажати, кийим-кечак орзуси каби юз мингларча ҳисобсиз ташвишга сабр қолмоқ, заҳмат чекмоқдир. Исонинг йўли ёлғиз қолмоқ ва шаҳватни кўрлаштиро-моқ учун интилмоқ эди. Муҳаммадники эса одамлар-нинг ва хотинларнинг заҳматларига таҳаммул этмоқ, фамларини тортмоқ эди. Модомики, Муҳаммаднинг йўлидан кетолмасанг, ҳеч қурса, Исонинг йўлини тут-ки, айрим нарсалардан маҳрум бўлмагайсан. Агар юз тарсаки емоқдан бир лаззат туйсанг, бунинг самара-сини кўзинг билан кўрасан ёки «Модомики, буюрди-лар ва хабар бердилар, демак, бу ерда бир нарса бор. Озгина кутайлик-чи, ваъда қилинган натижага балки эришарман!» дея ғойибга ишонасан. Бундан кейин эса: «Заҳматлар эвазига мукофотга ҳозир мұяссар бўлмасам-да, ниҳоясиз ҳазиналарга қовушаман» деб, кўнгилни тўқ қилганинг учун ҳам, ниятинг ҳосил бўлур. Ҳатто истаганингдан, кутганингдан ҳам авло-роғига эришажаксан. Сўзларим ҳозир сенга таъсир қилмаса ҳам, камолга етганинг сари улар ўз кучини кўрсата боради. Ва сен хотин нимаю дунё нима — ту-шунасан. Сен нима десанг ҳам, демасанг ҳам, улар ўз билгандаридан қолмайди. Масалан, сен бир нонни олиб, қўйинингга яшир ва одамларга кўрсатма. Шунда ҳалқнинг гизланган нонга қизиқишлари ортади. Агар кўчалар тўла арzon нон бўлган тақдирда ҳам, улар се-нинг қўлтиғинг остидаги ўша зогорани кўриш истаги билан ёнадилар. Нонни қанча узоқ муддат яширсанг, уларнинг иchlари ҳам шунча шиддат билан қизийди.

Чунки одам ман этилган нарсага нисбатан очкүз бўлади. Масалан, сен хотинга: «Очиқ-сочик юрма, ўран» десанг, унда ўзини кўрсатиш орзуси тобора ортади. Ўз навбатида ўранган аёлни кўришга ҳалқ ҳам шунча иштиёқманд бўлади. Мазкур иш билан сен икки тарафлама — кўрмоқ ва кўрилмоқ истагини орттиromoқдасан. Бироқ сен ўзингча, «Уни ислоҳ қилдим» деб ўйлайсан. Аслида эса бу ишинг фасодчиликдан (бузгунчиликдан — тарж.) ўзга нарса эмас.

Агар унда ёмон иш қиласлик жавҳари (табиатида) бўлса, сен ҳатто бунга монелик қилсанг ҳам, у албатта, ўзининг гўзал яратилишига мувофиқ иш тутади. Сен хавотир олма ва унинг ақдини, кучини, ниҳоят, ишини қориштирма. У, барибир, ўз билган йўлидан қолмайди. Унга ғов бўлмоқлик — рағбатини ортиришдан бошқа ишга ярамайди.

Одамлар «Биз Шамсиддин Табризийни кўрдик!» дейишмоқда. Эй ахлоқизлар! Уни қаерда кўрдингиз? Томда турган түяни кўрмаган одам «Мен игна тешигига ип ўтказдим» демоқда. Бир гўзал ҳикоя бор: Иккита нарсага кулгим қистайди: бири – занжининг бармоқлари учини қорага бўяши, иккинчиси — кўрнинг ташқарини томоша қилмоқ ниятида бошини деразадан чиқариши. Улар ҳам шуларга ўхшайдилар. Ичкўзлари кўр бўлгани ҳолда, вужуд деразасидан бошларини ташқарига чиқарадилар. Гўё бир нарсани кўрадигандек! Ақлли одам учун улар берган баҳонинг нима қиймати бор? Чунки улар ҳеч нарса кўрмагандир.

Аввал кўриш хоссасини вужудга келтириб, кейин қарамоқ лозим. Дунёда жуда кўп кўрган, васлга эришган валийлар мавжуддир. Булардан ташқари, яна шундай авлиёлар борки, уларга Ҳақнинг гизлагани, яширгани (Мастурон-и Ҳак) дейишади.

Валийлар «Эй Тангримиз! Яширганингдан бирини бизга ҳам кўрсат!» дея йифлаб сиқтамагунча, истаклали ижобат бўлмас. Чунки ташқи кўзлар билан истал-

ган нарсани кўриб бўлмайди. Бу иш қулай эмас, ҳатто малаклар ҳам бу масалада ожиз қолгандар: «Биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз»⁴³.

Биз ҳам ошиқмиз, руҳониймиз, нурмиз. Бани одам эса оч, еб тўймас ва қонхўрдир. «Қонлар тўқадиган»⁴⁴ ояти шулар ҳақида нозил бўлгандир. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг ўз-ўзидан қўрқмоғи учундир. Руҳоний бўлган фаришталарнинг на моли, на мавқеи ва на пардалари бор. Уларнинг бор-йўғи нурдан иборат. Тангри жамолига бўлган ишқдари — ягона дардлари. Узокни кўрган кўзлари эса инсоннинг «Мен кимман, қаердан билайн, эвоҳ!» — дея ўзидан ўзи қўрқиши ва бир завқ ёки нур юз очганда: «Мен бунга лойиқманми?» дея Тангрига минг марта шукр айтиши учун иқрор-ла инкор ўртасида яшайди.

Сиз энди Шамсиддиннинг сўзидан кўп завқ оласиз. Чунки инсон вужуди кемасининг елкани — иймон. Елкан бўлса, шамол кемани муazzзам бир ерга олиб боради. Бўлмаса-чи, сўз ҳаводан иборатдир.

Ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги таклифнинг йўқлиги қандай яхши! Таклиф, такаллуф ва тортинишлар — бегоналар учун. Ошиққа ишқдан бошқа ҳамма нарса ҳаромдир. Буни яна ҳам чуқурроқ англатардим, бироқ энди bemavrid. Сувнинг кўнгил ҳовузига келиб қуйилиши учун кўпгина дараларни ошиб ўтиши керак бўлади. Йўқса, ё гапирган ё эшитган сиқилади. Миллатнинг безганлигини кетгизмаган хатиб — икки пулга қиммат. Ҳеч бир ошиқ севгилиси гўзаллиги тўгрисида далил кўрсатмайди ва ҳеч кимса ошиқнинг кўнглидан маъшуққа қарши кин топа олмайди. Бу ерда далилнинг фойдаси йўқ, бу ерда фақат ишқ толиби бўлмоқ керак. Қуйидаги

⁴³ Куръон, 2-сурा, 30-оят.

⁴⁴ Куръон, 2-сурা, 30-оят.

байтда муболага қилган бұлсак ҳам, ишқ борасида муболага эмас: «Эй Сенинг суратинг мингларча маънодан гүзалроқ бұлган (севгили)!» дея буюрилганидек, муриднинг шайх сурати учун ўз маъносини фидо қилганини күрмоқдамиз. Чунки бир шайх ҳузурига келган мурид ўз маъносидан кечиб, шайхга муҳтож бұлган кишидир.

Баҳовуддин «Булар балки ўз маъноларини шайхнинг маъноси учун тарк этишаётгандир», деди. Мавлоно буюрдики: Бундай бұлмаслиги керак. Агар бундай бұладиган бұлса, уларнинг ҳар иккиси ҳам шайх ҳисобланади. Энди ичингда бир нур ҳосил қилмоқ учун файрат күрсатмоғинг шарт. Нур ёрдамида сени паришон қилган оловдан қутуласан ва ишонч ичра яшай бошлайсан. Кейин күнглингда амирлик, вазирлик каби дунё ҳоллари чақмоқдек ёниб үчади. Худди шундай, дунё аҳдининг ичида ҳам Тангри құрқуви, авлиё оламининг шавқи жинсидан файб оламининг аҳволи порлайди ва улар ҳам чақмоқдек ёниб үчади. Шунда Ҳақ аҳли Тангрига йұналади. Шаҳват сингари дунёға оид ҳаваслар бош күтарадилар-у, қарор тополмай, ўтиб кетадилар.

ФАСЛ. Шариф-и Ро-Сухта дерки, «Муқаддас ванеъматлар бағищлаган (Тангри) дунёдан мустағнийдир. У ҳамма нарсанинг жонидир, бироқ ўзи жондан мустағнийдир (яъни жонга муҳтож эмас — тарж.). Сенинг ваҳмингни иқота қилган ҳамма нарса Унинг қибла тарафидир. Бироқ Унинг ўзи ҳар қандай тарафдан мустағний». Бу фикрлар олди-қочдиدير. На шоҳни ва на ўзни мақтамоқдир. Ахир, у сендан мустағний эса, бундан сен нима завқ оласан? Бу дұстларнинг эмас, душманларнинг хитобидир. Чунки душман «Мен сендан мустағнийман, сенга муҳтож эмасман» дейди. Энди сен оташин ошиқ бұлган ушбу мусулмонга қара! Завқданаркан, севгилисини ўзидан мустағний эканини сүйлемоқда. Бу шунга ўхшайди: Бир гүдак ўчоқнинг олдидә үтириб олиб «Султон мен-

дан мустағнийдир, унинг менга эҳтиёжи йўқ, бутун гулханчилардан воз кечди» деса ва ҳақиқатан ҳам подшоҳ ундан воз кечган бўлса, бунинг нимаси завқ оларли?

Бир шайх «Аввал кўрмоқ, сўнгра эшитмоқ ва гаплашмоқ келади. Масалан, ҳамма сultonни кўради, бироқ у билан фақат хос одамларгина гаплашади» деди. Мавлоно буюрдики, бу — янгиш, олди-қочди ва толесизликдир. Чунки Мусо олдин гаплашди, кейин Оллоҳ дийдорига толиб бўлди. Сўз айтмоқ мақоми Мусонинг, кўрмоқ мақоми эса Муҳаммаднингдир. Шундай экан, сенинг сўзинг қандай қилиб тўғри бўлиши мумкин?»

Биттаси Мавлоно Шамсиддин Табризийнинг ҳузурида «Мен аниқ бир далил билан Тангрининг борлигини исбот этдим», деди. Эртаси кун эрталаб Мавлоно Шамсиддин буюрди: «Кеча кечаси малаклар келишди ва: «Оллоҳ унга (Тангрини исбот этганга — тарж.) умр берсин. Ва яратганга шукр бўлсинки, бу одам бизнинг Тангirimизни исбот этди» — дея дуо қилишди. Эй заволли одамча, Тангрининг борлиги событидир. Бу — далил истамайди. Агар бирор иш қилмоқчи бўлсанг, дарражанг ва мақоминг билан Унинг олдида ўзингни исбот қил. Унинг ўзи эса далилсиз ҳолда событидир. «Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот (Оллоҳни) поклар»⁴⁵. Бунга шубҳа йўқдир.

Буюк Мавлоно буюрди: У дунё денгиз кабидир. Бу дунё эса унинг кўпиги. Азиз ва Улуғ Оллоҳ кўпик парчасини маъмур қилмоқчи бўлгани учун бир қанча одамларнинг орқасини денгизга ўгирди. Улар агар шу билан банд бўлмаса, бир-бирларини маҳв этадилар. Кўпик парчаси ҳам йиқилиб, хароб бўлади. Демак, бу — шоҳ учун қурилган чодир. Миллатни эса чодирни таъмир этмоқ учун машғул айлайдилар.

⁴⁵ Қуръон, 17-сурә, 44-оят.

Бири дейди: «Агар бу ипни тортмасам, чодир тик туармиди?» Бошқаси айтади: «Агар қозиқ қоқмасам, ипни қаерга боғлардинг?» Шу тарзда уларнинг ҳар бири шоҳнинг қуллари ҳисобланади. Ўз навбатида, булар ҳам чодирда ўтириб, севганларини кузатадилар. Агар бўзчи вазирлик учун ўз ишидан воз кечса, бутун дунё ялангоч қолади. Шунинг учун ҳам, унга ўз ишига нисбатан завқ ато этилган. Бу завқ учун бўзчи ҳамма нарсага рози бўлади. Шу ҳолда, улусни кўпик парчаси каби бўлган дунёга тартиб бермоқ, оламни эса валийнинг низоми учун яратгандир. Оламга тартиб бермоқ учун яратилганлар эмас, балки ишларини низомга солмоқ учун олам яратилган зотлар баҳтлидир. Азиз ва Жалил бўлган Оллоҳ уларнинг ҳар бирига севинч ва завқ бағишлайди. Булар эса инсоннинг ўз ишини бажаришида ёрдам ва ҳузур беради. «Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот Оллоҳни поклар⁴⁶. Демак, чодирнинг ипни тортганинг, устун қўйганинг, қозиқ қоқъяннинг, бўз тўқиганинг ва ниҳоят, чодирда ўтириб айланган валийларнинг ҳар бирининг алоҳида-aloҳида тасбеҳи бордир.

Бир тўда одам ҳузуримизга келишмоқда. Агар индамасак, хафа бўлишади. Агар гапирсак, бунга мажбур бўлганимиз учун биз хафа бўламиз. Чунки улар кейин «Биздан безди, зерикди ва қочди», дея фийбат қилишади. Бироқ ўтин идишдан нечун қочсин? Қочадиган бўлса, идиш қочади. Чунки оловга чидай олмайди. Ўтин ва оловнинг қочиши — қочиш эмас. Одатда, заиф бўлган нарсадан узоқлашилади. Демак, барча ҳолларда қочган идиш. Худди шундай, бизнинг қочишимииз, аслида, уларнинг қочишидир. Чунки биз бир кўзгумиз. Улар қочса, бизда акс этади. Кўзгу одамларнинг унда ўзларини кузатадиган нарсадир. Агар улар бизни сиқилган ҳолда кўрган бўлсалар, демак, бу

⁴⁶ Куръон, 17-сурә, 44-оят.

уларнинг фамлари ҳисобланади. Фам ва хафагарчилик заифликнинг васфидир. Шунинг учун бу ерга фам сифмайди. Унинг бу ерда ҳеч қандай иши йўқ.

Ҳаммомда Шайх Салоҳиддинга камтаринлик қилдим. У бунга жавобан шундай бир мулозамат кўрсатдики, шошиб қолдим ва ўзимча дедим: «Тавозеда ҳаддан ошайпсан. Секин-аста тавозе кўрсатиш яхшироқдир. Оддин унинг қулини юв, кейин оёғини ва буларни деярли сездирмай бажар. Шунда у буларга қуниқади ва мулозаматга нисбатан тавозе билан жавоб бериш ҳиссини туймайди. Шу тарзда уни камтаринликка қўниқтирган бўласан. Дўстлик ва душманликни ҳам худди шундай — тадрижан кўрсатмоқ лозим. Масалан, душманга, аввало, панд-насиҳат қиласан, эшитмаса, урасан, яна бўлмаса, уни ўзингдан узоқлаштирасан. Қуръонда: «Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало, уларга панд-насиҳат қилинглар, сўнг (яъни насиҳатларинг кор қилмаса) уларни ётоказдан тарк қилингиз (у билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйсунмасалар) уринглар»⁴⁷ дея буюрилган.

Дунёнинг ишлари шу ҳолда юради. Баҳорга қара! Дастреб бирозгина илитади, бора-бора эса, ўз ҳароратини орттиради. Дараҳтлар ҳам шундай. Иссиқни секин-аста ҳис этиши билан, аввал қулимсирайди, кейин япроқ ёзиб, мева беради. Худди шундай, ибодат, тоат, хилват ва намозга таважжуҳ этмакда (юзланишда — тарж.) ҳам иш осондан мураккабга томон боради. Ахир, аввало, ёлғиз намоз қилмаган инсон қандай қилиб Оллоҳ йўлига киради? Дастреб, бир марта беш вақт намозини адо этади, сўнгра секин-аста орттиради. Бунинг сўнгги эса йўқ...

ФАСЛ. Ибни Човушга лозим бўлгани Шайх Салоҳиддин ҳақида ёмон сўз айтишдан тилини тиймокдир. Бу

⁴⁷ Қуръон, 4-сурә, 34-оят.

унинг ўзи учун фойдали, чунки қалб кўзини тусиб қўйган пардалар очилиб, зулмат чекинади.

Ибни Човуш унинг учун нималар деди? Инсонлар бундай улуф зотга етишмоқ мақсадида юртларини, ота-оналарини, бола-чақаларию қариндош-уруғларини ташлаб Ҳиндистондан Синдга келдилар. Темирдан қилингандар оёқ кийимлари парча-парча бўлди. Улар қийинчиликларни у оламнинг бўйини олган улуф зотни кўриш умиди билан тортдилар. Не-не одамлар нијатлари ҳосил бўлмай ўлиб кетдилар. Сен эса ўша улуф зот билан бир уйда юзма-юз ўтирганинг ҳолда ундан воз кечмоқдасан. Ахир, бу сен учун зўр бало ва гафлат эмасми?

Ибни Човуш диннинг ва шайхларнинг салоҳи (тузалиши, яхшиланиши — тарж.) тўғрисида кўп яхши гаплар ҳам айтди: «У буюк одамдир. Буюклиги шундоқ юзидан маълум». Сунгра: «Мавломиз, Афандимиз, Тангirimiz, Яратувчимиз!» деди. У ушбу таъбирларни ҳеч қачон ўзгартирмаган эди. Энди унга нима бўлди? Ёмон ва бузук ниятлар кўзларига парда бўлдими? Бугун Шайх Салоҳиддин ҳақида гапиарarkan «У ҳеч ким эмас», деди. Салоҳиддин унга нима ёмонлик қилди?

Агар Салоҳиддин ёқтирмайдиган ишлар қилсанг, тамоман унинг қаҳрига учрайсан. Ва у сенга «Қаҳр ва ғазаб, лутф ва марҳамат уйимдан кўч. Агар ўзингга ёқадиган бир иш қилсанг, менинг лутф ва марҳамат уйимга кирасан. Бундан ичинг ёришади», деди. У фақат сен ва сенинг фойданг учун ўгит бермоқда. Сен эса бу яхшиликка қандайдир бўлмагур тушунчалар билан жавоб қиляпсан. Ахир, бундай бир одамнинг сенга қандай душманлигию ёмонлиги бўлиши мумкин? Масалан, ҳаром бўлган шаробдан ёки афюндан ичиб, сархушлиқдан завқ оласан. Ва дўсту душманни қўл-оёғини ўпиб, уларга мулозамат кўрсатасан. Бу лаҳзада сен учун иймонлию иймонсиз бир бўлади. Шайх Салоҳиддин эса сен олган ана шу завқ қуёшларининг

аслидир. Шавқ ва нашъа дengизларининг ҳаммаси унинг олдидадир. Шундай экан, унинг кимга қарши гарази бўла олади? Насиҳат қилаётган бўлса, бутун қулларга бўлган шафқат ва севгиси туфайли қиласайти. Ўзида бу қадар буюклик ва салтанат бўлган зот сен-дек мискинлар билан бир бўладими?

Ҳаёт суви қоронгу бир ерда бўлади. Бу ер валийларнинг жисмидир. Ҳаёт суви ўша ерда. Инсон бу сувга фақат қоронгуликда етиша олади. Сен эса қоронгуликни севмайсан, ундан нафратланасан. У ҳолда, ҳаёт сувига қандай етишасан? Қўрқоқлардан қўрқоқликни, фоҳишалардан фоҳишаликни ўрганмоқчи бўлсанг, кўпгина нохуш нарсаларга сабр қилишга тўғри келади. Йўқса, мақсадинг ҳосил бўлмас.

Набийлар ва валийларнинг мақоми ҳисобланган ўлимсиз ҳаётга етишмоқчи бўлсанг, нафсингдаги ёмонликлардан воз кечмоғинг ва хушламаган нарсаларингга таҳаммул қилмоғинг керакдир. Ҳозирда шайхлар эскилари каби ҳукм этмаяптилар. Бор-йўғи «Хотинингни, бола-чақангни, мол-дунёнгни тарқ эт!» дейди. Эски шайхлар «Хотинингни тарқ қил, уни биз оламиз» дейишарди ва муридлари ҳам бунга таҳаммул этишарди. Сиз эса шайхнинг қулай таклифига нечун сабр қилмаяпсиз? Сиз ёқтиргмаган бир қанча нарсалар борки, балки улар ўзингиз учун хайрлидир. Нафсларини кўрлик ва билимсизлик қоплаган бу одамлар нима дейишяпти ўзи? Улар ҳеч ўйлайдиларми, инсон бир аёлга ошиқ бўлганда не-не машаққатларга гирифтор бўлади. Унинг (аёлнинг — тарж.) кўнглини олмоқ учун бор-йўғини фидо қиласди. Бу йўлда ҳеч чарчамайди, зерикмайди, сиқилмайди. Оллоҳнинг ва шайхнинг севгиси бундан пастмидики, бажарилиши ўта қулай бўлган ҳикматлар айтилганда ҳам, шайхлар тарқ этилади. Бу шуни кўрсатадики, ҳали ҳам у ҳақиқий ошиқ бўлмаган. Агар ҳақиқий ошиқ бўлсайди, бундан бешбаттар оғир шартларга ҳам таҳаммул этар ва булар унга асалдан-да, шакардан-да ширинарқ туюларди.

ФАСЛ. Бир куни бир йиғинда ваъз ўқиларди. Мусулмону коғир — ҳамма йиглар, турли аҳволга тушарди. Бири: «Коғирлар нега йиглашади, устига устак, тилни билишмайди. Мусулмонларнинг ҳам мингдан бири аранг тушунган ваъздан улар нимани англайптики, бу қадар йиглаб сиқташади?» деб сўради. Мавлоно буюрдики, сўзнинг ўзини тушунишга ҳожат йўқ. Улар моҳиятни, мақсадни англашмоқда. Улар ҳам Оллоҳнинг бирлигини эътироф этишади. Унинг Яратувчи, Рazzоқ, ҳамма нарсани ўз тасарруфида тутувчи эканини, ниҳоят, ҳар ким Унга қайтажагини, афв ва жазо Ундан бўлажагини билишади. Шунинг учун ҳам, Тангрининг васфи ва зикри бўлган сўзларни эшишилари билан музтариб ҳолда, қалбларида севинч ва завқ туймоқдалар. Бу сўздан уларга севгандари ва истаганларининг бўйи келмоқда. Йўллар турли-туман бўлса ҳам фоя бирдир. Ахир, кўрмаяпсанми, Каъбага элтувчи қанча йўллар бор. Ким Румдан, ким Шомдан, ким Ажамдан, ким Чиндан ва яна кимdir Ҳинду Ямандан йўлга чиқади. Агар йўлларга боқадиган бўлсак, буюк фарқлар бор. Мақсадга, фояга назар солсак-чи, уларнинг ҳаммаси бир — Каъбага йўналгандир. Бу ердаги ишқ жуда улуғдир. Чунки бунда — ҳеч қандай тушунмаслик, бошбошдоқлик йўқ. Каъбага келинганда, йўллардаги ғавғолар, урушиб-сўкишлар барҳам топади. Чунки йўлда бир-бирларига «Коғирсан, фалонсан-пистонсан» деганлар, Каъбага келишлари билан мақсадлари бир эканини тушунади. Масалан, косанинг жони бўлса, ўзини ясаганнинг қули бўлади. Коса ясаганларнинг баъзиси: «Буни шунаقا дастурхонга қўйиш керак», деса, бошқаси: «Унинг ичини ювиш керак», дейди. Яна бири: «Унинг ташқарисини ювиш лозим», деса, бошқаси: «Унинг ҳамма томонини ювиш зарур», дейди. Ниҳоят, яна шундайлар борки: «Ювишга ҳожат йўқ», дейди. Келишмовчилик мана шунаقا нарсалардадир. Бироқ уларнинг барчаси косани ясовчиси бор-

лигига, яъни у ўз-ўзидан бино бўлмаганигида келишадилар. Бунда келишмовчилик йўқ.

Энди одамларга қайтайлик. Одамлар Оллоҳни чин дилдан севадилар. Ундан истайдилар, Унга ялинадилар, ҳамма нарсани Ундан кутадилар, бор ва йўқ нарсалари ҳам Ундандир. Ундан ўзгасини ўз устларидаги қудрат соҳиби деб билмайдилар. Бу маъно на инкор ва на иймон этмоқдир. Унинг бир исми йўқ. Бироқ маъно шакл ва сўзга айланиши билан қуфр ёки иймонга айланади. Худди шундай, ердан энди чиқаётган ўсимликларнинг ҳам дастлаб муайян шакллари бўлмайди, секин-аста каттариб дунёга юз очганлари сайин (олдин) латиф ва нозик кўринадилар. Яшаганлари сари эса кирланадилар, қўпполлашадилар, ранглари ўзгариб хунуклашадилар. Бир-бирлари билан гаплашмаган мўмин ва кофир зоҳирان бир хилдир. Тушунча айбланмайди. Инсоннинг ичи ҳуррият оламидир, тушунчалар латифдир, уларга ҳукм қилинмайди. «Биз кўринганга (зоҳирга, аёнга — тарж.) ҳукм қиласиз, сирларни Оллоҳ билади» (ҳадис). Уларни сенда Улуғ Оллоҳ майдонга келтироқда ва сен улардан ўзингни ўтга - чўқقا уриб ҳам, «ла ҳовла»ни айтиб ҳам қутулоғмайсан. Шунинг учун ҳам: «Тангрининг қуролга эҳтиёжи йўқ», дейишади. У тасаввур ва тушунчаларни қалам ва бўёқ сингари воситаларсиз сенда ҳосил қиласиди. Тушунчалар парвоздаги қушлар ва чўл жайронлари кабидир. Маъно ибора ҳолига келиши билан инсоннинг кофир ёки мусулмонлигига, ёмон ёки яхшилигига ҳукм бўлиши мумкин. Жисмлар олами бўлгани янглиф тасаввур, тахайюл ва ваҳмларнинг ҳам ўз олами бордир. Улуғ Оллоҳ эса барча оламлардан бохабардир ҳамда на ичда ва на ташдадир.

Энди сен Оллоҳнинг ушбу тасаввурлар узра тасаруфига боқ. Уларнинг воситасиз ҳолда қай йусин тасвир этмоқда? Ҳаёл ва тасаввурни кўрмоқ учун кўкракни ёриб, парча-парча қилсанг ҳам, исталган тушунчани тополмайсан. уни қонда, томирда, пастдаю юқори-

да, хуллас, ҳеч қаердан қидиришнинг фойдаси йўқ. Яхшиси, сен Унинг буларни яратиш учун нақадар латиф ва нақадар беназир, бенишон бўлганлигини ўйла. Мазкур қолиплар инсондаги маънога нисбатда чексиз марта бақувватдир (зичдир, қаттиқдир — тарж.). Латиф, ўхшашсиз ва хусусиятсиз бўлган маънолар эса Тангрининг лутфларига қиёсан бақувват (зич, қаттиқ — тарж.) жисмлар кабидир.

Шеър: (Агар пардалар орасидан ўша кутлуғ руҳ қўринсайди, инсонлар ақдини вужуд (гавда)га чиқаришарди).

Улуғ Оллоҳ тасаввурлар оламига, ҳатто ҳеч бир оламга сифмайди. Агар тасаввурлар оламига сифсайди, тасаввур қилган (киши) уни қамраган бўларди ва У тасаввурлар яратувчиси, дейилмасди. Демак, У барча оламларнинг устида экани англашилмоқда.

Улуғ Тангри Пайғамбариға рӯё кўрсатди. «Қасамки, Оллоҳ ўз Пайғамбариға (у киши кўрган) тушни ҳаққи - рост қилди: албатта сизлар (эй мўминлар), иншооллоҳ, Масжид-ал-Ҳаромга... киурсизлар»⁴⁸ деса, фақат баъзиларигина «Иншооллоҳ, Каъбага кираман!» дейди. Бу «Иншооллоҳ!» деганлар ошиқдардир. Чунки улар бу нарса ўз қўлларида эмаслигини биладилар. Ҳамма нарса ёрга боғли эканига иқрорлар ва «Агар ёр истаса, у ерга кирамиз!» дейишади. Зоҳирни кўрганлар учун Масжиди Ҳаром зиёрат қилинадиган Каъбадир. Ошиқлар ва Тангрининг хос қуллари наздида эса Масжиди Ҳаром Тангрининг висолидир. Шунинг учун ҳам, «Оллоҳ истаса, Дийдорига етишамиз!» дейди. Бироқ ёрнинг «Иншооллоҳ!» дейиши жуда нодир ҳодиса. Бунинг ҳикояси файриоддий ва галатидир. Файриоддий ҳикояни эшитмоқ учун эса, файриоддий одам керак.

Оллоҳнинг шундай қуллари бордирки, улар азиздир, севгилидир. Ошиқларнинг барча вазифасини ҳам

⁴⁸ Куръон, 48-сурә, 27-оят.

фақат шулар учун адо этади. Ошиқнинг «Иншооллоҳ, эришамиз!» деганидек, Улуғ Тангри ҳам «У ғарип (азиз) истаса!» дейди. Бироқ биз ҳозир бунинг шарҳига қизиқиб кетсак, восил бўлган валийлар қалаванинг учини йўқотадилар. Агар улар бундай аҳволга тушсалар, бу хил сирлар ҳалқа қандай айтилади? Қаламнинг учи шу ерда синди...

Миноранинг тепасидаги тева (туя)ни кўролмаган, туянинг оғзидағи қилни қандай кўрсин?

Энди биринчи ҳикояга келайлик. «Иншооллоҳ!» деган ошиқлар «Ишни бажарган севгилидир. У истаса, Каъбага кирамиз!» демоқчи бўладилар. Булар Оллоҳда гарқ бўлгандир. Орага ўзга бирор сифмайди. Ҳатто бу ҳақида гапирмоқ ҳаромдир. Ўзини фано этмагунча орага ҳеч ким киролмайди. «Оллоҳдан бошқа зот йуқдир». «Қасамки, Оллоҳ ўз Пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққи-рост қилди»⁴⁹. Бу ошиқлар ва содиқларнинг рӯёсидир. Шарҳи у дунёда маълум бўлади. Бутун оламнинг ҳоллари ҳам балки бир рӯёдир ва буларнинг ҳам шарҳи у дунёда билинади. Масалан, тушингда отга миссанг, муродинг ҳосил бўлур. Бироқ отнинг мурод билан нима алоқаси бор? Сени дорга осишганини (рӯёнгда) кўрасан, демак, бир улуснинг боши бўласан. Дор билан элга бошчиликнинг нима яқинлиги бор? Дунёнинг ҳоли ҳам тушга ўхшайди. «Дунё ухлаган одамнинг рӯёси кабидир» (Ҳадис). Бироқ у дунёнинг шарҳи ўзига хос бўлиб, бунисига ўжшамайди. Чунки у илоҳий шарҳдир. Ҳамма нарса унинг учун кашф этилган. Масалан, боқقا кирган боғон дарахтлар шохидаги меваларга қарамасдан, бу — хурмо, буниси анжир, анави нок, беригиси олма, дея олади. Худди шундай, тушларнинг таъбирини билиш учун ҳам қиёматга ҳожат йўқ. Боғоннинг қайси дараҳт қандай мева беришини билганидек, У ҳам рӯёлар таъби-

⁴⁹ Куръон. 48-сурә, 20-оят.

рини олдиндан билади. Мол-дунё, хотин, кийим-кечак ва ҳоказолар атрофдаги нарсалардир. Ахир, очнаҳор ҳолда нон тополмасанг, чұнтағингда юз дирхам пулдан нима наф? Уни еб бўлмайди. Демак, хотин, бола-чақа, шаҳват ва кийим-бошлар кабилар совуқдан сақланмоқ учундир. Шу тарзда барча нарсалар бир-бирларига боғли бўлиб, то Азиз ва Жалил Оллоҳга қадар узайиб боради. Исталган, қидирилган Удир ва Уни бошқа нарса учун эмас, балки Ўзи учун истайдилар. Чунки У ҳамма нарсанинг устида, ҳаммасидан авлодир, юксакдир, шарафлидир, гўзал ва хушдир. Шундай экан, Уни Ундан тубан бўлган нарса учун қандай истайдилар. Ниҳоят Ундадир. Унга етишиш билан барча орзулар ҳам рӯёбга чиққуси. Ундан илгариси ва нарёғи йўқдир.

Инсон нафси шубҳа ва тахмин еридир. Сен ундан (инсондан — тарж.) булаңни ҳеч қачон ҳеч қандай восита билан дафъ этолмайсан. Буни фақат ошиқ бўлиш билангина бартараф қилиш мумкин. Инсон ошиқ бўлиши билан (унинг) ичида ҳеч бир шубҳа ва тахмин қолмайди. «Сенинг севгинг сени кўр ва кар қиласди» (Ҳадис) дея буюрилган.

Иблис Одамга сажда қилмай, Оллоҳнинг амрига қарши чиқиб: «Мени оловдан, уни эса балчиқдан яратдинг» — деди. Яъни менинг зотим оловдан, уники тупроқдандир. Юксак бўлганнинг тубан бўлганга сажда қилиши тўғрими? Иблис Оллоҳ билан шу тарзда мужодала этди ва Унинг лаънатига учради, ҳузуридан қувилди. Ва: «Оҳ Оллоҳ! Ҳаммасини сен қилдинг. Булар Сенинг бузғунчилигингдир. Устига устак, мени лаънатлаб, ҳузурингдан бадарга қилмокдасан», — деди. Одам ҳам гуноҳ қилди. Оллоҳ: «Эй Одам гуноҳинг учун сени жазоладим. Ҳаммасини ўзим қилганим ҳолда, сени қилди, дедим. Сен эса мен билан тортишмадинг. Ёки далилинг йўқмиди? Ахир, сен ҳам: «Ҳаммаси Сендан, Сен қилдинг, чунки дунёда Сен истаган нарса бўлади, истамаганинг бўлмайди», — де-

Шининг мумкин эди. Шу қадар аниқ далилинг бўлгани ҳолда, Менга қарши лом-мим демадинг, нечун?» деда буюрди. Одам «Эй Тангри! Биламан. Бироқ Сенинг ҳузурингда тарбиямни қўлдан чиқармоқни истамадим. Чунки Сенга бўлган ишқим мени қўйиб юбормадики, қарши чиқсан» деди.

Буюрдики: Бу шариат сув ичадиган жойдир, яъни чашмадир — манбадир. Бу гуё шоҳ девонига ўхшайди. Унда ҳар турли беҳисоб ҳукмлар мавжуд. Оламнинг қарори шу билан қоимдир (барқарор, оёқда турди — тарж.). Бироқ дарвешлар ва фақирларнинг ҳоллари подшоҳ билан кўринмақдир. Ҳокимнинг илми ни билмоқ қаерда-ю илми аҳкомни билмоқ қаерда ва подшоҳ билан кўришмоқ қаерда? Булар орасида катта фарқлар бор. Асҳоб ва уларнинг аҳволлари мадрасага ўхшайди. Мадрасада муллалар бордир. Ҳар мулланинг бир ҳожаси бўлади ва у муллага англашига, ўзига боғлиқдигига қараб ойлик (маош) беради. Кимга ўн, кимга йигирма ва кимга ўттиз кишилик (маош) тайин этади. Биз ҳам ҳар кимнинг англаши, қамраши даражасида сўз айтамиз. Чунки Пайғамбар «Инсонлар билан уларнинг ақллари нисбатида гаплаш» (Ҳадис) деда буюрган. Оллоҳ яхшироғини билгувчиидир.

ФАСЛ. Ҳамма иморатни (Мақбара қуриш ёки таъмирлашни) ё мардлигини кўрсатмоқ учун ёки ном чиқармоқ ва ёхуд савоб қозонмоқ ниятида солади. Тангрининг бундан мақсади эса валийлар даражаларини юксалтироқ ва мақбараларига ҳурмат кўрсатмоқдир. Улар буюқдирлар, ҳурматга муносибдирлар, бироқ эъзозга муҳтож эмаслар. Масалан, чироқ баланд бир жойга қўйилишни истаса, буни ўзи учун эмас, бошқалар учун истайди, чунки унинг ўзи ҳар қаерда ҳам нурли бир чироқдир. Унинг мақсади нурининг ўзгаларга фойда беришидир. Кўкдаги қуёш агар пастда бўлганда ҳам яна ўшадир, нурли манбадир. Факат у тубан тушса, дунё зулмат ичра қолади. Демак, у ўзи учун эмас, балки бошқалар учун юксакда яшамоқда. Хулоса шуки, улар

юқори ёки пастда бўлишдан, халқнинг ҳурмат кўрсатишидан озодадир. Агар сенга ҳам у оламнинг бир қатра лутфи ва бир зарра завқи кўрсатиладиган бўлса, сен тубанлик ва юксаклик, ҳатто буларнинг барчасидан яна да яқин бўлган ўзингдан ҳам зерикб сиқиласан. Шундай экан, нур ва завқнинг манбаи ва асос ҳисобланган валийларнинг паст, юксак деган қайдлардан ҳоли эканини ўйламадингми? Улар Оллоҳ билан мақтанаадилар, Оллоҳ эса юқори ва қутиликтан мустағнийдир. Унинг тажаллиси ҳамма жойда мавжуд. Юқорилик ва тубанлик бизга ўхшаш боши, оёғи бўлган инсонлар учундир.

Шундай одамлар борки, уларнинг ишларида ўз истаклари бошқа, Тангрининг мақсади бошқа бўлади. Оллоҳ Муҳаммад динининг юксалишини ва дунё тургунча қолишини истаганидан Қуръон учун жуда кўп тафсир ёзилади. Тафсир ёзганларнинг мақсадлари ўз билимларини кўрсатмоқ эди. Замахшарий ҳам тил ва диннинг бутун нозиклигини ўзининг жуда безакдор ва фасиҳ жумлалари билан битган «Кашшоф» (кашф этувчи — тарж.) китобида экс этириди. Буни у ўз фазлини кўрсатмоқ ва истаган нарсасининг ҳосил бўлиши учун қилди. Ҳолбуки, бу ҳам Муҳаммад динининг юксалтиришдан иборат эди.

Барча инсонлар Оллоҳ учун ишлайди, бироқ жуда табиийки, (Тангрининг) бу ишдаги мақсадини билмайдилар. Шу билан бирга, инсонларнинг ҳам ишини бажаришдаги ғоялари бошқадир. Чунончи, Оллоҳ дунёнинг қолишини истайди, одамлар эса шаҳват билан машғул бўладилар ва фарзанд туғилади. Улар ўз лаззатлари билан банд бўларкан, ўзлари ҳам билмаган ҳолда дунёнинг давом этишини таъминлайдилар. Шу тахлит Оллоҳга қулликни адо этган бўладилар. Худди шундай, улар муazzзам масжиidlар қуришади, эшиги, девори, бошқаси учун кўп пул сарфлайдилар. Ҳолбуки, унинг қиймати Қиблададир ва мақсад Қиблadir. Уларнинг нияти шу бўлиши билан баробар, яна Қибланинг қадри буюклиги ортган бўлади.

Валийларнинг буюклиги кўринишида эмас. Валлоҳи улар учун ҳам юқорилик ва қутилил мавжуддир. Фақат бу нарса хусусиятсиз ва ўхшашсиз кечади. Масалан, кумуш пул мис пулдан кучлидир, дегани нима маънога келади? Зоҳиран бундай эмас, албатта. Бироқ ҳамма гап уларнинг асосида, асосдаги жавҳарда. Ахир, кумуш пулни том бошига қўйсанг олтин пулни ерга ташласанг, кумуш олтиндан устун бўла оладими? Ёки кепак элакнинг устида, ун эса остида қолади. Кўринишдан кепак ундан устундек туюлади, аслида-чи? Демак, устунлик — суратда эмас, моҳиятда, ундаги жавҳардадир.

ФАСЛ. Бири ичкари кирди. Мавлоно буюрдики: У азиздир, камтариндир ва булар ундаги жавҳардан майдонга келмоқда. Масалан, мевали шоҳ эгилади. Мевасиз дараҳт эса гўддайиб туради. Пайғамбар ҳам жуда камтар бўлган. Чунки ҳар икки оламнинг мева-лари унда мужассам эди.

«Салом бериш борасида ҳеч ким Оллоҳнинг Элчи-сидан устун бўлолмаган» (Ҳадис). Пайғамбаримиздан оддин бирор салом беришга улгурмаган. Чунки у ҳоки-сор бўлгани сабабли ҳар сафар ўзи бошлаб салом бераради. Зоҳиран у аввал салом бермаса ҳам, камтарин бўлгани учун сўзни бошларди. Атрофдагилар салом беришни Пайғамбардан ўрганган эдилар. Келиб-кет-ганларнинг ҳаммаси унинг соясидир. Инсоннинг сояси ўзидан оддин уйга киргандек туюлса ҳам, аслида, аввал кирган унинг ўзидир.

Баъзилар нарсаларнинг ибтидосига боқса, бошқалар интиҳога назар соладилар. Ибтидога қараганлар Оллоҳга яқин инсонлардир. Чунки улар: «Ниҳояга эътибор беришнинг нима ҳожати бор? Ахир, буғдой эксанг, арпа битмайди-ку», — дейишади. Демак, буларнинг қарашлари ўзгадир. Интиҳога боққанлар азиз ва буюқдир. Чунки уларнинг кўзлари охиратдадир. Яна шундай бир қавм борки, улар Тангрига янада яқиндир ва на бошга ва на сўнгга боқадилар. Аввал ва

охир буларнинг хаёлига ҳам келмайди. Чунки улар Оллоҳда гарқ бўлганлардандир. Бошқа бир қавм эса бутунлай дунёга гарқ бўлган ва ҳаддан зиёд ғофил бўлганлари сабабли на бидоятга ва на ниҳоятга боқадилар. Булар жаҳаннам оташининг ўтинидирлар. Шу тарзда Муҳаммаднинг асл эканлиги маълум бўлмоқда. Чунки у тўғрисида «Сен бўлмасайдинг, фалакларни яратмасдим» (Қудсий ҳадис) дея буюрилган. Шараф, тавозе, ҳикмат ва юксак мақомларнинг барчаси унинг ҳадяси ва соясидандир. Чунки булар ундан ҳосил бўлган. Масалан, қул нима қиласа ҳам ақл шарофати билан қиласди. Ақлнинг сояси ҳар на қадар йўқдек туюлса-да, барибир, бир кўланкаси бордир. Худди шундай, маънонинг ҳам борлиқсиз бир борлиғи мавжуд. Инсоннинг ақди созланмаган бўлса, унинг бутун аъзолари ишламайдиган ҳолга келади. Оёғи текис йўлда юролмайди, қўзи кўрмайди, қулоги ҳар сўзни хотўри эшитади. Шундай экан, барча иш — ҳаракат ақлнинг шарофати билан юзага чиқади. Аъзолар олатдир. Бу гўё замоннинг Халифаси кабидир. Улуғ инсон мисоли ақл-и кулл. Халқнинг ақллари эса унинг аъзолариридир ва нима қиласа ҳам ақл-и куллнинг соясида қиласди. Агар улар бирон хатога йўл қўйсалар, бу ақл-и кулл соясидан четга чиқиш билан изоҳланади. Масалан, ақлдан озаётган одам ақл соясидан, ҳимоясидан маҳрум қолади. Ақл фаришта жинсидандир. Гарчи малакнинг қўли ва қаноти бўлса ҳам, аслида, буларнинг бари бир нарсадир, ақлдан иборатдир. Чунки уни эшитсанг, ақлдан ўзга нарса қолмайди. Ахир, мумдан тайёрланган қушни қиздирсанг, у яна мумга айланади — қолади. Чунки мум мумдир ва ундан ясалган қуш яна ўшадир. Худди шундай, муз ҳам сувдир. Буни билмоқ учун эритиш кифоя. Муз сув ҳолида экан, қўл билан тутиб бўлмасди, энди муз бўлди ва уни ушлаш, этакка олиш мумкин. Ўтадаги фарқ шудир ва бундан ортиқ эмасдир. Муз ҳам сувдир, иккиси бир нарсадир.

Инсоннинг аҳволи ҳам шундокдир. Эшак балки малакнинг нури ила ўртоқ тутиниш соясида фариштага айланар, деган умидда малакнинг қанотини эшакнинг думига боғлашибди. Эшакнинг малаклашуви фақат муайян васфлар бўлганда гина мумкинdir. Исонинг ақддан бир қаноти бор эди ва кўкка учди. Агар эшакда ҳам атиги яримта қанот бўлсайди, у ҳам эшак бўлиб қолмасди. Балки инсонга айланарди. Оллоҳ ҳар нарсани қила олади. Масалан, бола кичиклигига эшакдан ҳам баттардир. Ҳар турли ифлосликларга қўлини ботириб оғзига олиб боради. Фақат онасигина бунга монелик қиласди. Эшакнинг ҳеч бўлмаса бир нави тоза хоссаси бор. Чунончи, пешоб қилаётганда, оёқларига сачрамаслиги учун уларни кенгроқ очади. Мана шу эшакдан баттарроқ бўлган болани Улуғ Тангри инсон айлади. Шундай экан, эшакни ҳам инсонга айлантира олишига нега ҳайрон бўлиш керак? Оллоҳнинг ҳузурида гариф бўлган ҳеч қандай нарса йўқдир.

Қиёматда инсоннинг қўл-оёғи ва бошқа аъзолари тилга кирадилар. Файласуфлар: «Улар қандай қилиб гапира олади?» — дейдилар. Ахир, аъзолар ҳол тили билан гапирмайдиларми? Масалан, қўлга бирор яра чиқса, у: «Иссифимни ошириб юборадиган овқат едим ва шундай бўлди», — дея ҳол тили билан тушунтириш беради. Ёки кесилган жой: «Менга пичоқ тегди», — дея хабар беради. Инсон аъзоларининг гапириши шу тарзда бўлади.

Суннийлар дейди: Қиёмат кунида аъзолар тилга киради. Шунда инсон: «Сиз гапирмасдингиз, энди қандай қилиб буни қилмоқдасиз?» — деб сўрайди. «Улар териларига «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердингизлар!» дейишганда, (терилари): — «Бизларни барча нарсани сўзлатган зот — Оллоҳ сўзлатди» — дедилар⁵⁰. Қўл: «Менга ҳаммани гапирирган, ҳатто эшикни, де-

⁵⁰ Куръон, 41-сурә, 21-оят.

ворни, кесакни ҳам тилга киргизган — Яратган сўз берди. Ахир, сенинг тилингни қандай гапиртириди?» — деди. Тил ҳам сенинг оғзингда бир эт парчасидир, қўл ҳам шундоқ. Бир бўлак гўштнинг, яъни тилинг гапириши, сенингча, ақлга мувофиқ келади, чунки бунга қўниккансан. Аслида, тил Тангри ҳузурида бир баҳонадир. Унга «Гапир!» дея амр этилгани учунгина у гапирган. Худди шундай, Оллоҳнинг буйруги билан ҳамма нарса тилга киради.

Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлидир. Бизнинг сўзимиз сувга ўхшайди. Сувни сувбоши (мироб) оқизади. Сув ўзини мироб қайси чўлга ҳайдаганини қаердан билсин? Балки карам, балки пиёз даласига. Гул боғига бўлиши ҳам мумкин. Шунисини биламанки, сув қўп келса, ер ҳам шунга яраша кенг бўлади, оз келсачи, сугориладиган майдон ё бир уфоқ боф ёки тўрт томони девор билан ӯралган кичик ердир. «Оллоҳ. Ўз ҳикматини эшитганларнинг ҳимматлари ўлчовида воизлар тилига қуяди». Мен бир этикдўзман, менда тери қўп, аммо уни мижозимнинг оёғига лойиқ қилиб кесаман. Мен бир кишининг соясиман, унинг бўйи қанча бўлса, мен ҳам шу қадарман.

Ерда бир ҳайвонча (қурт) мавжуддир. У ер остида, зулматда яшайди. Қўз ва қулоқсиз. Аслида, унинг кўз ва қулоққа эҳтиёжи ҳам йўқ. Мадомики, муҳтоҷлиги йўқ экан, унга нечун кўз ва қулоқ берсинлар? Тангри оз бўлгани учун ёки хасислиги сабабли уни кўз ва қулоқсиз қолдирдими? Йўқ! У буларни эҳтиёжига қараб берди. Эҳтиёжи бўлмаган кишига берилган ҳар қандай нарса ортиқча юkdir. Бироқ Тангрининг лутғи, карами ва ҳикмати юк бўлади эмас, балки киши зиммасидаги юкни туширади. Масалан, дурадгорнинг теша, арра, болға каби асбобларини тикувчига берсанг, булар унинг учун фақат кераксиз тошга айланади. Шунинг учун ҳам, нарсани эҳтиёжга кура берадилар.

Қурт ер остида, қоронгуликда яшаганидек, баъзи бир одамлар ҳам бу дунёning зулмати билан кифоя-

ланади. Булар у оламга эҳтиёж бўлмагани каби Оллоҳ дийдорига ҳам муштоқ эмаслар. Улар кўзлари билан фақат дунёнинг ишинигина кўрадилар. Шундай экан, охират саодатини кўришга ярайдиган кўзлар буларга нечун?

РУБОИЙ: (Ўйламаки, Оллоҳ йўлига тушган эрлар йўқ, деб. Комил сифатлилар нишонсиз ҳам эмаслар. Сен сирларнинг маҳрами бўлмаганинг учун ўзгаларни ҳам ўзинг қатори ҳисоблаяпсанми?).

Дунё фафлат билан қоимдир.Faфлатсиз — бу оламдан асар ҳам қолмайди. Тангри завқи (ишқи), охират тушунчаси, сархушлик, ўзидан кечиши ҳамда важд (бир нарса қаршисида жўшиш, севги жўшқинлиги — тарж.) у оламнинг меъморлари дир. Агар уларнинг барчаси юз очса, бизнинг ҳаммамиз бутунлай у оламга кетамиз, бу ерда қолмаймиз. Улуғ Оллоҳ икки оламнинг бор бўлиши учун бу ерда яшашимизни истайди. Худди шу мақсадда икки оламнинг маъмур қолиши учун бирини фафлат, иккинчисини эса бедор бўлиши шарти асосида икки ходимни вазифалантириди.

ФАСА. Буюрдики: Агар сизнинг (менинг борим ёки йўғимда) менга қўрсатган лутфингизга, гайратингизга ва тарбиянгизга жавобан ташаккур этмоқ, ҳурмат билдиromoқ ва узр тиламоқ хусусида айбга йўл қўйсак, бу ўзимни катта олганимдан ёки буларга эҳтиёжим йўқлигидан, ниҳоят, валинеъмат ҳаққини сўз ёхуд ишла тўлаш кераклигини билмаганимдан эмас. Асло! Балки, Сизнинг покиза иймонингизни билганимдан ва буни бил-хосса ҳамда тамоман Оллоҳ ризоси учун қилганингизни тушунганимдан жавобини ҳам Унинг ўзига ҳавола этајпман. Чунки сиз нима қилган бўлсангиз, Унинг учун қилдингиз. Шунга кўра, Тангридан қайтадиган мукофот ва савобнинг ҳаммасини тўла-тўқис сизга етишини истайман. Агар Сизни мадҳ этадиган бўлсам, Сизга нисбатан тавозе билан муносабатга киришсам, қўрқаманки, Тангри мукофоти ва савобининг бир қисмидан маҳрум қолгайсиз. Аслида, ҳамду сано

ҳам, тавозе ҳам, узр тилаш ҳам, барча-барчаси бу дунё-нинг лаззатлари дир. Модомики, дунёда бир молни ёки бир мақомни бериш йўлида қийинчилик ва заҳматларга таҳаммул айладинг, демак, муқобилини ҳам Оллоҳнинг ўзидан кўришинг янада яхшироқдир. Шунинг учун ҳам, мен узр тиламоқ дунёни истамақдир. Чунки сарват ейилмайди, бошқа нарса учун исталади. Сарват билан от, жория ва қул олишади. Мақтамоқ учун лавозим ва мақом хоҳдайдилар. Хуллас, дунё буюк ҳурматталаб ҳамда мадҳ этилган нарсадир. (Дунё деганлари дунё воситасида қўлга киритилган нарсадир).

Шайх Нассож-и Бухорий буюк ва кўнгилчан бир зот эди. Ўқиган одамлар ва улуғлар уни зиёрат қилгани келишиб, қаршисида тиз чўкиб ўтиришарди. Шайхнинг ўқиш-ёзишдан саводи йўқ эди. Ундан Қуръон ва ҳадисларнинг тафсирини эшитмоқ истаганларга: «Мен арабча билмайман, сиз оятнинг маъносини айтинг, мен шарҳдаб берай», дерди. Булар таржимасини айтгандан кейин шайх: «Бу оят нозил бўлганда, Мустафо фалон мақомда эди. Мақомнинг аҳволи мана бундай», дер ва бу мақомнинг даражалари, унга етишмоқнинг йўллари ҳақида батафсил маълумот берарди.

Бир куни Алавий-йи Муорриф Шайх Нассож-и Бухорий ҳузурида бир қозини мақтади: «Бунаقا қози ҳеч қайди йўқ. Пора олмайди, ўзи истаганича ҳукм чиқармайди, холис ва адолатпарвар», — деди. Бунга жавобан шайх: «Сенинг пора тўғрисидаги гапинг — ёлғон. Сен ва Алавий бир одамсиз, устига устак, Мустафонинг наслидан бўла туриб, пора олмайди дея, уни мақтаяпсан. Бу — ахир, пора бўлмай, нима? Мадҳ этишдан ҳам каттароқ пора борми?» — деди.

Шайхулислом Термизий: «Сайид Бурҳониддиннинг таҳқиқа оид фикрлари жуда гўзалдир. Бу нарса унинг шайхлар китобларини яхши ўқиганидан далилатдир» — деди. Бири: «Ахир, сен ҳам ўқигансан, лекин нега унинг фикрлари қадар гўзal сўзлар айтмай-

сан?» — дегач, Шайхулислом: «Унинг бир ишқи, бир дарди, бир жаҳди, билим ва амали бор» — деб жавоб берди. Ҳалиги одам «Ундей бўлса, нега шундан баҳс очмай, мутолаа тўғрисида гапирасан. Ахир, асос удир, биз уни истаймиз. Сен ҳам ундан гапир!» — деди.

Уларда нариги дунёниг дарди йўқ эди. Кўнгилла-ри тамоман бу дунёга боғланганди. Баъзилари нон ейишга, баъзилари нонни томоша қилишга келганди. Бу сўзни ўрганиб, сўнгра сотмоқчи бўладилар. Чунки сўз бир келинди, бир гўзалдир. Гўзал жорияни, одатда, сотиш учун оладилар. Шундай экан, жория ўзини олганни қандай севсин? Ахир, у — тужжор ва жорияни сотишдан завқ олади. Ўзига олиш учун унда мардлик ва инсонлик етишмайди. Заиф ва қўрқоқ одамнинг қўлига яхши бир Ҳинд қиличи ёки паҳлавонларга мўлжалланган ёй (камон) тушса, у буларни сотиш мақсадида олади. Чунки унда камонни торта оладиган қувват йўқ. Қўрқоқ уни сотиб, пулига атирупа харид қиласди. Бошқа нима ҳам қиласди?

Бу сўз сурёнийчадир (маълум бир тил, бу тилда гаплашадиган халқ насроний динига мансуб — тарж.) ва сен уни тушундим, демагин. Чунки бу сўзни қанча тушунсанг, у сендан, сенинг қамровингдан шунча узоқлашади. Балки, тушуниш тушунмаслик орқали мумкиндири. Сен дучор бўлган барча бало-қазолар, қийинчиликлар худди шу янгиш тушунишдан ҳосил бўлади. Бу сенинг тузофингдир. Сен ундан қутулишинг керак. Масалан, сен денгиздан бир кўза сув олдинг ва: «Денгиз менинг кўзамга сифди» — дейсан. Бироқ бу — хато. Агар: «Кўзам денгизда йўқолди» — десанг, тўғри булади. Асос — шу. Ақлинг сени подшоҳ дарвозасига келтиргунга қадар яхшидир. Дарвоза олдида сен уни ҳайда. Чунки у энди заарлидир, йўлингни тўсгувчидир, ундан қутулоғмайсан, ўзингдан воз кеч. Энди сенинг «Нечун, нимага?» лар билан ишинг йўқ. Чунончи, жубба тикдирмоқ учун бичилмаган кийимликка эҳтиёжинг бор. Ақл сени тиқувчи ишхонасиага-

ча олиб боради. Тикувчи ҳузурида эса унга муҳтож эмассан, балки уни тарк этишинг, бутун ихтиёрингни тикувчига топширишинг фойдалидир. Худди шундай, бетобнинг ақли ҳам уни ҳакимга олиб боргунгача яроқ-лидир. Ҳаким қабулида эса унга (ақлга) ҳожат йўқ. Бетоб ўзини шифокорга топшириши керак бўлади.

Сенинг гизли инграшингни асҳобнинг қулоқлари эшитади. Бир нарсали одам, яъни жавҳари ёки бирон дарди бўлган киши дарҳол билинади. Масалан, туялар қаторидаги бир туянинг гандираклаб юриши, оғзидан оққан сўлаги, ғалати қўзлари ва ҳоказо белгилари унинг мастилигидан далолат. «Уларнинг юзларida сажда изидан (қолган) белги — аломатлари бордир»⁵¹ дея амр этилган. Ахир, дараҳт илдизи олган озуқа унинг шоҳ-шаббалари ҳолидан, барглари рангидан, мевасидан ошкор бўлади. Озуқа олмаган бошқа бир дараҳтнинг сарфайиб сўлиши ҳам қўздан ниҳон эмас.

Бир соҳа тўғрисидаги китобни ўқиган одам шу соҳага доир битта сўз эшитиши билан аввал ўқиганларини эслайди. Чунки у бу дараҷага етиш учун кечалари мижжа қоқмай ўқиган, меҳнат қилган. Куръонда: «(Эй Муҳаммад), Биз сизнинг қалбингизни иймон ва Куръон нури билан кенг мунаvvар қилиб қўймадикми?»⁵² дея буюрилганидек, у ҳам бир ишорат билан кўп маъноларни англайди. Янги бошловчи киши эса, айтилган сўзнинггина маъносини тушунади, холос. Чунки у воқеадан ҳали хабардор эмас.

Сўз тингловчининг тушуна олиш дараҷасида келади. Ҳикмат талаб қилиниб, тортқиланмагунча юз кўрсатмайди Ким қанча истаса, у ҳам шунча кўпроқ аён бўла боради. Агар киши: «Менга сўз (ҳикмат) ошкор бўлмаяпти», — деса, жавоб шу: «Сен нега уни талаб айламаяпсан, истамаяпсан, тортқиламаяпсан?»

⁵¹ Куръон, 48-сурә, 29-оят.

⁵² Куръон, 94-сурә, 1-оят.

Сенга эшитиш құдратини бермаган зот, гапирганга ҳам гапириш салоқиятини ато этмаган».

Пайғамбаримиз замонида бир коғирнинг мусулмон қули бор эди. Кунлардан бир кун ҳұжайин унга: «Идишларни ол, ҳаммомга борамиз» — деди. Йўл устидаги масжидда Мустафо асҳоби билан намоз ўқиётганди. Қул «Хұжайин, шу идишни ушлаб туриш, мен кириб икки ракат намоз қиласын-да, югуриб хизматнингизга келайин» деди. Қул бориб, намозини адо этди. Мустафо асҳоби билан бирга чиқди, бироқ қул ёлғиз ўзи қолди. Хұжайини уни узоқ күтди, ниҳоят, бақирди: «Эй қул! Чиқ бу ёққа!». Қул жавоб берди: «Мени құйиб юбормаяпты». Қулни ким ушлаб турибди, дея афандиси (хұжайини) ичкарига бошини суқди, аммо у ерда соя ва бир жуфт калишдан бошқа ҳеч нарсаны күрмади. Яна сұради: «Ташқарига чиқишингга ким монелик қиласын?» Қул деди: «Сенинг ичкари киришнингта монелик қиласын, бироқ сен уни күрмаяпсан».

Инсон ҳамиша ўзи күрмаган, эшитмаган ва ўйлаган бир нарсага ошиқдир. Кечаю кундуз уни қидиради, истайди. Мен ўша күрмаган кишимнинг қулиман. Инсон күрган ва тушунған нарсасидан зерикади, қочади. Шунинг учун ҳам, файласуфлар күришни инкор этадилар. Улар дейишадыки: «Күрсам тұяман, сиқиламан ва бу түгри әмас». Суннийлар әса: «Уни бир ҳолда ва бир рангда бұлғанда күриш мумкин. Чунки «У зот ҳар куни иш — амалдадир»⁵³ буюрилганидек, юз хил рангга киради. Ҳатто юз минг марта тажалли этганда ҳам, күринишларнинг бири иккінчисига сира ўхшамайди. Сен шу аснода Тангрини барча асарлари ва ишларида ҳар лаҳза ҳар турли күраяпсан. Оллоқнинг бир иши бошқасига ҳеч ҳам ўхшамайди. Хурсандчиликда бошқача, күркүвда бошқача-ю йифида

⁵³ Куръон, 55-сурә, 29-оят.

яна бошқача акс этади. Модомики, Тангрининг ишлари, ҳаракатлари, тажаллиси ва асарлари турли-туман экан, Унинг зотининг тажаллиси ҳам шундоқдир. Яъни гўё ишларининг тажаллиси каби. Сен Оллоҳ қудратидан бир қисм бўлганинг ҳолда, лаҳзада минг турли товланасан-у, Унинг ўзи жилваланмайдими? Қиёс эт, Тангрининг шундай қуллари борки, улар Ҳаққа Куръон воситасида етишарлар. Баъзи қуллар эса Тангридан келадилар ва Куръонни ўрганиб, уни Оллоҳнинг китоби эканлигини биладилар. «Албатта бу эслатмани (яъни Куръонни) Биз ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз ўзимиз уни сақлагувчимиз».⁵⁴

Муфассирлар ушбу оятни Қуръон ҳақида нозил бўлганини айтишади. Бу — яхши. Бироқ яна шу бор. Сенинг ичингни орзу ва шавқ билан тўлдиридик. Орзу ва шавқни биз қўйдик ва биз уларга зиён етказмаймиз. Бир манзилга муяссар айлаймиз. Сен бир дафъа «Оллоҳ!» де, кейин сабр қилки, бутун балолар бошингга ёғсин, демакдир.

Бири Мустафога деди: «Сени севаман!» Пайғамбар: «Ақлингни йиғ! Нима деяётганингни биласанми?» — деб сўради. Ҳалиги зот яна такрорлади: «Сени севаман!» Мустафо: «Эсингни йиғ, нима деяётганингни биласанми?» — деб қайта сўради. Одам яна ўша жавобни берди: «Сени севаман!» Ниҳоят, Пайғамбар: «Ундан бўлса, шу гапингда тур (сабрли бўл)ки, энди сени ўз қўлим билан ўлдирираман. Ҳолингга вой!» — деди.

Мустафонинг ҳузурига бир одам келди ва: «Мен сенинг динингни истамайман, қайтиб ол. Чунки қабул қилганимдан бери хонавайрон бўлдим, тинчимни йўқотдим. Хотиним ва молу дунёмдан айрилдим. Болам ўлди. Мени менсимай қўйишиди. Қувват ва шаҳватим тугади» — деди. Пайғамбар жавобан буюрди: «Бизнинг динимиз қаерга бормасин, борган ерида

⁵⁴ Қуръон, 9-сурा, 15-оят.

одамнинг томиридаи суғуриб олмагунча, уйини бузиб, ўрнини супурмагунча қайтиб келмайди. «Уни фақат таҳоратли — пок кишиларгина ушларлар»⁵⁵. У шундай бир ёрдирки, сенда ўзингга бўлган севгингдан қилча қолган эса-да (сенга) юзини кўрсатмайди. Ўз вуслатига изн бермайди. Дўстингни сенга юз очишини истасанг, ўзингдан ва дунёдан зерикиб тўйишинг ҳамда ўз-ўзингга душман бўлишинг лозим. Худди шундай, бизнинг динимиз ҳам ўзи кирган кўнгилни Ҳаққа элтмагунча қўймайди. Пайғамбар ҳалиги одамга: «Мана сен шу сабабли тинчингни йуқотдинг ва фамга ботдинг. Фам емоқдик сени алдаган севинчларни қусмакдир. Ошқозонингда озгина нарса қолса ҳам, сени ҳузурсиз қиласеради. Истифроф этаркан, (қусаркан — тарж.) инсон ея олмайди. Сен сабр қил ва қайфу чек. Чунки фам тортмоқ ва маҳзун бўлмоқ истифроф этмакдир. Фақат шундан кейингина ҳақиқий севинч ҳосил бўлади. Бу севинч эса фам ва кадардан озода, тикансиз чўлу, бош оғриғи бермайдиган шаробдир. Ахир, сен кеча-кундуз дунёдан ҳузур қидирмокдасан. Бироқ мақсадингнинг бу дунёда рўёбга чиқиши имконисиздир. Шунга қарамай, сен уни излашдан бирлаҳза ҳам тўхтамаяпсан. Дунёда топган роҳатинг эса бир чақмоқдек ёниб ўчувчидир. Чақмоқ ҳам дўл, ёмғир ва қорлар билан тўла. Нега бу дунёда ҳузурга қовушолмайсан. Масалан, Анталяга (Туркияning бир шаҳри — тарж.) бориш нияти билан йўлга тушдинг, бироқ адашиб Қайсари (Туркияning яна бир шаҳри — тарж.) томонга кетиб қолдинг. Шунда ҳам Анталяга бораман, деб ўйласанг, хато қиласан. Чунки Қайсари йўлидан Анталяга бориш имконисиздир. Агар Анталя йўлига тушилса-чи, йўловчи чўлоқ ва ногирон бўлсада, манзилга эришгуси. Чунки манзилнинг ўзи шу ердир. Дунё иши (кишига — тарж.) заҳматсиз муяс-

⁵⁵ Куръон, 56-сурә, 79-оят.

сар бўлмагани каби охират иши ҳам шундоқдир. Шунга кўра, ҳеч бўлмаса, охират учун заҳмат чеккинки, меҳнатинг зое кетмасин. Сен: «Эй Муҳаммад! Динингни ол. Чунки мен ундан фақат нотинчлик кўрдим», — дейсан. Бизнинг динимиз киши мақсадини ҳосил этмасдан, уни тинч қўймас.

Ривоятларга кўра, жуда фақир бир муаллим бор эди. Камбағалиги шу даражада эдикни, қишида бир жубба киярди, холос. Бир куни сел келди, унда бир айиқнинг боши оқиб борарди. Муаллимга болалари (талабалари — тарж.) «Бир пўстин оқиб келяпти, керак бўлади», дейишди. Муаллим кийимга муҳтоҷлиги туфайли ўзини сувга отди ва бориб «пўстинни» ушлади. Бироқ шу заҳотиёқ айиқнинг чангалига тушди. Шогирдларнинг: «Эй муаллим, ё пўстинни келтир ё ўзинг кел» деган мурожаатларига, ўқитувчи: «Мен пўстинни қўйиб юбордим, бироқ у мени қўймаяпти, не қиласай!» деб жавоб берди. Ахир, Тангрининг шукри сени қандай қўйиб юборсин? Ўз қўлимиизда эмас, балки Тангрининг ихтиёрида бўлганимиз учун шукrona келтирмоғимиз лозим. Чунончи, боланинг кичиклигига, яъни она билан сутдан ўзга нарсани билмайдиган бир пайтида Оллоҳ уни ҳеч тарк этдими? Аксинча, уни ўстирди, боқиб парвариш этди. Унга ақд берди. Боланинг ичида мавжуд бўлган шу (кейинги) ҳол гўё у оламга ўхшайди. Инсон навбатдаги ҳолларга эришган сайин аввалги ҳолининг хомлик, болалик бўлганини ва ҳатто ҳеч нарса бўлмаганини англай боради. «Занжирлар билан жаннатга судраб олиб борилаётган қавмга ҳайронман. Уларни тутинг, боғланг ва Вуслатга элting. Кейин Жамолга, ундан сўнгра Камолга олиб боринг» (Қуръон).

Балиқчи балиқни бир мартадаёқ тортиб сувдан чиқармайди. Балки, аввал секин тортиб кўради, сўнгра яна такрорлайди. Буни у ўлжаси қонини оқизиши, қувватини кетказиши учун қиласи. Ишқ илмоги ҳам инсоннинг томоғига санчилиши билан унинг ҳаром қонини оқиши ва қувватдан қолиши учун

Тангри ипни секин-секин тортади. «Чунки ризқингизни тор ва кенг қиладиган Оллоҳдир»⁵⁶.

«Ла илаха иллаллоҳ». Бу авомнинг иймонидир. Хос қулларнинг иймони: «Лоҳува Илло Ҳува» дир. Унинг (Оллоҳнинг — тарж.) ҳувиятидан (ким эканлиги тўғрисидаги далил, ҳужжат — тарж.) ўзга ҳувият йўқдир. Масалан, бир киши тушида ўзини шоҳ сифатида кўрса, атрофидаги одамларнинг парвона бўлишига қараб туриб: «Ҳукмдор менман, мендан ўзга подшоҳ йуқ!» дейди. Аммо — уйғониб, уйда бир ўзини кўриши билан: «Бу — менман ва мендан бошқа ҳеч ким йўқ», — дейди. Бу — ҳақиқат. Ҳақиқатни кўрмак учун эса, бедор кўз керак. Уйқули кўз — кўрмайди.

Ҳар тоифа (гуруҳ) бошқа тоифани ёмонлайди ва: «Биз тўғримиз, биз ҳақлимиз. Ваҳий бизга келган. Улар адашгандир», — дейишади. Ёмонланган гуруҳ ҳам ўз навбатида худди шу гапларни бу тоифага қарши айтади. Шу тарзда уларнинг ҳаммаси ваҳийнинг йўқлигига ҳамфир бўлмоқдалар. Бироқ шу жумладан, бир киши учун ваҳийнинг мавжуд эканлигига ҳам бирлашмоқдалар.

«Мўмин закийдир. Ҳақ ва ботилни ажратса одувчидир. Ақл ва фатонат соҳибидир» (Ҳадис) — дея буюрилганидек, ўша бир кишининг қайсиси эканлигини билиш учун Ҳақни ботилдан фарқлаган закий бир мўмин зарур. Иймон деганимиз ҳам худди шу фарқлаш хусусияти ва англашдир.

Бири: «Билмаган жуда кўп, билган эса оз. Уларни ажратиш учун узоқ вақт керак бўлмайдими?» — деб сўради. Мавлоно буюрдики: Билмаганлар кўп. Бироқ улардан бир нечасини билиш орқали ҳаммасини таниса бўлади. Масалан, бир ҳовуч буғдойни таниганинг ҳолда, ер юзидаги жамики буғдойларни танийсан. Ёки озгина шакар еб кўрган киши барча турли ҳолваларни ичида шакар борлигини ажратса олади.

⁵⁶ Қуръон, 2-сурә, 245-оят.

Агар бу сўз сизга танишдай (такрорлангандаи) туёлса, демак, аввалги дарсингизни тушунмагансиз. Шунинг учун ҳар куни бир нарсани такрорлашга ҳожат бор. Бу — шунга ўхшайди. Муаллимнинг бир ўқувчиси уч ой давомида алифдан бошқа ҳарф ўрганолмабди. Отаси «(белгиси — тарж.) йўқ дегин», — дебди. Бола шуни ҳам уddyалай олмабди. Шунда ўқитувчи: «Аҳвол — оғир. Шунинг учун ҳам, мен янги дарс беролмаяпман. Ахир, эскисини ўрганмагунча, қандай қилиб бошқасини ўргатай?» — дейиши билан боланинг отаси: «Оламларнинг Роббисига ҳамд бўлсин!» — дея дуо қилибди. Бу — Оллоҳнинг нони ва неъмати камайди, дегани эмас. Гап шундаки, бизда иштача қолмади ва меҳмонлар ҳам тўйдилар. Ҳамду сано шунинг учундир, Тангри учундир (Алҳамдулиллоҳ). Бу нон дунёникуига ўхшамайди. Чунки дунёнинг нони ва ўзга емишларини иштаҳанг бўлмаса-да, мажбуран истаганингча ея оласан. Ҳамда хоҳдаган жойингга судрай биласан. Ўз навбатида улар ҳам сен бошлиган ерга кетаверадилар. Жони йўқки, кетмасин. Ҳикматдан иборат бўлган Оллоҳнинг неъмати бундан фарқли ўлароқ, тирикдир. Уни фақат иштача билангина истеъмол этиш мумкин. Акс ҳолларда, у сенга юзини ҳам қўрсатмайди.

Кароматнинг ҳикояси: Агар киши бу ердан бир кунда ёки бир онда Каъбага етишса, бунга ҳайрон қолишнинг ҳожати йўқ. Ва бу каромат ҳам эмас. Ахир, Самум шамолининг-да, қўлидан келади бу иш. Каромат сени тубан ҳолдан юксак ҳолга келтиришдир. Бунда сен билимсизликдан ақлага, ўликлидан тириклика эришасан. Масалан, сен тупроқ эдинг, ўсимликка айлантирди. Ўсимликдан ҳайвонликка, ундан инсонликка сафар қилдинг. Каромат будир. Улуғ Оллоҳ бундай сафарни сенга раво кўрди ва сен ўзинг билмаганинг ҳолда шу ерга қадар келдинг. Шу тарзда, сени яна ўзга турли-туман оламларга олиб боради. Буни инкор қилма ва сенга шундан хабар беришса, қабул айла.

Умарга коса тўла заҳарни келтирдилар. У: «Бу нимага ярайди?» — деди. Булар: «Бирони ошкор эмас, балки яширин ўлдиришга ярайди. Қилич билан ўлдириб бўлмайдиган душманни шунинг бир заррасини бериб гумдон қилиш мумкин» деб жавоб беришди. Умар: «Жуда яхши қурол экан, менга беринг, мен ичай, чунки ичимда қилич билан етолмаган бир душманим бор. Дунёда ундан кўп ёмонлик қилган душманим йўқ», — деди. Унга: «Бунинг ҳаммасини ичишга ҳожат йўқ. Озгинаси юзминг киши ёстигини қурилади» — дедилар. Умар: «Менинг ичимдаги душман ҳам бир дона эмас, балки мингтадир ва юзминг кишини ерга ургандир», — деди-да, косани олиб, заҳарни охиригача сипқорди. Буни кўрган у ердаги одамларнинг барчаси: «Сенинг дининг ҳақ дин экан», — дейишиб, мусулмон бўлдилар. Умар: «Ҳаммангиз мусулмон бўлдингиз, бироқ бу кофир ҳануз иймон келтирмади», — деди. Умарнинг бу иймондан мақсади — авомнинг иймони эмасди. Унда бу иймон ортифи билан бор эди. Ҳатто сиддиқларнинг иймонига эга эди у. Бироқ у назарда тутгани ва истагани — набийларнинг, хос қулларнинг иймони ва айнал-яқин эди. Бу шунга ўхшайди: Бир арслоннинг шуҳрати бутун дунёга ёйилди. Бир одам уни кўриш учун ўрмонга йўл олди. Манзилга етгунча кўп қийналди, бир йиллик умри ўтди. Ниҳоят, ўрмонга келди ва узоқдан арслонни кўриши билан туриб колди. Унга: «Сен арслонни ишқида шунча йўл босдинг. Унинг бир хусусияти — ҳузурига қўрқмасдан келиб, силаб-сийпаганга тегмайди. Агар қўрқиб келолмаса-чи, жаҳли чиқади, ҳатто ҳар нарса қилиши мумкин. Шунча заҳматлардан кейин бу туриш нимаси, тағин?» — дедилар. Ўз ўзига йўловчи ҳам деди: «Модомики, келдим. Туришнинг маъноси йўқ. Арслонга томон бир икки одим от!». Лекин у ўша одимни отолмай турарди. Умарнинг ҳам иймондан қасди шу — арслон сари қўйилажак бир қадам эди. Бу одим нодирдир ва фақат Оллоҳ-

нинг хос қуллари билан яқиний (айнал - яқин даражасига етишган — тарж.) бўлганларнинг ишидир. Одим — шу одим, ортда қолгани унинг асарларири. Бу иймон эса қўлларини жонларидан ювиб олганлардан бошқага насиб бўлмайди

Ёр хушдир. Чунки ёр — ёрнинг хаёлидан қувват олади, ўсади ва яшайди. Бунга ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ. Ахир, Мажнун Лайлининг хаёлидан куч олмаганими? Унинг ейиш-ичиши шундан иборат эмасми? Мажозий бир севгилиниң хаёли унга шундай қувват бағишлар экан, ҳақиқий ёр бағишлидиган қудратга нечун ҳайратда қолиш керак? Унинг хаёли сурат ва файбатда (йўқлиги аснода — тарж.) мавжуддир. Шундай экан, уни нега хаёл деймиз? У хаёл эмас, балки ҳақиқатларнинг руҳидир. Олам хаёл билан қоимдир ва кўрингани, ҳис этилгани учун уни ҳақиқат, дея ўйлайсан. Ҳолбуки, олам сен хаёл деган маъноларнинг бир нуридир, холос. Хаёл бўлган нарсага аксинча қаралса, у оламнинг айнан ўзидир. У маъно эса, бунга ўхшаганларнинг юз донасини вужудга келтириб, яна йўқ этади. Бу олам йиқилиб битади. Маъно эса йиқилгандан гўзалроқ, яхшироқ, шу билан бирга, эскирмайдиган бошқа бир олам барпо этгуси. У эскилик ва янгиликдан покиза, нурлари ҳам булар билан сифатлангандир. Буларни майдонга келтирган удир ва буларнинг барчасидан озода, устундир. Чунончи, бир меъмор: «Унинг бўйи шунча, эни бунча, хоналари бунақа, саҳнаси унақа бўлади» — дея тахмин қиласа, бунга хаёл дейишмайди. Чунки ушбу ҳақиқат хаёлдан турилди, унинг нуридир. Агар меъмор бўлмаган бошқа бир одам шундай ўйласа, уники хаёл бўлади. Оллоҳ янада яхисини билгувчидир.

ФАСЛ. Фақирдан ҳеч нарса сўрамаслик дуруст. Чунки сўраш билан уни гўё гижгижлатган ва ёлғон тўқишига мажбур қилган бўласан. Нарсани жисмоний (дунёвий — тарж.) киши сўрагани учун унга мувофиқ

жавоб айтиш мушкул. Чунки у бундай жавобга муносиб эмас. Шу нүқтаи назардан, унинг қисматига уйғун жавоб бермоқ учун бир ёлғон уйдирмоқ, лозимдирки, у кетсин. Фақирнинг ҳамма гапи тұғридир. Бирон сұровчига күра тұғридир. Аслида эса ёлғон ҳисобланади. Шунга қарамасдан, тингловчига күра тұғри, ҳатто тұғридан ҳам тұғрироқдир. Бир дарвешнинг муриди дарвеш учун тиленчилик қиласы. Кунлардан бир күн мурид келтирған луқмани еган дарвеш кечаси билан қийналиб чиқди. Эрталаб муридан: «Буни кимдан олгандинг?» деб сұради. Мурид: «Гүзал бир қызы берганди» — дегач, дарвеш: «Худо ҳаққы, мен йигирма йилдан бери бунчалик ҳузурсиз бұлған эмасдым. Бу үша қизнинг луқмасидан бұлды», — деди. Шу сабабли, дарвеш әхтиёт бұлиши ва ҳар кимнинг ҳам луқмасини ейиш тұғри эмаслигини билиши керак. Чунки у латиф ва нозикдир. Чунончи, топ-тоза, оппоқ күйлакдаги кичик бир доғ ҳам «ялт» этиб күзга ташланади. Бир неча йилдан бери ювилмай кийилаётган, кирлигидан оқ ранги қорага дүниб кетген күйлакқа томган доғни эса на кийген ва на күрган фарқига боради. Шунинг учун дарвеш золимлар, ҳаром еганлар ва дунёвий кимсалар берген луқмани емаслиги зарур. Чунки булар дарвешни ҳалиги қизнинг луқмаси берген азобдек азоблайди, роҳатини үйирлайди. Оллоҳ янада яхшинини билгувчидир.

ФАСЛ. Толиблар ва соликларнинг тасбеҳи мужоҳада ва ибодат билан машғул бұлмак, ҳар ишни вактида қымкоқдир. Масалан, эрта тонгдаги бириңчи иш, албаттa, ибодат ва бу барча ишлардан аввал келади. Чунки эрталаб нафс соғын сокиндир. Ҳар ким үзиге ярашған ва нафсиға уйғун ибодатни, Тангриға құллигини адо этади. Куръонда: «Дарҳақиқат, бизлар (Оллоҳнинг йўлида) сағ тортиб тургувчилардирмиз. Дарҳақиқат, бизлар (Оллоҳни ҳар қандай айбу-нуқ-

сондан поклаб) — тасбек айтгувчилардирмиз»⁵⁷ дея буюрилганидек, юз мингта саф мавжуддир. Киши ичини қанча покиза тутса, ўшанча олдинги сафга ўтади. Ичини кам тозалаган кимса эса орқа сафга бориб туради. Чунки «Уларни Оллоҳ тайин этган ерга жўнатинг» (Ҳадис) — дея амр этилган. Бу ҳикоя узундир ва ҳеч ким бу узуналикдан қочиб кутуолмайди. Уни қисқартирган зот ўз умрини қисқартирган бўлади. Албатта, «Оллоҳнинг қўриганлари мустаснодир» (Қуръон).

Восилларнинг (висолга етганларнинг – тарж.) тасбэхига келсак, буни сизнинг тушуна оладиганингиз қадарини айтаман. Бунинг баёни шудир. Муқаддас руҳлар ва пок малаклар ҳамда Тангрининг қаҳрамонлари субҳидамда буларнинг зиёратига Қуръонда «Одамлар тўп-тўп бўлишиб Оллоҳнинг дини (Ислом)га кираётганларини кўрсангиз»⁵⁸ ва ҳар эшикдан фаришталар киради»⁵⁹ дея амр этилганидек кирадилар. Уларнинг ёнида ўтирганим ҳолда, мени кўрмайсан. Айтилаётган сўзлардан, салом ва кулимсирашлардан ҳеч нарса тушунмайсан. Бу — бўлгандир ва ҳайрон қоларли бир иш эмас. Масалан, ўлими яқинлашган касал ўзининг олдида ўтиргани пайқамай, хаёла берилади. Ҳолбуки, ҳақиқат унинг хаёлидан минг карра латифдир. Инсон хаста бўлмагунча, буни сезмайди. Ҳақиқатни эса «Ўлмасдан аввал ўлмагунча» кўриш мумкин эмас.

Зиёратчи валийларнинг нақадар улуғлигини, нозиклигини, эрта тонгда бу қадар кўп малак ва руҳларнинг уларга ҳурмат кўрсатиш учун келганлигини ҳамда узок-узок кутиб турганлигини кўради. Масалан, қуллар шоҳ саройи олдида ҳозир турадилар. Уларнинг ҳар кунги ишлари белгиланган жойда тавозе би-

⁵⁷ Қуръон, 37-сурा, 165-166-оятлар.

⁵⁸ Қуръон, 110-сурा, 2-оят.

⁵⁹ Қуръон, 13-сурা, 23-оят.

лан туришлари дидир. Кимдир узокдан хизмат қилади ва шоҳ уни кўрмайди. Кимдир — аксинча. Улардан бири подшоҳ бўлганда, унинг вирди (замонга кўра ишлари — тарж.) қулларнинг ҳар тарафдан ҳузурига келишидир. Чунки унинг учун қуллик қолмаган ва «Оллоҳнинг сифатлари билан сифатланинг» (Ҳадис), «Мен унинг қулоғи ва кўзи бўламан» (Ҳадис), деган ҳақиқат ҳосил бўлгандир. Бу — жуда юксак бир мақом. Унинг азамати — Айн, Мим ва Те ҳарфлари билан англашилмайди. Унинг буюклигидан озгинаси сенга пешвоз чиқса, на Айн ва на Айн чиққан ер қолади. На қўл ва на ҳиммат. Нурлар қўшини билан вужуд шаҳри хароб бўлур. «Аниқки, подшоҳлар қачон бирон қишлоқقا (бостириб) кирсалар, уни вайрон этурлар»⁶⁰. Кичик бир уйга түя кирса, уй йиқилади. Бироқ, бу харобада мингларча хазина бўлиши мумкин.

БАЙТ: (Хазина вайронада, ит эса обод жойда бўлади).

Соликлар мақомини узун англатганимиз ҳолда, восиллар тўғрисида нима дейлик? Бироқ соликларнинг ниҳояси бор. Бу висолдир. Восилларнинг эса ниҳояси йўқ. Балки, айрилиги бўлмаган қовушишdir восиллик. Ахир, пишган мева бошқатдан хом бўладими?

БАЙТ: (Одамлар билан гаплашишни ҳаром ҳисоблайман. Бироқ сенинг ҳақингда бўлса-чи, сўзни чўзаман).

Валлоҳи, мен сўзни чўзганим йўқ, балки қисқа қилаяпман!

ШЕЪР: (Мен қон ичаяпман, сен шароб, дея ўйляяпсан. Сен жон олајапсан, аммо жон бераяпман, дея ҳисоблаяпсан).

Буни инкор этган тўғри йўл қолиб, фалон дарахт яқин дея, таҳликали чўл йўлинни тутганга ўхшайди.

⁶⁰ Куръон, 27-сурә, 34-оят.

ФАСЛ. Насроний бир жарроҳ шундай ҳикоя қилди:
Шайх Садриддин асҳобидан бир нечаси ҳузуримизга
келдилар ва мендан: «Исо сиз ўйлагандай Оллоҳми?»
деб сўрадилар. Мен: «Биз бир Оллоҳ борлигини биламиз.
Бироқ динимизни қуриш ниятида буни билхосса
яширамиз ва инкор этамиз», — дедим.

Мавлоно буни эшитиши билан: «Оллоҳнинг душмани
ёлғон сўйлаяпти! Бу — мумкин эмас. Бу — шайтоннинг
шаробидан сархуш бўлиб, йўлини йўқотган ва Оллоҳ-
нинг эшигидан қувилган заволлининг гапи. Яҳудийлар-
нинг ўйин ва ҳийлаларидан қочган, бўйи икки аршин-
дан (бир аршин 68 см. — тарж.) ҳам қисқа, ожиз бир
одам қандай қилиб етти қават осмоннинг қурувчиси бўла
олади? Ахир, бу осмонларнинг ҳар бири қалинлиги беш
юз йиллик йўл ва икки кўкнинг ораси ҳам шу қадар-
дир. Буларни заиф кимса қай қудрати билан идора
қиласди? Сен бунга ишонасанми? Исодан аввал ер ва
кўкларнинг яратувчиси ким эди? Оллоҳ золимларнинг
гапларидан мунаzzахдир (покизадир — тарж.).

Насронийнинг: «Исонинг тупроқ қисми тупроққа,
пок қисми покликка кетди», — деган фикрига жаво-
бан Мавлоно буюрди: «Агар Исонинг руҳи Тангри бўлса,
у ҳолда руҳ қаерга кета олиши мумкин? Руҳ фақат
аслига, яратганига кета олади. Агар Исо асл ва Ярат-
ган эса, у ҳолда, унинг кетадиган жойи қаердир?». Насроний деди: «Биз бу ишончни отамииздан олдик ва
уни ўзимиз учун дин айладик». Мавлоно буюрди: «Агар
отангдан сенга сохта олтин қолган бўлса ва уни тоза
бир олtinga алмаштириш имкони туғилса, алишмай-
санми? Ёки отангдан чўлоқ бир қул мерос қолса-ю,
уни даволаш мумкин бўлса, ҳаким ва дори-дармон
топилса, сен ногиронликни афзал қўрасанми? Бу —
отамдан қолган, уни ўзгартиришни истамайман, дей-
санми? Ақлли ва соғлом туйгули киши бундай демай-
ди. Ахир, Оллоҳ сенга отангнинг ақлидан бошқа ақл,
дунёқарашидан ўзга дунёқараш ва ниҳоят, яхшини
ёмондан фарқлаш хусусиятидан фарқли хусусият бер-

ган. Сен уларни ишлат ва йўқликка судраган эмас, балки тўғри йўлга элтувчи ақла гирифати қил.

Масалан, ит қанчалик тубан бўлишига қарамай, сultonнинг кўлида овга боришни ўрганади. Ота-онасидан ўрганган, кўрган нарсаларини — тўғри келган ёмон жойларда ётиб юришни, топган ўлимтигини еб кетишини унутади. Қийғир ҳам шундай: Султоннинг тарбияси остида ов санъатини ўрганади, ўлимтик ейишни бас қиласди. Кўринадики, ҳатто паррандаю ҳайвон ҳам ёмондан яхшини ажратса оляпти ва иккиланмасдан ўргатилган яхшини қабул этяпти. Ақл ва тамизда ҳаммадан устун бўлган инсоннинг бу хусусдаги сусткашлиги жуда ёмондир. Биз бундан Оллоҳга сифинамиз. Магарки: «Исонинг Тангриси уни эъзозлади, ўзига яқнлаштириди. Ким унга (Исога – тарж.) хизмат қиласа, Тангрига хизмат қиласан, ким унга итоат этса, Тангрига итоат этган бўлади».

Агар Тангри Исодан устун бир пайғамбар юборган бўлса, Исо воситасида кўрсатганини шу билан (Исадан устун пайғамбарни жўнатиш билан – тарж.) исбот этгандир. Пайғамбарга риоя Оллоҳга риоя қилмак, уни севмоқ Оллоҳни севмакдир. Шу тарзда бу сени Оллоҳга элтади. Ҳар нарсанинг сўнгги Унга боради. Яъни сен ҳар нарсани фоя учун севасан. Бошқаси учун Уни талаб қиласан ва шу ҳолда севгинг Оллоҳда ниҳоя топади. Интиҳода Унинг зотини, айнини севасан» — дейилса, тўғридир.

Байт: (Каъбани безамоқ ҳавасдандир. Байт калимасидаги (Й) ҳарфи уни бутликдан чиқиб, Байтуллоҳ (Оллоҳнинг уйи) бўлиши учун кифоя безакдир).

Кўзнинг табиий қора ранги сурма билан бўялган қора ранг каби эмас. Кийимнинг гўзаллиги фақирлар гавдалари, гўзаллиги ва камолини беркитганидек, унинг йиртиқ бўлиши бадавлатликнинг латофат ва ҳайбатини яширади. Фақирлар кийим-боши пора-пора бўлиши билан унинг қалби очилади ва тажаллиларнинг ери бўлади.

ФАСЛ. «Яхшилик ва ёмонликни қилган бир нарсами ёки икки нарса?» — дея сүрадилар. Жавоб: «Мунозара ҳолида бўлганликларига кўра мутлақо икки нарса бўлиши керак. Чунки бир инсон ўзига қарши муҳолифотда бўлолмайди. Шу нуқтаи назардан, ёмонлик яхшиликтан айрилмайди. Яхшилик шу ёмонликни тарк этмайдир. Ёмонлик бўлмаса, уни ташламоқ ҳам мумкин эмас. Агар ёмонлик қилиш сабаби бўлмасайди, яхшилиқда воз кечиш ҳам бўлмасди. Демак, фоил (қилган, бажарган — тарж.) икки эмас, бирдир.

Мажусийлар дейишадики, Тангри яхшилик, Ахриман ёмонлик яратувчилари дидир. Биз бунга қарши деймизки, хуш нарсалар нохушлардан бўлак эмасдир. Чунки нохуш нарса бўлмагунча, хуш нарсанинг бўлиши имконсиздир. Севилган севилмаганнинг заволи ҳисобланади. Севинч кадарнинг барҳам топиши дидир. Кадар ҳам ўз навбатида севинч билан йўқ бўлади. Демак, фоил бирдир, парчалар айрилмас.

Дедиким, бир нарса фоний бўлмагунча, фойдаси билинмайди. Орифни ёмонлаган, аслида, орифнинг яхшилигини гапиргандир. Чунки ориф тилга олинган номақбул сифатлардан қочади ва бу сифатлар унинг душмани дидир. Шунга кўра, ушбу сифатларни ёмонлаган, аслида, орифнинг душманини сўккан ва ўз навбатида, орифни мақтагандир. Чунки ориф ёмонлашишдан узоқланади. «Ашёлар зидди билан маълум бўлади». Ориф биладики (ва дейдики): «Менинг душманим мени ёмонлаган эмас, мени ёмонлаган менинг душманимнинг душмани дидир». Мен бахтиёрман. Бироқ атрофимда усти тикон билан қопланган девор бор. Ташқаридан қараганлар ичкаридаги гулзорни кўрмайдилар, балки кўзлари девор устидаги тиконларга тушиб, уни ёмонлайдилар. Гулзор эса бундан ҳеч зарар топмайди. Ёмонлашнинг зиёни ёмонлаган одамнинг ўзигадир. Чунки у ўз сўзлари билан гулзордан узоқлашмокда. Шунинг учун ҳам Мустафо: «Мен кўп кулгувчи ва кўп ўлдиргувчиман» (Ҳадис) — дея буюр-

ган. Яъни у ҳеч кимни газаб билан ўлдирмайди. Коғирнинг ўзини юз турли ўлим билан ўлдирмаслиги учун уни бир хил ўлим билан ўлдиради ва бундан кўп кулади (севинади).

ФАСЛ. Миршаб ўғрини ушлаш учун доимо қидиради ва ўгри ундан қочиб юради. Бироқ шундай бир ғалати ҳол бўлди: Бу сафар ўғри миршабни изламоқда, уни тутиш учун изгимокда.

Улуғ Оллоҳ Боязидга: «Эй Боязид! Нима истайсан?» дея амр этди. Боязид: «Ҳеч нарса истамасликни истайман» — деди.

Инсон учун фақат икки ҳол мавжуд: ё истайди ё истамайди. Мутлақо истамаслик васфи эса инсонники эмасдир. Агар бундай инсон бўлса, у ўзидан қутулган, йўқ бўлган ва қолмагандир. Бундай бўлмасайди, унда инсонлик васфи яшарди ва албатта, ё истар ё истамасди. Улуғ Тангри уни мукаммал айламоқчи экан. Шунинг учун ҳам, у ҳеч нарса истамасликни истайди ва бу ҳол бирликдир, қовушиш (висол) дир. Энди орага иккилик сифмайди, балки оранинг ўзи йўқ. Бутун заҳматлар, қайгулар исталган нарсанинг йуқлигидан пайдо бўлади. Ҳеч нарса истамаганда ташвиш (fam) ҳам бўлмайди.

Одамлар қисмларга айрилгандир. Улар учун (Оллоҳга элтувчи) йўлда даражалар ва мартабалар мавжуд. Кимлардир ичкаридаги тушунчаларини амалга оширмайдилар. Аслида, бу — башарнинг қўлида. Бироқ қалбда орзу ва фикрнинг пайдо бўлиши инсон қудратидан холи жараёндир. Буни Оллоҳ жазбасидан ўзга нарса инсондан дафъ этолмайди. Дедики: «Ҳақ келди, ботил йўқ бўлди». «Эй мўмин, (ичкари) кир. Сенинг нуринг менинг оловимни сўндириди» (Ҳадис).

Агар мўмин киши ҳақиқий иймонга соҳиб эса, у энг мувофиқ ишни қилган бўлади. Мустафодан кейин ҳеч кимга ваҳий келмайди, дейишади. Нега келмасин? Келади. Бироқ бунга ваҳий демайдилар. Унинг маъноси «Мўмин Оллоҳнинг нури билан боқади (разм солади)» — деган ҳадиснинг маъноси билан бирдир. Ол-

лоҳнинг нури билан назар соглан зот (мўмин) ҳамма нарсани, аввал ва охирни, уларда бўлган ва бўлмагани кўра олади. Чунки ҳеч нима Оллоҳ нуридан пинҳон қололмас. Агар пинҳон қолса, демак, бу илоҳий нур эмас. Шунинг учун ҳам, унга ваҳий демасалар-да, у ваҳийнинг маъносидир.

Усмон халифа бўлиши билан минбарга чиқди ва халқ: «Ажабо, у не дер экан?» — деда кутди. Бироқ Усмон индамади. Ақдли бир сўз ҳам айтмади, фақат боқди ва халқда шундай бир ҳол пайдо қилдики, ташқари чиқишига уларда мадор қолмади. Шу вақтгача қилинган юзлаб зикр, ваъз ва хутбалардан халқда бундай ҳол ҳосил бўлмаган эди. Ҳамда улар бундай ҳол соясида ўзлари учун фойда ва сирларни ҳеч қачон бунчалик кўп кашф этмаганди. Йифин сўнгига қадар Усмон гапирмади. Фақат минбардан инмоқчи бўлган дагина: «Сиз учун фаол иймон маҳмадона иймондан хайрлидир» (Ҳадис) — деда буюрди. У ҳақ гапни айтди. Чунки сўз айтмоқдан мақсад — бир фойда бермоқ, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартиromoқ ва ҳоказо яхшиликлар қилмоқдир. Ҳолбуки, Усмон лом-мим демасдан гапирган вақтидагидан кўпроқ фойда келтирди. Шунинг учун унинг айтгани тамоман савобдир.

Усмон ўзини фаол, деди. Ҳолбуки, минбарда экан кўз билан кўриш мумкин бўлган бирон иш қилмади. Намоз қилмади, ҳажга бормади, садақа бермади, зикр этмади ва ҳатто хутба ўқимади. Демак, амал ва феъл фақатгина бу кўринган ҳаракат ва фаолиятдан иборат эмас. Булар, балки у амалнинг суратидир ва у (амал) жондир. Мустафо: «Менинг асҳобим юлдузларга ўҳшайди, уларнинг қайси бирига эргашсангиз ҳам ҳидоятга эришасиз» (Ҳадис) деда буюради. Инсон юлдузга қараб йўлини топади. Лекин юлдуз унга бирон нарса дейдими? Йўқ, асло! Киши юлдузга боқиб, тўғри йўлни хатолардан ажратиб олганидек, валийларга қараб ҳам, мақсадига етишади. Валийлар уни вуслат манзилига олиб борурлар.

Оллоҳ оламида ҳеч нарса имкони бўлмаган нарсага таҳаммул этмак қадар оғир эмас. Масалан, сен ўқиб, тузатиб, белгилар қўйган бир китобни ўзга бирор ёнингда ўтириб олиб, янгиш ўқиса, сабринг чидайдими? Агар китобдан бехабар бўлсайдинг, одамнинг тўғри ёки хато ўқиётганини ажратадиган олмасдинг. Шу нуқтаи назардан, маҳол бўлган нарсага таҳаммул қилимоқ жуда улкан бир мужоҳададир.

Анбиё ва авлиё ҳеч қачон мужоҳададан чекинган эмаслар ва уларнинг илк курашлари нафс, орзу ва шаҳватларини тарк этмакдир. Бу ўта буюк жанг ҳисобланади. Восил бўлиб, барқарорлик (амният) мақомига етишилгандан кейин эгри ва тўғрининг сирлари кашф этилади. Ва тўғрини эгри билан кўрадилар ва шундай биладилар. Мужоҳада ичидаги қоладилар. Чунки бу халқнинг бутун ишлари эгри ва янгишади. Набий ва валийлар буларни кўрадилар, уларга таҳаммул этадилар. Агар бундай қилмай, уларнинг эгри ишларини очиқ айтсалар, ҳамма улардан қочади ва мусулмонлик саломини ҳам қизғонади. Улуғ Оллоҳ уларга жуда улкан сабр бергани туфайли, улар барча эгриликка чидайдилар ва халқа оғир келмасин, дея ошкор юз гумроҳликдан атиги биттасини айтиб, қолганини яширади. Шундай бўладики, ҳатто одамларни мақташга тўғри келади: «Бу ишинг жуда соз, тўғри». Шу тарзда бутун эгриликни бир-бир тузатишга муваффақ бўлурлар. Масалан, бир ўқитувчи ўқувчига битталаб ҳарфни ўргатади. Навбат сўзни ёзишга келганди, устоз шогирдининг ёзувига қараб: «Яхши, фақат биттагина ҳарфни сал эгрироқ ёзибсан» — дейди. Аслида, унинг кўзида барча ҳарфлар эгридир. Аммо ўқитувчи бирданига буни айтмайди. Шу тарзда, ўқувчи кўнглини оғритмай, ўзидан бездирмай, унинг ёзувини яхшилади.

Иншооллоҳ, биз ҳам Улуғ Тангридан Амир орзуларини рўёбга чиқаришини сўраймиз. Амирга унинг кўнглидаги барча эзгу истаклари ҳамда ўзи ҳали хаё-

лига ҳам келтиромаган давлатлар насиб этсин. Нихоят, унинг ўзи буларни кўриши билан, аввал қилган ниятларинииг ожиз ва арзимаслигидан уялсин.

Ато (садақа) инсоннинг ақду хаёлига келмаган нарсадир. Инсон садақаси унинг ўз ҳиммати ва қадр-қиймати ўлчовида бўлади. Оллоҳ атоси ҳам Унинг буюклиги нисбатидадир. Қулнинг ҳиммат ва ваҳмига кўра бўлгани эмас, балки Оллоҳга лойифи ҳақиқий бағишловдир. «Ҳеч бир кўз кўрмаган, ҳеч бир қулоқ эшитмаган ва ҳеч бир кўнгил тўймаган» (Ҳадис) – дея буюрилганидек. Сен умид этган Оллоҳнинг атоси кўзлар кўрмаган, қулоқлар эшитмаган ва қалблар тасаввур қилмаган бўлишига қарамай, буларнинг барчасидан холидир.

ФАСЛ. «Яқин» (соғлом ва аниқ билим) сифати шайхи комилдир. Гўзал ва тўғри тахминлар эса унинг муридлариidir. Булар дараҷа-дараҷа бўладилар. Тахмин, кучли тахмин, энг кучли тахмин ва ҳоказо. Тахмин қанча қувватли бўлса, «яқин»га шунча яқин бўлади ва инкордан узоқлашади. «Абу Бакрнинг иймони тортилса, бутун дунё иймонидан оғир келади» (Ҳадис). Барча тўғри тахминлар «яқин»дан сут эмади ва шундай ўсади. Сут эммоқ ва ўсмоқ тахминнинг билим (илм) ва амал ила ортишининг, етишувининг аломатидир. Шу тарзда ҳар бир тахмин «яқин» бўлади ва унда фано топади. Чунки «яқин» ҳосил бўлганда тахмин қолмайди. «Яқин» шайхлари ва муридларининг суратлари бўлган бу жисм оламида (дунёда) шайхлар ва муридлар ҳам йўқ бўлади. Чунки бу суратлар — (нақшлар) даврдан даврга, асрдан асрга ўзгариб боради. Ҳолбукчи, «яқин» шайхлари ва уларнинг тўғри тахминлари ҳисобланган (болалари муридолар даврлар ва асрларнинг ўтишига қарамай, ўзгармасдирлар, оламда қоимдирлар. Янгиш, бузуқ ва мункир (инкор этувчи – тарж.) тахминлар «яқин» шайхларнинг сургун қилганилариidir. Бу тахминлар ҳар куни «яқин» шайхларидан янада узоқлашадилар. Ўз қадрларини йўқотиб

борадилар. Чунки улар ҳар куни ёмон тахминларнинг кўпайиши учун ҳаракат қилмоқдалар. «Уларнинг дилларида мараз бор эди, бас, Оллоҳ маразларини яна-да зиёда қилди»⁶¹. «Магар иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларгина (азобга дучор қилинмаслар). Бас, улар жаннатга киурулар ва уларга бирон зулм қилинмас»⁶². Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Оллоҳ яна ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб кўюр»⁶³.

Тахминни бузмоқ ва ёмонлаштиromoқ учун олинган ҳар таҳсил, натижада, унинг фойдасига (тузалишига) хизмат қиласди. Масалан, вақтида учига чиққан ўғри бўлган миршаб ўз ҳамкасларидан устундир. (Чүнтак кесишга ишлатилган унинг кучи энди адолатни қўриқлади). Чунки у ўғриларни, уларнинг ҳийлаларини, кирдикорларини беш қўлдек билади. Худди шундай, бир зот вақти келиб шайх бўлса, у комил ва буюк бўлиб етишгуси.

ФАСЛ. Дедиларки: «Биздан қочинг, бизга яқинлашманг!» Жавоб бердиларки: «Сизга муҳтожман, шундай экан, қандай қилиб сиздан қочай?»

Шуни яхши билиш керакки, инсон қаерда бўлмасин, ҳамиша ўз эҳтиёжининг ёнидадир. Ҳайвон ҳам шундай: Эҳтиёж унга ота-онасидан ҳам яқинроқдир. Гўё унга ёпишгандир, ундан ажралмасдир. Инсон ўз-ӯзини боғламайди. Чунки у доимо боғдан қутулмоқчи бўлади. Ҳар қандай боғдан озод бўлмоқни истаганинг ўзини ўзи боғлаши – имконсиз. Агар уни ўзга бирор боғласа – ишониш мумкин. Масалан, соғлом бўлишни хоҳлаган киши ўзини касалга чалинтирмаслиги лозим. Чунки инсон ҳам соғлиқни, ҳам хасталикни бирдани-

⁶¹ Куръон, 2-сурा, 10-оят.

⁶² Куръон, 19-сурা, 60-оят.

⁶³ Куръон, 25-сурা, 70-оят.

га истай олмайди. Киши доимо ўз эҳтиёжининг ёнида бўлганига кўра, шу эҳтиёжни таъминлаганнинг ҳам ҳузуридадир. Яъни ипга боғли бўлганига кўра киши ипни тортганга ҳам тобедир. Бироқ, кўзи арқонда, ипда бўлгани учун (бундай кимсанинг — тарж.) қадр-қиймати йўқ. Агар кўзи арқонни тортганда бўлиб, ўзи арқондан қутулсайди, арқонни тортган унинг ўзи бўларди. Унинг бу ҳолга тушишига сабаб — жиловдорнинг ортидан ипсиз-арқонсиз кетмагани ҳамда кўзи унда (ипни тортганда) бўлмаганидир. Шунинг учун уни боғладилар.

«Биз унинг бурнига тамфа босамиз» (Куръондан) — дея буюрилганидек, унинг оғзига сувлуқ урамиз ва (у юришни) истамай қолганда, тортамиз. Чунки у сувлуқсиз ортимиздан келмаяпти.

НАЗМ: (Улар): «Саксондан кейин ўйин бўладими?» — дедилар. Мен ҳам уларга жавоб сифатида: «Саксондан олдин ўйин бўладими» — дедим).

Улуғ Оллоҳ ўз фазлидан кексаларга болалик бағишлайди. Болалар дунёни билмаганлари, ундан зерикмаганлари учун беғубордир ва ўйнамоқ орзуси билан яшайдилар. Кекса одам ҳам дунёни бола каби топ-тоза кўради, ўйнамоқни истайди. Кексаликнинг аҳамияти ва шарафи буюқдир. Инсонда кексалик аломатлари кўпайган сари унда ўйнаш ва айланиш ҳаваси ортади. Демак, кексаликнинг шиддати Тангриницидан кўпроқ бўлади. Чунки Тангри Жамолининг баҳорини кексаликнинг кузи енгади. Шунга кўра, Тангри фазлиниң баҳори заифдир. Бир (инсон) тишининг тўкилиши билан Тангри баҳорининг кулимсираши эскиради ва бир (тола) сочнинг оқариши билан Тангри фазлининг яшиллиги сўлади. Куз ёмғирининг йиғисигиси ичра ҳақиқатлар боғи бўғилади, ҳаётининг завқи қочади. Тангри золимларнинг сўзларини жудажуда юксалтиради.

ФАСЛ. Мен уни ваҳший бир ҳайвон шаклида кўрдим. У тулки терисини ёпинган эди. Қизиқдим.

Олмоқчи бўлдим, у кичик бир хонада тешиклардан ташқарига қарап, у ёқдан бу ёқча чопарди. Кейин Жалолу-т-Табризий ҳам унинг олдида бир ҳайвон суратида кўринди. У мендан сакраб қочмоқчи бўлганди, тутиб олдим. Мени тишламоқчи бўлди. Калласини оёқларим тагига олиб шундай эздимки, унинг ичидан нима бўлса, бари ташқарига отилиб чиқди. Кейин гўзал терисига қарадим. Унинг олтину ёқутлардан ҳам қийматли эканини кўрдим. Унга: «Мен оладиганимни олдим эй ҳуркак ҳайвон, энди сен қаерни хоҳласанг, кетавер» — дедим. У енгилишдан қочаётганди. Ҳолбуки, саодати мағлубиятда эди.

Ориф шундай бир ҳолда бўладики, уни тузоқлар билан овлаш — хом хаёл. Тузоқлар қанчалик пишиқ ва яхши бўлишига қарамай, бу овга нолойиқдир. Орифнинг ихтиёри — унинг ўз қўлида. Ҳеч ким уни ихтиёридан маҳрум қилмай, ушлай олмайди. Масалан, сен кузатиш жойидан туриб, қандайдир жониворни пойлаяпсан, дейлик. Лекин у сени ва сенинг режаларингдан боҳабар эса, ҳеч мушқулсиз қочиб кетади. Чунки унинг ихтиёри ўз қўлида. Истаган тарафига кета олади. Сен тайёрлаган ягона йўлдан ўтишга мажбур бўлгани йўқ. Чунки «Оллоҳнинг ери кенгдир»⁶⁴. Кейин бу дақиқалар сенинг тил ва идрокингга ўтиши билан ҳақиқий ҳолини йўқотади. Бир тегиниш билан бузилади. Бузилган ва бузилмаган барча нарсалар орифнинг оғзига тушиши ва идрокига кечиши билан эски ҳолида қолмай, бошқа нарсага айланади. Оллоҳнинг иноят ва кароматларига бурканади, чунончи, Мусонинг қўлида асо тамоман ўзга нарсага дўнди. Асо ўз моҳиятини ўзгартирди. Довуднинг қўлидаги темир ҳам бошқа нарсага айланди.

«Кофирнинг ошқозони бор» (Ҳадис). Бу жоҳил Фаррош танлаб келтирган эшак етмишта ошқозон билан

⁶⁴ Куръон, 39-сурә, 10-оят.

ем ейди. Агар битта ошқозони бўлганда ҳам, етмишта дейиларди. Чунки ёқимсиз кимсанинг қилган ҳар бир иши ҳам ёқимсиздир ва аксинча, ёқимли кишига тегишли ишлар ҳам севимли бўлади.

ФАСЛ. Бу ҳофизлар орифлар аҳволини нега англамайдилар мен ҳайронман. «Қасам ичиб турган мискиндинг сўзига эътибор берма, у нима деса ҳам, сенга ундоқ бўлади, бундоқ бўлади» — дейишади. Куръон ҳамма нарсадан айб қидирувчи, сўз ташувчи, яхшиликни тўсувчи ва урушқоқларнинг гуноҳга ботишидан хабар беради. Қуръон сеҳргардир, ўзига шундай ром қиласиди, ҳатто ёғийнинг ҳам қулогига эшитиладиган бир тарзда очиқ шивирлайди. Бироқ ёғий ундан (У маънодан) ва унинг таъмидан хабари бўлмайди.

«Оллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган»⁶⁵ — дея буюрилганидек, у ҳам (Куръонни — тарж.) нақадар яхши эшитади, хатм қиласи, бироқ тушунмайди. Ундан гапиради, аммо қамрамайди, ҳис қиласиди. Оллоҳ латифдир, қаҳри ва (англаш) калити ҳам латиф. Бу латифлик шу қадарки, англатиш имконсиз. Агар менинг парчаларим бутунимдан аён бўлса, бу Унинг сўнгсиз лутфидан ва кашфиётчилигидан, тенгсиз фотиҳлигидандир. Ўлим ва хасталикни мен учун айбламанг. Чунки улар ишнинг аслини беркитмоқ учун ўртада мавжуд. Мени ҳақиқий ўлдирган унинг беназир лутфидир. Серпалган қилич эса, бегоналар кўзларининг қатл ҳақиқатини кўрмаслиги учундир.

ФАСЛ. Сурат (юз) ишқ нуридир. Чунки ишқсиз у ҳам қийматдан маҳрум. Нур — аслсиз номавжуд нарса. Шунга кўра, Тангрига сурат дейилмаганидек, нур ҳам дейилмайди. Чунки сурат нурдир.

⁶⁵ Куръон, 39-сурा, 10-оят.

Бири: «Ишқұ суратсиз бұлмаганига, рүёбга чиқмаганига күра суратнинг нури бұлиши керак» — деди. Биз: «Ишқұ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?» — деймиз. Ҳатто суратни ишқұ майдонга келтиради ва ундан юзминглаб сурат ҳосил бўлади. Булар айни замонда рүёбга чиққан, шаклу шамойил олган суратлардир. Рассомсиз расм бўлмаганидек, рассомсиз ҳам рассом бўлмайди. Фақат расм нур, рассом эса асладир. Гўё бармоқнинг ҳаракати билан узукнинг ҳаракати янглиғ.

Юрагида уй қуриш ишқұ бўлмаса, меъмор унинг тарҳини чизмайди. Бугдой бир йил олтин баҳосида, бошқа йил тупроқ қийматида сотилиши мумкин. Ҳар икки йилда ҳам унинг сурати ўшадир — бугдойдир. Бироқ унинг қадри унга бўлган ишқ (эҳтиёж — тарж.) туфайли майдонга келмоқда. Худди шундай, сенинг санъатинг ҳам фақат сен учун азиздир. Унга рағбат кўрсатиб, уни севиб ўрганувчи (ишқ) топилмагунча, у яна шу ҳолда қолаверади.

«Ишқ — нимагадир муҳтожлик. У ҳолда эҳтиёж — асл, муҳтож эса — нур» — дейишади. Биз деймизки: Сен эҳтиёжинг бўлгани учун шундай деяпсан. Демак, эҳтиёжинг олдин майдонга келади, сўз эса ундан туғилади. У ҳолда, сўз бўлмаса ҳам, эҳтиёж мавжуд. Шунга кўра, ишқ ва эҳтиёж унинг (сўзнинг — тарж.) нури бўлолмайди. У: «Эҳтиёждан мақсад сўз эмасмиди? У ҳолда, мақсад қандай қилиб нур бўла олади?» — деди. Биз «мақсад ҳар доим нурдир. Чунки дараҳнинг илдизидан мақсад унинг нури, яъни гавдасидир, шохлари ва ҳоказолари» дедик.

ФАСЛ. Инсоннинг ичи — даҳлиз, дунё эса уй. Аввал даҳлизга, сўнгра уйга кирилади. Даҳлизда кўринган барча нарса уйнинг ичкарисида ҳам мутлақ зоҳирдир. Масалан, шу ўтирган уйимизнинг тарҳи аввал меъморнинг миясида аниқланиб, кейин унинг ўзи майдонга келган. Дунёни — уй, дедик. Тушунча ва фикрлар шу уйнинг даҳлизларидир. Даҳлиздаги борлик уйнинг ичида ҳам мавжуд эканлиги ҳақиқатини билишинг

керак. Дунёда пайдо бўлган жамики хайрли ва хайрсиз ишлар, аввало, даҳлизда юзага чиқади. Чунки Улуғ Оллоҳ орзу ва истакни инсоннинг ичига қўяди. Булардан эса қўриб турганимиз олам барпо бўлади. Худди шундай, бу дунёда қўрганинг нарсаларнинг у дунёда ҳам борлигини бил. Чунончи, нам бор ерда мавжуд бўлган (нарса) денгизда ҳам бор. Чунки намлик денгиздандир.

Ер, кўк, Арш ва Курси (маънавий мақом, Аршнинг остида — тарж.) ҳамда бошқа ажойиб нарсаларнинг яратилиши истагини Улуғ Тангри дастлаб руҳларга берганди. Ҳеч шубҳа йуқки, дунё шунинг учун яратилгандир.

Халқ «Оlam қадимдир» дейди. Бу гапни қабул қилиш мумкинми? Баъзилар борки, «Ходисдир» дейишади ва булар оламда яна-да қадим бўлган валийлар ва набийлардир. Улуғ Оллоҳ оламнинг яратилиш иродасини уларнинг руҳларида ҳосил қилгандан кейин олам майдонга келган. Улар оламнинг ҳодис (кеин яратилган — тарж.) бўлишини ҳақиқатан билиб, ўз мақомларидан хабар беришади. Масалан, умримиз олтмиш, етмиш йил эканлигини ва яшаётган уйимиз жуда илгари қурилган бўлмай, бир қанча йил аввал бино бўлганини билдик. Агар шу уйнинг ҳовлисида, деворида дунёга келган эшак, илон, сичқон каби жониворлар кўзларини очишлари билан уйнинг тикка ҳолда қўришиб, уни «қадим» десалар, бу биз учун далил бўломайди. Чунки биз уни яқинда қурилганини биламиз. Бу ерда туғилиб ўстган ҳайвонлар уйдан бошқа жойни кўрмаганлари ва билмаганларидек, дунё уйидан чиқсан ва улғайган шундай инсонлар борки, уларнинг қадим бир асли йўқдир. Бу ердан кетганлари каби шу ерда йўқ, бўлажаклар. Агар булар дунёни қадим (эски) эканлигини айтишса, бу далил ҳисобланмайди. Чунки валийлар ва набийлар дунёда мингларча йил аввал мавжуд эдилар. Йил не демак, ҳисоб не демак? Чунки уларнинг на йили ва на ҳисоби бор эди.

Улар дунёning кейин майдонга келганини кўрганлар. Худди сенинг бу уйнинг яқинда қурилганини кўрганингдек.

Заволли файласуф суннийларга: «Оlamning ҳодислигини қандай билдингиз?» — деди. Ҳой эшак! Olamning эскилигини (қадимлигини) сен қандай билдинг? «Olam қадимdir» дейишнинг маъноси ҳодис эмасдир, демакдир. Ba бу далил инкор учундир. Isbot учун далил келтирмоқ бундан қулай. Чунки инкор учун гувоҳлик беришнинг маъноси шу: Масалан, «бу одам фалон ишни қилмаган. Бироқ буни билиш — мушкул». Буни айтган киши у билан кечакундуз баробар бўлиши керакки, натижада: «Ҳа, у бу ишни қилмаган!» — дея олсин. Ҳатто бу ҳам етарли эмас. Чунки бу киши ухлаши ёки ёзилиши учун четга ўтган бўлиши мумкин. Яъни ҳар лаҳза у билан бирга бўлишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам, инкор учун гувоҳлик тўғри эмас. Чунки бу бир инсоннинг имкон доирасига сифмайди. Isbot учун эса гувоҳлик бериш мумкин ва ўта қулай. Чунки «У билан бирга бўлганимда, ундоқ деди, бундоқ қилди» деса бўлади.

Бундай гувоҳлик инсон имкони доирасидадир. Эй ит! Olamning ҳодис бўлишига далил келтириш olamning қадим эканлигига далил келтиришдан қулай эмасми? Сенинг шоҳидлигинг olamning ҳодис бўлиши натижасини беради. Шу аҳволда инкор учун бир далил келтирган бўласан. Демак, ҳар иккиси учун ҳам далилинг йўқ, энди айт-чи, олам ҳодисми ёки қадим?

ФАСЛ. Мустафо асҳоби билан ўтиради. Кофирлар ҳар масалада унга эътиroz билдиради. Шунда саҳобалардан бири: «Дунёда бир киши бор, ваҳий унга келади. Унинг аломатлари бўлади ва булар унинг сўзида, бутун ҳаракатларида зоҳирдир. Сиз ҳозир ана шу аломатларни кўриб турибсиз, демак, унга эргашингки, у ҳам сизнинг қўлингиздан тутсин», — деди. Кофирлар бундай қилишга уялдилар ва келиб саҳобаларни урдилар. Мустафо: «Сабр қилинг. Улар ҳозирча

ғолибдир. Мажбуран динларини қабул эттирмоқчи бұляптилар, демасинлар. Бу динни Оллоқ, оёққа турғазади», — деди. Мусулмонлар узоқ вақт яширинча нағоз қылдилар ва Мустафонинг номини ошкор айтмадилар. Ниҳоят, «Сиз ҳам қилич олиб, бу йүлда курашинг» деган ваҳий келди. Мустафонинг саводи йүқ, дейишади. Бироқ, бу унинг ёзиш ва ўқиши бўлмагани учун эмас. Унинг ёзиш, ўқиши, билим ва ҳикмати онадан туғма бўлиб, буларни кейин ўқиб кўлга киритмагани учун (Мустафони) саводсиз дейишади Аслида, дунёда у билмаган нима бор? Ҳамма ундан ўрганади. Жузъий ақлнинг куллий ақлда бўлмаган нимаси бор? У кўрмаган нарсасини ўзидан топмоқ, яратмоқ қобилиятидан узоқ. Одамлар ёзган китоблар — улар барпо қилган бинолар эмасдир. Одамлар бунга ҳеч нарса илова қилгандари йўқ. Ўзлигida янги нарса топганлар куллий ақлдир. Чунки жузъий ақл ўрганишга — куллий ақлнинг ўргатишига муҳтоҷ. Ақл-и кулл муваллимдир. Унинг ўрганишга эҳтиёжи йўқ.

Худди шундай, энг аввал пайдо булган барча нарсаларни тадқиқ қилсақ, асл ва интиҳо ваҳийдир. Пайғамбарлардан ўрганилгандир. Набийлар ақл-и куллдир. Ҳикоя: Қобил Хобилни ўлдириб қўйиб, мурдани нима қилишни билмай боши қотиб турганда, шеригини ўлдириб қўйган бир қарғага кўзи тушибди. Қарға ўликни тупроқ қавлаб кўмибди. (Шу тарзда) Қобил қарғадан жасад қўмишни ўрганиб олди. Мозор шу тарзда вужудга келди. Худди шундай, барча санъатларда ҳам жузъий ақл эгаси ўрганишга муҳтоҷ. Ақди кулл эса ҳамма нарсани ўртага қўйган, топган ва майдонга келтиргандир. Ақл-и куллни ақл-и жузъийга боғлаган валийлар ва набийлардир. Масалан, қўл, оёқ, кўз, қулок, ва инсоннинг барча туйғулари қалбу ақдан ўрганиш қобилиятига эгадирлар. Ақл ва қалбсиз инсон туйғуларининг ҳеч бири ҳаракатта келмасди. Сенинг жисминг ақдинг ва қалбингга нисбатан қўпол ва қалиндир. Ақл ва қалбинг эса — латиф. Қўпол жис-

минг латиф бўлганлар (қалб ва ақл) билан қоимдир. Унинг тозалиги ва латофати ҳам қалб ва ақлнинг шарофати билан. Латиф бўлганларсиз жисминг танбал, ишёқмас, ифлос ва кирдир. Жузъий ақл ҳам кулий ақлнинг олати. Ундан ўрганади ва куллий ақлнинг қаршисида жуда қўполидир.

Бири дедики: «Бизни ҳиммат билан эсла! Асл бўлган нарса ҳимматдир У сўзсиз ҳам мавжуд, чунки ҳиммат — нур». Мавлоно буюрдики: ҳиммат жисмлар оламидан аввал — руҳлар оламида ҳам бор эди. Демак, бизни жисмлар оламига қуруқ келтирмадилар. Бунга имкон йўқ. Шундай экан, сўзнинг ҳам муайян ўрни бўлиши керак. Ахир, данакнинг фақат магизини ажратиб эксанг, кўкармайди. Ҳолбуки, қобиги билан ерга ташласанг, ўсиб чиқади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, суратнинг ҳам аҳамияти борлиги аён бўлмоқда.

«Қалб ҳузурисиз қилинган намоз намоз бўлмайди» (Ҳадис) — дея буюрилганидек, намоз ҳам ичдадир. Бироқ сен уни шаклларга ўрайсан. Кўринишда руку (эгилмок) ва сажда билан намозга сурат бериш лозим. Буларни бажариб, ундан ўз насибангни олурсан, муродингга етурсан.

«Улар намозларида доим — барқарор бўлгувчи зотлардир»⁶⁶ — деган оятдаги намоз руҳлар намозидир. Суратан, шаклан қилинган намоз мувакқатдир, доимий эмас. Чунки руҳ денгиз оламидир, сўнгсиздир. Жисм эса денгиз соҳилидир, чекли — ўлчовлидир. Шунга кўра, ҳамишалик намоз руҳнингдир. Руҳ ҳам руку ва саждалардан ҳоли эмас. Бироқ буларни очиқ шакллар билан кўрсатмоқ керак. Чунки маънони сурат билан боғлиқлиги бор. Иккаласи бирлашмагунча фойда ҳам бўлмайди. Сурат маъно нуридир. Сурат — фуқаро, кўнгил — подшоҳ деганингда, бу исмлар изо-

⁶⁶ Куръон, 47-сурा, 36-оят.

фадир. «Бу унинг нуридир», дединг. Нури булмаса, у қандай қилиб асл бўлиши мумкин? Модомики, «Аёл» дер экансан, иложисиз «Эркак» ҳам дейишинг керак ёки «Оллоҳ» дегандан кейин «Қул»ни ҳам эсдан чиқармаслик зарур.

ФАСЛ. Ҳусомиддин Эрзинжоний дарвешлар мажлисига кирмасдан аввал жуда мунозарачи эди. Қаерга борса, ўша ерда муноқаша-ю, мунозарани бошлаб юборар, ўзи ҳам нотиқ бўлганидан, узоқ ва чиройли гапираварди. Фақат дарвешларга яқин юриши билан баҳс-мунозара қилиш одатини тарк этди.

МИСРА: (Ишқни ишқдан бошқа нарса сўндиrolmas).

«Оллоҳга яқинлашмоқчи бўлган зот тасаввуф аҳли билан бирга ўтиради» (Ҳадис).

Бу билимлар фақирлар (дарвешлар) ҳузурида қўлга киритиладиган фойдаларга нисбатан «Албатта бу ҳаёти-дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгидир! дея буюрилганидек, ўйин ўйнамоқ ва умрни беҳуда ўтказмоқдан иборатдир. Инсон вояга етиб, ақл-фаросатли бўлгач, вақтини ўйинга сарфламайди ёки баъзан ўйнаса ҳам, буни яширишга тиришади. Зоҳирий илмлар ва дунё ҳавасларининг ҳаммаси ел, инсон эса тупроқдир. Шамолга аралашиб учган тупроқ кўзни очирмайди, унга азоб беради.Faқат улар пайғамбарга юборилган Қуръонни эшитишлари билан «Ҳақни танигандари учун кўзлари ёшларга тўлиб-тошади» (Қуръондан) —дея амр этилганидек, тупроқ бўлишларига қарамай, йиглайдилар. Энди шамол ва тупроққа сув кўшилгани учун унда гулзуорлар ўсади

Бу — фақир йўли шундай бир йўлдирки, унда барча орзуларингга эришасан. Душманни енгмоқ, қўшинларни тор-мор этиб, мамлакатлар олмоқ, одамларни асири қилмоқ, ўз тенгдошларингдан устун бўлмоқ ва яна қандай истакларинг бўлса, агар сен фақир йўлини танлаган эсанг, уларнинг барчаси амалга ошгай. Бошқа йўллар йўловчисидан фарқди ўлароқ, бу йўлни

тутган зот ҳеч қачон шикоят қилмайди. Ўзга йўллардаги одамларнинг юз мингидан ақалли биттасининг истаги руёбга чиққан ва бу ҳам унинг юрагини қувонтирадиган даражада эмас. Чунки мақсаднинг ҳосил бўлиши учун ҳар йўлнинг бир қанча усул ва воситалари мавжуд. Орзулар йўллар воситасида амалга ошиди. Бу йўл узундир, офат ва тўсиқлар билан тўладир. Воситаларни ҳам, эҳтимол, исталган нарсага мувофиқ келмас. Агар сен чинакамига фақир олами билан машғул бўлсанг, Улуғ Оллоҳ сенга хаёлингга ҳам келмаган мулклар, оламлар бағишилар. Ва сен: «Оҳ, бундай нарсалар ҳам бор экан! Авваллари аҳамиятсиз ва арзимас нарсаларни истаб юрган эканман. Нега?» — дея ўз-ўзингдан уяласан? Улуғ Тангри: «Гарчи сен булардан бездинг, энди уларни истамайсан ҳам. Бироқ илгари талабгор бўлгандинг ва ниҳоят, Биз учун улардан воз кечдинг. Карамимиз кенгдир. Сенга, албатта, уни ҳам мұяссар айлаймиз» — дея буюради. Чунончи, Мустафо ҳам ҳақиқатга восил бўлмасдан ва шухрат қозонмасдан олдин Арабнинг фасоҳат ва балогатини кўриб: «Кошки, мен ҳам шундай фасоҳат ва балогат соҳиби бўлсам» — дерди. Лекин қачонки, унга олами кашф бўлиб, Оллоҳ учун ўзидан кечгандан кейин ичидаги ана шу орзу совуди ва ҳеч бўлди. Улуғ Тангри дедики: «Тилагинг — фасоҳату балогатни сенга бердим». Мұхаммад: «Эй Тангirim, бу менинг нима ишимга ярайди? Истамайман, воз кечдим» — деди. Улуғ Тангри: «Хафа бўлма, бу ҳам бўлсин. Фароғатинг ўрнида қолсин. Зиёни йўқ» — деди ва Мұхаммадга шундай сўз бердики, бутун олам ўшандан бугунгача унинг шарҳида жилд-жилд китоблар ёздилар, ёзмоқдалар ва ҳануз у сўзни тушунмоқдан, қамрамоқдан ожиздирлар. Улуғ Тангри яна буюрдики: Асҳоб заиф бўлгани учун ҳамда жонларини аяб ва қизғанчиқларнинг ёмонлигидан кўрқиб сенинг исмингни халқ қулоғига шивирлаб айтадилар. Мен сенинг улуғлигинги шундай юксакларга кўта-

раманки, дунёдаги жамики иқлим ўлкаларида ва ҳар тарафдаги баланд минораларда кунда беш маҳал номинг гўзал ва баралла овозда зикр этилажак ва шу тарзда сен машриқ ва мағрибда машҳур бўлажаксан.

Ким шу йўлда ўзини фидо қилса, дин ва дунё билан боғли барча орзулари рӯёбга чиқгай. Бизнинг сўзимиз — нақд, бошқаларники эса нақл. Нақл нақднинг нуридир. Нақд инсоннинг ҳақиқий оёғи бўлса, нақл ёғоч оёққа ўхшайди. Чунки ёғоч оёқ ҳақиқий оёққа тақлидан, ундан илҳом олиниб ясалади. Агар дунёда оёқ бўлмаса, қандай қилиб унга тақлидан ясама оёқ тайёрланади? Шунинг учун баъзи сўзлар нақд ва баъзиси нақлдир. Бироқ улар бир-бирига жуда ўхшайдилар. Уларни фарқлаш учун тамизликиши лозим. Тамиз — иймон. Куфр эса тамиздан маҳрумликдир.

Чунончи, Фиръавн замонида Мусонинг асоси илон ва сеҳргарларнинг таёқлари-ю иплари аждарҳо бўлганда бетамиzlар буларнинг ҳаммасини бир рангда кўриб, ҳеч нарсани фарқлай олмадилар. Бироқ тамизли (фарқлаш хусусиятига эга — тарж.) кишилар тамиз воситасида сеҳрни ҳақиқатдан ажратадилар. Демак, иймон тамиздир.

Фикрхнинг асли ваҳий эмасми? Бироқ ҳалқнинг туйгулари, тушунчалари ва тасарруфлари билан қоришгандан кейин унинг гўзаллиги ва хушлиги йўқолган. Тоғдан шаҳарга қараб оқаётган сув нақадар тоза ва нақадар софдир. Фақат шаҳардан оқиб ўтаркан, у ифлосланади. Бу ифлос ва кир сувнинг аввал, яъни бошлангичда — манбада покиза бўлиб, бутаналик унга кейин ҳамроҳ бўлганини тушунмоқ ва фарқламоқ учун киши тамизли бўлмоғи керак. «Мўмин закийдир, тамизлидир, ақллидир» (Ҳадис). Қари бир одамнинг ёши юзда бўлса ҳам, агар ўйин билан вақтини ўтказса, ақлли ҳисобланмайди, балки ҳануз боладир, хомдир. Худди шундай, ўйин ўйнамаган бола ҳам кекса-

дир. Бу ерда ёшнинг аҳамияти йўқ. «Айнимаган сув»⁶⁷ дунёning барча ифлосликларини тозалагани ҳолда, барибир мусаффодир, тиникдир, чучукдир. Чунки у ҳаёт сувдадир.

Агар одам намозда фарёд чекиб йигласа, қилган намози беҳудами ёки йўқми? Жавоб узун ва батағсилидир. Агар у намозга тегишли ва намозни мукаммал этадиган нарсани кўриб, шунга йифлаган бўлса, тўккан кўз ёши беҳуда эмас. Агар дунё учун ёхуд ўч олиш туйғусига берилиб фарёд қилган бўлса, намози нуқсондир, бенафдир. Демак, иймон тўғри билан хатони, нақд билан нақдни фарқдай оладиган тамиздир. Агар киши бундан маҳрум эса, бу сўз унинг наздида зиён-заҳматдир. Тамизли зотлар айтилганлардан ўз улушкини олурлар.

Масалан, икки ақлли шаҳарлик бир қишлоқдикнинг фойдаси учун гувоҳлик берсалару, қишлоқдик соддалиги ва соғлигига бориб ўз ҳимоячиларининг гапларига терс гапни айтса, шаҳарликларнинг барча меҳнатлари зое кетади. Шунинг учун ҳам, «Қишлоқдикнинг гувоҳи ўзи билан биргадир» (яъни ўзидир) дейишади.

Сархушлик мияга уриши билан киши оғзига келганини қайтармай, ҳеч кимга қарамай валдираиди. Масалан, хотиннинг кўкраклари сутга тўлиб, оғрий бошлиши билан маҳалланинг кучукларини тўплар ва сутини уларга (соғиб) беради.

Қимматбаҳо гавҳарни болага берсанг, сен кетгач, унинг қўлига бир олма тутқазишиб, инжуни олиб кетадилар. Чунки болада тамиз хусусияти йўқ. Яъни олма билан гавҳарни фарқига бормайди у. Шунинг учун ҳам, тамиз буюк неъматдир. Худди шундай, бизнинг сўзимиз ҳам тамиз соҳиби бўлмаган кишининг қўлига тушиди.

Абоязидни отаси фиқҳ ўргансин, дея мактабга олиб борди. Мударриснинг ҳузурига келиши билан Абоя-

⁶⁷ Қуръон, 47-сурा, 16-оят.

зид: «Бу — фиқхуллоҳми?» — деди. Унга «Йўқ, бу Ханифанинг фиқҳи» - дедилар. Шунда Абоязид: «Мен фиқхуллоҳни ўрганмоқчиман» — деди. Отаси уни наҳв (грамматика — тарж.) муаллимини олдига олиб борди. Абоязид: «Бу — наҳвуллоҳми?» — дея сўради. Муаллим: «Йўқ, бу Сибавайҳ навҳидир» — дегач, у: «Мен буни истамайман» — дея жавоб берди. Шу тарзда, отаси Абоязидни қайси ўқитувчи қошига бошлаб борса, у бир хил нарсани айтди. Ниҳоят, отаси Абоязидни ўз ҳолига ташлаб қўйди. У шу орзу билан Боғододга келди ва Жунайдни кўриши билан: «Ана Фиқхуллоҳ!» — дея бақирди (кўзи қандай қилиб ўз онасини танимайди?). Чунки у ақл ва тамиздан дунёга келган. Сен суратни ташлаб юбор!

Бир шайх бор эди. Муридларини доимо ўз ҳузурида тик туришларини талаб қиласарди. Унга: «Эй шайх, уларни нега ўтиритирмаяпсан? Ҳолбуки, бу дарвешларнинг эмас, балки подшоҳларни одатидир» — дедилар. Шайх: «Асло! Гапирманг. Мен муридларимнинг файз топишлари ва тариқатга фавқулодда ҳурмат кўрсатишларини истайман. Ҳурмат ҳар нақадар қалбда бўлса ҳам, «таш ичнинг ойнасидир» (унвонидир) дейилган.

Унвоннинг маъноси надир? Масалан, мактубнинг унвонидан унинг ичидағи, кимга ёзилгани маълум бўлади. Худди шундай, китобнинг унвонида (мундарижасида — тарж) унинг бўлимлари, парчалари ва мавзулари ошкордир. Ҳурматнинг ташқи кўринишидан, яъни бош эгмоқ, оёқда турмоқ каби ҳаракатларидан инсоннинг ичидағи (кўнглидаги — тарж.) ҳурматнинг қандайлиги ва Тангрига бўлган таъзимнинг даражаси англашилади. Зоҳиран кўрсатилмаган ҳурмат шуни билдирадики, бу одамнинг ичida Оллоҳ қўркуви йўқ ва у Оллоҳ одамларини менсимайди.

ФАСЛ. Жавҳар Ходим-и Султон: «Бу кишига кунда беш маҳал талқин қилинса-да, ҳеч нарсани тушунмайди ва эслаб қолмайди. Агар ўлса, ундан нимани сўра-

шади, ахир, у ҳамма нарсани унугди-ку?» — дея сұра-ди. Дедимки: Үрганған нарсасини унугтаётган бұлса, демак, унинг ичи ва мияси соф, тоза ҳамда үрганма-ған, билмаган бошқа бир саволнинг сұралишига тай-ёрдир. Сен үша соатда ҳозиргача менинг сұзларимни эшитяпсан ва уларнинг баъзиларини қабул этајпсан. Чунки аввал ҳам шу хил фикрларини эшитган ва қабул қылғансан. Энди улардан қай бирлари устида тұхтаб қолаяпсан? Сенинг ичингдаги тортишмани ким эшит-япти? Үртада ҳеч қандай восита йүк. Гарчи қулогинг бұлса ҳам, ичингдаги сұзни эшита олмади. Сенинг бу зиёратта келишинг тилсиз ҳолда айттылған саволдир ва бизга бир ойдин йўл кўрсатингиз, демакдир. Бизнинг сиз билан гаплашмай ё гаплашиб ўтиришимиз ҳам сизнинг ниҳон саволларингизга жавобдир. Подшоҳ ҳеч сўз айтмай ҳам, «Қандай турибсан, не еяпсан, нимага қарайапсан?» дея ўз қулларидан сўрайди. Кишининг қараши (нуқтаи назари) агар эгри бұлса, шубҳасиз, унинг жавоби ҳам эгридир. Чунки тўғри жавоб бермоқ учун ўзига ҳоким бўлолмайди у. Масалан, дудук одам тўғри гапирмоқчи бўлиб қанча уринса ҳам, бе-фойдадир. Заргарнинг олтинни маҳсус тошга уриб кўриши олtingа берилған саволдир ва у: «Мен софман ёки қоришиқман! — дея жавоб беради.

Очлик — бир савол. Вужуд уйида бир бузуқлик бўлиши билан: «Фишт бер, лой бер» — дейди. Овқат емаслик эса: «Бунга ҳали эҳтиёж йўқ!» — дейилган бир жавобдир. Ҳакимнинг қўлни ушлаши савол бұлса, томирнинг уриши жавобдир. Одамнинг юзига боқиш — савол, унинг ранг-рўйи сўзсиз жавоб. Уруғ сочмок — савол, дарахт битиши — тилсиз айттылған жавоб. Жавоблар сассиз бўлгани учун саволлар ҳам сассиз бўлиши керак. Уруғ чириб, ҳеч нарса ўсиб чиқмаслик ҳам жавобдир. Чунки жавоб бермаслик ҳам, ўзига хос жавобдир. Бир подшоҳ бир одамдан учта мактуб олди, бироқ жавоб бермади. Одам яна: «Уч дафъадир хат ёзаман, ё қабул қилинг ё қабул қилмайман, деб айтинг!»

— деб ёзди. Шоҳ хатнинг орқасига «Жавоб бермаслик ҳам жавобдир, фақат аҳмоққа берилажак жавоб — индамаслик» деб ёзди-да, чиқартириди.

Инсоннинг ҳар бир қилган ҳаракати саводдир ва севинч ёки қайғуси жавоб бўлади. Гўзал жавоб учун Оллоҳга шукrona келтириш, ёмон жавоб учун эса, Оллоҳга тавба қилиш лозим. Шукр ва тавба саволларнинг хилидан бўлиши ҳамда тавбадан кейин унинг (ўша саволнинг) хилидан бошқа савол бермаслик зарур.

«Бизнинг балойимиз етганда ҳам тазарру қилмадиларми?! (Албатта, тавба-тазарру қилишлари лозим эди,) лекин уларнинг диллари қотиб қолган»⁶⁸ — дея буюрилганидек, улар жавобнинг саволга мувофиқ эканлигини тушунмадилар. «Ва шайтон қилиб юрган ишларини ўзларига чиройли қўрсатиб қўйганлаар»⁶⁹. Яъни улар ўз саволларига берилган жавобларга қараб: «Бу хунук жавоб саволга лойиқ эмасдир» дедилар. Улар тутун оловдан эмас, балки ўтиндан эканлигини билмадилар. Ўтин қанча қуруқ бўлса, тутун ҳам шунча оз бўлади. Гул боғидан ёмон ҳид келса, айб гулдами? Йўк, асло! Бу ерда айбдор боғбондир.

Дедики: «Онангни нечун ўлдирдинг?». Деди: «Унга ярашмаган бир иш курдим». Дедики: «Яхши, аммо онангни эмас, етти ёт бегонани ўлдирсанг бўлмасмиди?» Деди: «Ҳар куни биттадан ўлдираинми?». Худди шундай, сенинг бошингга келган барча балолар — нафсингдан. Сен уни тузат ва тарбия қилки, ҳар ким билан калтаклашишга ўрин қолмасин.

«Ҳамма нарса Оллоҳдандир»⁷⁰ дейишиса, бунга жавоб сифатида айтамизки: Ўз нафсини айбламоқ ва оламни қутқармоқ ҳам Оллоҳдандир. Масалан, бир одам боққа ўғриликка кирди ва боғбоннинг қўлига

⁶⁸ Куръон, 6-сурा, 43-оят.

⁶⁹ Куръон, 6-сурা, 43-оят.

⁷⁰ Куръон, 4-сурा, 78-оят.

тушди. Бөгбон: Оллоҳдан қўрқмайсанми? Ўғри: Нега қўрқай. Ахир, мева ҳам Оллоҳники, мен ҳам Унинг қулиман. Демак, Оллоҳнинг қули Оллоҳнинг мевасидан еяпти, деди. Бөгбон арқон келтириди ва ўғрини ушлаб, бир дарахтга боғлади-да, таёқ билан калтаклай бошлади. Шунда ўғри бақирди: «Оллоҳдан қўрқмайсанми? Бөгбои жавоб берди: Ахир, сен Оллоҳнинг қули, бу эса Оллоҳнинг таёғидир. Оллоҳнинг таёғи Оллоҳнинг қулини уряпти. Мен нега қўрқай?

Натижа шуки, олам бир тоқقا ўхшайди. Яхши ёки ёмон сўзингни акси ўзингга, фақат ўзингга қайтади. Мен яхши гап эшитган эдим, тог ёмон жавоб қайтарди, дея олмайсан. Бу — имконсиз! Чунки тогда булбул сайраса, акс-садо бўлиб ҳеч қачон эшак ёки қарғанинг овози қайтмайди. Акс садо эшак овози эса, демак, билгили, бу ёқда ҳанграган ҳам эшақдир.

ФАСЛ. Виз сув узра турган косага ўхшаймиз. Косанинг сув устида оқиши ўз ихтиёри билан эмас, балки сувнинг иродаси ва ҳукми иладир. Бу умуман шундокдир. Бироқ баъзилар сув устида эканлигини билади, баъзилар билмайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, барча косалар Оллоҳнинг қудрати ва суви узрадир. Бироқ Унга чиркин нарсаларни изофа этишлари — тарбиясизликдир. Масалан, Унга «Эй ифлосликларнинг яратувчиси» демаслик лозим. Аксинча, «Эй қўкларнинг яратувчиси, эй ақдларнинг яратувчиси!» дейиш — умумий бўлиш билан бирга, бундай таҳсиснинг фойдаси ҳам бор. Шунинг учун бирон нарсанинг таҳсиси унинг афзаллигига далолатдир

Хулоса шуки, косани сув шундай бир тарзда оқизадики, бошқа косалар томоша қиласидилар. Бироздан кейин сув косани шундай оқизадики, томошибин косалар энди қоча бошлайдилар. Сув буларга қочмок илҳомини ва қудратини беради. Шу туфайли улар: «Оллоҳим бизни ундан узоқлаштири» дейишади. Ва бу айтганлари яхшидир. Нарсаларга умумий назар би-

лан қарайдиган киши: «Буларнинг ҳар иккиси (қочган ва қочишга мажбур бўлган коса — тарж.) ҳам сув томонидан сеҳрлангандир», — дейди. Бу фикрда бўлмаган зот эса: «Агар сен сувнинг косани қандай кездирганини ва бундаги латофату гўзалликни кўрсайдинг, унга бу умумий сифатни беришга жасоратинг етмасди», — деган жавобни қиласди. Масалан, бир кишининг севгилиси борлиқ нуқтаи назаридан турли ифлосликлар каби умумий сифатлардан холи эмаслиги ошиқнинг хаёлига ҳам келмайди. Агар бундай фикрлар унинг хаёлига келсади, у ўз маъшуқасига шайтонга қарагандай қаради. Худди шундай, сен ҳам бор-йўғи бу қадарини билдинг ва унинг умумий ва муштарак сифатларига боқдинг. Бизнинг ўзимизга хос гўзаллигимизни кўра оладиган одам бўлмаганинг учун сен билан мунақашаю мунозара қилишимиз тўғри эмас. Чунки бизнинг мунозарамиз гўзаллик билан қоришган. Шу эътибор-ла, гўзаллик ақлидан бўлмаганга гўзаллик кўрсатиш унга қилинган зулм бўлур. Нарсани унинг аҳлига кўрсатмоқ лозим.

ФАСЛ. Зоҳирий илмлар ўрганиб юрганлар агар бизга қўшилсалар, аввалги илмларини унутдик, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, бу ерда уларнинг барча илмлари жонланади. Илмларнинг ҳаммаси шаклдир. Уларнинг жонланишлари ўлик баданга жон киришига ўхшайди. «Бутун илмларнинг асли у ердандир. У ҳарфсиз ва сассиздир. Чунки «Мусо билан Оллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди»⁷¹ дея буюрилгани каби Улуг Тангри Мусо билан гаплашди. Бироқ у ҳарфлар ва овоз билан сўз айтмади, тил — томоқ билан гапирмади, Улуг ва Бахтияр бўлган Оллоҳ оғиз, лаб ва томоқдан муназ заҳдир. Сассиз оламда набийларнинг ҳам сўзлашувлари бор. Шундайки, жузъий ақлларнинг ваҳми буни англай олмайди. Шунинг учун набийлар ҳарфсиз олам-

⁷¹ Қуръон, 4-сурә, 164-оят.

дан ҳарф оламига келадилар ва бола бўладилар. Пайғамбар: «Болалар учун муаллим бўлиб юборилдим» (Хадис) дея буюрган. Одамлар у оламнинг аҳволини олурлар, тинчлик за хузурга қовушурлар. Чунончи, гўдак онасини танимаса ҳам, унинг қучоғида овунади, роҳатланади. Мева ҳам шоҳда етишади, пишади, аммо дараҳтнинг нима эканлигидан хабарсиздир. Худди шундай, инсонлар ҳам у буюқдан, унинг сўзидан, ҳарфидан (куч-қувват олиб, уни етарлича билмасаларда, уларнинг (одамларнинг — тарж.) барчасида ҳарф ва саснинг нариги томонидаги (оламдан — тарж.) бир нарса бор ҳамда ҳар бир инсон жуда улкан оламдир. Халқнинг телбаларга нисбатан тамоили борлигини кўрмаяпсанми? Улар телбаларни зиёрат қилиб «Бунинг улуғ одам бўлиш эҳтимоли бор», дейди. Ҳа, бу — тўғри. Чunksи бундай нарса бор. Бироқ бир янглишлик мавжуд. У нарса ақдга сифмайди, аммо ақдга сифмаган ҳамма нарса у эмас. Ҳар ёнроқ юмалоқ, лекин барча юмалоқ нарсалар ёнроқ бўлмаганидек. Биз унинг аломатларини айтдик. Унинг ҳоли ҳар нақадар сўзга ва забт этилишига келмаса ҳам, ақд ва жон ундан қувват олади, унинг соясида ўсиб-улғаяди. Халқнинг атрофида айланиб юрган телбаларда эса бундай аломат (маъно) йўқ. Улар соясида халқнинг аҳволи ўзгармайди, хузур-ҳаловат топмайди. Агар улар ҳузур-ҳаловат топдик десалар, биз бунга ҳузур-ҳаловат демаймиз. Масалан, бир бола ўз онасидан айрилиб, қисқа бир муддат ичида бошиқа (она) билан овунса, буни ҳалокат деймизми? Йўқ, албатта. Аҳли тиб айтадики: «Инсоннинг мижозига ёқсан ва унинг иштаҳасини очган ҳамма нарса унга қувват беради, қонини тозалайди! Бироқ бу — ўша инсоннинг бир касаллиги бўлмаган пайтда шундай. Масалан, тупроқ еювчи одам ҳақида «Тупроқ унга фойдали, қанча еса ҳам, мижозини яхшилайди» дея оламизми? Йўқ, чunksи унинг бир дарди (касаллиги) борки, тупроқ ейди. Демак, хасталик ва иллатдан ҳоли ўлароқ, инсонга ёқсан нарса хуш-

дир. Чунончи, бир одамнинг қўлини синдирысалар ва эгри ҳолида боғлаб бўйнига оссалар ҳамда бу ҳол унга ёқса, демак, у носоғломодир. Унга ёқаётган бу ердаги хушлик ёлғончидир. Худди шундай руҳлар оламида муқаддас малаклар Тангрининг раҳматига гарқ бўлишдан хушланарди. Агар улар жисмлар билан қаршилашишдан кейин роҳатсиз ва қайгули бўлиб қолсалар ҳам, лой ейишдан хушланадиган бўлсалар, уларнинг ҳакимлари — анбиё ва авлиёлар: «Сенинг хуш деганинг хуш эмасдир. Хушлик бошқа нарсадир. Яъни сен аввал хушланган ва асл мижозингга уйгун келганидир. Энди эса сен тупроқ ейишдан ҳузур топаяпсан, буни касаллик эканини айтишганда, ишонмаяпсан», дейди.

Ривоят қиласидиларки, Ҳасан ва Ҳусан болалик чоғларида бир одамнинг шариатга номувофиқ тарзда таҳорат олганини кўришиб, унга назокат билан тўғрисини ўргатмоқчи бўлдилар. Одамнинг ёнига келишиб «Бу менга нотўғри таҳорат оляйпсан, деяпти. Ҳар иккимиз таҳорат олайлик, сен қайси биримизники тўғри эканлигини айт», дейишибди. Улар таҳорат олишиб бўлгандан кейин ҳалиги одам «Сизники тўғри, хатосиз ва шариатга мувофиқдир. Аммо мен заволлиниги янгиш экан!» дебди.

ФАСЛ. Сайфул — Баҳорий Мисрга кетди. Ҳамма кўзгуни севади, чунки унда ўз сифатларини кўришга ошиқдир. У (Сайфул-Баҳорий — тарж.) юзининг ҳақиқатидан хабардор эмас. Рўмол (парда)ни юзим, дея ўйлади. Рўмолнинг ойнаси унинг юзининг ойнасидир. У: «Анбиё ва авлиёлар бузук ва янгиш тушунча ичидадирлар. Уларда қуруқ даъводан бошқа нарса йўқ» дейиши билан Мавлоно: «Сен буни бир латифа сифатида айтияпсанми ёки сенинг ўзинг ҳам шу фикрдамисан? Агар шундай ўйлаётган бўлсанг, демак, бу сен учун ҳақиқатта айланибди. Кўрмоқ ва ҳақиқат вужуддаги нарсаларнинг энг азизи ва шарафлиси директор. Бу билан набийларни ҳам тавсиф этган бўлаяпмиз.

Чунки улар ҳам күрмөқдан ўзга нарсани даъво қилмадилар. Сен-да буни эътироф этасан. Күрмоқ күрилган нарсасиз мумкин эмас. Чунки күрилган воситали феълдир. Күрмоқ учун мутлақо унинг ёнида күрилган бир нарса бўлиши лозим. Бу ерда күрилган матлуб, кўрган толибдир. Ёки, аксинча. Сенинг инкоринг билан вужуддаги толиб матлуб ва кўрмоқ, событ бўлди, демакдир. Бу билан оллоҳлик ва қуллик инкорида исботи бўлган бир таклиф бўлади. Бунинг событ бўлмоғи, албатта, вожибдир. «Мазкур гуруҳ шу ғофил шайхга мурид бўпти, унга таъзим қиласмоқда!», дейдилар. Мен: «Жуда яхши! Ғофил шайх тошдан ясалган бутдан тубан эмас-ку! Ахир, одамлар бутга сиринмоқда, ундан бир нарсалар сўрашмоқда. Бут эса ҳеч нарса тушунмайди. Муридларнинг ишқи баттол шайхнинг хаёли биландир. Хаёл эса муридларнинг ҳеч бир ҳолларидан хабардор эмас. Шу алдоқчи хаёлнинг ишқи инсонни шундай жўштиrsa, ҳақиқий, ҳамма нарсадан боҳабар, ҳамма нарсани кўрган севгилининг ишқида инсон нималар бўлмайди? Масалан, ошиқ ёрнинг хаёли билан бир устунни қулоқлаб йигласа, дардини айтса, шикоятлар этса-да, бундан ҳақиқий севгилининг вуслат лаззатини ооломмайди.

ФАСЛ. Ҳар бир одам бир жойга бормоқчи ёки саёҳатга чиқмоқчи бўлганда, ақлида ўзича режалар тузади. Бироқ Оллоҳнинг истаги тамоман бошқача бўлади. Одамнинг шунча олган тадбирларию режаларидан биронтаси ҳам амалга ошмаслиги мумкин. Шунга қарамай, у яна ўз ихтиёри ва тадбирларига ишонади.

БАЙТ: (Кул тадбир олади, бироқ тақдирнинг қайси марказда бўлишини билмайди. Тадбир эса Оллоҳнинг тақдиди қаршисида қолмайди (йўқ бўлади).

Бу шунга ўхшайди: Бир одам туш кўрди. Тушида бир бегона шаҳарда ҳеч кимсиз, танишсиз нима қиларини билмай, боши гаранг бўлиб турган экан. У ёқقا чопибди, бу ёқقا чопибди – бўлмабди. Охири: «Нега бу шаҳарга келдим» дея ўксиниб турганда, бирдан уй-

ғониб кетиб, буларнинг ҳаммаси рўё эканлигини биллиб, ўксингани учун пушаймон бўпти. Бироқ бироздан кейин яна ухлабди ва яна ўзини ўша шаҳарда кўриб аввалги тушидагидек ўкинмоқча бошлабди. Чунки унинг хаёлига «Қайфуришнинг ҳожати йўқ, чунки уйғоқлик пайтимда ўксиганим учун пушаймон бўлгандим» деган ўй келмайди. Худди шундай, одамлар ҳам олган тадбирлари юз минг марта пучга чиқса ҳам, Оллоҳ томонидан берилган паришонлик туфайли барчасини унутадилар ва яна тадбир оладилар, уларга ишонадилар. «Оллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур»⁷².

Иброҳим Адҳам подшоҳлик вақтида овга чиқди. Ёлғиз бир жайроннинг орқасидан қувди. Бироқ ҳадеганда жайронга етавермади. От чарчади. Бироқ подшоҳ тўхтамади. Ниҳоят, жайрон тилга кирди: «Сен бу (иш) учун яратилмадинг. Оллоҳ сени мени овламоғинг учун бор этмади. Мени овладинг ҳам дейлик, хўш, нима бўлади?» Иброҳим буни эшитиши билан фарёд солиб, ўзини отдан ташлади. Ўша атрофда бир чўпондан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Подшоҳ унга бутун кийим-кечагини, жавҳарларини, отини бериб, чўпоннинг кийимини ўзи кийди ва йўлга равона бўлди. Энди айтичи, унинг истаги нимайди-ю, Оллоҳнинг истаги нима эди? Иброҳим жайрон овламоқчи бўлди, бироқ Улуғ Тангри уни жайрон воситасида овлади. Билгилки, бу дунёда фақат ва фақат Оллоҳнинг истаги бўлур. Мурод —Унинг мулки, мақсадлар мулоғимларидир.

Умар мусулмон (бўлмасдан олдин синглисини уйига келди. Синглиси Куръон ўқиётганди: «Тоҳа мо анзално»⁷³. Акасини кўриши билан Қуръонни яширди, Умар қиличини қинидан чиқариб: «Айт, нима ўқиётган эдинг? Йўқса, ўлдираман»,—деди. Синглиси

⁷² Куръон, 8-сурा, 24-оят.

⁷³ Биз сенга бу Қуръонни қийналиб, жафо чекишинг учун юбормадик, Куръон, 20-сурা, 1-2-оятлар.

қўриққанидан эътироф этди: «Удуғ Оллоҳнинг Муҳаммадга юборган Каломидан ўқиётгандим». Умар: «Ўқи, эшитай» — дегач, синглиси «Тоҳо» сурасини ўқиди. Умар янада фазабланди ва: Агар ҳозир сени ўлдирсам, ожиз кишини ўлдирган бўламан. Аввал бориб, унинг бошини олай-да, кейин сенинг масалангни кўрай» — деди-да, Мустафонинг масжидига йўналди. Йўлда уни Қурайшга мансуб одамлар кўришиб: «Умар Муҳаммаднинг жонини олишга кетяпти. Бўлса бўлмаса, бу иш ёлғиз Умарнинг қўлидан келади» — дейишиб қолди. Чунки Умар жуда бақувват ва ўта мард киши эди. Шу қадар эдики, Мустафо ҳам: «Эй Тангirim, менинг динимни Умар ёки Абу Жаҳр ёрдамида қўлла», — дерди. Нихоят, Умар мусулмон бўлгандан кейин йиглаб: «Эй Оллоҳнинг элчиси! Агар Абу Жаҳдининг исмими менинг исмимдан оддин айтганингда, менинг ҳолим нима кечарди», — дерди.

Хуллас, Умар яланғоч қилич билан масжидга яқинлашди. Шу аснода Жаброил Мустафога: «Эй Расулуллоҳ! Умар келяпти. Мусулмон бўлиши билан уни қучоқла!» дей ваҳий келтирди. Умар масжидга кирап-кирас, Мустафодан учган бир зиё ўз қалбини забт этганини аниқ кўрди. Фарёд этиб, хушсиз ҳолда йиқилди. Руҳида бир ишқ ва севги ҳосил бўлди, уларнинг жўшқинлигидан Умар шу лаҳза Мустафода эриб, йўқ бўлмоқни истади: «Эй Оллоҳнинг элчиси! Менга иймон таклиф эт ва у қутлуғ калимани айтки, эшитай» — деди. Умар мусулмон бўлиши билан: «Мен қилич яланғочлаб, сени ўлдиришга келгандим. Бу гуноҳимнинг каффорати ўлароқ энди то тирик эканман сенинг душманларингга қарши курашаман. Шу қиличим билан уларнинг бошларини танларидан жудо қиласман», дей қасам ичди. Масжиддан чиқар чиқмас отасига дуч келди. Отаси ундан: «Динингдан қайтдинг, шундоқ эмасми?» — дей сўради. Умар унинг бошини олди. Йўлда унинг қонли қиличини кўрган Қурайшнинг улуғлари: «Душманнинг боши қани?» дедилар. Умар:

«Мана!» деди. Улар: «Йўқ, бу унинг боши эмас. Бу бош шу ерга тегишли», —дедилар. Энди қара, Умарнинг қасди не эди-ю, Улуғ Оллоҳнинг ундан муроди не бўлди?

БАЙТ: (Умарнинг қўлида қилич. Оллоҳнинг элчи-сини ўлдирмоқ учун келади. (Бироқ) Оллоҳнинг тузоғига илиниб баҳтидан Пайғамбарнинг назарига тушиди).

Худди шундай сиздан ҳам: «Нима келтирдинг?» — деб сўрасалар, «Бош келтирдим!» денг. Агар «Биз бу бошни кўрган эдик» дейишса, айтингки, «Бу сиз кўрган бош эмас, бошқасидир. Сири бўлган бош — бошдир, сири бўлмаган мингта бош эса бир пулга қимматдир».

«Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг (деди)⁷⁴. Иброҳим: «Эй Тангри, мени ўз ризо хилъатинг-ла шарафлантирдинг ва азиз қилдинг. Энди менинг зурриётимга ҳам шундай шараф ва кароматингни насиб эт» — деди. Улуғ Оллоҳ: «Менинг бу ақлим (сенинг зурриётинг борасидаги) золим кимсаларга етмайди»⁷⁵ дея буюрди. Яъни золимлар менинг хилъатим (бу ерда: эҳсон — тарж.) ва кароматимга лойик эмасдирлар, демакдир. Иброҳим бунга амин бўлгач, яна: «Эй Тангри, иймон келтирганларни ва золим бўлмаганларни ўз ризқинг билан насиблантир, улардан буни аяма», — деди. Улуғ Оллоҳ буюрдики: «Ризқ умумийдир. Ҳар бир кишининг ундан ўз насибаси бор. Ва бу мусофирихонадан барча маҳлуқлар фойдаланиб, ўз ҳиссаларини олурлар». Фақат Оллоҳнинг ризо, хилъат ва каромати хос ҳамда устун (афзал, азиз) қулларига насиб бўлғай. Ташга боқиб, ташни кўрганлар (аҳли

⁷⁴ Куръон, 2-сурा, 125-оят.

⁷⁵ Куръон, 2-сурा, 125-оят.

зоҳир) дерки: «Бу оятдаги Байтдан (үйдан) мақсад Каъбадирки, ким унга сифинса, оғатлардан узоқ бўлади ва у ерда овламоқ ҳаромдир. Яъни кишига азият бермоқ тўғри эмас. Улуф Оллоҳ тўғрилик ва гўзалликни танлаган». Бу Қуръоннинг зоҳирий маъносидир. Муҳаққиқлар айтишадики: «Байт (уй) инсоннинг ичидир. Яъни, эй Тангри, ичимни нафснинг даҳмазалиари ва васвасаларидан покиза қил. Бузук ва янглиш тушунчалардан тозалаки, ундан ҳеч қандай қўрқув қолмасин. Шу тарзда, у ер ишончли ва Сенинг ваҳий еринг бўлсин. Шайтон ораламасин. Масалан, Улуф Оллоҳ фаришталар сиридан шайтонларнинг боҳабар бўлмаслиги учун кўк юзида шохобларни (оқувчи юлдузларни) қоровул этиб тайинлаган. Эй Тангри, бизнинг ичимиизга ҳам иноят соқчиларини қўйки, улар «бизни шайтон ва нафс балоларидан қўрисин». Мана бизга ботил аҳди (янглиш тушунувчилар) ва муҳаққиқлар изоҳдари. Ҳар ким ўз ўрнидан туради (қўзгалади). Кироннинг (пулнинг) икки юзи (тарафи) бор. Кимдир унинг бу юзидан, кимдир эса нариги юзидан фойдаланади ва ҳар иккиси ҳам тўғридир. Чунки Улуф Оллоҳ ҳар икки қавмнинг ҳам ундан фойдаланишини истайди. Масалан, бир аёлнинг эри ва гўдаги бўлса, у буларнинг иккисидан бошқа-бошқа завқ олади. Боланинг завқи онанинг кўкси ва сутидан бўлса, эрники унинг ўз хотини эканлигидан. Инсонлар йўлнинг болаларидир. Ҳар бир киши Қуръондан зоҳирий тот олади ва сути билан озиқланади. Фақат етук зотлар учун Қуръоннинг маъносида ўзгача бир завқ бор ва улар (Қуръонни) бошқача англайдилар.

Иброҳимнинг мақоми ва мусолласи (намоз қилишга яроқди очиқ жой — тарж.) Каъбага яқин бир ер эди. Зоҳир аҳди: «У ерда икки ракат намоз қилиш керак» — дейди. Бу — яхши! Бироқ муҳаққиқлар наздида Иброҳимнинг ери шундай бир жойки, у ерда Сен Ҳақ учун ўзингни оловга отасан ва гайрату жаҳд ила (юксак) мақомга эришасан. Иброҳим ўзини Оллоҳ йўлида

фидо қилди. Унинг назаридага нағас таҳликаси қолмадан ва ўзидан ҳечда қўрқмайди.

Иброҳимнинг мақомида икки ракат намоз ўқимоқ яхшидир. Фақат бу шундай намозки, унинг қиёми бу дунёда бўлса, рукуси у дунёдадир.

Каъбадан мақсад анбиё ва авлиёнинг қўнгилларидир ва бу ер (кўнгиллар — тарж.) ваҳийсининг жойидир. Каъба — унинг нури. Ахир, кўнгилсиз Каъба нима ишга ярайди? Валийлар ва набийлар ўз муродларини тамоман тарк этиб, Тангрининг муродига шундай риоя қилмишларки, Унинг амрларини дарҳол бажарар ва Унинг инояти бўлмаган кимсалардан, агар булар ҳатто ота-оналари бўлса ҳам, нафрат этадилар.

Сен нима айтсанг, бари мисол, масал эмас. Мисол — бошқа, масал бошқадир.

Улуғ Оллоҳ ўз нурини қандилга, валийларнинг вужудини эса шишага ўхшатган. Булар — мисол. Йўқса, қавну маконга (вужуд оламига — тарж.) сифмаган Оллоҳнинг нури қандилга ва шишага қандай сифсин, Жалоли улуғ бўлган Оллоҳ нурлари туғилган ерлар кўнгилга ҳам сифмайди, бироқ истаган пайтингда уни қалбингдан топасан. Яъни унинг аксини ойнада кўрганинг каби кўрасан. Шу билан бирга, сенинг расминг ойнада эмас, балки кўзгуга қараганинг учун у ерда ўзингни кўрасан. Масалан, ақлга номувофиқ нарсаларни мисол билан тушунтирса, ақлга мувофиқ келади. Ақдий бўлган нарса маҳсус бўлади. «Бир одам бор, кўзини юмиши билан ғалати — ғалати воқеаларни кўради. Кўзини очганда эса, ҳеч нарса кўрмайди» десанг, ҳеч ким ҳам ишонмайди. Аммо «Бир одам бор, тушида турли-туман нарсаларни кўради. Уғониши билан эса улардан биронтасини ҳам кўрмайди» — дея мисол билан гапирсанг-чи, ҳаммаси англашилади. Худди шундай, бир киши бир уйни тасаввур этса, буни ҳеч ким ақлга сифдиролмайди, бироқ меъмор ана шу уйнинг режасини қофозга туширса, қолганлар ҳам уни англай бошлийдилар. Маъқул бўлган режа қофоздан

амалга кўчса, яъни уй бўлиб қурилса, хаёл маҳсус бир шаклга қўчади. Қўринадики, дастлаб ақдга ноўрин келган нарсалар мисол воситасида маъқул ва маҳсус бўлади. Бу шунга ўхшайди: «Нариги дунёда ҳар кишининг савоб ва гуноҳ дафтарлари тарқатилади ва бирорнинг ўнг, бирорнинг сўл қўлига берилади» ёки «Нариги дунёда фаришта, арш, олов ва жаннат бор. Яна мезон (тарози) ва ҳисоб-китоб бўлади» — дейишиади. Бироқ бунинг (ҳар нақадар ўхшashi бўлмаса ҳам) бир мисол берилмагунча, аҳвол аёнлашмайди. Мисол: Подшоҳ, қози, тикувчи, этикдўз ва ҳоказо ҳамма одамлар кечаси ухлайдилар. Киши ухлаши билан ҳуши (фикри) бошидан учади ва ҳеч кимда бирон тушунча қолмайди. Аммо Исрофилнинг нафаси янглиф бўлган тонг ойдинлиги одамлар жисмларидағи барча зарраларни тирилтиргани онда тушунчалар ҳам қайтади. Ва ҳар бир кишининг ақду ҳуши ўзгага эмас, балки айнан ўзига қайтади. Яъни ҳеч ким кечаси тикувчи бўлиб ётиб, эрталаб этикдўз бўлиб турмайди. Инсоннинг иши ва кучи нима эса, у яна ўша билан машғул бўлади ҳамда нариги дунёда ҳам шундай бўлажагини (сен) уқмоғинг керак. Бу — чўпчак эмас. Бу — ҳатто шу дунёда ҳам ҳақиқат бўлган (руёбга чиққан). Демак, ким бу мисолнинг изидан тушса ва унга хизмат қиласа, муҳаққақ равишда нариги дунёнинг бутун аҳволини кўради, бўйини олади, мушоҳада этади ва каашф қиласди. Шунда буларнинг барчаси Оллоҳ қудрати доирасида эканини билади.

Мана, ниҳоят, номаъқулнинг мисол орқали маъқул бўлгани ва мисолнинг масалга ўхшамаслиги англапшилди. Масалан, ориф фараҳлик (шодлик, хуррамлик — тарж.) ва завқни баҳор, қайгу ва аламни эса куз, дейди. Чунки бу мисолдир (ташбеҳдир) ва бусиз маъно тушунилмайди, тасаввур ва идрок этилмайди. Улуғ Оллоҳ буорадики: «Кўр кимса (кофир) билан кўргувчи зот (мўмин), зулмат (куфр) билан — нур (иймон), соя (жаннат) билан — жазирама (дўзах) баробар эмас-

дир»⁷⁶. Бу ерда Тангри иймонни нурга, куфрни зулматга ёки иймонни ёқимли соя — салқинга, куфрни эса одамни беҳузур этадиган жазирамага ўхшатади. Иймоннинг латофати ва нури у оламнинг нурига, куфрнинг эса бу оламнинг зулматига қандай ўхшашлиги бор?

Агар киши биз гаплашаётган вақтда ухласа, бу унинг бўш (бекор) қолганидан эмас, балки ишончдандир. Масалан, карвонга хатар хавф солиб турган пайтда, ҳеч нарсага қарамай, туялар чоптирилади. Қачонки, хатар ўтиб кетгандагина одамларнинг уйқуси кела бошлиди. Бизнинг сўзимиз ҳам атрофга ишонч ва маъмурлик уфураяпти. Руҳлар танишлар сўзини эшитишлари билан бўйи келади. «Эй Мұҳаммад, сен: «Ўқи — де» (Хадис). Яъни сенинг зотинг шу қадар латифдирки, назарлар унга етолмайди. Бироқ сен гапирган онда руҳлар таскин ва ҳузур топади. Шунинг учун сен гапир Эй Мұҳаммад!

ШЕЪР: (Жисминг шу қадар заифки, бор-йўғи бир инсон эканинг англашилмоқда. Сен билан юзма-юз туриб сўзлашмасам, софликдан мени кўра олмайсан).

Далада шундай бир ҳашорат борки, миттилигидан кўзга кўринмайди. Фақат овоз чиқарганда уни пайқаш мумкин. Сенинг зотинг ҳам жуда латиф бўлганидан кўз илғамайди. Шунга кўра, сенинг танишлар учун сўз айтмоғинг лозимдир. Бир ерга бормоқчи бўлсанг, аввало, сенинг кўнглинг ўша ерга жунайди. У ернинг шарт-шароитларини, аҳволини ўрганиб келиб, кейин гавданн судрайди. Барча хилқатлар (инсонлар) набийлар ва валийларга нисбатан гавдалар кабидир. Пайғамбарлар ва авлиёлар эса — олам қалби. Дастрлаб, улар ўша дунёда яшадилар ва башарийликдан, (гўшт) ва теридан халос бўлгандан кейин ҳам у дунё, ҳам бу дунёning паст-баландлигини ўргандилар, манзиллар ош-

⁷⁶ Куръон, 35-сурә, 19-20-21-оятлар.

дилар. Ниҳоят, асл йўлни қандай билиш мумкинлиги-ни топдилар ва келиб одамларга: «Аслий оламга келинглар. Чунки бу ер харобазордир, фонийлик (йўқлик) саройидир. Биз жуда ажойиб бир ер топдик ва сизга бундан хабар бермакка келдик» — дея даъват этдилар. Шунинг учун ҳам, руҳ ҳамиша ер билан биргадир ҳамда унинг манзиллар ошишга эҳтиёжи бўлмагани каби турли хил йўлтусарлардан ва ҳоказо хавф-хатардан ҳам қўрқишига сабаб йўқ. Буларга мубтало бўлган нарса заволи гавдадир.

ШЕЪР: (Қалбимга: «Эй қалбим, билимсизлигингдан кимнинг хизматидан маҳрум бўлганингни биласанми? — дедим. Қалбим ҳам менга: «Мени нотўри тушунибсан. Мен доимо хизматдаман, боши гаранг бўлиб қолган — сен» деди).

Қаерда ва қай аҳволда бўлсанг — бўл, фақат дўст ва ошиқ бўлмакка тириш. Муҳаббат сенинг мулкинг эса, хоҳ мозорда бўлгин, хоҳ қиёмату хоҳ жаннатда, сўнгига қадар дўст бўлурсан. Модомики, сен буғдой экдинг, муҳаққақки, буғдой битади ва омборда ҳам, тандирда ҳам (буғдой) бўлади.

Мажнун Лайлига мактуб битмоқчи бўлди. Қаламини қўлига олиб ёзди: Хаёлинг кўзимда, исминг тилимда, ёдинг дилимда... Шундай экан, мен кимга ва қаерга ёзай? Ахир, сенинг ўзинг шу ердасан-ку! У шартта қаламни синдириб, мактубни парча-парча қилди.

Қанча-қанча одамларнинг қалблари мана шундай ҳислар билан тўла бўлиши мумкин. Фақат буларни сўз ҳолига келтиролмайдилар. Улар ҳаракат қилишса-ю, бўлмаса, бунга ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ ва бундай кишиларнинг аҳволлари ишққа қасида эмас. Балки асос бўлган нарса қалбнинг тилагидир. Ва бу ишқ ҳамда севгидир. Масалан, гўдак сутнинг ошифи, у сутдан озуқа олади. Бироқ у сутга таъриф беролмайди, (тушунчасини) сўз ҳолига келтиролмайди. Балоғатга етган кап-катта одам эса, сут ҳақида юз турли тушун-

тиришлар, таърифлар бергани билан буларнинг ҳеч биридан у сутнинг таъмини ололмайди.

ФАСЛ. Анави ёшнинг исми нима? (деб сўради). (Бири) : «Сайфиддин» деди. Жавобан буюрдики: Сайф (қилич) қинадидир, уни кўриб бўлмайди. Сайфиддин дин учун курашган, бутун куч-кувватини тамоман Оллоҳ учун йўналтирган, тўгрини хатодан фарқлаган, ҳақни ботилдан айирган кишидир. Фақат курашни, аввало, ўзи билан жанг қилишдан, яъни ўз ахлоқини тузатишдан бошлайди. «Аввало, нафсингдан бошла» (Ҳадис) дейилганидек, ўз-ўзига насиҳат қиласди: «Мен қанақа одамман ўзи! Қўл-оёғим, кўз-қулоғим, ақлу фаросатим бўлса. Мурод-мақсадларига етиб, давлатлар топган анбиё-ю авлиёлар ҳам одам бўлиб, уларнинг ҳам икки оёғи ва икки қўли бор эди. Улардан қандай маъно мавжуд эдик, юрган йўлларида эшиклар очиларди. Менда бу неъмат йўқ. Мен нималар қилиб қўйдим? Ахир, ҳеч ким мени ёқтирмаляпти ҳам?!» У мана шу тарзда ҳаракат этса, Сайфуллоҳ ва лисонул Ҳақ бўлгуси. Чунончи, ўн кишидан тўққизтаси уйга кириб, биттаси ташқарида қолса ва уни киритмасалар, бу одам мутлақо ўз-ўзига «Қизиқ, мен нима ёмонлик қилдимки, улар мени уйга киргизмаяптилар?» дея йифлайди. Худди шундай, инсон ҳам гуноҳини ўз бўйнига олиб, ўзини одобсиз ва нуқсонли кўрмоғи лозимдир ҳамда: «Буни Ҳақ қилди. У шуни истаса, мен нима қилай. Агар истасайди, менга ҳам йўл берарди», демаслиги керак. Бу Оллоҳга куфр этмоқ ва қилич тортмоқдир. Бу ҳолда у Сайфуллоҳ эмас, Сайфулла-л Ҳақ (Оллоҳга қарши кўтарилган қилич) бўлади. Улуғ Тангри қариндош уруғ ва яқинлардан покизадир: «У туғмаган ва туғилмагандир»⁷⁷. Ҳеч ким унга йўл топмади. Фақат қулликда йўл топдилар. «Оллоҳ (сизларнинг хайр-эҳсонларингиздан) бой-беҳожат, сиз-

⁷⁷ Қуръон 112-сураси, 3-оят.

лар эса (У зотнинг ажр-савобига) фақир-муҳтождир-сизлар»⁷⁸. Ҳаққа йўл топган зот тўғрисида: «У мендан яқинроқ, қадрлироқ эди» дейишинг — янгиш. Чунки Унга яқинлик фақат ва фақат етарли даражада Унга қуллик қилиш билан бўлади. У денгизни қирғонини инжуларга тўлдиради. Тиконга гул хилъатини (кийими-ни, тўнини — тарж.) кийдиради. Бир ҳовуч тупроққа ҳаёт, ризқ бағишлайди. Ҳеч қандай гаразсиз, ҳеч қандай алоқасиз ҳолда бутун оламнинг жузълари Ундан насиба оладилар. Одамларга «Фалон шаҳарда бир саҳий зот эҳсон қиласяпти» десанг, чопиб кетишади. Бироқ Оллоҳнинг беназир лутфидан хабарлари бўлгани ҳолда, нечун Ундан тилашмайди? Сен ҳам ҳеч нарса умид қилмайсан-да, танбал бўлиб ўтирган кўйинг: «Оллоҳ истаса, менга ўзи беради» — дейсан. Итнинг ақли ва идроки йўқ. Шундай бўлса ҳам, очиқиши билан одамнинг олдига келиб, нон бер дегандек ҳаракат қиласи. Сен итдан ҳам тубанмисан? Ахир, у ерда ётволиб: «Агар истаса, менга ўзи беради», дейишга рози бўлмай, одамга ёлборяпти. Думини ўйнатиб сўрайапти. Сен ҳам шундоқ қил. Оллоҳдан иста ва тиланки, бундай ато соҳибининг ҳузурида тиланчилик қилиш айни муддаодир. Модомики, сенинг омадинг бўлмаса, у ҳолда, саҳий ва давлатмандан омад иста. Оллоҳ сенга жуда яқиндир ва сен ўйлаган, тасаввур этган ҳар бир нарса билан биргадир. Чунки тасаввур тушенчанинг яратувчиси Удир. Бироқ сенга жуда яқин бўлгани учун уни кўролмайсан. Нақадар гариб бўлса ҳам, сен қилган барча ишда ақлинг сен билан баробар. Сени ишга бошловчи ҳам у (ақл—тарж.), фақат сен буни ҳам кўрмайсан. Гарчи асаллари орқали кўрсанг-да, асосини, яъни зотини — ўзини кўролмайсан, Масалан, ҳаммомга кирган одам унинг қайси бурчагига борса ҳам, иссиқ у билан бирга бўлади. Ле-

⁷⁸ Қуръон, 47-сурә, 38-оят.

кин иссиқликни вужудга келтираётган оловни күролмайди. Қачонки, у ташқарига чиқади, оловни күради ва шунинг таъсирида исинганини билади. Инсоннинг вужуди ҳам мисоли бир ғалати ҳаммом. Унда руҳнинг, ақл ва нафснинг иссиқлиги бор. Фақат сен қачонки, бу ҳаммомдан чиқиб у оламга кетасан шундагина ақлинг зотини рўйирост кўрасан, руҳ ва нафснинг зотини мушоҳада этасан. Ақллилик ақл ҳароратидан бўлса, зако, шайтонлик ва хаёл нафсдандир. Ҳаёт руҳнинг асари эди. Шу тарзда сен уларнинг ҳар бири моҳиятини ўз кўзинг билан очиқ-равшан кўрасан. Ҳозирчи? Модомики, ҳозир ҳаммомни қиздираётган оловни унинг (ҳаммомнинг-тарж.) ичидаги туриб кўриш мумкин бўлмас экан, у ҳолда, буни асари орқали кўрамиз. Масалан, ҳеч қачон оқар сув кўрмаган одамни кўзи боғли ҳолда сувга отсалар, у вужудига теккан юмшоқ, хўл нарсани нима эканини билмайди. Фақат кўзини ечганларидагина сувни рўйирост кўради. Олдин (сувнинг) таъсиридан оз нарса англаган бўлса, энди сувнинг ўзини кўради. Шунинг учун ҳам, сенинг нима тилагинг бўлса, Оллоҳдан сўраки, Қуръонда: «Менга дуо-илтижо қилинглар, Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман»⁷⁹ буюрилгани каби дуоларингиз беҳуда кетмагай.

Самарқандда эдик. Шаҳарда тенги йўқ гўзал бир қиз ҳам истиқомат қиласарди. Хоразмшоҳ Самарқандни олиш учун бостириб келиб қамал қилганда, қизнинг: «Оллоҳим, мени золим душманларнинг қўлига ташлама. Мен биламанки, сен буни менга ҳеч қачон раво кўрмайсан», — деганини эшитиб қолдим. Шаҳарни ўқса тутдилар. Халқни ва гўзал қизнинг жорияларигача асир олдилар. Бироқ шунча гўзал бўлишига қарамай, қизга бирор тегмади, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Кимда-ким ўзини Оллоҳга таслим этса, бу-

⁷⁹ Қуръон, 40-сурә, 60-оят.

тун офату фалокатлардан омон қолгусидир. (Чунки) Унинг ҳузурида ҳеч кимнинг тилаги беҳуда кетмас.

Бир дарвеш ўғлига шундай ўргатганди: Бола отасидан нима сўраса, ота: «Оллоҳдан тила!» — дер ва бола йиғлаб Оллоҳга ёлборарди. Шунда унинг истагини (отасонаси — тарж.) бажо келтиришарди. Йиллар шу аҳволда ўтди. Бир кун бола уйда ёлғиз қолди ва ҳариса (шўрванинг бир хили — тарж.) ичгиси келди. Одатicha: «Ҳариса истайман!» — деди. Бирдан ғойибдан коса тўла ҳариса пайдо бўлди ва бола тўйғунча ичди. Отасонаси уйга келиб ўғлидан: «Нима истайсан?» дея сўрадилар. Бола: «Ҳариса истадим ва едим» — деб жавоб бергач, ота: «Худога шукур, бу мақомга эришдинг. Оллоҳга ишон, тавакқулинг қувватланди» — деди.

Марямнинг онаси уни (Марямни — тарж.) туғиши билан Оллоҳнинг уйига (маъбадга) вақф этажагини ва унга ҳеч қандай иш буюрмаслигини ваъда қилган. (Туғиши билан — тарж.) Марямни маъбаднинг бир бурчагида қолдирди. Закариё унга қарамоқчи (парвариш қилмоқчи — тарж.) бўлди. Ўртада келишмовчилик чиқди. Ўша замоннинг одатicha, бундай пайтларда сувга чўп отилар ва кимники сув юзида қолса, шу киши ғолиб ҳисобланарди. Тасодифан Закариёнинг омади чопди. Ва у ҳар куни Марямга егулик келтирадиган бўлди. Бироқ у ҳар сафар қўлида овқат билан келганда, Марямнинг олдида ўша таомдан турганини кўрарди. Ниҳоят сўради: «Сенга қаровчи менман, буларни қаердан олдинг?» Марям: «Очиққанимда Улуг Тангридан сўрайман ва У менга юборади. Унинг карами ва раҳмати сўнгсиздир. Унга ишонганинг ишончи зое кетмас», деб жавоб берди. Закариё илтижо қилди: «Эй Оллоҳим, модомики, ҳамманинг эҳтиёжини қондираётган экансан, менинг ҳам бир тилагим бор. Менга фарзанд бер ва у менинг ташвиқимсиз Сенинг дўстинг бўлиб, Сенинг ибодатинг билан машгул бўлсин». Улуг Тангри Яҳёни дунёга келтирди. У туғилганда, отаси (Закариё—тарж.) мункайган чол, ёшлигига ҳомиладор

бўлмаган онаси кексайиб икки букилиб қолган кампир эди. Бу эса, бунинг каби кўплаб воқеалар, Оллоҳнинг қудрати олдида баҳона эканини билдиради. Ва ҳамма нарса Ундан, ҳамма нарса узра мутлақ ҳоким ҳам У эканлигини инсон билиши керак. Мўмин ким? Мўмин: «Деворнинг ортида кимдир бор ва у бизнинг барча ҳолимизни кўриб қузатиб билиб туради, фақат биз уни кўролмаймиз. Унга барча нарса аёндир», — деган одамдир. Масалан, сен биласанки, мен деворнинг орқасидаман ва сен рубоб чалаяпсан. Сен ҳеч қаёққа қарамай, кетини узмай чалишда давом этаяпсан. Чунки сен рубобчисан!

Намоз — кун бўйи қиём, руку ва сажда қилиш, дегани эмас. Ундан мақсад (намоз қиларкан) кишида ҳосил бўлган ҳолдир. Худди мана шу ҳол ҳамиша сен билан баробар бўлиши керак. Уйқуда, бедорликда, ёзаркан, ўқиркан, барча-барча ҳолларда Оллоҳнинг зикридан ҳоли қолмагайсан. Ахир, шундай намоз қилгандар тўғрисида «Улар намозларида доим барқарор бўлгувчи зотлардир»⁸⁰ ояти нозил бўлган-да! Шу ҳолда инсондаги гапириш, сукут, емоқ, ухламоқ, аччиқданмоқ, афв этмоқ ва ҳоказо барча васфлар тегирмоннинг айланишига ўхшайди. Айланиш мутлақо сув воситасида бўлади. Чунки тегирмон ўзини сувсиз синаб кўрган ва бу ҳолда айланолмаслигини билади. Шунга қарамай, у айланишини ўзидан деб билса, бу ўта билимсизлик ва ғафлатдир. Тегирмоннинг айланиш майдони тор ва бу мазкур оламнинг аҳволини эслатади. Сен Оллоҳга ёлбор ва деки: «Оллоҳим, менга ушбу айланишдан бошқа — руҳоний бир сайр насиб эт! Чунки барча тилаклар Сендан ҳосил бўлади ва Сенинг қараминг, раҳматинг бутун борлиқни қамровчидир. Шундай экан, ўз эҳтиёжингни ора-сира билдириб тур ва Уни хотирлашдан, ёд этишдан чарчамаки, Унинг

⁸⁰ Куръон, 70-сурә, 23-оят.

ёди руҳ қушига қувват, құл ва қанотдир. Агар мақсадларинг рүёбга чиқса, нур устига нур. Ҳақнинг ёди билан секин-аста ичинг ёришади ва сенда дунёдан бир узилиш ҳосил бұлади. Масалан, күкка парвоз қылган қүш осмонга етолмаса ҳам, ердан узоқлашади, үзга қушлардан анча юксакларга учади. Ёхуд оғзи тор идишдаги мүшкни олмок учун құлни суққан киши мақсадига етолмаса-да, бармоғи хүшбүй таратиб чиқади. Бурни ҳам ундан баҳра олади. Оллоҳни хотирламоқ ҳам шунга ўхшайди. Ҳар нақадар Унинг зотига етишолмасанг-да, ёд этиш билан Жалоли юксак бұлган Тангрининг сенда майдонга келтирған асарини сезасан. Унинг зикридан буюк фойдалар ҳосил бўлур.

ФАСЛ. Шайх Иброҳим азиз бир дарвешдир. Уни кўришим билан дўстларни эслайман. Мавлоно Шамсиддиннинг унга жуда кўп инояти бор эди ва доимо: «Бизнинг Шайх Иброҳим» дея, ўзига изофа (яқин олиш, ўзига қўшиш — тарж.) этарди.

Иноят — бошқа, ижтиҳод (англаш, қамраш — тарж.) бошқадир. Набийлар пайғамбарлик даражасига ижтиҳод орқали эришмадилар, балки иноят-ла мушарраф бўлдилар. Бироқ одат бундай: Иноят ҳосил бўлган зотнинг табиат ва яшаш тарзи ижтиҳод ва салоҳга (гўзаллик, яхшиланишга — тарж.) уйғун бўлмоғи керак. Бу — авом учун. Чунки авом шу ҳолда уларга ва сўзларига инонади. Авомнинг кўзлари ични кўрмай, фақат ташни кўради. Шунинг учун ҳам, зоҳирийлик воситаси ва баракоти билан ботинга йўл топадилар. Фиръавн ҳам эҳсон ва хайрлар қилиш учун кўп ҳаракат этди. Аммо Оллоҳ инояти бўлмагани учун унинг тоат, ижтиҳод ва эҳсони бекор кетди. Фиръавнда ҳеч қандай нур йўқ эди ва бу унинг барча ишларини беркитди. Масалан, бир амир қалъадагиларга хайр ва эҳсон берди. Бироқ одамларнинг мақсади шоҳга қарши исён бўлса, бу хайр ва эҳсондан наф йўқ. Фиръавн ҳам Тангри иноятидан бутунлай маҳрум эмасди. Чунки подшоҳ учун қаҳр ва меҳр, зиндан ва зарбоф

түн баробар ҳам кераклидир. Буни күнгил аҳли бўлганлар тасдиқлайдилар, зоҳир аҳли эса Фиръавнни Оллоҳ иноятидан тамомила маҳрум қилинган, дея билади. Ҳолбуки, кўринишни жойига қўймоқ учун шундай дейиш лозим. Чунончи, подшоҳ ҳамманинг кўзи ўнгигда бир айбдорни дорга осади. Аслида, буни ҳеч кимга кўрсатмай, дабдабасиз ҳолда ҳам бажо келтирса бўларди. Аммо халқнинг кўриб ибрат олиши учун шундай қиласди. Дор оғочларига боқ, ўтиндан иборат эмасми? Аслида, дунёнинг мақоми, давлати ва ҳашамати ҳам жуда юксак бир дор оғочидир. Улуғ Оллоҳ бирон кишини тутмоқчи (жазоламоқчи — тарж.) бўлса, дунёда унга юксак мавқе, мақом, шоҳлик ато этади. Худди Фиръавн, Намруд ва ҳоказолар каби. Дунё — дор оғочи. Улуғ Оллоҳ хабардор қилиш учун барча мавжудотларни майдонга чиқаради. Чунки У (Оллоҳ — тарж.) «Мен яширин хазина эдим, билинмоқ истадим» (Қудсий ҳадис) — дея буюради. Яъни мен бутун дунёни яратдим ва бундан мурод баъзан меҳр (лутф), баъзан эса қаҳр билан кўриниш. Оллоҳ мураккаби атрофлича англатмоқ учун бир шарҳловчи нима деган гап, ҳатто оламнинг барча зарралари Уни таъриф этсалар ҳам, яна хатога йўл қўядилар, ожизликларини сезадилар. Демак, барча хилқатлар кечаю кундуз Ҳақни кўрсатмоқдалар. Фақат уларнинг баъзилари буни ҳам биладилар, ҳам кўрсатадилар, баъзилари эса бундан бехабар ва ғофилдирлар. Фақат нима бўлганда ҳам, изҳор-и Ҳақ событдир. Чунончи, амирнинг буйруғи билан калтакланаётган фуқаро бақириб-чақиради. Шу ўринда урган ҳам, урилган ҳам амирнинг буйруғини адо этаётганлари кўринади. Буни ҳамма билади. Тангрининг борлигини исбот қилган зот ҳамиша Ҳақни изҳор этади. Шу билан бирга, Унинг вужудини инкор қилган ҳам, аслида, Уни исбот этган бўлади. Чунки инкор қилинмаган нарсани исбот этиш — тасаввурга сифмайди ва бунинг ҳеч қандай завқи бўлмайди. Масалан, бир мунозарачи мажлисда ўртага маълум бир

масалани ташласа ва унга ҳеч ким қаршилик билдири-
маса, у нимани исбот қиласи. Зеро, исбот инкорга
қарши қилинсагина хуш бўлур. Олам — Оллоҳ вужу-
дини кўрсатмоқ учун чақирилган мажлис. Оллоҳнинг
борлигини қабул ва исбот қилган ёки қилмаган бўлса,
гўзаллик ҳам бўлмайди. Айни замонда, уларнинг ҳар
иккиси-да (исботчи ва инкорчи — тарж.) исботловчи-
дир.

Ёрон Амир-и Иёдишоннинг ҳузурига келганда, у
сўради: «Ҳаммангизнинг бу ерда нима ишингиз бор?»
Ёрон (дўстлар — тарж.) жавоб берди: «Кўпчилик бўлиб
юришимиздан мурод бирорга ёмонлик қилиш эмас,
балки ўз-ўзимизга далда, сабр-тоқат беришдир. Чунон-
чи, таъзияда ҳам ҳалқ тўпланади. Бу — ўлимни узок-
лаштиromoқ эмас. Мақсад — бошига мусибат тушган
одамга тасалли бермоқ ва ичидаги даҳшатни бироз
бўлса-да кетгизмоқ. «Мўминлар бир нафс-и воҳид ка-
бидирлар» (Ҳадис). Дарвешлар бир вужуд ҳукмидадир-
лар. Агар аъзоларидан биронтаси оғриса, қолганлари
ҳам оғрийди, музтариб бўлади. Яъни кўз куришни,
қулоқ эшишишни, тил гапиришни ташлаб, оғриган жой-
да бирлашадилар. Дўстликнинг шарти унинг учун ўзни
фидо қилмоқ ва мужодалага отилмоқдир. Чунки ҳам-
манинг юзи бир нарсага қаратилган ва бир дengизда
тарқ бўлгандир. Иймоннинг асари ҳамда Исломнинг
шарти ҳам — шу. Вужуд ташиган юк жон ташиган
юкка қандай ўхшасин? «Зарари йўқ. Зеро, бизлар Пар-
вардигоримизга қайтгувчидирмиз». Модомики, мўмин
ўзини Ҳаққа фидо этади, у ҳолда, балога гирифтор
бўлган чофида қўл-оёғини нечун қўйиб юбормайди? Мо-
домики, у Ҳаққа томон кетаётган экан, қўлу оёққа нима
ҳожат бор? Ваҳоланки, қўл-оёқ сенга Ундан (Ўзидан)
бу ёнга келишинг учун берилди. Энди уларни берган-
нинг томонига қўл-оёқсиз, худди Фиръавннинг сеҳр-
гарларидек кетсанг нима бўлади? Кумуш танли ёрнинг
қўлидан заҳар ичиш мумкин. Унинг аччик сўзини ҳам,
шакар янглиғ еса бўлади. Чунки ёр тотли, ҳатто жуда

тотлидир. Туз бўлган жойда ҳатто жигар ҳам ейишли. Янада яхсисини (эса) Оллоҳ билади.

ФАСЛ. Улуғ Тангри яхшилик ва ёмонликни ирода (истак (тарж.) этувчидир. Бироқ У хайрдан бошқа нарсага рози бўлмайди. Чунки «Мен яширин хазина эдим, билинмоқ истадим», (Қудсий ҳадис) — дея буюрилгандир. Ҳеч шубҳа йўқки, Тангри амр этади ва ман қиласди. Ходимнинг таъби берилган амрни истамаса, демак, бу ерда бир янгишлик бор. Масалан: «Эй оч, ширинлик ва шакар е!» дея амр қилинмайди. Бу амр эмас, балки икромдир. Ман этиш ҳам инсон ёқтирамайдиган нарсага нисбатан бўлмайди. Чунончи, тош ёки тикон ейишни ман қилиб бўлмайди. (Чунки тош ва тиконни ҳеч ким емайди-да). Бир хайрнинг майдонга келиши ёхуд ёмонликдан сақданмоқ учун худди мана шу ёмонликка майл қилган бир нафс бўлиши лозим. Бундай нафсни исташлик ёмонликни хоҳлашлиқ, демакдир. Бироқ У ёмонликка рози бўлмайди, бўлсайди, яхшиликни амр этмасди. Масалан, дарс бермоқчи бўлган мударрис толибларнинг билимсиз бўлишини ҳам хоҳлайди. Чунки билимсизлик бўлмаса, ўқитиш — ўргатиш ҳам бўлмайди. Бир нарса истамоқ, айни пайтда, унинг зарурларини ҳам истамоқдир. Ўқувчиларнинг билимсизлигини хоҳламаган ўқитувчи уларга ҳеч нарса ўргатмайди. Худди шундай, табиб ҳам ўз ҳунарини ишга солиш учун ҳамманинг касал бўлишини истайди. Чунки унинг ҳакимлиги халқнинг хасталиги билан вужуд топа олади (яъни унинг ҳакимлиги халқнинг хасталиги билан тирикдир — тарж.). Лекин халқнинг бемор бўлишига ҳам рози бўлмайди. Агар бунга рози бўлсайди, касалларни даволамасди. Пул топиш учун новвой ҳам халқнинг оч бўлишини истайди. Шу билан бирга, халқнинг очлигига унинг кўнгли рози эмас. Йўқса, нон сотмасди.

Амирлар ўз подшоҳларининг душманлари ва муҳолифлари бўлишини истайди. Чунки бусиз уларнинг мардлиги ва сultonга бўлган садоқатлари юзага чиқ-

масди. Султон ҳам муҳтож бўлмаса, амирларни бошига тўпламасди. Айни пайтда, булар муҳолифатга рози эмаслар, йўқса, уларга қарши курашишмасди. Инсон ҳам худди шундокдир. Унинг нафсида ёмонлик омилларининг бўлишини Тангри истайди. Чунки инсон шукр ва тоат қилгани севади. Бу — инсон нафсида шундай омилларнинг мавжудлигига далолат. Бир нарсанни истамак унинг зарурларини (у билан бирга бўлган нарсаларни ҳам) хоҳламақдир. Бироқ у (инсон — тарж.) бунга рози бўлмайди. Чунки у мужоҳада билан бу нарсаларни ўз нафсидан қува олади.

Англашиладики, инсон бир томондан яхшиликни, иккинчи томондан эса ёмонликни истамоқда. Кимдир эътиroz билдириши мумкин: «Инсон ҳеч қачон ёмонликни истамайди». Бу — имконсиз. Ахир, бир нарсанни истамак унинг зарурларини истамаслик билан мумкин эмас. Табиатан ёмонликка майл билдиromoқ-ла хайрдан нафрат этган саркаш бир нафс ҳам амр ва ман қилишнинг зарурлариридан. Дунёдаги барча ёмонликлар худди шу нафснинг зарурлари ҳисобланади. Ёмонлик ва нафсни ирода этмаган (хоҳламаган — тарж.) нафснинг зарури бўлган амр ва ман қилишни ҳам истамайди. Агар инсон яхшилик ва ёмонликка рози бўлсайди, уларни амр этмасди, ман қилмасди. Хулоса шуки, ёмонлик ўзга бирор учун исталади. Агар инсон ҳар яхшиликни истовчилар, дейилса, ёмонликни даф қилиш ҳам бир яхшилик ҳисобланади. Модомики, ёмонлик бартараф қилинмоқчи экан, бу фақат унинг (ёмонликнинг — тарж.) мавжудлиги билан бўлади. Ёхуд иймон талабгорларидан бири дейидики: «Иймон фақат куфрдан кейингина мумкинdir». Шунга кўра, куфр иймоннинг заруридир. Тўғридан-тўғрига ёмонликни исташ хунук, аммо хайр учун исталса-чи, хунук бўлолмайди. «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор»⁸¹

⁸¹ Куръон, 2-сурा, 179-оят.

дэя буюрилади. Ҳеч шубҳасиз, қасос ёмонликдир. (Бироқ) халқни қотилдан қутқариш — куллий бир хайр. Жузъий бир ёмонликни куллий бир хайр учун исташлик чиркин эмас. Оллоҳнинг жузъий иродасини тарк этиб, куллий ёмонликка рози бўлмоқ эса — чиркин. Она боласининг койилишини истамайди, бироқ буни ота хоҳлади. Чунки она жузъий, ота эса куллий ёмонликни кўради. Оллоҳ кўп ёрлақагувчи ва азоби шиддатлидир. У гуноҳларни вужуди билан ёрлақайди. Бир нарсани ирода этмак (истамак — тарж.) унинг зарурларини ҳам ирода этмакдир. Масалан, бизга эҳсон, тинчлик ва ислоҳ ила амр қиласи. Агар душманлик бўлмаса, бундай амрнинг нафи йўқ. Садр-и Ислом дейдики: «Оллоҳ йўлида (кураш учун молларингизни) сарфланглар»⁸² дея буюради. Бу билан У бизга мол топишни ҳам амр этади. Чунки мол уни топиш билан бўлади. Ахир, киши бировга: «Тур, намоз қил!» деса, бу билан у : «Сув топ, таҳорат ол!» деган, яъни намознинг зарурларини ҳам бажо келтиришни амр қилган бўлади.

ФАСЛ. Шукр — бир боф бўлса, неъматлар ширордир. Оллоҳ севган қулини балога дучор қиласи: сабр этса, йўзи учун сайлайди, шукр этса, кучлироқ суяди, бошқалардан айиради. Инсонларнинг баъзилари Оллоҳ қаҳри учун, баъзилари эса меҳри (лутфи) учун шукр қиласилар. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам хайрлидир. Чунки шукр қаҳрни лутфга айлантирган бир зидди заҳардир. Камолатга эришган ақдли инсон ошкор ёки гизли равишда жафоларига шукр қилган зотдир. Агар унинг мақсади оловга бормоқ эса, шукр-ла муродига сал аввалроқ етгуси. Чунки зоҳирий шикоят ботиндангины озайтиради. Пайғамбар: «Мен кўп кулгувчи ва кўп ўлдиргувчи одамман» (Ҳадис) дея буюрган. Яъни менинг жафокаш юзига қараб кулишим — унинг учун ўлим. Кулишдан мақсад шикоят ўрнига шукрдир.

⁸² Куръон, 2-сурा, 195-оят.

Ҳикоя: Асҳобдан бирининг уйида бир яҳудий яшарди. Кир ва қўл-оёғини ювганда, мағзавасини уй соҳибининг турар жойига оқизарди. Асҳобдан бўлган зот эса шикоят ўрнига шукр этар, оиласини ҳам шунга буюрарди. Орадан саккиз йил ўтди. Уй эгаси вафот қилди. Ҳол сўраш учун кирган яҳудий ўз мағзавасининг нималар қилганини кўрди ва шунча вақт ичидагу бу ерда не-не кўнгилсизликлар бўлганини англади. Ва: «Оллоҳ тақдирласин! Нега буни шу пайтгача айтмадингиз? Яна ташаккур ҳам билдириб туардингиз» деди. Марҳумнинг оиласи жавоб берди: «Раҳматли отамиз бизга шукр қилишни амр этар ва шукрни ташламанг, дея бизни қўрқитарди». Буларни эшишиб яҳудий тўлқинланди ва мусулмон бўлди.

Байт: (Инсонга мутриб қандай севинч ва завқ берса, яхши одамларни эсламоқ ҳам кишини ҳайратга етаклайди).

Шунинг учун ҳам, Оллоҳ Куръонда Пайғамбарлар ва солиҳ қулларини зикр этади. Улар амалга оширган ишларга қодир бўлгани ҳолда, гуноҳни мағфират этганларга шукронга келтиради.

Шукр неъмат сийнасини соғмоқдир. Кўкрак сут билан қанча тўла бўлса-да, соғмагуningча сут келмас. «Шукр этмаслик ва шукрга тўскىнлик қилаётган нарса нима ўзи?» — дея сўрашди. Шайх буюрди: Ношукрликнинг боиси очкўзликдир. Очкўз кимса ҳар доим қўлига киргандан кўпроғини истайди. Уни бу кўйга солган бало — суқдик. Кутганидан кам келиши — шукр йўлидаги бир тўсиқдир. Шунинг учун ҳам, у ўз нуқсонидан хабардор бўлмаганидек, бермоқчи бўлган нарсасининг қусуридан ҳам ғофилдир. Муҳаққақки, очкўзлик пишмаган, хом мева ёки гўштни еган билан тенг ва ношукрлик мутлақо бир касалликнинг чиқишига сабабдир. Заарали емиш еб қўйганини билган одам ундан қутулиши зарур. Улуғ Оллоҳ ўз ҳикмати билан уни ношукрлик хасталигига гирифтор этмиш. Шунинг учун ҳам, ушбу ёмон иллатдан ҳалос бўлиш

чорасини кўрмаган зотнинг бир касаллиги юз бўлур. «Уларни (куфр ва исёндан) қайтишлари учун кўп яхшилик (неъматлар) ва ёмонликлар (балолар) билан си наб кўрдик»⁸³. Яъни биз уларга кутилмаган ердан зирҳ кийдирамизки, бу файб оламидир. Уларнинг нуқтаи назарлари (қарашлари) Оллоҳга яқин бўлган сабабларни кўришдан нафрат қиласилар.

Боязид дедики: «Ё Роббий! Мен сенга ҳеч шерик қўшмадим!» Оллоҳ буюрди: «Эй Боязид, сут кечаси ҳам уртоқ қўшмадингми ва бу сут менга даҳл қилди, демадингми? Ҳолбуки, зарап ва фойда берган Менман!» Боязид сабабга боққани учун, Оллоҳ уни мушрик ҳисоблади ва унга сутдан аввал ҳамда сутдан кейин зарап берди. Фақат сутни бир гуноҳ, берган заарини эса муаллимнинг ўгити каби айлади. Агар ўқитувчи мева ейишни ман қиласа-ю, ўқувчи қулоқ солмаса, унинг оёғига уришади. Шунда ўқувчининг: «Мен мева едим, зарап оёғимга тегди» дейиши — нотўғри. Худди шундай, кимда-ким тилини Оллоҳга шерик қўшишдан сақласа, Оллоҳ унинг руҳини ширкдан тозалайди. Оллоҳ наздида оз кўпdir.

Ҳамд ва шукр ўртасидаги фарқ оддий: Шукр неъматларга жавобан бўлади, яъни «Мен унинг гўзаллигига ёки йигитлигига шукр қилдим» дейилмайди. Ҳамд эса умумийдир.

ФАСА. Бир одам жамоатга имомлик қиласкан, «Аъробийлар куфру нифоқда қаттиқроқ»⁸⁴ деган оятни ўқиди. У ерда араблар раҳнамоларидан бири бор эди ва у имомга яхшилаб бир тарсаки туширди. Имом навбатдаги ракатга «Аъробийлар орасида Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган... зотлар ҳам бор»⁸⁵ оятини ўқиди. Жавобан араб «Шапалоқ, ақлингни кир-

⁸³ Куръон.7-сурा, 168-оят.

⁸⁴ Куръон, 9-сурা, 97-оят.

⁸⁵ Куръон, 9-сурা, 99-оят.

гизди» деди. Аслида, биз файб оламидан ҳар куни бир шапалоқ еймиз. Бу эса қилган ёмонликларимиздан бизни узоқлаштиради. Бироқ биз яна бир ўзга нарсага қизиқамиз ва аҳвол бояги ҳолига қайтади. Шунинг учун ҳам, «Бизда тарсаки йўқдир» дея буюрилган. Бу хасиф ва казиф демакдир. Масалаларни тұхтатмак дұстдан айрилмакдан осонроқдир. Хасифдан мақсад — дунёга берилиш, унинг аҳлига айланиш. Масалан, бир одам овқат еса-ю, егани ошқозонида ҳазм бўлмаса — чиқаради (қайт қиласи). Ҳазм бўлган овқат эса инсоннинг бир парчасига айланажак. Шайхи қалбидан жой топмоқ учун лаганбардорлик қилган муриднинг иши орқага кетиши ҳеч гапмас. Бу — ейилган овқатни қайт қилишга ўшайди. Агар овқат чиқарилмаганда, албатта кишининг бир парчасига дұнарди. Ҳолбуки, ҳазм бўлмагани ва ачигани учун ундан воз кечилди. Худди шундай, вақти келиб шайх бўлишни орзу этган мурид ўзининг номаъқул хатти-ҳаракатлари туфайли шайхи кўнглидан жой топиш ўрнига унинг қалбидан қувилди.

Рубоий: (Сенинг ишқинг оламга даллол чақирилди ва қалбларни ҳаяжонга солди. Барчасини куйдирди, кулга айлантириди. Ниҳоят, эса (куйган дилларни — тарж.) келтирди-да, истиғно (эътиборсизлик, бепарвонлик — тарж.) елига берди).

Истиғно ҳавосида қалбнинг кул зарралари севиниб-севиниб ўйнайди, бақириб-чақириди. Агар бу бўлмаса, уларга хабарни ким келтиради ва ким (уларни) тозалайди. Агар кўнгиллар ўз ҳаётларини ўйин ва сафо ичра кўрмасалар, у ҳолда, нечун хануз ёнишга рағбат кўрсатмоқдалар?

Шундай бўлгани ҳолда, дунё шаҳватларининг оловида ёнган ва кулга айланган кўнгиллар сасларини ҳеч эшиштаяпсанми, улар гўзаллигини кўраяпсанми?

Шеър: (Исроф менинг табиатимда йўқдир. Менга тақдир этилган ризқнинг бир кун албатта келишини билдим. (Аммо) ризқни қўлга киритиш учун ишпла-

моқ менга заҳмат бераяпти. Ҳолбуки, ўтиришим билан заҳмат чекмасимдан аввал у оёғимга келаяпти).

Мен ризқ борасида бир яхши тажрибага эга кўри наман. Яъни эҳтиёж бўлмаса, у ёқдан бу ёққа чопиб қийналиш — одатим эмас. Олтин, кийим-кечак, озиқовқат ва шаҳват оловидан бўлган ризқим ўтирган ҳолимда ҳузуримга ташриф буюради. Агар уларнинг ортидан қувсам, бу иш мени чарчатади, азоблайди, қадру-қийматимни туширади. Агар сабр билан ўрнимда ўтирсан, ризқимнинг ўзи мени топади. Чунки у ҳам мени қидирмоқда. Мен ризқимни ўзимга тортмасдан у томонга қандай борсан, ризқим ҳам худди шундай — мени ўзига тортмай мен томонга келади.

Хулоса шу: Дин иши билан машғул бўлки, дунё сенинг ортингдан чопсин. Ўтирмоқдан муород ҳам, дин ишларининг бошида турмоқдир. Бунда инсон ҳар қанча елиб-югурса-да, дин учун бўлганидан ўтирган ҳисобланади. Агар дунё учун бўлса, ўтирган ҳолида ҳам киши юргурган ҳисобланади. «Агар инсон барча фамларини бир фам қилса, Оллоҳ унинг қолган қайғисини бартараф этади» (Ҳадис). Яъни кишининг ўнта қайғуси бўлса ва у дин қайғисини танласа, қолган тўққизини Оллоҳнинг ўзи унинг бошидан соқит айлар. Чунончи, анбиё-ю авлиё ном ва нон фамини қўйиб, Оллоҳ ризоси йўлида яшаганлари учун нонни ҳам, номни ҳам топдилар. Кимда ким Оллоҳ ризолигини олмоқ нияти билан яшаса, иккала дунёда ҳам Оллоҳ неъматларига ноил бўлган «Пайғамбарлар, ҳақ рост иймон эгалари, шаҳидлар ва фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар билан бирга бўлурлар»⁸⁶. Буларнинг ери борми, ҳатто Оллоҳ ила баробар бўлади. Ахир, «Мен мени зикр этганинг ҳамнишиниман» (Қудсий ҳадис) дея бу юрилган. Агар Оллоҳ ҳамнишин (сұхбатдош — тарж.) бўлмасайди, унинг қалбида Оллоҳ шавқи яшамасди.

⁸⁶ Куръон, 4-сурә, 69-оят.

Гул бўйи гулсиз, мушк ҳиди мушксиз бўлмайди. Бу фикрнинг ниҳояси йўқ, бўлса ҳам, бошқа сўзларга (фикрларга) сира ўхшамайди.

Мисра: Кечак тарж) кечиб кетди, бироқ бизнинг сўзимиз ҳануз битмади).

Бу дунёниг зулмати ва туни ўтади. Унда қолажак нарса — сўзнинг нури. Чунончи, пайғамбарларнинг умрлари кечди, бироқ сўзларининг зиёси ҳануз барҳаёт ва мангу тирикдир.

Мажнун тўғрисида «Агар Мажнун Лайлини севса, бунинг ҳеч ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Ахир, уларнинг ҳар иккиси ҳам ёш ва бир мактабда таҳсиш кўришарди-да» дедилар. Мажнун: «Бу одамлар гирт аҳмоқ! Қайси бир гўзал севилмайди?» — деди. Гўзал аёлга мойиллик билдирамаган эркак борми? Аёл ҳам худди шундай. Ишқ шундай нарсаки, ошиқ у билан тўяди, ота-она, ака-ука севгисини, бола-чақа муҳаббатини, шаҳват завқини ва ҳоказо ҳар турли лаззатни ундан (ишқдан) олади. Зайд ила Амир тил илмида қандай бир мисол ҳолига келган бўлса, Мажнун ҳам ошиқлар учун ана шундай мисоддир.

Рубоий: (Кабоб ва бошқа ҳарорат берувчи (кучли овқатлар — тарж.) нарсалар еб, устидан тоза шароб ичасан. Бу — рўёнгда тўхтовсиз равиша сув ичишинингга ўхшайди. (Аммо) уйғонишинг билан чанқаганингни сезасан. Ахир, тушда ичган сувнинг сенга фойдаси йўқда!).

«Дунё уйқудаги кишининг кўрган рўёси кабидир» (Ҳадис). Дунё ва унинг неъматлари тушда ейилган емишга ўхшайди. Демак, инсоннинг дунёвий нарсаларни исташи уйқудаги кишининг рўёсидаги истаги янглиғ бенафдир. Чунки уйғонгач, киши ҳеч нарса емаганини билади. Лутф ва эҳсон исталгани қадардир.

ФАСЛ. Биз инсоннинг барча ҳолларини бир-бир эсладик ва унинг вужуди-ю феъл-авторидан, қизиққонлиги-ю совуққонлигидан қилча ҳам нарса назаримиздан четда қолмади. Бироқ ундан боқий қолажак нар-

санинг нима эканлиги очиқ-ойдин бўлмади, дедим. Мавлоно буюрдики: Агар уни билмак фақатгина сўз билан мумкин бўлсайди, инсоннинг бунчалар ишлашга ва турли-туман мужодалаларга эҳтиёжи қолмасди. Ҳеч ким ўзини қийнамас ва фидо этмасди. Чунончи, денгизга келган одам тузли сув, балиқ ва тимсоҳдан бошқа нарса кўрмаса: «Дур қаерда экан ёки мутлақо йўқмикан?» дейди. Ҳолбуки, денгизни кўриш инжунинг ҳосил бўлиши эмас-ку! Агар денгиз сувини челаклаб юз минг марта ўлчаган-да ҳам дурни тополмайди. Уни топиш ва унга бориш учун ғоввос лозим. Лекин бу ҳар ғоввоснинг ҳам қўлидан келавермайди. У омадли ва маҳоратли бўлмоғи даркор. Бу хусусда ўрганилган билимлар ва ҳунарлар денгиз сувини челак-ла ўлчамакка ўхшайди. Инжуни топиш эса — тамомила бошқа бир нарса. Етмиш ҳунарли, мол-дунё ва гўзаллик соҳиби бўлган зотда биз назарда тутган маъно бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, кўримсиз ва ҳунуккина кишилар ҳам бордирки, улар ана шу маъно эгалари бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Мазкур одамларнинг қолган барча хилқатлардан устун қилган нарса маънодир. Қоплон, тимсоҳ, арслон ва ҳоказо мавжудотларнинг юз ҳунарлари-ю фазилатлари бўлгани ҳолда, ўлмас маънодан маҳрумдирлар. Агар инсон шу маънога йўл топган эса, у ўз устунлигини қўлга киритгандир. Йўқса, на устунлик ва на фазилатдан бир насибаси бор. Барча ҳунарлар ва безаклар инжуларни кўзгу орқасига жойлаштироқ кабидир. Ҳолбуки, кўзгунинг юзи бундан бехабар. Унга тозалик ва порлоқдик зарур. Ҳунук юзли одам ойна орқасидагини таъма қиласди. Гўзал юзлилар эса кўзгуга жон-жон деб қарашади. Чунки унда ўз гўзалликларини кўришади.

Юсуф-и Мисрий сафардан қайтган дўстига «Менга қандай совфа олиб келдинг?» деди. Дўсти «Сенда бўлмаган нарсанинг ўзи борми? Ахир, сенинг ҳеч нимага этиёжинг йўқ-ку! Шунга қарамай, сендан гўзал-

роқ зот бўлмагани сабабли ўз жамолингни кўриб туришинг учун бир ойна келтирдим», деб жавоб берди. Оллоҳнинг нимаси йўқ ва Унинг қандай эҳтиёжи бор? Оллоҳнинг ҳузурига ўзини тамоша қилиши учун порлоқ бир кўзгу элтмоқ даркор. «Оллоҳ сизнинг суратларингиз ва амалларингизга эмас, балки қалбларингизга ва ниятларингизга бокар» (Ҳадис).

Шеър: (У жойлар шундай мамлакатлардирки, нимани истасанг — топилур. Фақат карим (асл, жўмард — тарж.) одамлар топилмас).

У ер шундай бир шаҳарки, гўзал юзлилар ва кўнгилларнинг бошқа барча истаклари муҳайёдир. Бироқ бир дона ҳам ақдли одам тополмайсан. Кошки, бунинг акси бўлса! Бу шаҳар — инсоннинг вужуди. Агар унда сонсаноқсиз ҳунар қайнаб ётса-да, ўша маъно бўлмаса — беҳуда. Бундан кўра, унинг йўқ бўлиши дурустдордир. Агар маъно бўлса-ю зоҳирий безаклар топилмаса — хатарли эмас. Муҳими — рух маъмурлиги.

Ҳамма ҳолларда ҳам инсоннинг рухи Ҳақ ила банд. Зоҳирий машғуллик ботиний машғулликка моне бўлолмайди. Чунончи, ҳомиладор аёл иш билан ҳар қанча банд бўлса-да, бағридаги боласи ўсиб-ривожланиб бораверади. Ҳолбуки, онанинг бундан хабари йўқ. Инсон рухни ўз зиммасига олди. «Инсон уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (Ўзига) зулм қиувчи ва нодон эди»⁸⁷. (Бироқ) Улуғ Оллоҳ уни зулмат ва билимсизлик чоҳига ташламайди. Инсон шаклида юрган бир аёлга дўсту ошнолар келмоқда. Ахир, инсонни етаклаб юрувчи нурдан келаётган ёр-биродарларга нега ҳайрон бўлиш керак? Ўлимдан кейин ҳам унда ҳадсиз-ҳисобсиз нарсалар маъмур ҳолда зуҳур этаверади. Чунки рух дараҳт илдизига ўхшайди. Ва у гарчи тупроқ ичидаги бўлса-да, асари — шохларида намоён. Агар дараҳтнинг бирон шохи синса, илдизи бақув-

⁸⁷ Қуръон, 33-сурә, 72-оят.

ват бўлгани учун янгилари ўсиб чиқаверади. Агар илдиз чириган бўлса-чи, унда на шох ва на япроқ қолади. Улуғ Оллоҳ «Эй Пайғамбар, сенга салом бўлсин!» дея буюрди. Бу демакдирки: Сенга ва сенинг жинсингдан бўлганларга салом бўлсин! Агар Оллоҳнинг мақсади бундай бўлмасайди, Мустафо «Салом бизга ва солиҳ бандаларга бўлсин» демасди. Салом унинг ўзигагина тегишли бўлганда эди, пайғамбар солиҳ бандаларни илова қилмасди. Чунончи, пайғамбар таҳорат оларкан: «Намознинг ўзи саҳиҳ эмас, балки таҳорат-ла саҳиҳ-дир» — деди. Бундан мақсад муайян бир таҳорат эсайди, ҳеч кимнинг намози тӯғри бўлмасди. Чunksи бу ерда фақат Мустафонинг таҳорати ва намознинг сиҳати ҳақида гап кетяпти. У ҳолда, мақсад кимнинг таҳорати шу хилда бўлмаскан, унинг намози ҳам саҳиҳ эмас, демакдир. Масалан, «Бу гўё анор гулига ўхшайди» дейишиди. Бу — нима дегани? Анор гули шудир, деганими? Йўқ, асло! Балки бу анор гуллilar туридан, демакдир.

Бир қишлоқлик шаҳарлик оғайнисининг уйида меҳмон бўлди. Мезбон унинг олдига ҳолва қўйди. Иштаҳа билан еб бўлган қишлоқлик деди: «Мен сабзи еб ўргангандим. Ҳолвани егач, унинг (сабзининг) мазаси назаримдан қолди. Бироқ ҳар доим ҳам топа олмаслигим учун ҳолвадан-да совудим. Энди мен нима қиласай, қай нажотга бош урай?» деди. Шу тарзда қишлоқлик шаҳарни орзулади. Чunksи у ҳолвадан татиб кўрди, шаҳарлик унинг кўнглини ўғирлади. Энди у чорасиздир ва кўнглининг ортидан кетажакдир. Одам борки, саломидан ис ҳиди келади, одам борки, саломидан мушк бўйи таралади. Буни ҳид билиш хусусияти бўлган кишилар тушунишади. Кейин пушаймон бўлмаслик учун дўстликдан аввал кишини синаб билмак лозим. Бу — Ҳақнинг суннати. «Нафсингдан бошла» (Ҳадис) дея буюрилган. Агар нафс қуллик даъвосида бўлса, уни синамасдан қабул этма. Ахир, таҳорат олишдан олдин сувни кўриш билан қаноатланмай, ҳидлаб, тотиб ҳам

текширадилар. Фақат шундан кейингина юзларини ювадилар. Қалбингдаги яхши ёки ёмон ниятни Оллоҳу Акбар сенсиз (сендан ташқарида) ҳам намоён қиласаради. Дараҳт илдизининг тупроқ остида гизли сақлагани шоху баргларида зуҳур этади. «Уларнинг юзларидаги сажда изидан (қолган) белги аломатлари бордир»⁸⁸ дея амр қилинганидек, киши сенинг ичингдагини билмагани билан ранги рўйинг ошкор этмайдими?

ФАСА. Қидирмагунингча ҳеч нарсани тополмайсан. Бироқ дўст бундан мустасно! Чунки уни топмагунча қидирмайсан. Инсоннинг талаби тополмаган нарсасини кечаю кундуз изламак-ла вақт кечирмоқдир. Топилганни, яъни ҳосил бўлганни тилаш эса ажабланарли ҳол. Баъзи одам буни тасаввур этолмайди. Чунки инсоннинг талаби ҳали топмаган янги нарсасига кўра бўлади. Топилгандан кейин ҳам истамак эса, Ҳақнинг талабидир. Чунки Улуғ Оллоҳ ҳар нарсани топгандир ва ҳамма нарса Унинг қудратида мавжуддир. «Унинг иши фақатгина «Бўл» демоқлигидир. Бас, у (нарса) бўулур — вужудга келур»⁸⁹. У шарафли топғучидир. Вожид — (вужудга келтирган — тарж.) — ҳамма нарса топган зот. (Чунки у толиб ва ғолибдир) — дея буюрилганидек. Улуғ Оллоҳ толибдир. Шунинг учун ҳам: «Эй инсон! Сен шу қадар ҳодис ва одамнинг сифати мавжуд бўлган талабда қанча қатъий эсанг, мақсадингдан шунча узоқлашасан. Сенинг истагинг Ҳақнинг истагида йўқ бўлгуси. Ҳақнинг талаби илиа толиб бўлурсан», дедилар. Биттаси: Ҳақнинг авлиёси қайси бири? Ҳаққа восил бўлган қайсиси? Билолмаяпмиз. Билиш учун тузукроқ далилимиз ҳам йўқ. Сўз ҳам, иш ҳам, ҳатто каромат ҳам оғиримизни енгил қилмаяпти. Чунки сўз ўрганилган бўлиши мумкин. Иш ва каромат эса насронийларда ҳам бор. Чунки улар ҳам инсоннинг

⁸⁸ Куръон, 48-сурә, 29-оят.

⁸⁹ Куръон, 36-сурә, 62-оят.

қалбидан кечтан асрорни биладилар ва сеҳр ёрдамида ғалати нарсалар күрсата оладилар» — деди. Мавлоно: Сенинг бирон кишига иймон-ишончинг борми? — деб сўради. У «Албатта, ишонаман, ошиқман» деб жавоб берди. Мавлоно яна: Сенинг ул кишига бўлган иймон-ишончинг бир далилу аломатга асосланадими, йўқми, буларсиз ҳам (уни) севаверасанми? — деб сўрагач, у: «Худо сақласин! Мен уни далил ва аломатсиз севаман» деди. Шунда Мавлоно буюрди: Ундан бўлса, нега сен бир-бирига зид гапларни айтаяпсан?

Ҳар бир валий ва Улуғ зотлар: Ҳеч ким менчалик Ҳаққа яқин эмас ва Ҳақнинг ҳеч кимга менга бўлганчалик инояти йўқ, дея ўйлади. Мавлоно буюрдики: Бу гапни ким айтди: валийми, йўқса, валий бўлмаган бошқа кишими? Агар валий сўйлаган бўлса, демак у ҳар бир авлиёнинг ўзи тўғрисидаги ишончини билганига кўра иноятга мұяссар бўлмаган ҳисобланади. Агар валий бўлмаган зот айтган бўлса, ҳақиқатан ҳам у Ҳақнинг авлиёси ва хос қулидир. Чунки Улуғ Оллоҳ ушбу сирни барча авлиёлардан пинҳон тутгани ҳолда, ундан яширмагандир. Ул зот менга шу мисолни берди: Подшоҳнинг ўнта жорияси бор эди. Улар шоҳ ҳузурида «Қай биримиз энг азиз эканлигимизни билмоқчимиз» дедилар. Шоҳ: «Бу узук эртага кимнинг уйида бўлса, ўша мен учун энг азиздир», деди. Эртаси куни ўша узукдан ўн дона тайёрлатди ва жорияларнинг ҳар бирига биттадан берди. Буюрдики: Муаммо ҳал бўлмади. Айтганингиз жавоб эмас, бошқа нарсадир. Бу гапни ўн жориядан бири айтдими йўқса, ўзга бироми? Агар ўн жориядан бири айтган бўлса, демак у қўлидаги узукдан қолган жорияларда ҳам борлигини билади. У ҳолда, бу жориянинг бошқалардан афзаллиги йўқ, яъни шоҳ тарафидан кўпроқ севилган эмас. Агар бу гапни ўн жориядан бошқа биром айтган бўлса, демак, у подшоҳнинг севгани ва кўнглидагисидир.

Биттаси «Ошиқ тушкун, қийматсиз ва сабрли бўлиши керак» деди. Мавлоно буюрдики: Тўғри, аммо қачон-

ки, буни севилган (ёр, маъшуқа) истаса. Агар буни ёр истамаган бўлса, у ҳолда у — ошиқ эмас. Чунки «Ошиқ» ўз истаги ва ўз мақсади сари кетмоқда, демакдир. Агар у ёрнинг истагига риоя қиласа ва ёр ошиқнинг тушкунда қийматсиз бўлишини хоҳдамаса, унда бу қандай қилиб тушкун ва қийматсиз бўла олади? Англашиладики, ошиқнинг ҳоли маълум эмас, яъни маъшуқнинг истаги қандай эса, у ўшандай бўлишга маҳкум.

Исо буорган эди «Қандай қилиб ҳайвоннинг ҳайвон ейишига ҳайрон бўлай?» Зоҳирни қўрганлар де-йишадики: Модомики, инсон ҳам ҳайвон гўштини ер экан, демак у ҳайвондир. Бу — хато. Сабаб? Чунки инсон ҳайвонни эмас, жамодни (жисмни — тарж.) ейди. Яъни жонсиз нарса жисмдир. Ҳайвон ўлиши билан унинг ҳайвонлиги қолмайди. Мақсад шуки, шайх муридни беназир тарзда ютмоқда. Мен асл ва нодир бўлган шу ишга лолман.

Биттаси сўради: Иброҳим Намрудга «Менинг Оллоҳим ўликни тирилтиради ва тирикни ўлдиради» дея буорди. Намруд: «Мен ҳам биронни ишидан ҳайда-сам, уни ўлдирган ва биронга иш берсан, уни тирилтирган бўламан», — деб жавоб берди. Шунда Иброҳим гапидан қайтди ва бошқа далил келтирди: «Менинг Оллоҳим қуёшни машриқдан чиқариб мағрибда бо-тиради. Сен бунинг аксини қил», — деди. Кўринишдан бу фикр Иброҳимга зиддир. Мавлоно буордикни: Худо сақласин! Иброҳимнинг Намрудга жавоб тополмай гангиг қолиши — мумкин эмас. Иброҳим ўз фикри билан Улуф Оллоҳ болани раҳим (она қорни — тарж.) машриқидан чиқариб, қабристон мағрибда кўмади, демоқчидир. Демак, Иброҳимнинг ҳар иккала далили ҳам бирдир. Улуф Оллоҳ инсонни ҳар лаҳза янгидан яратади ва унинг ичига янги-янги нарсаларни йуллайди. Уларнинг бири иккинчисига, иккинчиси учинчи-сига сира ўхшамайди. Фақат инсон бундан — ўзидан гофиlldир (яъни ўзини танимайди).

Султон Маҳмудга жуда чиройли бир от келтирдилар. Байрам куни у отни миниб юрт айланди. Халқ

том-бошиларга чиқиб уни томоша қила бошлади. Факат бир сархуш одамгина ҳамма нарсадан бехабар қолганди. Ниҳоят, уни ҳам судрашди. Бироқ сархуш: «Мен ўзим билан машгулман. Уни кўришни, унга эътибор беришни истамайман», — деди. Шунга қарамасдан, Султон кўчадан ўтаётганда, бир кўз ташлаб: «Менинг олдимда бу отнинг қандай қиймати бор? Агар от менини бўлсайди, уни битта қўшиқ айтиб берган кишига ҳадя сифатида бериб юборардим» — деди. Султон эшитди ва разабланиб, сархушни зинданбанд қилдирди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин маҳбус ўзининг нима гуноҳи борлигини сўраттирди. Султон уни ҳузурига олиб келишларини буюрди. Келгач: «Эй одобиз довдир! У гапни айтишга қандай журъат этдинг?» деб сўради. Маҳбус: «Эй оламнинг шоҳи! У гапни мен айтмадим, балки бошқа бир одам айтди. Энди мен у эмасман. Мен ақдли ва закий одамман» деди. Султон унинг фикрларидан мамнун бўлди ва зарбоф тўн бериб озод қилди. Кимда-ким биз билан муносабатда бўлиб, бу шаробдан ичса ва у кейин қаерга бориб, ким билан бирга бўлса ҳам, ҳақиқатда биздан айрилмаяжакдир. Чунки бегоналар гурунги дўстлар суҳбатининг ойнасиdir. Ойна зидди билан маълум бўлади.

Абу Бакр Сиддиқ шакарни умумий деганди. Бу онадан туғма ширин, демакдир. Шунинг учун ҳам, қолган мевалар: «Биз аччиқликни tota-tota ниҳоят, ширинлик мартабасига эришдик. Сен ширинлик лаззатини қаердан ҳам билардинг? Ахир, аччиқни, унинг азобини тотиб кўрмадинг-да» дея шакарнинг олдида мақтанадилар.

ФАСЛ. (Инсон майли ўз чегарасидан чиққанда, дўстлик душманликка дунади).

Байтнинг маъносини сўрадилар. Мавлоно буюрдики: Душманлик олами дўстлик оламига нисбатан тор. Чунки одамлар дўстлик оламига етмоқ учун душманлик оламидан қочадилар. Ўз навбатида дўстлик олами ҳам дўстлик ва душманликни вужудга келтирган

оламга қиёсан тор. Дўстлик ва душманлик, инкор ва иймон иккилика сабабдир. Чунки куфр — инкор. Инкорчи учун инкор қилиши керак бўлган киши лозим бўлганидек, қабул этувчига ҳам қабул этиши шарт бўлган бир зот зарур. Шундан ҳам кўринадики, бирлик ва бегоналик иккилиги мавжуд. У одам эса куфр ва иймоннинг, дўстлик ва душманликнинг ташқарисидир. Модомики, дўстлик иккиликини пайдо қиласиз экан, демак, иккиликсиз, фақат бирликдан иборат бўлган олам бордир. Инсон унга эришиши билан дўстлик ва душманликдан чиқади. Чунки бу сифатлар у оламга сифмайди. Демак, у ерга етишган инсон иккиликтан халос бўлган зотдир. Иккилик, ишқ, ва дўстлик мавжуд бўлган дастлабки олам мазкур олам қаршисида фарибу бечорадир. Шунинг учун ҳам, энди (иккиликли олам — тарж.) исталмайди. Энди киши қийматсиз оламни ўзига душман бўлди ва ўзини йўқ қилди. Чунки унда Ҳақнинг дўстлиги ҳаддидан ошганди. Мансур «Ана-л Ҳақ» деди, яъни мен фано топдим, йўқ бўлдим. Ёлғиз қолган Зот Ҳақдир, демоқчи бўлди. Бу камтарињликдир. Бандаликнинг охирги нуқтасидир. Ҳолбуки, кимда-ким: «Сен ёлғиз Оллоҳсан ва мен сенинг қулингман» деса, бу улкан даъво ва манманликдир. Чунки бундай қилинган кимса ўз борлигини ҳам исботламоқчи бўлган ҳисобланади. Шу тарзда, иккилик юзага келмоқда. Ҳатто «У Оллоҳдир!» дейиш-да иккилиқдир. Чунки «Мен бўлмагунча «У» ҳам бўлмайди. Демак, «Ана-л Ҳақ»ни Ҳақ сўйлагандир. Зоро, Ундан файри бир борлиқ номавжуд эди. Худди шундай, Мансур ҳам йўқ бўлганди ва айтилган сўз Ҳақнинг сўзи эди. Ҳаёл олами тасаввурлар оламига қараганда янада кенгдир. Чунки бутун тасаввурлар хаёлдан туғилаади. Ўз навбатида хаёл олами ҳам уни бор этган оламнинг қаршисида йўқсиладир. Сўзла фақат шу қадари англашилади, холос. Йўқса, ҳақиқий маънонинг калима ва жумлаларда ошкор бўлмоғи имконсиздир.

Биттаси: «У ҳолда жумла ва сўзнинг фойдаси нимадир?» — деб сўради. Мавлоно буюрдики: Сўзнинг фойдаси шуки, сени истамакка йўллайди, илҳом беради. Йўқса, исталган (талаб қилинган) сўз-ла ҳосил бўлмайди. Агар ҳосил бўлсайди, мужоҳада-ю фидокорликнинг нима ҳожати бор эди? Чунончи, узоқда қимилалаган бирон нарсани пайқаган киши уни яхшироқ кўрмоқ учун орқасидан чопади. Ҳеч маҳал қимиламаган нарсанинг ҳаракати воситасида (уни) кўрмоқчи бўлмайди.

Инсоннинг нутқ қобилияти ҳам унинг ичидаги худди шундайдир. Сен уни кўрмайсан, у эса маъно талаби йўлида (сени — тарж.) гижгижлайди. Биттаси «Мен жуда кўп илмлар ўргандим ва бисёр маъноларга эга бўлдим. Бироқ инсонда боқий қолажак маънони аниқравшан билолмадим, унга йўл тополмадим» деди. Мавлоно буюрдики: Агар у фақатгина сўз-ла маълум бўлсайди, вужуднинг ўлишига ва бу қадар заҳматларга ҳожат қолмасди. Унинг учун шунчалик ишламоқ керакки... Йўқ бўлиб битгунгача чолишмофинг шарт. Биттаси «Мен Каъба ҳақида эшитган эдим. Лекин қанча тикилмайин Каъба кўринмаётир. Энди томбощига чиқай-да, қарай» дер ва яна кўролмагач, тоқати тоқ бўлади-да «Каъба йўқ!» дея уни инкор этади. Каъбани бу тарзда кўриб бўлмайди. Агар муҳтоҷ бўлмасанг, Каъбанинг ёнида туриб ҳам уни кўролмайсан. Чунончи қишида пўстинни жон-жон дея киясан. Чунки сен совуқ маҳали иссиққа талпинасан. Ҳолбуки, ёз келиши билан уни чиқариб отасан. Пўстин истамак исиниш учундир. Ўртадаги монелик (эҳтиёж) кўтарилиши ҳамон сен ундан воз кечасан.

«Осмон ёрилган»⁹⁰ ва «Ер ўзининг (энг даҳшатли) зилзиласи билан ларзага тушгани»⁹¹ сенга ишорадир.

⁹⁰ Куръон, 84-сурा, 1-оят.

⁹¹ Куръон, 99-сурा, 1-оят.

Яъни сен қовушиш мазасини тотиб күрдинг. Энди шундай бир кун келадики, унда сен парчаларнинг айрилиқ мазасини тотасан, у оламнинг кенглигини мушоҳада этасан ва бу торлиқдан қутуласан. Чунончи, чормихга қоқилган одам шу ер яхши дея ўйлаб, кутулиш завқини унутади. Чормихдан халос этилиши билан эса даҳшатли азоб ичра бўлганини англайди. Худди шундай, бешикда қўл-оёғи боғланган болакай ҳамроҳатланиб ётади, ўсиб-ривожланади. Агар кап-катта одамни бешикка беласалар, бу ер унинг учун зиндан ва азобга айланади. Баъзилар гунчани севса, бошқалар тўла-тўқис очилиб яйраб турган, яъни аслларига қовушган гулни афзал кўрадилар. Худди шундай, инсонлар борки, улар ҳеч қандай дўст-душманлик, ишқ, куфр ва иймон бўлмай, аслларига етишмоқни орзу этадилар. Чунки айтилганларнинг барчаси мисоли девор. Улар торлиқка, азоб-уқубатга ва иккилилка сабаб бўладилар. У олам эса кенг ва роҳатдир, иккиликсиздир. Сўз унчалик юксак нарса эмас, унинг куч-қудрати чекланган. Қандай ҳам юксак бўлсин, ахир, унинг бор-йўғи - сўз-ку! Муассир (таъсир қилувчи — тарж.) ва илҳом беरувчи Ҳақдир. У (сўз — тарж.) эса — ўртадаги парда. Ажаб, икки-уч ҳарфнинг тўпланиши қандай қилиб ҳаёт ва ҳаяжонга сабаб бўлади? Чунончи, бировга чин дилдан яхши сўзлар айтсанг, у севинади. Агар қўрс гапирсанг-чи, хафа бўлади, аччиқланади. Аслида, икки-учта калиманинг муҳаббат ва нафрат билан қандай алоқаси бор? Ҳамма гап шундаки, инсоннинг кўзи Оллоҳ Жамоли ва Камолини кўра оладиган даражада бўлмагани туфайли Яратганинг Ўзи сўзни сабаб ва парда айлади. Нозик пардалар тийрак кўзлар учундир. Пардалар орқасидан ҳукмлар берилади, сабаблар яратилади. Ҳаётнинг сабаби — нон эмас. Улуғ Оллоҳ уни бор-йўғи ҳаёт ва қувватнинг воситаси ўлароқ бор этди. Ниҳоят, у (нон) жонсиз бир жисмдир ва инсон ҳаётига эга эмас. (Чунки — тарж.) унда бир тириклик бўлсайди, ҳамма нарсадан оддин ўзига ҳаёт бағишларди.

ФАСА. («Эй қардош! Сен тушунчасан. Сенда бундан бошқа нима бўлса, суяк ва асабдир!). Мазкур байтнинг маъносини сўрадилар. Буюрдики: Сен маънога эътибор бер, у — шахсий бир тушунчага ишора. Биз уни кенгайтириш мақсадида тушунча (андиша) деб атадик. (Бироқ — тарж.) бу — одамлар наздидаги тушунча эмас. Бизнинг «андиша» сўзидан тушунганимиз ҳам шудир. Ушбу маънони яна ҳам содда ва умумий тарзда тушунтироқчи бўлсан, «Инсон гапирувчи ҳайвондир» деймиз. Бу ерда нутқ (сўз) хоҳ яширин, хоҳ ошкор бўлсин, тушунча демак ва ундан ташқариси ҳайвондир. Демак, инсон фикр ва тушунчадан ташкил топган. Қолгани (айтилганидек — тарж.) суяк ва асабдир. Бу сўз — тўғри ва у қўёшга ўхшайди. Қўёш ҳамиша барҳаётдир ва ҳамма нарса унинг шарофати билан ўсиб улғаяди. Бироқ қўёш қўзга сифмайди ва одамлар у туфайли тирик эканларини, исинаётганларини билмайдилар. Шунга қарамасдан, хоҳ шукр, хоҳ куфр билан айтилишидан қатъи назар, қўёш қўзга кўринади. Бу шунга ўхшайди: Қўёш ҳар замон кўкда порлаб турган бўлса-да, нури (масалан — тарж.) деворни ёритмагунча, қўзга кўринмайди. Худди шундай, ҳарф ва сас воситаси бўлмагунча, сўз қўёшининг порлаши ҳам юзага чиқмайди. Ҳар доим мавжуд бўлса ҳам, «Латиф ва кўринмас» (Куръон) дея буюралганидек, Унинг кўриниши учун қуюқлик зарур. Биттаси «Оллоҳнинг ҳеч бир маъноси унга кўринмайди ва илоҳий калом ҳам унинг учун ҳеч қандай маъно ифода қилмайди. Ҳатто (унинг) ўзи ҳам бундан ажабланарди. Қачонки, унга Оллоҳ бундай қилди, уни амр этди ва буни ман қилди» дейишганидан кейингина ўзига келди ва Оллоҳ каломининг маъносини тушунди. Демак, Оллоҳнинг латофати ҳар нақадар мавжуд бўлиб инсон узра йўз нурини сочса-да, Унинг амр ва таъқиқлар яратиш қудратини шарҳ қилмасалар, кўриш - англаш имконсиздир. Чунончи, асалнинг бир ўзини еёлмаган кишилар уни бошқа егуликларга аралашти-

риб ейди. Бора-бора күникилиб, улар қуввати ортаркан, асални ҳеч қандай воситасиз ея бошлайдилар. Биз ундан нутқнинг ҳамиша порловчи, латиф ва ҳеч қачон сўнмовчи бир қуёш эканини билиб олдик. Фақат сен қуёш зиёсини кўришинг ва ундан завқ олишинг учун моддий ҳамда қуюқ (яъни кўз кўра оладиган дараҷада аниқ - равшан — тарж.) бир воситага муҳтожсан. Ниҳоят, шундай бир ерга (мақомга — тарж.) эришасанки, унда сен ҳеч қандай воситасиз ҳам ўша нур ва латофатни кўурсан ҳамда унга кўнишиб, ҳеч тортинасдан томоша қила бошлайсан. Қувват оласан ва латофат денгизида ажойиб турфа ранглар ила гаройиб муносабатларга киришасан. Хоҳ гапир, хоҳ гапирма, бу ажойиб нутқ ҳамма вақт сен билан бирга бўлади. Ҳатто ўйлаган пайтингда ҳам сени тарк этмайди. Тушунчангда жон йўқлигига қарамай, нутқ мавжуд ва инсон гапирувчи ҳайвондир. Ҳайвонлик сенда ҳам бор. Жумладан, қанча яшасанг, нутқ ҳам шунча фурсат сен-ла баробардир. Чунончи, ҳайвоннинг кавш қайтариши унинг ҳайвонлиги намоён бўлишига бир сабаб. Бироқ доимо кавш қайтаришга ҳожат йўқ. Худди шундай, нутқнинг ҳам сўз айтиши ва гапириши лозим бўлса-да, бу ҳамиша ҳам шарт эмас.

Инсоннинг уч ҳоли мавжуд. Биринчиси: У Оллоҳнинг атрофида парвона бўлмайди. Хотин, эркақ, болачақа, мол-дунёга ва тошу тупроқдан бўлган (нарсаларга) хизмат қиласи, уларга топинади. Иккинчиси: Инсонда билим ва маърифат ҳосил бўлади-да, Оллоҳдан бошқага сигинмайди. Учинчиси: Инсон иккинчи ҳолда яна-да илгарилайди ва сукут сақлайди. На Оллоҳ хизматини қилаётганини ва на қилмаётганини тасдиқлайди. У ҳар икки мартабанинг ҳам ташқарисига чиққан ҳисобланади. Ундан бу дунёда бирон сас эшитиш — имконсиз. Унинг учун Оллоҳ на ҳозирдир ва на ғойиб, балки буларнинг ҳар иккаласини ҳам Яратгандир. Демак, Оллоҳ ҳузур (кўриниш, мавжудлик — тарж.) ва гайбдан мунаzzахдир (покизадир — тарж.). Чунки

агар ҳузур бўлса, ғайб бўлмаслиги, ғайб бўлса, ҳузур бўлмаслиги лозим. Ҳузурнинг ёнида ғайб бордир. Шунинг учун У ҳузур ва ғайб ила тавсиф этилмас. Бироқ зиддан зид майдонга келади. Зид зидни туғиши даркор. Чунки у ғайб ҳолида ҳузурни яратган бўлиши керак ва ҳузур ғайнинг зиддири. Ғайб учун ҳам изоҳ шундоқ. У ҳолда зиддан зиднинг пайдо бўлиши тўғри эмас ва Оллоҳнинг ўзига ўхшаганни яратиши номуво-фиқиқи қадар. Чунки Унинг жуфти йўқ, дейилган. Зоро, мумкин бўлса, ўхшашлик ўхшашини яратади. Ўшанда афзаллик ноафзаллик бўлади. Айни замонда, ҳар бир нарса ўз нафсини яратиши талаб қилинади. Ҳолбуки, буларнинг ҳар иккаласи ҳам мумкин эмас. Модомики, шу ергача келдинг, тўхта ва тасарруф этма. Ақлнинг тасарруфи шу ерда тугайди. Денгиз соҳилга урилиб тўхтайди. Чунки бундан буён тўхтамак ҳам қолмас.

Барча сўзлар, билимлар, ҳунарлар ва санъатлар бу сўздан лаззат оладилар. Усиз на ишда ва на санъатда маза бор. Аммо бундан фоя не? Билмайдилар ва билиш шарт ҳам эмас. Масалан, бир одам бой-бадавлат, сурув-сурув от-қўйларга, ер-сувларга эга аёлга уйланмоқ ниятида унинг подасини боқиб, ерини парвариш қиласа-да, завқни аёлнинг борлигидан олади. Чунки аёлсиз у буларнинг барчасидан совийди. Худди шундай, дунёнинг бутун ҳунарлари, илмлари ва ҳоказо ҳамма нарсалари ҳаётни, завқни ҳамда ҳароратни орифнинг нуридан оладилар. Завқсиз улар учун ҳамма ёқ ўликка айланади.

ФАСЛ. Буюрдики: Авваллари шеър айтган пайти-мизда бизни бунга ташвиқ ва тарғиб этиб турган бир ички туйгуни ҳис қиласардик. Энди бу туйгуларнинг таъсири сусайди, шунга қарамай, унинг асарлари ҳануз мавжуд. Оллоҳнинг одати шундоқдир. Ҳар нимаки туғилди, уни тарбия қиласи ва бундан улуғ асарлар, ҳикматлар майдонга чиқади. Ботиш вақтида ҳам ўша тарбия ўшадир, қоимдир. У «Машриқ ва мағриб-

нинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигоридир⁹². Маъноси: Оллоҳ туғилган ва ботган омилларни тарбия этади, демакдир.

Мутазила⁹³ дейдики: Амални яратган қул бўлганидек, ундан майдонга келган ҳар бир ишнинг яратувчиси ҳам яна қулдир. Ҳолбуки, бундай бўлмаслиги лозим. Чунки ундан майдонга келган ҳар амал ғолиб ақл, руҳ, қувват ва жисм каби олатлар воситаси иладир. Ёхуд воситасиз равишда юзага чиқади. Унинг воситалар билан амалларни яратувчиси бўлиши — нотурфи. Чунки у заифдир. Демак, олат қўмагида амаллар яратувчиси ҳам бўлолмайди. Сабаб — олат унинг ҳукми остида эмас ва унингсиз амаллар яратганинг бўлиши имконсиздир.

Олат йўқ экан, ундан бир иш ҳосил бўлиши ҳам мумкин эмас. Нихоят, очиқ-оидин маълум бўлаяптики, амаллар яратувчиси Ҳақдир, қул эмасдир. Ўзидан майдонга келган яхши ёки ёмон ишни қул муайян ниятда ва режа асосида амалга оширади. Бироқ ишнинг ҳикмати қул ўйлаганидек эмас. Балки шундайдир: Ишда ҳосил бўлган маъно, ҳикмат ва фойданинг нафи бор-йўғи ундан майдонга келган иш қадардир. Умумий фойдаларни ёлғиз Оллоҳ билади. Чунончи, сен охират ва дунёда яхши ном қозонмоқ ҳамда тинч бўлмоқ нияти билан намоз ўқийсан. Бироқ намознинг фойдаси сен ўйлаганчалик, яъни шу қадаргина эмас. Балки унинг ҳадсиз-ҳисобсиз фойдалари ҳам борки, булар сенинг тасаввурингга ҳам сифмайди. Улардан фақат Оллоҳгина боҳабардир. Қулни ишга йўллаган ҳам Удир. Кўринадики, инсон Оллоҳнинг қудрат қабзаси қўлида бир ёй кабидир. Оллоҳ уни истаган ишида қўллайди. Шунга кўра, ишларнинг муаллифи ёй

⁹² Куръон, 26-сурा, 28-оят.

⁹³ Мутазил — бир томонни тутган, демакдир. Юнон фалсафасининг Исломиятга таъсиридан кейин майдонга келган мазҳаб — тарж.

эмас, балки Ҳақдир. Ёй эса бор-йўғи олатдир, восита-дир. Лекин дунёнинг ўзи қарор беришда Ҳақдан ғофилдир. «Мен кимнинг қўлидаман?» дея ўзидан хабар олган ёй нақадар буюк ва муқаддасдир. Қарори ва устуни фафлат бўлган бу дунёга нима дейин?

Биронтасини уйқудан уйғотганларида унинг ҳаракатларида дунёдан зерикиб совугани сезилади. Сен буни пайқамаяпсанми? Инсоннинг болалигидан шу вақтгача ўсиб-улғайишининг боиси фафлат-ку! Йўқса, ҳеч ким ҳеч бир замон ўсмасди.Faфлат соясида ўсиб улғайгандан кейин эса, Улуғ Оллоҳ истар-истамас уни заҳмат ва муъжоҳадалар бағрига ташлайди. Мақсад — инсонни фафлатдан ювиб тозаламоқ. Шундан кейингина киши у оламга ошно бўла боради. Инсоннинг вужуди гўнг йифинига үхшайди. Бироқ бу гўнг йифини азиздир. Чунки унда подшоҳнинг узуги бор. Инсоннинг вужуди — гўё буғдой қопи. Шоҳ унга «Буғдойни қаерга олиб кетаяпсан, ахир, унинг ичида менинг ҳиссам бор?» дея бақирипти. Одам эса ҳиссадан ғофил ва буғдойга фарқ бўлган. Агар ундан хабардор бўлса, қандай қилиб буғдойга илтифот кўрсатади? Шунинг учун ҳам сени суфлий (тубан, паст — тарж.) оламдан улвий (юксак, юқори — тарж.) оламга тортган ҳар бир фикр ўша ҳиссанинг ташқарига урган аксидир. Агар инсон суфлий оламга майл билдириса, демакки, ундаги ҳисса пардалидир.

ФАСЛ. Биттаси: «Қози Иззадин сизга салом йўллади ва ҳар доим сизнинг яхшилигингиздан, хайрингиздан гапиради, сизни мақтайди» — деди. Мавлоно буюрдики: Кимки бизни хайр-ла ёд этса, унинг ҳам ёди дунёда хайрли бўлсин! Кимки, бошқа бирор ҳақида яхши гап айтса, бу аслида, унинг ўзига тегишли ва у ўзини мадҳ этган бўлади. Масалан, уйи-атрофини бўстонга айлантирган зот гулларга ҳар боққанда, ўзини ризвондагидек ҳис қиласди. Яхшиликни сўйлашгга одатланган кишилар хайр ишлар қилувчиларни ҳар хотирлаганда, гўё ёрини эсга олганидек севинадилар. Бирорнинг ёмонлигидан гап очилиши билан уларнинг кўз

олдида гүё илон ва чаён пайдо бўлади. Модомики, сен ҳам кеча-ю кундуз гулу бўстонни, Эрам боғларини кўра оларкансан, нечун тикон ва илонлар маконида дайдиб юрибсан? Барча одамларни севки, гулу гулзор аро бўлгайсан. Агар уларга душман қўзи билан қарасанг, ўзингни илону тиконлар қароргоҳига ташлаган бўлурсан. Ҳар кимни севган ва ҳар нимани хуш қабул этган авлиё буни ўзгалар учун эмас, балки ўз кўзларига чиркин, ёқимсиз ва жирканч хаёллар (Худо сақласин) келмасин, дея қиласидар. Модомики, бу дунёда одамларни тахайюл ва ёд этмак мутлақо зарурый ҳамда қочинилмас экан, у ҳолда, жирканч чиркин хаёллардан сақланмоқ учун инсонларни яхши вас-флар-ла эсла. Чунки ҳалқ тўғрисида қилган ҳар бир ишинг, уни яхшилик ё ёмонлик билан ёд этишинг сенга доирдир. Шунинг учун Улуғ Оллоҳ буюрдики: «Ким бирон яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнига қилур»⁹⁴. «Бас, ким (ҳаёти-дунёлик пайтида зарра мисқоличалик яхшилик қилса), қиёмат кунида ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур»⁹⁵.

Биттаси: Улуғ Оллоҳ «Мен Ерда (Одамни) халифа (ёрдамчи) қилмоқчиман»⁹⁶ — дея амр этади. Фаришталар: «Ерда бузғунчилик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз»⁹⁷ — дедилар. (Улар) Одам ҳали келмасдан (яратилмасдан — тарж.) оддин унинг фасодчи ва қон тўқувчи эканлигини қандай билдилар? — дея сўради. Мавлоно буюрдики: Бу ерда иккита нарса бор: бири — нақлий, иккинчиси — ақлий. На-

⁹⁴ Куръон, 41-сурा, 46-оят.

⁹⁵ Куръон, 99-сурा, 7-8-оятлар.

⁹⁶ Куръон, 2-сурा, 30-оят.

⁹⁷ Куръон, 2-сурা, 30-оят.

қлийда: фаришталар лавҳ-и маҳфузда (ривоятга кўра: Оллоҳ оламларни яратишдан аввал бир лавҳа ва бир қалам бор этди. Сўнгра қалам билан лавҳага ёзди — тарж.) бир қавм майдонга чиқади, уларнинг бунақа сифатлари бор, дея ўқидилар ҳамда боҳабар бўлдилар. Ақлий: Фаришталар ақллари орқали (яратилаётган — тарж.) қавмнинг ердан (тупроқдан — тарж.) бўлишини англадилар. Демак, улар (одамлар) шубҳасиз, ҳайвон бўлади ва албатта ҳайвон каби ҳаракат этади. Ҳатто улардаги маъно ва нутқдан қатъи назар, ҳайвонликлари туфайли чор-ночор фасод чиқардилар, қон тўқадилар. Чунки бу инсоннинг заруридир. Ўзга бир қавм ҳам бу борада дейдики: Малаклар нуқул ақл ва хайрлидир. Уларнинг ҳеч қандай ишда ихтиёрлари йўқ. Худди инсон уйқуда экан, куфр ёки тавҳидга муносабат билдиrolмаганидек, уйғоқ экан, фаришталар шундайдирлар. Инсонларнинг эса ихтиёрлари бор. Улар нарсаларни истай оладилар. Ва ҳаммасини ўзлариники бўлиши учун қон тўқадилар. Бу ҳайвон васфидир. Шунга кўра, уларнинг (малакларнинг — тарж.) ҳоли инсонлар ҳолига зиддир. Демак, ўртада тил бўлмаса-да, «Улар шундай дедилар» дея хабар бердилар. Чунки, масалан, шоир ёзадики: «Ховуз мен тўлдим, деди». Аслида, ҳовуз гапирмайди. Лекин унинг тили бўлсайди, шу ҳолда экан (сув тўлганда — тарж.) «Мен тўлдим!» дерди.

Ҳар маслакда бир лавҳа бордир. Фаришта дунёning ҳолини ва нима бўлажагини ўша лавҳадан ўқиб баҳоли қудрат билади. Ўқигани амалга ошиши билан Улуғ Оллоҳга бўлган инончи, ишқи ва Унда кечиши (мастлиги) яна-да ортади. Оллоҳ ғайбининг билувчилиги ва буюклигига ҳайратланади. Ҳайрат эса сўзсиз ва жумласиз равищда Унинг зикри, тасбеҳи бўлади. Чунончи, бир дурадгор шогирдига «Ушбу иморат учун шунча фишт, бунча ёғоч ва шу миқдорда тош, сомон кетади» дейди. Иморат битгандан кейин шогирд устозининг нақадар тўғри айтганини кўради — билади. Ва

унга бўлган ишончи янада кучаяди. Худди шундай улар ҳам мана шу даражададир.

Биттаси шайхдан: «Мустафо шунчалик буюк бўлганига ва у ҳақида «Сен бўлмасайдинг, фалакларни яратмасдим» (Ҳадис) дейилганига қарамай, Оллоҳга: «Эй Муҳаммаднинг Робби! Кошки, Муҳаммад бўлмасайди!» деди. Бу — қандай гап?» — дея сўради. Шайх буюрди: «Сўз (фикр — тарж.) мисол билан аёналашади. Мен ҳам бир мисол келтирай-да, сен тушунгин. Эшит: Фалон қишлоқда бир киши бир аёлга ошиқ бўлди. Уларнинг чодирлари бир-бираига жуда яқин эди ва ҳар доим биробар вақт ўтказишар, бир-бирларидан қувват олиб яшашарди. Узок йиллардан кейин Улуғ Оллоҳ уларни бойитди. Мол-қўй, ҳўкиз, от, олтин, турли-туман ашёлар, хизматчи ва қуллар бағишилади. Бойликлари ҳаддан ошганда, қишлоққа сифмай, шаҳар бордилар. Ва ҳар бири биттадан данғиллама сарой сотиб олиб яшай бошладилар. Бироқ ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, илгариги биргаликни, ширин дамларни қайтаролмадилар. Бир-бирининг ишқида пинҳона оҳ чекишишарди. Ниҳоят, бу азоб ҳам ҳаддидан ошганда, фарёдлари Оллоҳга етиб борди ва секин-аста бойликлари озайишга бошлиди. Кунлардан бир кун эса, та моман эски ҳолларига дўндилар. Шундан кейингина қишлоққа қайтишиб, яна ўша баробарлик ва завқ аро яшаб ўтдилар. Хўш, пайғамбаримиз нечун «Эй Муҳаммаднинг Робби! Кошки, Муҳаммад яратилмасайди!» деди? Чунки у Улуғ Оллоҳнинг вуслати ичра яшаётган эди. Худди балиқдек, раҳмат денгизига кириб чиқаётганди. Бу дунёда ҳар қанча шуҳратга, буюклика, шоҳликка, пайғамбарлик мақомига эришган ва шунча саҳобаларга бош бўлишига қарамай, эски ҳолини эслали билан дерки: Кошки пайғамбар бўлмасайдим, бу оламга келмасайдим! Чунки бу дунё... у мутлоқ висолнинг қаршисида бошдан оёқ юқ, азоб ва заҳматдир. Барча билимлар, меҳнатлар ва қулликлар Оллоҳнинг буюклиги ва инояти қаршисида гўё бош эгиб ҳур-

мат билан кетаётган (одамга) ўхшайди. Оллоҳга ҳурмат кўрсатишда бошингни ерга қўймоқчи бўлсанг, уни атиги бир мартаина қўясан. Оллоҳнинг ҳақи ва лутфи сенинг борлиғингдан ва ҳурматингдан муқаддамдир. Чунки У сени майдонга келтирди, бор этди ва бандаликка, ҳурмат кўрсатишга истеъдодли қилди. Жумладан, сен ҳам Унга қулликдан гап очаяпсан, лоф этајапсан. Қуллик ва хизмат гўё ёғоч ёки матодан қўғирчоқ ясад, Оллоҳдан: «Бу қўғирчоқлар менга ёқди, фақат уларга жон бағишиламоқ — Сенинг ишинг. Агар бағишиласанг, тирилтирган бўласан, бағишиламасанг — фармон Сенингдир!» дейишга ўхшайди.

Иброҳим буюрдики: «Парвардигорим тирилтириб ўлдирадиган зотдир»⁹⁸. Намруд ҳам деди: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман»⁹⁹. Улуғ Оллоҳ унга молмулк бергани учун ўзини қудратли ҳисоблаб, ишини Ҳаққа ҳавола этмади. Балки: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман» деди. Мулқдан мақсад — билим. Улуғ Оллоҳ инсонга мен иш ва амал-ла ҳаёт бағишилайман, завқ пайдо қиласман, дея ишларини ўзига боғлашиб учун ақл ва назокат берди. Бу — У тирилтиради ва ўлдиради, дегани эмас.

Биттаси буюк Мавлонодан сўради: «Иброҳим Намрудга «Албатта, Оллоҳ қуёшни Машриқдан чиқарди»¹⁰⁰. Агар сен худолик даъвосида бўлсанг, бунинг аксини кўрсат, деди. Бу не ҳолки, Намруд Иброҳими гап билан мот қилди. Чунки у (Иброҳим — тарж.) аввал айтган сўзини қўйиб, ўзга бир далил келтирди?».

Буюк Мавлоно буюрдики: Анавиларга ўхшаб сен ҳам валдираяпсан. Ахир, ҳар иккала мисол ҳам бирку! Уларнинг бир қанча маъноси бор. Бири: Улуғ Оллоҳ сени йўқликдан она қорнида бор этди. Сенинг маш-

⁹⁸ Куръон, 2-сурा, 258-оят.

⁹⁹ Куръон, 2-сурा, 258-оят.

¹⁰⁰ Куръон, 2-сурा, 258-оят.

риқинг — онанг қорни. У ерда туғилдинг — чиқдинг, юксалдинг. Ва мозор мағрибидан ботдинг. Бу дегани «Тирилтиради ва ўлдиради» демакдир. Агар сен құдрат соҳиби бұлсанг, болани мозор — мағрибидан чиқар-да, раҳим мағрибига элт, күрамиз! Бошқа маъноси шу: тоат, мушоҳада ва юксак илмлар воситасида орифда ойдинлик (зиёлилік — тарж.), ўзидан кечиш, завқ ва ҳузур ҳосил бұлади. Буларни тарк этса-чи, завқ ҳам йүқолади. Демак, тоат ҳоли билан тарк этиш ҳоли унинг машриқ ва мағриби ҳисобланади. Агар сен яратышга қодир бұлсанг, гуноҳ мағрибидан пайдо бўлган фасод ва ёмонликни ҳамда тоатдан туғилган ойдинлик ва роҳатни ҳозир, шу онда кўрсат. Кўрсатолмайсан! Чунки бу қулнинг иши эмас ва ҳеч қачон ҳеч бир қул бу ишнинг уддасидан чиқолмаган ва чиқолмайди. Сабаб: бу — Оллоҳнинг иши ва У қўёшни истаса фарбдан, истаса шарқдан чиқаради. «У тирилтирадиган ва ўлдирадиган зотдир»¹⁰¹.

Коғир ҳам мўмин ҳам уни тасбеҳ этади. Чунки Улуг Оллоҳ кимда ким тўғри йўлдан юрса, тўғри яшаса, шариат ва вали-ю набийлар тариқатларига кўра ҳаралтланса, унда ойдинлик, ҳаёт ва завқ ҳосил бўлажагидан хабар берган. Агар киши аксинча яшаса-чи, ҳар турли балоларга гирифтор бўлиши ҳам билдирилган. Кимdir йўлларнинг бунисидан кетса, бошқаси уни сини танлайди ва шу тарзда Оллоҳнинг ваъдаси қандай бўлса, ўшандай юзага чиқади. Демак, уларнинг ҳар иккиси ҳам, Оллоҳни тасбеҳ этган ҳисобланади. Фақат иккаласи икки хил тил билан. Улар орасидаги фарқ нимадан иборат? Чунончи, ўғрилик учун ўринни дорга осишса, у (ўғри) мусулмонларга воиздир. Яъни бу демакдирки, кимда-ким ўғрилик қылса, унинг ҳоли шудир. Тўғри ва ишончли бўлгани учун подшоҳ бошқа бир одамга зарбоф тўн ҳадя қилди. У ҳам мусул-

¹⁰¹ Куръон, 40-сурә, 68-оят.

монларнинг воизидир. Фақат ўғри ва зарбоф тўн соҳиби ўз тиллари билан ваъз этадилар. Сен улар орасидаги фарқقا боқ!

ФАСЛ. Буюрдики: қалайсан, хотириңг жамми? Чунки хотир жуда азиз нарсадир. У тузоқقا ўхшайди. Тутиш учун тузоқ мустаҳкам бўлиши керак. Йўқса, ҳеч ишга ярамайди. Шунинг учун ҳам, одамларга қаратилган дўстлик ва душманлик ҳаддидан ошмаслиги зарур. Чунки улар тузогининг синиши ҳам муқаррар. Мўътадиллик лозим. Дўстлик ҳам ҳаддан ошмаса, дуруст деганда албатта, Ҳақдан бошқага дўстлик назарда тутилади. Улуғ Оллоҳ тўғрисида ҳеч қандай ифrot (чуқур кетиш, ҳаддан ошиш — тарж.) тасаввурга сифмайди. Севги қанча қувватли бўлса, шунча яхшидир. Аммо ифrot нечун Ҳақдан бошқаси (яъни халқ — тарж.) учун мумкин эмас. Чунки халқ кўк қуббасининг асиридир. Кўк қуббаси дўнади. Жумладан, халқнинг аҳволи ҳам дўнади, ўзгаради. Дўстлик ифrotга борганда (ҳаддидан ошганда — тарж.) ҳамиша буюклик ва саодатни истайди. Бу эса — имконсиз. Шунинг учун хотир паришон бўлади. Душманлик ҳам ифrotга борганда, доимо ёмонлик ва баҳтсизликни хоҳладиди. Кўк қуббаси айланимоқда. Шунга кўра, унинг (одамнинг — тарж.) ҳоли ҳам ўзгаради ва у баъзан кулса, баъзан йиглайди. Инсоннинг ҳамма вақт бадбаҳт бўлиши мумкин бўлмагани учун, уни хушламаган кишининг тинчи йўқолади. Фақат Оллоҳ севгиси одамларнинг барчасида (ҳатто) коғирда, яхудию будпарастда ҳам яшириндир. Ахир, инсон ўзини яратганини қандай қилиб севмасин? (У севади) фақат севгиси унда гизлидир. Чунки айрим тўсиқлар борки, ишқнинг ошкор бўлиши — имконсиз. Қачонки, тўсиқлар ўртани бўшатади, севги юзага чиқади. Фақат борлиқлар эмас, ҳатто йўқликлар ҳам ўзларини бор этишини (Оллоҳдан — тарж.) умид қилиб яшайдилар. Йўқлик подшоҳ қаршисида саф тортган тўртта одамга ўхшайди. Уларнинг ҳар бири шоҳ менга бир мавқе беради, дея

кутади. Шу билан бирга, улар бир-бирларидан уяладилар. Чунки, бирининг умиди бошқасиникига мувофиқ эмас. Шунинг учун ҳам, йўқлик Оллоҳ хузурида тизилиб тураркан, уларнинг ҳар бири «Мени бор эт!» дея, қолганлардан аввалроқ яратилишни истайди. Йўқликлар шундай экан, борлиқлар қандай бўлиши керак. «Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини — поклашларини англамассизлар¹⁰². Бу сўзга ҳайрат этилмайди. (Чунки) йўқ бўлмаган ҳеч нарса йўқдирки, Унинг ҳамдини тасбеҳ этмасин. Фарид бўлган нарса шудир.

ШЕЪР: (Куфр ҳам, иймон ҳам сенинг йўлингда: «У бирдир. Унинг шериги йўқдир» — деб югуриб елишади).

Бу уйнинг тамали фафлатдан. Чунки оламдаги барча жисмларнинг ўсиши — фафлат меваси. Жумладан, сенинг вояга етган шу жуссанг ҳам ундан.Faflat — куфр. Куфр бўлмаса, дин бўлмайди. Чунки дин куфри тарк этмакдир. Демак, куфр бўлсинки, инсон ундан воз кеча олсин. Шунга кўра, буларнинг ҳар иккиси ҳам бир нарса. Чунки улар бир-бирисиз йўқдир. Улар қисмларга айрилмайди. Яратганлари (холиқлари) ҳам бирдир. Агар Ҳолиқлари бир бўлмасайди, айрилардилар, парчаланаардилар. Чунки ҳар бири бир бўлакни яратган ҳисобланарди. Шунга кўра, Яратган бир бўлгани учун Оллоҳ Бирдир. Унинг ўртоғи бўлмайди.

Дедиларки: «Сайийд Бурҳониддиннинг гўзал нутқи бор, лекин гап орасида Саноий шеърини қўп такрорлайди». Сайийд Буюрдикি: Бу эътиroz «Қуёш яхши, аммо бир айби — нури бор» дейишга ўхшайди. Саноий шеъридан мисол сифатида истифода этмакдан мақсад — фикрни ечиш, кўрсатиш. Ҳамма нарсани

¹⁰² Куръон, 17-сурә, 44-оят.

күрсатган қүёшdir ва ҳамма нарса унинг зиёси туфайли кўринади. Қуёш нуридан мурод — нарсаларни кўрсатиш. (Аммо)бу қуёш ишга яроқсиз нарсаларни кўрсатмоқда. Ишга яроқли нарсаларни кўрсатган қуёш ҳақиқийдир. Сиз ҳам жузъий ақлингиз нисбатида кўнгил қуёшидан билим зиёси олинг. Чунки бу ҳақиқат қуёшининг нури ва мажозидир. Сизга ошкор нарсалардан ўзга бири юз очса, билимингиз ортади. Ҳар бир устоздан ва дўстдан бирон нарса олишга интилинг. Кўринадики, ҳақиқий қуёшдан бошқа яна бир қуёш бор. Унинг ёрдамида эса, ҳақиқатлар ва маънолар кашф этилади. Сен мамнун бўлган жузъий билим буюк билимнинг нуридир. «Улар (гўё) узоқ бир жойдан чақирилаётган кишилар кабидирлар»¹⁰³ дея бу юрилганидек, бу нур сени ўша буюк билим ва асос қуёши томон чорлайди.

Сен у илмни ўзингга томон тортқилаяпсан. У дейдики: Мен бу ерга сифмайман, яхшиси, сен у ерга кел. Менинг бу ерга сифишим — имконсиз, сенинг у ерга келишинг — мушкул. Имконсизни яратмоқ — имконсиз. Бироқ мушкулни яратмоқ имконсиз эмас. Демак, ёлғиз чора — сенинг файратинг ва меҳнатинг орқали буюк илмга қовуша олиш. Унинг бу ерга сифишига эса, мутлақо умид этма. Чунончи, бойлар Оллоҳ давлатидан мисқоллаб, тийинлаб тўплайдилар. Буни улар бадавлатлик нуридан бадавлатлик сифатини қозонмок учун қиласидилар. Бадавлатлик нури дейдики: Мен у буюк бадавлатлик тарафидан сизни чорлаяпман. Сиз эса нега мени бу ерга тортасиз? Ахир, мен сифмайманку! Яхшиси, сиз келинг. Хулоса: Асл бўлган нарса натижадир. Натижа мақталсин! Бундай натижа илдизи руҳоний боғда, танаси, шохлари ва мевалари (яъни нури) ўзга жойда бўлган серҳосил дарахтга ўжшайди. Меваларни илдиз жойлашган бокقا элтадилар. Чунки

¹⁰³ Куръон, 41-сурा, 44-оят.

кўприк ўша ердадир. Агар аксинча бўлса-чи? Унда зоҳиран «Субҳоналлоҳ!» ва «Ла илаҳа иллаллоҳ!» дейилса-да, илдизи бу дунёда бўлгани учун меваларни ҳам шу ёққа олиб келишади. Агар ҳар иккиси ҳам у (руҳоний — тарж.) боғда бўлса, нур устига нурдир.

ФАСЛ. Акмалиддин: «Мавлонога ошиқман». Унинг юзини кўришни шу қадар истайманки, ҳатто охират ҳам хаёлимга келмайди. Мавлононинг нафсини бу тушиунчалар ва тадбирлардан озода, муnis кўраман. Унинг гўзаллигидан ҳаловат топаман. Сурати ва хаёлидан эса, менда лаззатлар ҳосил бўлади», — деди. Мавлоно буюрдики: Охират ва Ҳақ унинг хаёлига келмаса ҳам, булар дустликда пинҳондир. Халифа хузурида бир раққоса соз чаларди. Халифа дедики: «Санъатинг қўлларингдами?» Раққоса: «Оёқларимда ҳам бор» — деб жавоб берди. Чунки унинг қўлларидағи завқ оёқларидагининг бармоқларида гизли бўлганлигидандир. Шунга кўра, мурид ҳар нақадар охиратни ўйламасада, шайхни кўриш ва ундан айрилиш ҳиссини туйиш замираida ўша завқ бор. Фақат яшириндир. Кўздан ниҳондир. Масалан, бир киши ўғлини севиб эркаларкан, оталик, оқибатлилик, вафо, марҳамат, шафқат каби туйфуларни хаёлига келтирмаса-да, буларнинг барчаси унинг меҳрида пинҳондир. Худди шамолнинг дарахти яширин бўлганидек. Хоҳ ерда ва хоҳ сувда бўлсин, агар унда шамол бўлмасайди, олов (унга) таъсир қиласади. Чунки шамол — оловнинг еми, ҳаёти. Ахир, кўрмаяпсанми, пуфламоқ оловни жонлантирмоқда? Дарахт сувдами, тупроқда, қаерда бўлмасин, олов унда яшириндир. Йўқса, у (дарахт, ёроҷ — тарж.) сувнинг бетига қалқиб чиқмасди. Чунончи, сен гапи-раётган бўлсанг, бунинг учун нафақат оғиз, томоқ, тил, ақл, бурун ва лаблар керак, балки жумладан, вужуднинг қолган аъзолари, қолаверса, табиатлар, фалаклар ва арконлар, оламни тутиб турган ҳадсиз-ҳисобсиз сабаблар ҳам зарурдир. Кейин сен Оллоҳнинг сифат ва зот оламига эришасан. Булардан қатъи назар,

маъно сўзда қўринмайди ва майдонга чиқмайди. Фақат улар сўзда гизлидир. Инсон беихтиёр кунда бешолти марта турли кўнгилсизликларга дуч келади. Ва бу инсоннинг эмас, балки бошқа (Оллоҳ)нинг ихтиёридаги иш ҳамда У инсонни назорат қиласди. Чунки ёмон бир қылғилик натижаси азобдир. Агар назорат бўлмаса, бунинг жазосини ким беради? Инсон ожиз бўлишига қарамай, унинг табиати «Мен ўзга зотнинг ҳукми остидаман!» дея эътироф этишига монелик қиласди. Ва инсон бунга қаноатланмайди. «Одамни ўз шаклу шамойилида яратди» (Ҳадис), Оллоҳ унда бандалик сифатига зид бўлган Улуҳийят (Оллоҳнинг) васфини қарз сифатида қўйгандир. Инсон бошига қанча муштласа ҳам, ориятга айланган саркашликтан воз кечмаяпти ва барча омадсизликларини тездагина унутяпти. Барибир, бу — фойдасиз. Қарзга берилган Улуҳийятни қайтариб бермасдан кетма-кет тушаётган тарсакидан қутулиш мумкин эмас.

ФАСА: Бир ориф дедики: «Бироз ёзилайн дея гўлахга бордим. У ерда бош ўтёқар янги хизматкорни мақтар, бу эса жон-жаҳди билан ишларди. Ориф бош ўтёқарнинг шу сўзларини эшитди: «Агар ҳар доим шундай чаққон ишласанг, бир кун ўрнимни сенга бера-ман». Орифнинг кулгиси қистади ва ичидаги бир муаммонинг ҳал бўлганини ҳис этди. (Чунки) дунёдаги барча хўжайинлар қулларига нисбатан шундоқдир.

ФАСЛ: Биттаси «Мунажжимлардан бири: Сиз кўриб турганингиз фалаклар ва ер шаридан бошқа яна нимадир бор, дея даъво қиласяпсиз. Менинг кўз олдимда эса ҳеч нарса йўқ. Агар бўлса, кўрсатинг, деяпти» деди. Мавлоно буюрдики: Бу саволнинг ўзи — янгилиш. Чунки «Қаердалигини кўрсатинг ва унинг жойи йўқдир» деяпсиз. Хўп, айтинг-чи, сизнинг эътирозингиз қаерда ва қандай жойда? Тилда эмас, оғизда, кўкракда эмас. Жумлани таҳлил қил, уни қисмларга, зарраларга ажратиб боқ-чи, уларда эътиroz ва тушунчани тополармикансан? Демак, тушунчангнинг турар жойи

йўқлигини тушундинг. Модомики, ўз тушунчанг ерини билолмадинг, Яратганинг қароргоҳини қандай билласан? Сенда минглаб тушунчалар ва ҳоллар намоён бўлмоқда, бироқ булярнинг ҳеч бири сенинг қўл ва ҳукминг остида эмас. Агар улар ҳосил бўлган ерни билсанг, сен ҳам илова қила олардинг. Сенда ўтиш йўли бўлгани ҳолда, уларнинг қаердан келиб қаерга кетаётганидан хабарсизсан. Ўз аҳволингни билишдан ожиз бўлганинг ҳолда, Ҳолиқингни (Яратганингни) қайдан билласан? Ахлоқсиз қайинсинглиси бўлган бир одам: «(У) кўкда эмас» деди. Эй кўппак, кўкда эмаслигини қаердан билласан? Тўғри, сен осмонни қаричлаб ўлчадинг, кездинг, текширдинг. Бироқ уйингдаги номуссиз хотинни билмаганинг ҳолда, кўкни қандай билласан! Кўк, юлдузлар ва фалаклар тўғрисида бир-иккита гап эшитибоқ сен ҳам оғзингга келганини қайтармаяпсан. Агар чиндан ҳам сенинг билиминг бўлсайди ёки кўкка томон бир қаричгина кўтарилисайдинг, бу лофларни айтмасдинг. Бу «Тангри осмоннинг устида экан» деган хulosага олиб келмаслиги керак. Чунки у кўк ва коинотнинг ташқарисида бўлмаганидек, уларнинг ичида ҳам эмасдир. Яъни кўк ва коинот Уни эгаллаган бўлмай, У булярни қамрагандир.

Биттаси «Кўк, ер, арш ва курси бўлмасдан аввал У қаерда эди?» деб сўради. Биз дедикки: Бу савол (ҳам) нотўғри. Чунки Оллоҳ Удир ва Унинг ери йўқдир. Сен ўзингдаги нарсаларнинг жойини билдингмики, Унинг ерини сўроқлайсан? Модомики, Унинг ери йўқ, у ҳолда, сенинг тушунчаларинг ва аҳволингни жойи қандай қилиб тасаввур этилсин? Ниҳоят, тушунчани Яратган тушунчанинг ўзидан янада латифроқ бўлади. Масалан, меъмор ўзи соглан иморатидан латифдир. Чунки у бунга ўхшаш ва ўхшамаган мингларча уйнинг тархини чиза олади. Демак, уларни қуришга ҳам қодир. Шунга кўра, меъмор бинодан азиз ва латифдир. Факат лутф кўзга кўринмайди. У гўзаллик оламида майдонга келажак ўйлар ва ишлар орқали юз кўрсатади.

Нафас ҳам ёзда эмас, қишида күринади. Чунки ёз ҳам нафас янглиғ латиф бўлгани учун (нафасни) кўз илғамайди. Йўқса, ёзда нафас олинмайдими? Худди шундай, сенинг ҳам барча маъно ва васфларинг латифдир, кўзга кўринмасдир. Фақат қандайдир иш воситасида юзага чиқади. Чунончи, сендаги шафқат бир одамнинг гуноҳини кечирмагунингча пинҳондир. Худди шундай, инсондаги қаҳр ҳам қандайир айбдорни ушлаб олиб калтаклаганда ўзини танитади.

Удуғ Оллоҳ ҳам фавқулодда дутфкор бўлгани учун ҳам кўзга кўринмасдир. Шунга кўра, У ер ва кўкни Ўз қудратини ва санъатини намоён қилиш билан яратди. «Ахир, улар устларидағи осмонни — Биз уни қандай бино қилиб, (юлдузлар билан) безаб қўйганимизни ва унинг тешик-ёриқлари ҳам йўқ эканлигини кўрмадиларми?»¹⁰⁴.

Менинг сўзим менинг қўлимда (ихтиёrimda — тарж.) эмас. Шундан хафаман. Чунки дўстларимга ваъз айтгим келади-ю сўзим менга бўйсунмайди. Хурсанд бўлган томоним шуки, сўзим мендан юксакда ва мен унинг маҳкумиман. Чунки сўзни Оллоҳ айтса, у борган жойида ҳаёт бахш этади. «Уни отган сен эмассан. Уни Оллоҳ отди» (Қуръондан) буюрилганидек, Оллоҳ камонидан отилган ўқقا ҳеч қандай зирҳ бардош беролмайди. Севинчим — шундан.

Агар инсонни билимсизлик тарк этсайди, у ёнарди, қолмасди. Шунга кўра, борлиқнинг баҳоси билимсизлик-ла мумкин бўлгани учун билимсизлик матлубдир (исталган, изланган — тарж.). Билим ҳам Оллоҳни билишга сабаб бўлганидан исталади. Демак, ҳар иккаласи бир-бирининг ёрдамчисидир ва барча зид нарсалар шундоқдир. Кеча кундузниң ҳам зидди, ҳам ёрдамчиси ҳисобланади. Чунки кеча доимий бўлсайди, ҳеч қандай иш майдонга келмасди. Ҳар замон кун-

¹⁰⁴ Куръон, 50-сурә, 6-оят.

дуз бўлиши ҳам ўз навбатида, инсон аъзоларини ишдан чиқаради. Чунки кечаси истироҳат қилмасдан, кундузи сарфлаш мумкин эмас. Бироқ буларнинг барчаси ҳокимга кўра битта ишни бажарайтилар ва бир-бирларига зид эмаслар. Йўқса, кўрсатгин-чи, дунёда қай бир нарса нуқул ёмондирки, унда яхшилик бўлмасин ва қайси нарса фақат яхшидирки, унда ёмонлик бўлмасин? Чунончи, бир одам қон тўкмоқчи бўлди ва анчагина ёмон тадбирларни амалга ошириди. Бироқ худди ана шу ёмон ишлар (тадбирлар) унинг одам ўлдиришига монелик қиласа, хулоса шуки, улар яхшидир. Чунки ўлимнинг олдини олдилар. Шундай экан, яхшилик ва ёмонлик ажралмасдир, бир нарсадир. Биз мажусийлар билан мунозара қилганимизда, улар «Икки Тангри бор: бири яхшиликни, иккинчиси эса ёмонликни яратади» дедилар. Биз жавоб бердик: Сен ёмонликсиз бир яхшиликни кўрсатгинки, биз ёмонлик ва яхшиликни яратган икки худони эътироф этайлик. Бу — имконсиз. Чунки яхшилик ёмонликдан айро эмас. Модомики, бу — шундоқ, демак, улар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Кўрина-дикни, иккита яратувчи ҳақидаги гап лофлар. Биз сени «Шунга ишонмогинг шарт!» дея мажбурламаймиз. Фақат: «Аҳволнинг бундай эмаслигига қандай амин бўлдинг?» — деймиз. Эй кофирча, Оллоҳ буюрадики, «Улар ўзларининг улуғ бир Кунда — барча оламлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурида тик туриб (ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат) Кунида қайта тирилгувчи эканликларини ўйламайдиларми?»¹⁰⁵. Шундан кейин ҳам, сенда биз айтганларни ўйлаб кўриш фикри туғилмадими? Шунинг учун ҳам, кофирларни: «Сенда биронта ҳам истак майдонга келмадими? Нечун эҳтиёт бўлмадинг ва бизни истамадинг?» дея айблайдилар.

¹⁰⁵ Куръон, 83-сурә, 4-5-оятлар.

ФАСЛ. «Абу Бакр намози, рӯзаси ва садақаси билан қолган Асҳобдан афзал қўрилгани йўқ, балки қалбидаги иймони туфайли мукаррам бўлди» (Ҳадис).

Яъни Абу Бакрнинг устунлиги, унинг бошқаларга нисбатан кўп намоз ўқигани ёхуд рӯза тутганидан эмас, балки унинг Оллоҳга бўлган муҳаббати ва Оллоҳнинг унга бўлган иноятидандир. Қиёматда намозни, рӯзани, садақани... ҳамма-ҳаммасини тарозига қўярлар, фақат муҳаббат тарозига сифмайди. Англашиладики, асл бўлган нарса — муҳаббат. Ўзингда муҳаббат ҳис этишнинг ҳамоно унинг қувватланиши пайида бўл. Чунки ҳаракатда баракот бор. Йўқса, сармоядан айриласан. Ер белкурак билан ағдарилади ва у ўз бағрида ўсимлик ўсишига тайёр ҳолга келади. Йўқса, у қотади, яроқсизга чиқади. Сен тупроқдан тубан, ундан қийматсиз эмассан. Агар ўзингда пайдо бўлган бирон истакни ҳис этсанг: «Бу келиб кетишинг ҳеч бир фойдаси йўқ» дема. Сен ҳаракат қил, фойда эса ўзидан ҳосил бўлғуси. Одамнинг дўконга боришининг фойдаси унинг эҳтиёжи қондирилишидир. Оллоҳ ризқ беради. Бироқ уйда ўтириб ризқни кутган киши ундан бенасиб қолажак. Бола йиглайди, она сут беради. Агар: «Йиглашнинг фойдаси йўқ» дея индамаса, боланинг оч қолиши — муқаррар. «Руку ва сажданинг қандай нафи бор?» дейишлик ҳам шунга ўхшайди. Агар сен амирнинг олдида тиз чўкиб, таъзим бажо келтирсанг, у ҳам сенга марҳамат қиласди. Бироқ бу марҳамат амирнинг гўшти ёки терисида эмас. Чунки у ўлгандан кейин ҳам гўшт ва тери ўз ўрнида қолади. Демак, амирдаги мазкур туйғу кўринмасдир. Гўштсиз ва терисиз қилинган хизматнинг кўрилмаслиги эса жуда табиийдир. Агар у нарса гўшт ёки терида пинҳон бўлмасайди, Абу Жаҳл ва Мустафонинг ўргасида ҳеч қандай фарқ қолмасди. Зоҳиран, сағир ва соғнинг қулоғи бир хил. Аммо бири кар, иккинчиси эшитади. Эшитиш қобилияти соғ одамда ниҳондир, кўзга кўринмасдир. Демак, асл бўлган нарса — иноят. Сен бир Амирсан, сенинг икки-

та хизматкоринг бор. Бири сен учун тинмай меҳнат қиласа, иккинчиси дангасалик этади. Бироқ меҳнатсевардан кўра ишёқмас хизматкорга муҳаббатинг кўпроқ эканини кўраяпмиз. Чунки иноятга ҳукм этилмас. Масалан, жума кунини ҳам қолган кунлардан устун қилди. Чунки «Оллоҳнинг шундай ризқлари бордирки, улар Лавҳ-и маҳфузда ёзилган руҳлардан бошқадир. Қул уни жума куни истасин» (Ҳадис). Ажабо, жума куни нима хизматлар қилдики, қолган кунлар буни уддалай олмадилар? Гап шундаки, унга иноят воқе бўлгандир. Агар бир кўр «Мени кўр яратдилар. Бунда менинг айбим йўқ» дегани билан заҳмати енгиллаб қолмайди. Кофиirlар куфр азоби ичрадир, бироқ чукурроқ ўйлаб қарасак, ушбу азоб ҳам айни иноятдир. Чунки у роҳат ичра кўмилган пайтида Оллоҳни унутади. Азобланаёттанди эса, хотирлайди. Жаҳаннам кофиirlарнинг масжидидир. Чунки улар ўша ерда Оллоҳни ёд этадилар. Уларнинг билимсизлик пардалари йиртилади ва Оллоҳнинг борлигини тасдиқлаб: «Ё Rab! Ё Raҳmon! Ё Ҳақ!» дея йиглаб-сиқташади. Шунга қарамасдан, тузалишлари билан яна гафлат пардалари ҳосил бўлади. Оллоҳни эса йўқотадилар. Ҳолбுки, ғам-ғусса чекаркан, Оллоҳни зикр этардилар. Энди эса, қачонки, ҳузур-ҳаловат етганда, Оллоҳ уларнинг эсларидан чиқди. Шунинг учун ҳам, Оллоҳ Ўзини доимо ёдлаб туришлари учун уларга азоб-уқубатнираво кўради. Чунки Оллоҳ оламни, кўкни, ерни, қуёшни ва ойни, сайёраларни, яхшилик ва ёмонликни, Ўзини зикр (тасбех) этишларини, Ўзига бандалик қилишларини кўзлаб инсонни яратгандир. Кофиirlар ҳузурга қовушишлари билан ўз вазифаларидан ғофил қоладилар. Шунга кўра, жаҳаннам улар учун доимий ёдномадир. Мўминларнинг мashaққат чекишларига эса ҳожат йўқ. Чунки улар роҳат ичида бўлганда ҳам азобни унутмайдилар. Масалан, ақлли бола товонига теккан бир калтак зарбини ҳеч қачон унутмайди. Фақат аҳмоқларгина жазони эсдан чиқарадилар. Худди

шундай, ақлли от учун бир қамчи кифоя. Ахмоқ отга эса, кетма-кет ва тинимсиз қамчи уриш керак бўлади. Ҳатто бундай от инсонни ташишга лойик эмас. Унга гўнг юклаш лозим.

ФАСЛ. Қулоқнинг бир нарсани такрор-такрор эшитиши кўриш ҳукмига ўтади. Чунончи, кишига унинг ўз ота-онасидан туғилганини доимо айтиб, эслатиб келишган ва у бунга ишонади. Яъни эшитгани унинг учун ҳақиқат ҳукмини олгандир. Энди унга «Сен улардан туғилмадинг» дейишса, инонмайди. Худди шундай, сен ҳам Макка ва Бөғодд тўғрисида кўп эшитгансан. Модомики, биронтаси чиқиб «Бу шаҳарлар йўқ» деб қасам ичса ҳам, энди ишонмайсан. Чунки сенинг такрор-такрор эшитганинг кўриш ҳукмига тенг бўлгандир. Бир инсоннинг сўзи ҳамманинг оғзида бўлса, у бир шахс эмас балки юзта шахсадир. У берган битта хабар ҳам, юз минг хабар ўрнига ўтади. Сен бунга ҳайронсан. Зоҳир (дунё) шоҳи ҳар нақадар бир киши бўлса ҳам, юз мингта одамга баробардир. Агар юз мингта одам бирон нарсага айни хил қиймат берса, арзимасдир, унинг бир сўзи эса, мингнинг ўрнини босади. Зоҳирда (дунёда) шундай бўлгандан кейин руҳлар оламида ҳам шундоқдир. Сен оламни ҳар қанча айланган эсанг-да, Унинг учун бўлмагани туфайли зиммангта яна бир карра айланмоқ юки тушди. Чунки «Ерни айланаб сайру саёҳат қилинглар, сўнгра (пайғамбарларни) ёлғончи қилгувчиларнинг оқибати қандоқ бўлганини кўринглар»¹⁰⁶. Сенинг сайринг Унинг учун эмас, балки пиёз ва саримсоқ учун эди. Ва булар мақсадга айланаб сенинг кўз олдингда парда янглиғ тортилганди. Масалан, бозорда биронтасини астойдил қидираётган бўлсанг, ўзгаларни кўрмайсан. Кўрсанг ҳам, улар сенга хаёл бўлиб туюлади. Ёки керакли масалани китобдан излаётганингда, қолган масалаларга

¹⁰⁶ Куръон, 6-сурा, 11-оят.

мутлақо зътибор бермай үтасан. Шунинг учун ҳам, сенинг бундан бошқа бир мақсадинг (ниятинг) бўлиши ҳамда унинг ёди билан яшаб, қолган нарсаларни кўрмаслигинг керак эди.

Умар замонида жуда кексайиб қолган бир одам бўларди. Шу қадар қариб кучдан қолгандики, фарзанди (қизи) уни сут билан бокарди. Умар қизга «Бу замонда сен каби ўз отасига ҳақи үтган бола йўқдир» деди. Қиз: «Тўғри, аммо мен ва отам ўртамиизда бир фарқ бор. Яъни у мени ўстириб вояга етказган, боламга бирон корҳол бўлмасин, дея кечалари ёнимда титраб ўтириб чиққан. Ўз навбатида, мен ҳам отамга хизмат қиласяпман. Бироқ заҳматлардан қутулишини истаб, Оллоҳдан унга ўлим тиласяпман. Отамни мен учун босган титроғи менда йўқ. Нима қиласяинки, мен отам учун титрай олмаяпман?» — деб жавоб берди. Умар «Бу аёл Умардан зиёда фоқиҳдир» (фижҳ билимдони — тарж.) (Хадис) дея буюрди. Яъни мен кўришишга қараб ҳукм бердим, сен эса ўзни (моҳиятни, асосни — тарж.) сўйладинг. Нарсанинг асосини билган киши фоқиҳдир У ҳақиқатни айнан ва аниқ-равшан билади. Ажабо, Умарнинг ўзи ишлар ва сирлар ҳақиқатини билмайдими? (Билади). Бироқ асҳобнинг табиати шундайки, улар ўзларини кичик ҳисоблаб, бош-қаларни улуғлайдилар. Талай одамлар борки, уларнинг ҳузурга таҳаммуллари йўқ, аксинча, ҳоллари ғайбда яхши бўлади. Масалан, куннинг бутун ойдинлиги күёшдан. Лекин киши кун бўйи күёшга қараб ўтиrsa, кўзи қамашади, ҳеч бир иш қилолмайди. Шунга қўра, унинг бошқа бир иш билан машғул бўлиши дурустdir. Кўз күёшга боқмаслик борасида ғайбатда ҳисобланади. Худди шундай, бетобнинг олдида ширин таомлардан гап очиш, унинг қувват ва иштаҳасини орттиради, ҳаяжонлантиради. Аммо таомларнинг олдида бўлишлик унга зарар беради. Кўринадики, Ҳақни талаб қилишда ишқ ва титроқ лозимдир. Ким-даким титрамаса, унинг титраганларга хизмат этиши

вожиб бўлади. Дараҳт танасидан мева битадими? Чунки титроқ шоҳларнинг учидадир. Аммо тана шоҳларга қувват беради ва мева воситасида болта заҳридан сақланади. Дараҳт танасининг титраши фақат болта орқали бўлиши мумкинлигидан унинг титрамагани маъқулроқдир. Шунга кўра, у титраганлар хизматини адо этган бўлади.

Чунки у Муиниддиндир (дин ёрдамчиси — тарж.) Айн тепасига бир мим иловаси билан Айниддин Муиниддинга айлангандир. Яъни камол бир илова билан нуқсонга дўнгандир ва биргина Мим (М) ҳарфининг ортиқчалиги қусурни келтириб чиқарган. Чунончи, беш бармоқча бир бармоқ қўшилиб оз кўпга айланганига қарамай, бу ҳол қўл учун нуқсондир. Аҳад-камол, Аҳмад эса, ҳануз камол мақомида эмас. Ундан ҳам мим (М) ҳарфи чиқиши билан Аҳмад ҳам камол (Аҳад) топгуси. Яъни Ҳақ ҳамма нарсани меъёрида яратгандир. Уларга бирон нарса илова қилдингми, та мом, камол қусурга айланади. Бир сони барча сонларда мавжуддир ва усиз ҳеч қайси сон йўқдир.

Сайид Бурҳониддин фойдали нарсаларни буюар эди. Бир аҳмоқ одам унинг гапини бўлиб: «Бизга назири эшитилмаган бир сўз айт» деди. Сайид Бурҳониддин дедики: Агар сен беназирсан, кел, сенга беназир бир сўз сўйлай. Сен ўзингдан бир мисолсан ва бу — сен эмассан. Шу турган шахсинг сенинг соянгдир. Чунки бирор ўлганда: «Фалончи кетди» дейишади. Агар у бу бўлса, у қайга кетди? Демак, сенинг ташинг ичининг мисоли экани маълум бўлди. Сенинг зоҳирингга қараб ботининг тӯғрисида хulosса чиқарадилар. Кўзга кўринган ҳамма нарса қуюқдир (қалиндир). Масалан, ёзда кўринмаган нафас қишида кўринади. Чунки, совуқ қалиндир.

Набий Оллоҳ құдратини кўрсатиши ва даъват-ла халқни уйғотиши керак бўлади. Бироқ унинг бир кишини истеъдод мақомига эриштириши шарт эмас. Чунки бу — Оллоҳнинг иши. Ҳақнинг икки сифати бор:

Қаҳр ва меҳр (лутф). Пайғамбарлар буларнинг ҳар иккаласига ҳам мұяссар бўлгандир. Мұмиллар меҳрга, коғирлар эса, қаҳрга сазовор бўлган. Иймон ва куфр соҳиблари ўзларини набийларда кўрадилар ва ўз овозларини улардан эшитиб оладилар. Киши ўзининг борлигини инкор этмайди. Шунинг учун ҳам, набийлар умматига: «Биз сизмиз, сиз эса бизсиз. Ўртамиизда бегоналик йўқ» дейишади. «Бу — менинг қўлим» деган одамдан далил талаб қилинмайди. Чунки қўл унга боғли бўлган парчадир. Ҳолбуки, «Фалончи менинг ўғлим» дегандан эса, шоҳид истайдилар. Чунки фарзанд ундан айрилган парчадир.

ФАСА. Баъзилар: «Севги ҳурмат ва хизматни тақа-зо қиласди» дейишган. Бу — хато.

Эҳтимол, севилганинг орзуси ҳурмат ва хизматни талаб қилас. Агар маъшуқ ошиқнинг хизматда бўлишини хоҳласа, табиийки, хизмат қилинади. Агар истамаса, хизмат бўлмайди. (Лекин) хизматни адо этмаслик севгига зид нарса эмас. Чунки ошиқнинг ўзи хизмат этмаса-да, унинг севгиси хизматдадир. Ва асл бўлган ҳам севгидир. Агар енгчувалиб қолса, бу қўл ҳаракати натижасидир. (Аммо) қўл қимиirlаганда, енгнинг ҳам ҳаракатланиши мутлақо шарт эмас. Чунончи, бир киши кенг жубба ичидаги ҳаракатланганда, жуббанинг ҳам ҳаракатланиши зарур бўлмайди. Лекин жубба қимиirlаганда, ичидаги одамнинг ҳаракатсиз қолганлиги имконсиздир. Баъзилар жуббани уни кийган киши деб, енгини қўли деб ўйладилар. Шалвар почасини эса, оёқча йўядилар. Аслида-чи, бу «қўл» ва «оёқ» бошқа бир қўл ва оёқнинг енги-ю почасидир.

Амир келди. Бизни тўплади ва кетди. Бу асаларининг бол ва мумни йигиб қўйиб, ўзи учеб кетишига ўхшайди. Чунки арининг вужуди унинг бақоси учун шарт эмас. Ота-оналаримиз ҳам худди ана шу асалари кабидирлар. Улар ҳам истаганни (ошиқни) исталган (маъшуқ) билан бирлаштирадилар ва ўзлари учеб кетадилар. Улуг Омлоҳ уларни асал ва мум тўпламак-

да восита қилгандир. Улар кетгандан кейин мум, бол ва боғбон қолади. Буларнинг ўзлари бўстондан ташқари чиқолмайдилар. Чунки ташқари — чиқса бўладиган бир жой эмас. Улар бўстоннинг бир бурчагидан иккинчи бурчагига аранг бориб келиб турадилар. Бизнинг вужудимиз асалари сандигига ўхшайди. Сандиқдаги мум ва бол Оллоҳнинг ишқидир. Ота-оналар — асалари. Ва восита сифатида боғбондан тарбия оладилар. (Чунки) сандиқни ясаган боғбондир.

Улуғ Оллоҳ асалариларга ўзга бир шакл берган. Улар ўз ишларига мувофиқ кийингандир ва у оламга кетаркан, уст-бошларини яна ўзгартирадилар. Чунки у ерда асаларилардан бутунлай бошқа иш ҳосил бўлади. Фақат шахс ўша шахсадир. Аввал ким эса, ҳозир ҳам ўшадир. Бу — шунга ўхшайди. Жангга кетаётгандада киши ҳарбий кийимларни кияди ва қўлига қурол олади. Уруш тугаши ва тинч кунлар бошланиши билан эса, у бутунлай бошқа кийимларга эҳтиёж сезади. Чунки у ўзга бир иш билан машғул бўлади. Бироқ унинг шахси аввалгисидир, ўзгармагандир. Фақат сен уни бурунги кийимда кўрганинг учун ҳар хотирлаганингда ўша шаклда тасаввур этасан. Агар у юз марта кийим алмаштиrsa-да, ҳол айнидир. Биттаси узугини йўқотди. Бу орада узукни олиб кетган бўлишларига қарамай, у одам ўша жойда айланаверди. Бу билан у «Мен шу ерда узутимни йўқотдим», демоқчи бўлади. Ўлиб кетган бир яқини қабри атрофида айланиб, ҳеч нарсадан хабарсиз бўлган тупроқни ўпид тавоф этиш ҳам шунга ўхшайди. Яъни бу демакдирки: «Мен узукни шу ерда йўқотдим, уни қачон жойига элтиб қўйишади?».

Улуғ Оллоҳ шунчалик санъат кўрсатиб, қудратини изҳор этди ва ҳикмат-и Илоҳий учун икки руҳни бир жасадда бирлаштириди. Агар инсон жасад билан бир лаҳза баробар қолса, қўрқади. Улуғ Оллоҳ қалбни қўрқитмоқ ва қўрқувни тозаламоқ учун уни бир нишон қилгандир. Шу тарзда мозор ваҳшатидан ва қора

тупроқдан одамлар қалбидан құрқув пайдо бўлишини истайди. Масалан, карвон талангандан жойга белги сифатида икки-уч тошни териб тикка қилиб қўядилар. Бу демакдирки: «Бу ер таҳликали!». Мозорлар ҳам таҳликали жойни кўрсатувчи худди ана шундай аломатлардир. Қўрқув одамлар қалбларига таъсир этади. Бироқ унинг ҳаракат шаклида кўринишига ҳожат йўқ. Чунончи, «фalonчи сендан қўрқади» десалар, у кишидан бирон ҳаракат содир бўлмасданоқ, кўнглингда унга нисбатан бир илиқдик уйғонади. Агар: «Фалончи сендан ҳеч-да ҳайиқмайди» десалар-чи, сен уни ёмон кўра бошлайсан. Бу чопишдир. Ва у қўрқувнинг асари ҳисобланади. Бутун дунё чопмоқда. Бироқ ҳар кимнинг чопиши ўзига яраша бўлади. Яъни инсонники бошқача, руҳники бошқача ва ўсимликники бошқачадир. Руҳнинг чопиши одимсиз ва аломатсиз бўлади. Узум ҳам ранг олиб пишгунча неча-неча йўлларни босади. Фақат чопишлар кўзла кўрилмайди, ҳисла топилмайди. Бироқ чопганлиги туфайли бир мақомга эришгани маълум бўлади, холос. Масалан, сувга шўнғиб юзага чиқмай сузган одам кўзга кўринмайди. Фақат илкисдан бирон жойдан бошини чиқарса, бу ерга келгунга қадар сув кетидан қанча юргани аёналашади.

ФАСЛ. Дўстларнинг қалбидан шундай аламлар борки, улар ҳеч бир дори-дармон билан кетмайди. На уй, на саёҳат ва на таом улар жонларига аро киради. Бироқ «Дўстнинг юзи хастанинг шифосидир» деганларидек, дўстнинг юзини кўриш бетобга дармон бўлади. Бунинг қуввати шу даражадаки, ҳатто мунофиқ ҳам мўминлар даврасида ўтиrsa, уларнинг дўстлиги таъсирида мусулмон бўлади. «Иймон келтирган зотларга йўлиққанларида «Биз ҳам иймон келтирдик»¹⁰⁷, дедилар. Ақдли одамнинг қўлида ҳатто тупроқ каби

¹⁰⁷ Куръон, 2-сурा, 14-оят.

жисмлар ҳам гўзаллашади. Шундай экан, мўмин-ла мўминнинг суҳбатига эътибор бер-чи, улар қандай асарлар майдонга келтиради? Жузъий нафс ва муҳтасар ақлнинг суҳбатидан жамодод (жисмлар — тарж.) ҳам шундок мартабага эришди. Буларнинг ҳаммаси жузъий ақлнинг кўланкасиdir. Инсонни кўланкасидан унинг нима эканлиги қиёс этилади. Энди сен кўклар, ой ва қуёш ҳамда ернинг етти қаватининг майдонга келиши учун қандай ақл ва билим лозим бўлганини қиёсла. Ер ва осмон орасидаги барча нарсалар ҳамда бутун борлиқлар куллий ақлнинг соясиdir. Ақл-и жузъийнинг сояси инсонга муносиб шаклда бўлгани каби борлиқлардан иборат бўлган ақл-и куллнинг сояси ҳам шунга мувофиқdir. Оллоҳ авлиёлари бу кўклардан бошқа осмонларни-да мушоҳада этганлар. Фақат уларни кўз билан кўриб бўлмайди ҳамда авлиёлар наздида улар уфоқ ва ҳақирдирлар. Шунинг учун ҳам, авлиёлар уларга оёқ босиб ўтиб кетгандир.

Жон вилоятларида шундай кўклар бордирки, улар бу дунё кўкларига ҳокимдирлар.

Кўпчилик орасида бир кишининг мазкур хусусиятни қозониши ва оёғини Зуҳал юлдузига қўйиши нақадар ажабланарли бир ҳолдир.

Бизнинг ҳаммамиз тупроқ жинсидан бўлмаганмизми? Фақат Оллоҳ бизда бир қувват пайдо қилгандир ва унинг шарофати билан ўз жинсимиз орасида афзал бўлдик. Уни ўз тасарруфимизга олдик ва у ҳам бизни тасарруф этди. Шу вақтда уни истаган томонимизга олиб борамиз. Баъзан сарой қурамиз, баъзан эса, коса ясаймиз. Ва уни гоҳ қисқартиrsак, гоҳ узайтирамиз. Аслида, биз ҳам ўша тупроқ жинсидан эдик. Фақат Улуғ Оллоҳ берган қувват соясида бошқалардан устун бўлдик. Худди шундай, бизнинг орамиздан ҳам кимнидир Оллоҳ юксалтиради ва биз унинг қаршисида жамодга (жисмга — тарж.) айланамиз. У бизда тасарруф этар, аммо бизнинг бундан хабаримиз бўлма-

тани ҳолда, унинг хабари бордир. Бунга нечун ажабланиш керак? Хабарсизлик деганда, биз бутунлай ғофилликни назарда тутаётганимиз йўқ. Ҳатто бир нарса ҳақидаги ҳар хил хабарлар ҳам, ўзга бир нарсадан хабарсизлик, демакдир. Тупроқ-да жамод бўлишига қарамай, ўзига Улуғ Оллоҳ томонидан берилган ҳамма нарсадан воқифдир. Йўқса, қандай қилиб сувни қабул қиласди, ўсимликларни боқиб ўстиради? Агар инсон бирон ишга жиддий киришиб, доимо у билан машғул бўлса, унинг бу соҳадаги билимдонлиги қолган соҳалардан ғофиллиги, демакдир. Аммо бизнинг ушбу ғофилликдан қасдимиз тамомий фафлат эмас.

Мушукни тутмоқчи бўлдилар-у ишнинг уддасидан ҳеч чиқолмадилар. Кунлардан бир кун мушук қуш ови билан машғул экан, уни ушладилар. Демак, дунё ишларига бутунлай гарқ бўлмаслик, бир нарсага боғланмаслик ва бироз мўътадил ҳаракат этмак лозим. Аммо зинҳор у тойиб кетади, бу синиб битади, дея нарсага ружу қўймаслик керак. Муҳими — хазина зарап қўрмасин. Агар булар синса, алмаштириш мумкин. Худо қўрсатмасин, у синса-чи? Уни ким алмаштиради. Масалан, сенинг турли-туман матоларинг бўлса, мушкул аҳволга тушиб қолганингда, уларнинг қайси бирини оласан? Албатта, матоларнинг ҳаммаси ҳам керакли, лекин сен вазиятдан келиб чиқиб, хазинанинг энг нафисини танлайсан. Чунки бир дона инжу ва лаъл парчаси билан ҳар хил қимматбаҳо нарсаларни қўлга киритиш мумкин. Бир дараҳт мевалари орасида бир дона ширин мева пишди. Гарчи у дараҳтнинг бир бўлагидир. Бироқ Улуғ Оллоҳ уни мазали қилмак учун бутунидан афзал этган бўлиши керак. Чунки қолган мевалар у берган шириналардан маҳрумдирлар. Қўринадики, мазалилик воситасида парча бутунидан устун бўлди ва дараҳтнинг маъноси, моҳияти ҳолига келди.

Бир одам «Менинг шундай ҳолим борки, унга Муҳаммад ҳам, Оллоҳга энг яқин бўлган фаришта (ҳам)

сифмайди», деди. Галати! Кулнинг бир ҳоли бўлади-ю, унга Муҳаммад сифмаса! Муҳаммаднинг ҳам ана шундай ҳоллари озмиди, сен каби мискинлик уларга сифмасин? Масхарабоз қайгули подшоҳни хурсанд қилмоқчи эди. Шоҳ эса сувга қараб ўтираверди. Ниҳоят, масхарабоз «Сувда нимани кўриб қолдингки, кўзингни ундан узмайсан?» деб сўради. Шоҳ: «Бир номусизни кўраяпман» деб жавоб берганди. Масхарабоз деди: «Қулингиз ҳам кўр эмас, шоҳим!». Худди шундай, сенда ҳатто Муҳаммад ҳам сифмаган ҳол бўлади-ю, Муҳаммадда бўлмайдими? Аслида, сендаги ҳол унинг баракотидан эмасми? Чунки барча хайр-эҳсонни дастлаб унинг бошидан сочдилар. Ва Муҳаммаддан бошқаларга тарқалди. Улуғ Оллоҳ бутун сочқиларни сенинг устингга сочдим, дея буюрганди. Муҳаммад: «Солиҳ қуллар устига!» деганди.

Оллоҳнинг йўли жуда қўрқинчли, тўсиқди ва қорли эди. Биринчи ўлароқ, жонини хатарга қўйиб от сурган ва йўлни ёриб ўтган у бўлди. Ҳар кимнинг бу йўлдан юра олиши унинг раҳнамолиги ва инояти соясида мумкиндир. Йўлни дастлаб у топгани ва ҳар жойга: «Бу тарафга кетманг, адашасиз. Од ва Самуд қавмидек маҳв бўласиз. Бу ён эса мўминларнинг қутулиш йўлидир» дея аломат-белгилар қўйгани туфайли «Очиқ оят — аломатлар бордир»¹⁰⁸ дея буюрилганидек, бутун Қуръон шунинг баёнидадир. Яъни йўлларда ишоратлар тикланган. Агар уни бирон кимса йиқмоқчи бўлса, қолганлар қаршилик кўrsatiшлари муҳаққақдир. Сен эса Муҳаммаднинг йўлбошли эканини ниҳоят, бил! Чунки нимаики бўлмасин, аввал Муҳаммадга учрамасдан бизга келмайди. Масалан, сен бир жойга бормоқчи бўлсанг, дастлаб ақл раҳбарлик қиласди.

Инсон — ғофил. Фақат бошқалар ундан ғофил эмас. У ҳолда дунё ишларида жиддий ва қувватли бўлиш

¹⁰⁸ Қуръон, 3-сурә, 97-оят.

билин бирга, ишнинг ҳақиқатидан ғоғиллик лозим. Ҳамда ҳалқнинг эмас, балки Ҳақнинг ризосини талаб этиш зарур. Чунки ризо, севги ва шафқат одамларга қарз сифатида берилгандир.

Оллоҳ буюрадики: Оллоҳ истамаса, ҳеч қандай ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Барча сабаблар, неъматлар, озиқ-овқатлар ва ҳоказолар бўлишига қарамай, азобуқубат ва заҳмат ичра қолиш мумкин. Шу нуқтаи на-зардан, сабаблар Оллоҳ кўлида бир қаламдир, қаламни ҳаракатга келтириб ёзган Оллоҳдир. У истамагунча, қалам қимиirlамас.

Сен қаламга қараб: «Бунга бир қўл лозим» дея қўлни кўрмаяпсан. Қаламдан қўлни ажратяпсан. Кўрганинг қайдай-ю, деганинг қайдай! Улар эса ҳамиша қўлни кўрадилар ва: «Бунга бир қалам керак» дейдилар. Чунки қўлнинг гўзаллигига чўмилиб, инжалигидан завқ оларкан, қаламни кўришга уларнинг таҳаммуллари бўлмайди. Сен эса қаламни кўриш шавқига берилиб, қўлни ўйлашга фурсат тополмайсан. Яъни сен учун арпа noni ширин бўлганидан буғдой nonga аҳамият бермайсан. Улар эса буғдой non турганда, арпа nonни қандай истасинлар? Ниҳоят, Оллоҳ сенга ерда бир завқ бергани учун кўкни хоҳламайсан. Ҳолбуки, ҳақиқий завқнинг макони кўкдир. Ер унда тирик. Шундай экан, кўкдагилар ерни қандай қилиб хаёлларига келтириснлар?

Шунинг учун сен ҳам завқ ва лаззатларни сабаблардан билма. Чунки маъно сабабда қарз сифатида мавжуддир. Зарар ва фойда Ундандир. Модомики, шундоқ, у ҳолда, нега сен сабабларга ёпишиб оддинг?

Сўзнинг хайрлиси далолати кўп бўлганидир ва энг яхши сўз кўп бўлгани эмас, балки фойдалисидир.

Дедики: «У — Оллоҳ Бирдир»¹⁰⁹. Кўринишдан гарчи бу суранинг сўzlари оздир, бироқ узун бўлган «Бақа-

¹⁰⁹ Куръон, 112-сурा, 1-оят.

ра»¹¹⁰ сурасидан ифода ва баён нуқтаи назаридан устундир.

Нуҳ (пайғамбар) роса минг йил динга даъват қилди ва бор-йўғи қирқ киши унга бўйсунди. Мустафонинг даъват вақти ва қанча одамнинг унга итоат этганлиги — маълум. Ундан зуҳр этган авлиёлар сонининг саноғига етиш ҳам мушкул. Шу ҳолда, қиймат оз ёки кўплика эмас, балки ифода ва баёндадир.

Баъзиларга оз сўз кўпдан кўра кўпроқ фойдали бўлур. Чунончи, ҳаддан зиён қизиб, чарсиллаб турган тандирга яқинлашиб бўлмагани ҳолда, заиф бир чироқдан мингларча фойда олиш мумкин. Демак, мақсад фойдадир. Шундайлар ҳам борки, уларга кўришнинг ўзи — кифоя. Сўз улар учун заарлидир.

Ҳиндистонлик бир шайх улуғ бир зотни кўрмоқ ниятида Табризга йўл олди. Етиб келиб, хонақоҳ эшигига яқинлашганда, ичкаридан сас келди: «Орқага қайт! Сен учун хайрли бўлгани шу ерга қадар келишинг эди. Агар шайхни кўрсанг, бу сенга фақат зарар бўлади».

Оз, лекин фойдали бўлган сўз ёниб турган чироқнинг ёнмаган бошқа бир чироқни ўпид кетишига ўхшайди. Чунки бу унга етарлидир, муддаоси шудир ва у ҳосил бўлгандир.

Набий ўзининг кўринишидан иборат эмас. Кўриниши унинг исми. Набийнинг ўзи эса, ишқ ва муҳаббатдир! Боқийдир! Худди Солиҳнинг туяси каби. Унинг фақат юзигина туядир. Набий ўлмас ишқ ва севгидан иборатдир.

Биттаси сўрадики: «Нечун минорада фақат Оллоҳга сано айтмай, Муҳаммадни ҳам эслайдилар?». Унга дедиларки, «Муҳаммаднинг ҳамди Оллоҳнинг саноси эмасми?» Чунончи, бир одамнинг: «Оллоҳ подшоҳга ва менинг подшоҳга йўл топишимда ёрдамчи бўлганга

¹¹⁰ Куръон, 2-сурा.

ёхуд унинг исмини, сифатларини менга ўргатганга узун умр берсин!» дейиши аслида шоҳнинг мадҳидир.

Бу набий «Менга бирон нарсангизни: ё жуббангизни ёки молингизни беринг, эҳтиёжим бор» демоқда. У сенинг жуббангни нима қиласи? Гап шундаки, набий кийимингни қуёш нурининг сенга тегиши учун истамоқда. Қуръонда: «Оллоҳга қарзи ҳасана беринглар!» деде буюрилганидек, у сенинг юкингни енгиллатмоқчидир. Лекин у фақат мол ва жубба истагани йўқ, чунки сенга булардан бошқа нарсалар ҳам берилгандир. Масалан, илм, фикр, нуқтаи назар... Бу билан демоқчи бўладики: «Кўринишингни, ақлингни, фикрингни... ҳамма-ҳаммасини менга сарф эт. Ахир, молу дунёнгни мен берган олатлар-ла қўлга киритмаганмидинг?» Шу тарзда, у ҳам қушлардан, ҳам тузоқдан садақа истамоқда.

Қуёшнинг олдида ечина олсанг, яна яхши. Чунки бу қуёш одамни қорайтирмайди, қайтага оқартиради. Ҳеч қурса, кийимингни енгиллатки, қуёш тафтини сезасан. Ахир, сен нордонга кўниккансан, энди ширини ҳам татиб кўр.

ФАСЛ. Дунёда пешона тери билан ўрганилган ҳар илм ва баданлар илми ўлимдан кейин ҳосил бўлса, динлар илмидир.

Ана-л Ҳақ илмини билмак баданлар илми, Ана-л Ҳақ бўлмак эса динлар илмидир. Худди шундай, чироқ нурини ва тафтини кўрмоқ баданлар илми, уларда ёнмоқ эса динлар илмидир. Кўрилган ҳар бир нарса динлар илми бўлса, билимнинг ўзи илм и бадан ҳисобланади. Сен дейсанки: Мутлоқ бўлган нарса назар ва кўрмак, қолгани хаёл илмидир. Масалан, бир меъмор мактаб қуриш ҳақида ҳар қанча тахайюл этси ни бу иш савоб бўлса-да, ундан бўлгани — фақат хаёлдир. Қачонки, мактаб биноси қад кўтаради, хаёл ҳақиқатга дўнади. Хаёл билан хаёлнинг ҳам фарқи бор. Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиниңг хәёли саҳобалар хаёлидан устундир. Чунончи, бир меъмор ва оддий одам-

нинг иморат тўғрисидаги хаёллари бирдек эмас. Яъни меъморнинг хаёли ҳақиқатга яқин. Бироқ ҳақиқатлар оламида ҳам назар билан назар ўртасидаги фарқ бор. Зулмат ва нурдан бўлган етти юзтадан парда бор, дейишади. Хаёл оламига тегишли нарсаларнинг бари зулмат пардаси ва ҳақиқатлар оламидан бўлганларнинг ҳаммаси нур пардасидир. Фақат хаёл бўлган зулмат пардалари ўта латиф эканлиги учун ўртадаги фарқ кўринмайди. Муazzам ва теран тафовутга қарамай, ҳақиқатлардаги фарқ ҳам англашилмайди.

ФАСЛ. Дўзахийлар жаҳаннамда экан, дунёдагидан кўра кўпроқ мамнун бўладилар. Чунки дўзахда улар Оллоҳдан хабардордир. Дунёда эканликларида эса ғофил эдилар. Оллоҳдан хабардор бўлишдан тотлироқ нарса йўқ. У ҳолда, бир иш воситасида Оллоҳ лутфига муяссар ва Ундан бохабар бўлиш учун дунё исталади. Йўқса, дунё жаҳаннамдан гўзалроқ бўлгани учун эмас. Мунофиқлар дўзах тубига отилажаклар. Улар иймонли бўлиш имконига эга бўла туриб, қуфрга енгилгандари учун Оллоҳдан бохабар бўлгунга қадар азоб чекадилар. Ҳолбуки, кофирнинг ҳузурига иймон келмаган ва унинг қуфри ҳам заиф. Шунга кўра, енгил бир азоб ила ҳам Оллоҳни танийди.

«Дўзах эгалари жаннат эгаларига: «Бизларга ҳам сувдан ё Оллоҳ сизларни баҳраманд қилган нарсалардан тўкинглар» дея нидо қиласидилар»¹¹¹. Улар шароб ва озиқ-овқат истаяпти, деб ўйламанг. Уларнинг мақсади биз эришган файздан баҳраманд бўлишдир.

Қуръон бир келинга ўхшайди. Рўмолини олганинг билан у сенга юзини кўрсатмайди. Ёки у турфа хил юзларда кўриниш қудратига эга. Агар сен пардани очмай, бориб унинг даласида сидқидилдан хизмат этсанг ва ризосини истасанг, мутлақо сенга юзини кўрсатажакдир.

¹¹¹ Қуръон, 7-сурә, 50-оят.

Оллоҳ аҳдини излаки, «Бас, (солиҳ) бандаларим қато-рига киргин ва Менинг жаннатимга киргин!»¹¹² дея буюрилганидек, муродингга етурсан. Улуғ Оллоҳ ҳар кимга сўз айтмайди. Дунё шоҳлари ҳар тӯкувчи билан гаплашмайди. Балки вазир ва ноиб тайин этадики, булар подшоҳ сари йўл курсатурлар. Оллоҳ ҳам бир қулни сайлайди. Кимда-ким Оллоҳни қидирса, унинг ҳузурига борсин. Барча пайғамбарлар шу иш учун келгандир. Улардан ўзгалар йўл кўрсатмас.

ФАСЛ. Сирожиддин: «Бир масала сўйладим, ўзимга дард бўлди» деди. Буюрдики: Сени сўйламакка қўймаган малакдир. Ҳар нақадар сен уни кўрмасангда, шавқ, нафрат ва алам ҳиссини туйганинг онда, балки, у муваккалдир (бировни ўзига вакил этиб олган — тарж.). Масалан, сувда юрганингда бир томонда гуллар, бошқа томонда эса тиконлар борлигини сезасан. Аслида, сен уларни кўрмайсан, бироқ сув остидаги гулзорнинг мавжудлиги рўйи-ростдир. Буни вижданий дейишади ва бу ҳиссий бўлгандан равшанроқдир. Чунончи, очлик, чанқоқ ғазаб ва севинч янглиғ ҳислар беш туйфу билан пайқалмайди. Бироқ кўрингандардан яхшироқ маълумдир. Чунки агар кўзингни юмсанг, маҳсус нарсани кўрмайсан. Лекин ҳар қандай ҳийла билан ҳам очликдан кутулиб бўлмайди. Худди шундай, иссиқ ва совуқ, ширин ва аччиқ ҳам кўзга кўринмайди. Фақат кўрингандан кўпроқ ва хўпроқ зоҳирдир. Сен нега вужудга боқаяпсан? Ахир, сен усиз ҳам мавжудсан ва ҳар замон усизсан. Кечаси уйқу билан, кундузи иш билан машғулсан. У билан эса ишинг йўқ. Модомики, иш — бундоқ, яъни бир соат ҳам вужудга вақт ажратмаяпсан, нега яна унинг учун титраб-қақшайсан? Сен қаерда-ю вужуд қаерда? «Сен ҳам водийда, мен ҳам водийда». Вужуд улкан бир адаштирувчиdir. Сен уни ўлди, деб ўйладинг ва у ўлди

¹¹² Куръон, 99-сурә, 29-30-оятлар.

(шундоқми?) Ҳей (Оллоҳим!)... Сенинг вужуд-ла қандай алоқанг бор? У буюк кўзбўямачидир. Ҳатто Фиръавнинг сеҳргарлари ҳам озгина билиб қолганлари учун вужудларини фидо қилдилар. Улар вужудсиз ҳам қоим (мавжуд — тарж.) эканликларини кўрдилар. Вужуднинг улар билан ҳеч бир муносабати йўқ эди. Ҳудди шундай, Иброҳим, Исмоил ва қолган барча анбиёю авлиёлар ҳам воқиға бўлганлари ҳамоно вужуднинг бори-йўғидан кечдилар.

Ҳажжож афюн ичиб, бошини эшикка суяб: «Қимирлатманг, бошим тушиб кетади» дея бақиради. У шу ҳолда бошини гавдасидан айри, эшикка эса бирлашган дея ўйларди. Бизнинг ва халқнинг ҳолимиз ҳам шундок, яъни вужудга боғлимиз ва у билан қоиммиз, дея биламиз.

ФАСЛ. «Оллоҳ инсонни ўз сурати асосида яратди» (Ҳадис) Инсонлар доимо мазҳар (ўзини кўрсатувчи нарса — тарж.) қидирадилар. Баъзи аёллар ўрангандир ва ўзларини қанчалик қидирилганини (исталганини — тарж.) синамоқ учун юзларини очадилар. Ҳудди устарани синаганинг каби. Ошиқ севгилисига: «Мен ухламадим, овқат емадим. Сенсиз ёндим, куйдим» дейди. Бунинг маъноси шудир: «Сен бир мазҳар излаяпсан ва у менман. Сен мазҳарга маъшуқлик сотаяпсан». Олимлар ва санъаткорлар ҳам ҳамиша мазҳар қидирадилар. «Мен яширин хазина эдим, билинмоқ истадим» (Ҳадис) деб буюрилганидек: «Инсонни ўз сурати асосида яратди» (Ҳадис). Унинг ҳукмлари барча одамларда зухр этди. Чунки уларнинг ҳаммаси Оллоҳнинг соясидир ва бу соя соҳибига ўхшайди. Агар беш бармоқ очилса, сояси ҳам очилади, эгилса-чи, у ҳам эгилади. Шунга кўра, Ҳақни қидирган бир исталган ва сезилганни хоҳлайдики, ҳамма унинг дўсти, севгилиси ва итоаткори бўлишни орзу этади. Ҳамда душманларига душман, авлиёларига дўст бўлишни ҳам унутмайди. Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси Оллоҳ кўрсатган ҳукмлар сифатларидир. Соямизнинг биздан ха-

бари йўқ бўлишига қарамай, биз улардан воқифдирмиз. Лекин Оллоҳ билимининг қаршисида бизнинг хабаримиз хабарсизлик, демакдир. Шахснинг ҳамма қирралари унинг соясида акс этмайди. Худди шундай, Оллоҳнинг барча сифатлари ҳам бизда тўла-тўкис намоён бўлмайди. Фақат айримларигина кўринадики, «Айтинг: Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир»¹¹³ дея буюрилган.

ФАСЛ. Исадан сўралдики: Эй Оллоҳнинг руҳи! Дунё ва охиратда қай бир нарса энг буюк ва энг мушкулдир. Исо жавоб ўлароқ: «Оллоҳнинг ғазабидир» деди. Яна сўрадилар: «Инсонни бундан нима қутқаради?» Жавоб берди: «Ўз ғазабини енгиш ва шиддатини ютиши» (Куръондан). Йўл — шу бўлиши керак. Нафс шикоят этмоқчи бўлганда, инсон унинг аксини қиласди, яъни шукронга келтиради ва шу қадар муболагалайдики, натижада, қалбида севги майдонга келади. Чунки ёлғондан шукур қилмак, Оллоҳдан муҳаббат истамакдир.

Буюк Мавлоно шундай буоради: «Махлуқдан шикоят Холиқдан шикоятдир» (Куръондан). Сенга қарши қилинган душманлик ва сақланган кин гизлидир. Худди оловдек. Масалан, сачраган бир учқунни кўрсанг, тезда сўндирики, келган жойига — йўқликка дўнсин. Агар унга бошқа бир жавоб топмоқчи бўлсанг, учқун оловга айланади, адамдан келар, қайтармоқ эса азобдир. «Ёмонликни энг гўзал сўзлар билан даф қил!»¹¹⁴ ки, икки томондан душманни бартараф қилган бўласан. Бири шудир: Душман сенинг теринг ё гўштинг эмас, балки ёмон тушунчангдир. Узлуксиз адо этилган дуо кучи билан ундан қутулиш мумкин. Иккинчиси, қалбингда ма-

¹¹³ Куръон, 17-сурा, 85-оят.

¹¹⁴ Куръон, 23-сурा, 96-оят.

фират этиш васфи пайдо булиши билан сенга қарши қилинган ёмонловнинг ёлғон экани ошкор бўлади. Яъни у янгиш кўргандир. Модомики, сени бўлганинг каби кўрмадими, демак, ёмонланган унинг ўзидир, асло сен эмас. Ёрий ёлғончилигининг майдонга чиқишидан баттарроқ ҳеч бир нарса кишини уялтиrmайди. Кўринадики, сен шукр ва мақтov билан унга оғу бераяпсан. Чунки у сенинг нуқсонингни кўrsатса, сен унинг камолини намойиш этмоқдасан. Чунки сен Оллоҳнинг севгилисисан. «Оллоҳ яхшилик қилувчиларни севади» (Қўръондан) — дея буюрилганидек, Оллоҳ томонидан севилган кам бўлмайди. Уни шу қадар мақтаки, дўстлари: «Ажаб, бизга душман бўлдимики, у билан бунчалар яқинлашибди?» дея саросимага тушсинлар.

ШЕЪР: (Давлат соҳиби бўлсалар ҳам соқолини назокат билан юл. Агар осий бўлсалар, бўйинларига ҳукм билан ур.) Оллоҳ бизни бу йўлда музофар айласин!

ФАСЛ. Оллоҳ ва қул ўртасидаги парда бор-йўғи ана шу иккитадан иборатdir. Қолган пардалар улардан ҳосил бўлади. Булар: соғлиқ ва мол. Соғлом инсон: «Қани Оллоҳ? Мен кўрмаяпман!» дейди. Ҳолбуки, бирон жойи оғриб қолса: «Оҳ, Оллоҳ! Воҳ, Оллоҳ!» дея бошлиайди. Шунда унинг сири ва сўзи Оллоҳ билан бирлашади. Чунки соғлиқ — унинг пардаси. Оллоҳ эса оғриқнинг остида ниҳон экани кўрилади. Инсон мол ва насиби борлигига орзуларининг сабабларини тайёрлайди. Кечаю кундуз у билан шуғулланади. Фақирлик келар-келмас, иродаси заифлашади ва Оллоҳнинг атрофида айланиб қолади.

БАЙТ: (Менга сени мастилик ва фақирлик келтирди. Мен сенинг мастилик ва фақирлигингнинг қулиман!)

Улуғ Оллоҳ Фиръавнга тўрт юз йиллик умр, молмулк, шоҳлик ва унинг бошқа ҳар турли орзулари адосини насиб этди. Шунга қарамасдан, булар уни Оллоҳ ҳузуридан узоқлаштирган пардалар эди. Аммо «Ҳақни эсламасин», деган ниятда унинг истаклари рўёбга чи-

қарилгани йүқ. Фиръавнга ҳатто бир бош оғриғи ҳам берилмади.

(Ниҳоят), бир кун сен ўз муродинг-ла банд бўл ва бизни хотирлама, кечанг хайрли бўлсин! — деди.

БАЙТ: Сулаймон сенинг мулкингдан тўйди. Айюб балодан тўймади.

ФАСА. Буюрдики, инсон нафсида шундай бир нарса борки, ҳайвонларда йўқдир, дейишади. Аммо бу — инсон улардан ёмон, дегани эмас. Балки шундайдир: Инсондаги ёмон феъли-хўй, нафс ва бахтсизлик мавжуд бўлган яширин жавҳардандир.Faқат феъллар, бахтсизликлар ва ёмонликлар жавҳарнинг пардалари га айланган. Жавҳар қанча гўзал ва буюк бўлса, парда ҳам шунга ярашадир. Барча ёмонликлар жавҳар пардасининг воситаси ва парданинг кўтарилиши — имконсиз. Шунга қарамасдан, улкан мужоҳадалар сўнгидда мумкиндир. Мужоҳидлар ҳар хил. Мужоҳаданинг энг буюги — бу дунёдан юз ўгириб, Оллоҳга йўналган ёронга қўшилмоқ ва аралашмоқдир. Мужоҳада яхши ва тўғри бир дўст билан юзма-юз ўтиришдан мушкулроқ эмас. Чунки уларни кўрмак нафснинг эриб йўқ бўлишидир. Шунинг учун ҳам, илон қирқ йил инсонни кўрмаса, аждарҳога айланади, дейишади. Қаергаки, катта бир қулф оссалар, билгилки, у ерда нафис ва қимматли нарса бордир. Жумладан, қаердаки, парда қалин ва мустаҳкам бўлса, ўша ердаги жавҳар яхшироқдир. Чунончи, хазина устида илон ётади. Бироқ сен унинг хунуклигига эмас, дафинадаги нафис нарсаларга боқ!

ФАСА. Севгилим дедики: Фалончи нима билан яшайди?

Күшлар билан қанотлари ва ақллилар-ла уларнинг ҳиммат қанотлари орасидаги фарқ нимадан иборат? Фарқ шудир: Күшлар қанотлари воситасида ҳар тарафга учадилар. Ақллилар эса ҳиммат қанотлари билан ўз жиҳатларидан (томонларидан) учадилар. Ҳар отнинг бир бошпанаси бор. Оллоҳ ҳаммадан яхшироқ билгувчидир!

Бу Асрори Жалилнинг таҳрири Муқаддас мақбара-да, Жума куни, муборак Рамазон ойининг тұртқинчи-сида, 751 йилда ниҳоясига етди. Фаний бўлған Оллоҳ-га муҳтож киши мен — Баҳовуддин Малдойий ул-Одий-лийу-с-Сароий, Оллоҳ унинг сўзини яхши айласин!

Омин! Эй оламнинг Робби!

Адабий-бадиий нашр
МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ
ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДУР

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Мусаҳҳиҳ
Муҳаббат МЕНГНОРОВА

Бадиий муҳаррир
Уйгун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 09.01.2017 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\3

Босма тобоги 7,5. Шартли босма тобоги 12,60.

Гарнитура «Bookman Сут+Uzb». Офсет қофоз.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 13\016.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: AI № 252. 2014 йил 10.02 да берилган

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди
100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; Маркетинг бўлими – 128-78-44;
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru



Жалолиддин Румий (1207–1273)

Жаҳон адабиётининг муazzам сиймоларидан бири. У ўзидан кейинги Шарқ ва Farb сўз санъатига катта таъсир ўтказди. Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби буюк сўз усталари Мавлонони ўзларига устоз деб билишган.

Жалолиддин Румий 1207 йилда қадимий Балх шаҳрида ўз даврининг машҳур мутасаввифуф донишманди, иирик хатиб ва воизи булған Баҳоваддин Валад оиласида дунёга келади.

Мавлоно Румий ўзидан кейинги авлодларга беш муҳим ва қимматбаҳо асар қолдиради.

Улар:

1. “Девони кабир”, “Девони шамси Табризий”, “Девони шамсул Ҳақойиқ” деган номлар билан машҳур девон. Девон уч мингдан ортиқ шеърни ўз ичига олган.
2. “Маснавий маънавий” – 25700 байтдан иборат бебаҳо тасаввифий-ишқий асар.
3. “Фийҳи ма фийҳи” (“Ичиндаги ичиндадур”) – Мавлононинг сұхбатларидан иборат фалсафий китоб.
4. “Мавоизи мажолиси саъба” – Румийнинг етти ўгит ва панд-насиҳатларидан иборат асар.
5. “Мактубот” – Мавлононинг турли даврларда замондошлиарига ёзган мактубларидан ташкил топган тұплам.

ISBN 978-9943-27-365-8



9 789943 273658



ЯНГИ АСР АВЛОДИ